

84(56)
Б99

Луқмон Бўрихон



Қуёш
Хали
ган



CN0000033522

Луқмон
Бўрихон



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2015

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7
Б99


Бўрихон, Лукмон

Б99 Қуёш ҳали ботмаган: қиссалар ва хикоялар /
Л. Бўрихон. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2015.
–368 б.

ISBN 978-9943-28-403-6

Қўлингиздаги ушбу тўпламга ёзувчи Лукмон Бўрихоннинг бир неча қисса ва хикоялари киритилган бўлиб, уларнинг ҳеч бири ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Мутолаа давомида китобхон бадиий тил нафосатидан, тиник жонли тасвирлар жозибасидан завқ-шавққа тўлади. Адиб яратган замондошлар образи, уларнинг қувонч ва ташвишлари беихтиёр ўқувчи кўнглига кириб боради. Бу китобхонни ҳаёт, муҳаббат ва нафрат ҳақида теранроқ фикрлашга ундайди.

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7



ISBN 978-9943-28-403-6

© Лукмон Бўрихон, 2015.
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2015.



БАДИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИ

Такдирнинг ишлари қизик. У одамни ўзи ҳеч қутмаган, ҳатто, ҳаёлига ҳам келтирмаган йўллардан юргизади. Баъзан яқиним деб юрганлардан узоқлаштириб, баъзида борлиги кўнгли кўчасидан ҳам ўтмаган кишилар билан ялакат мағиздай ажралмас қилиб қўяди. Олам ва одамга қарашлари ҳамда ифода йўсинидаги ўзига хослиги билан анча танилиб қолган ёзувчи Лукмон Бўрихонни жуда кеч танидим. Лукмон билан илк бор кўришганимда у қатор қисса ва ҳикоялар чиқарган, ҳатто, «Жазирамадаги одамлар» романини ёзиб, қўлёзмасини кимга ўқитишни билмай юрган тузуккина ижодкор эди.

2003 йилнинг кузи эди, шекилли, қай бир курсдаги сабоқдан толиқиброқ чиқсам, икки йигит кутиб турган экан. Узунроқ бўйлисини танигандай бўлдим: шеърлари сурати билан яқинда «ЎзАС»да чиққан ва битиклари самимияти ҳамда қутилмаган ташбихларга бойлиги туфайли менга жуда ёқиб қолган Алишер Назар. Ёнидаги бўйи ўртадан пастрок, аммо худди курашчи полвонлар каби елкадор, тарокка бўй бермас сочлари тикрайган, турки тароватидан саҳронинг боласи экани шундоққина билиниб турган қорача йигитни Алишер менга таништирди: ёзувчи Лукмон Бўрихон! Ёзувчи инимизнинг табиат зеб беришга унчалик ҳам ҳафсала қилмаган дағалгина юзидаги катта-катта, ҳаёлчан кўзлари киши эътиборини ўзига тортарди.

Алишер киришимлигина йигит экан, икковимизни таништириб, Лукмон бошқачароқ роман ёзганини, уни менга ўқитиб фикримни билмоқчилигини айтди. Қўлёзмага ёқтирмайроқ кўз ташладим. Чунки у сифатсиз қоғозга жуда майда шрифтда терилган экан. Уйга боргач, унга шунчаки бир кўз ташлаб қўйдим,

асар: «*Ашур қамоқдан чиқибди*» жумласи билан бошланарди. Романнинг ҳеч қандай кириш-пиришу адабий-ташкилий тайёргарликларсиз, тўғридан-тўғри бошланиб кетавергани қизиқтирди, шекилли, ўқишга тушиб кетибман. Мен табиатан анча тез ўқийман, лекин сифатсиз қоғозга майда ҳарфларда ёзилган уч юз ўттиз беш бетлик романи ишдан қайтгач бошлаб, эрталабгача тугатиб қўйганимга ўзим ҳам ҳайрон қолгандим. Асар менинг ёзувчи ҳақидаги илк нохуш таассуротларимнигина эмас, балки, умуман, ўзбек романчилиги бора-сидаги қарашларимни ҳам ўзгартириб юборди. Асар юзасидан ўзимда туғилган фикрларни ёзишга тутиндим ва бир неча кун ичида бир интервалда роппа-роса ўн етти қоғозлик фикр билдирибман.

Романда бутун кучини чиндан яхши бўлишга эмас, балки яхши бўлиб кўринишга сарфлайдиган, ўзгани у ёқда турсин, ўзини-да тушунишга уринмайдиган, ўлиб-тирилиб одамларда тузук таассурот қолдиришгагина уринадиган мунофиқ кишиларга хос хатти-ҳаракат ва тутумларнинг инсонлар тақдирида чуқур ва ёқимсиз из қолдиргани ишонарли акс эттирилган. Одамнинг табиий майл ва хоҳишлари инкор қилиниб, кимларнингдир истаги, қандайдир сиёсий ва мафкуравий манфаатлар учун одамлардан қаҳрамонлар ясаш, инсонни ўз та-

биатига монанд, истагига мувофиқ яшашга қўймаслик, унинг турмуш тарзига зуғум ўтказиш ёмон оқибатларга олиб келиши «Жазирамадаги одамлар»да самими-ят билан тасвир этилган эди. Миллионлаб одамлар чўлларнинг ўзлаштирилиши инсоннинг табиатга қилган марҳамати, уни гўзаллаштириш, янада яхшилаш сари қўйилган қадам деб ҳисоблаб турган бир вақтда ёзувчи бу асарида, қандай ният билан амалга оширилмасин, чўлнинг — чўл, қўлнинг — қўл, тоғнинг тоғлигига дахл қилиш зулм экани ва ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини бир қатор персонажлар тақдири ҳамда 41-совхоз ҳолати билан мувозий тарзда акс эттиради. Аслида Лукмон асарида атай ижтимоий муаммо кўтармайди, балки одам тақдирини акс эттиради. Одам эса хамиша ижтимоий муаммолар оғушидадир.

Мени, бир ўқирман сифатида, романнинг тили ҳам ўзига мафтун этганди. Йўқ, Лукмон қандайдир бир алоҳида бадий тил кашф этган эмас. Шунчаки асардаги ҳар бир персонажнинг ўз тилини топа билганди. Муаллифнинг тили ҳам шу қадар равон, шу қадар жозибали, шу қадар аниқ эдики, ўзбек тилининг ифода имкониятлари бунчалик кенглигидан юраклар хапприкиб кетарди. Бир қарашда, ёзувчи асарда танлаб ўтирмай, дуч келган сўзни ишлатиб кетаверганга ўхшайди. Лекин Лукмон ўткир мантикий тафаккурга эгаллиги ҳамда миллий тил бойлигидан яхши хабардорлиги туфайли сўзлар доимо ўз ўрнида ишлатилган ва топиб айтилган бўлиб чиққанди. Романдаги ва кейинги аксар битикларидаги ана шу жихатлар туфайли биз Лукмон билан жуда яқинлашиб кетдик.

Лукмон Бўрихон ўзининг «Темир йўл», «Исмоил» сингари кейинроқ ёзган романларида миллат ижтимоий ҳаётининг ўзга қатламларида яшаган одамларнинг тутумлари ва руҳиятини ҳам эпик қўламда акс эттиришга ҳаракат қилди.

Романчилик бобида қандай натижаларга эришган бўлмасин, Лукмон Бўрихон — ўқирманларга кўпроқ қиссанавис сифатида танилган ёзувчи. Унинг каламига мансуб «Хизр қўрган йигит», «Қидирувдаги

киз», «Сирли муаллим», «Бир томчи ёш», «Қуёш хали ботмаган» сингари қиссалар ўткир сюжети, бетакрор инсоний тақдирлар акс эттирилгани, тилининг жозибадорлиги, тасвирнинг самимияти, энг муҳими, қахрамонлар руҳиятининг соф ўзбекча ифодалангани билан ўқирманларни ўзига ром этади. Унинг қиссаларига хос бир умумий жиҳат шундан иборатки, уларда воқеа-ҳодисалар тасвиридан кўра руҳият ифодасига эътибор устуворлик қилади. Лукмон қиссаларида одамни воқеалар фонида эмас, балки воқеаларни одам руҳий дунёси фонида кўрсатишга уринади. Гарчи, қиссанинг жанр табиати воқеалар тасвири етакчи мақомда бўлишини тақозо этса-да, ёзувчи қахрамонлар руҳиятидаги энг нозик ва чигал ўзгаришларни тасвирлагани ҳолда, ўқирманларни қизиқтира билади.

Лукмон Бўрихоннинг «Хизр кўрган йигит» қиссасида ҳар бирининг кўнгил дунёси ўн саккиз минг оламаро боғланишлардан чигалроқ бўлган замондошларимиз руҳиятидаги тинимсиз ўзгаришлар, уларнинг табиатидаги баъзан тадрижий йўсинда, баъзан кутилмаганда юз берадиган янгилашни жараёнлари ғоят таъсирли тарзда акс эттирилган. Одам деган мукаррам номга муносиб бўлиб яшашнинг доим кўлласа бўладиган рецепти ҳам, кўрсатмаси ҳам йўқлиги, ҳар бир инсон ўз одамийлик оламини ўзи учун ўзи яратиб олиши лозимлиги жонли инсоний тақдирлар мисолида ёдда қоладиган тарзда кўрсатилган. Бу қиссадаги бирор персонаж йўл-йўлакай тасвирланган эмас. Уларнинг ҳар бири ўз шахслик концепциясига эга бўлиб, асарда салмоқли бадий-эстетик функция бажаради.

Ушбу қиссада инсонлараро муносабатлар ғоят чигал ва тушунарсизлиги, баъзан ёмонлик замирида эзгулик, яхшилик ортида эса ёвузлик бўлиши мумкин экани Қоржов, Маржона, Санжар, Тоштемир сингари бир-биридан тубдан фарқ қиладиган тимсоллар воситасида акс эттирилган. Ёзувчи ҳеч кимга ақл ўргатмайди, яшашнинг тўғри йўлини кўрсатишга уринмайди, балки тирик одамларнинг жонли чизгиларини бериш билан ўқирманларда эзгу маънавий сифатлар шаклланишига

таъсир кўрсатади. Қоржовнинг сунъийлик ва сохталикдан йироқ чин эркакча табиати, мард ҳамда тантилиги керагидан ортикча замонавий очик, эркин, тантик ва калондимоғ, лекин руҳи тоза киз бўлган Маржонани ўзига ром этиши, беихтиёр қизнинг иффатини бузиб қўйган бу содда ва тўпори йигитнинг аслида атрофидаги силлиқ кимсаларга қараганда анча тоза эканини англаб етиш қизга осон бўлмагани қиссада жуда таъсирли йўсинда тасвир этилади. Муаллиф асарида инсон концепцияси борасида ўзига хос йўл тутди ва бу борада мавжуд бўлган стереотипларни дадил ислох қилади.

Адибнинг «Бир томчи ёш» қиссида манглайда туғма даҳолик белгиси бор, лекин атрофидагилар томонидан пайқалмаган, тирикчилик ташвишлари туфайли ижоди ҳам, шаҳсияти ҳам хароб бўлган рассом тақдири акс эттирилган. Ижодкорнинг фожиали қисмати адабиётимиздаги жуда кўп асарларга мавзу бўлган. Уларда фожа кўпинча талантнинг тан олинмаслиги, қабул қилинмаслигидан келиб чиққани акс эттирилди. Лукмон Бўрихон қиссида эса даҳонинг фожиаси атрофдагилар томонидан пайқалмаган, англамаганидан юзага келгани тасвирланади. Муаллиф қаҳрамонининг ғоят талантли эканини қуруқ таъкидламайди, балки ундаги бу жихатни, унинг бошқаларга ўхшамайдиган қирраларини кўрсатиш орқали урғулайди. Қиссада қаҳрамон руҳий ҳолатидаги ўзгачалик: **«Ногоҳ унинг кўзи ҳовуз тубидаги кўлмакда балқиб турган юлдузларга тушди. Исқирт бир кўлмакда балқиб турган юлдузлар! Тун! Қоп-қора, мотамсаро дарахтзор! Кўрганлари Бахтиёрга сирли бир ҳикматлар сўйларди, фикратига сирли бир ишоралар қиларди. Унинг юрагида таниш, жуда таниш тўлқин кўтарилди. Лаззатли бир изтироб бутун шуурига силқиб кирди»** тарзида акс эттирилади. Уни бундай транс ҳолатга солган манзаранинг ёнидаги йўлдошларига мутлақо таъсир қилмагани тасвири эса қаҳрамон табиатидаги ўзгачаликни бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган.

Ёзувчи табиат манзараларини одам ва унинг кайфиятидан айро кўрмайди. Руҳий кайфият билан табиат манзараси уйғунлашган ўринларда муаллиф ўзбек сўзининг бор ифода имкониятини кўз-кўзлагандай бўлади: **«Куз офтоби ҳорғин ва ўйчан йилтиллаб турарди. Гўё ундан нур ўрнига занг ёғилаётгандек, дов-далалар сарғиш-қизғиш тусга қоришиб маҳзун ястаниб ётарди. Хазонлар шитирлаб-шивирлаб, ҳавода бир зум муаллақ қотган кўйи оҳиста ер бағирлайди»**. Қиссаларда Лукмон кўпсўзликдан, батафсилликдан қочиб, персонажлар руҳиятидаги инжа ҳолатлар ва чигал кайфият манзараларини акс эттиришга қўл келадиган тасвирларнигина қўллайди.

Айни шу жиҳат муаллифга сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган ҳолатларни-да тасвирлай олиш имконини беради. Қуйидаги ифодага эътибор қилинг: **«Унда ранглар ингроғи баралла тараларди. Унда абадият, мангу дард, мангу савол гужанак бўлиб ётарди. Бу асар кўрган кўздан бир томчигина ёш талаб қиларди»**. Қисса қаҳрамони учун ўзининг ҳаётидан-да қиммат бўлган тасвирий санъат асари ҳақида ўқирманда ўзгача йўсинда тасаввур уйғотиш имкони йўқ эди. Лукмоннинг ёзувчи сифатидаги маҳорати айнан имконсиз туюлган ҳолатни тасвирлай олишга имкон топа билганида намоён бўлади.

Лукмоннинг асарлари кўпинча ўртаси, баъзан эса, ҳатто, охиридан ҳам бошланиб кетаверади. Чунончи, «Жазирамадаги одамлар» **«Ашур қамоқдан чиқибди»** деб бошланса, «Бир томчи ёш» қиссаси **«Бу гал ҳам қарз ундира олмади»**, «Қуёш ҳали ботмаган» асари **«Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик»** тарзида ибтидо олади.

«Қуёш ҳали ботмаган» қиссасида **«Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик»** тарзидаги бошланма, айрим луғавий ўзгаришлар билан асар давомида ўн саккиз марта такрорланади. Бу қайтариқлар қисса қаҳрамонларининг ҳаётни, атрофидаги одамларни, охир-оқибатда ўзларини англаш даражаларидаги

тадрижий босқичларни акс эттиради. Маълумки, ҳеч қайси одамнинг ҳаёти қуйидан юқори сари йўналган тарзда бир хилда кечмайди. Одамнинг ҳаёти юксалиш ва энишлар, ўзиб кетиш ва ортда қолишлар, топиш ва йўқотишлардан иборат бўлади. Абсал полвонни таниш-танимаслик бош қаҳрамонлар руҳиятидаги ана шу маънавий бекатларни акс эттирадиган ўзига хос манзиллардир. Ўсмир Норсоат тилидан: **«Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик»** тарзидаги иқрор бир неча бор қайтарилади. Ниҳоят, асар бир-бирини, аслида ҳар бири ўзини ўзи ҳам топган Норсоат ва Давронларнинг: **«Биз Абсал полвонни яна қайта топиб олган эдик»** тарзидаги ҳаётбахш ҳайқириқлари билан тугайди.

Қиссадаги тасвир шу қадар жонли ва юқумлики, ўқирман беихтиёр ўзини қаҳрамонлар акс эттириляётган вазиятга тушиб қолгандай, улар билан бирга яшайётгандай ҳис қилади. Тасвирнинг самимияти ўқирманни ўз измида маҳкам тутати: **«Орадан қанча вақт ўтди, билмадим, бир пайт... Даврон дик этиб ўрнидан турди. Қўлларини белига тираб, қад кериб, юз-кўзи алланечук ёлқинланиб бир зум биз томон тикилиб турди ва... одатдагидек, маҳкам сиқилган муштини боши узра баланд кўтарди. Биз ҳам, одатдагидек, қўлларимизни қиличдек ҳавога сермадик.**

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Баб-баравар ҳайқиригимиздан иссиқдан мудраб турган қишлоқ бир чўчиб тушгандай бўлди».

Қиссада бир-бирига ҳам дўст, ҳам рақиб бўлмиш икки ўсмир ўспирин йигитнинг ғоят ўхшаш ва айни вақтда, ўта фарқли шахсиятига хос жиҳатлар жуда назик акс эттирилади. Дунёнинг адолати шундаки, одам атрофидан ўзи кидирган, кўришни излаган нарсани топади ва кўради. Оламда барчага мутлако бирдай таъсир кўрсатадиган нарса-ҳодисанинг ўзи йўқ. Чунончи, Абсал ва Аҳмад полвонларнинг курашидан Даврон бошқача, Норсоат ўзгача нарса кўриши асарда шундай

тасвирланади: **«Қойил, — дерди Даврон кўзлари чақнаб, — ҳақиқий полвонлар экан. Аммо мен ғалати бир ҳислар оғушида эдим. Назаримда устозлар бир-бири билан эмас, икковлашиб қандайдир кўзга кўринмас, куч-қудратли рақиб билан олишгандек туюлди. Бу ҳақда анча пайтгача ўйлаб юрдим. Кейинчалик Аҳмад полвон ҳам худди устозимиз каби одамови, хилватнишин, моҳир дўмбирачи эканлигини билдим-у, таассуротларим тўғрилигига яна бир карра ишондим»**. Ёзувчи машҳур полвонлар олишувидан Даврон фақат жисмоний кучларнинг тўқнашувини, Норсоат эса эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни илғаганини шу тарзда ифода этади. Асар қаҳрамонлари табиатидаги бу айирма уларнинг тақдир йўлларини-да тайин этганлиги асарда жуда ишонарли кўрсатилган.

Биламизки, Лукмон Бўрихон барча асарларида ҳам табиат тасвиридан персонажлар руҳий ҳолатини кўрсатиш йўлида усталик билан фойдалана олади. «Қуёш ҳали ботмаган» қиссида ёзувчининг бу борадаги маҳорати янада ёрқинроқ намоён бўлган. Жумладан, қиссада рашкдан ўртаниб юрган Норсоатнинг кўзига қишлоқ кечасининг: **«Қоп-қора осмон тоқида тўлин ой ўйчан ва хомуш термулиб турар, кеч кузнинг салқин эпкинидан дов-дарахтларнинг қовжироқ барглари хазин шитирлар, ойнинг зардобтус ёғдуларига бурканиб ётган кўча-кўй, экинзорлар ҳорғин ва паришон мудрар эди»** тарзида кўриниши тасвирланади. Бирпасдан сўнг суюқлисининг сўзсиз иқрорини эшитган, туйган йигитнинг назарида энди тун: **«Ўша тун, ўша нузли, файзли кеча тўлин ой ҳамроҳим, сирдошим бўлди. Унинг заррин ёғдуларидан арқон эшиб, аргимчоқ учдим, қишлоқ биқинидаги пайкал бўйида мажнунона кезиниб юрдим»** кўринишида намоён бўлади. Сал кун ўтиб, курашда ғирромлик билан Давронни йиқитган Норсоат кўзига **«Қоп-қора осмоннинг бир чеккасида занглаган темир баркашдай тўлин**

ой кўрин»гани тасвирланади. Ёки уяту виждон азоби оловида коврилаётган йигит назарида ойнинг ҳолати **«Мен кўзларимни кўкка опқочдим. Милтиллаган юлдузлар гўё ҳуркиб, уялиб гуж-гуж тўпланиб олгандек эди. Сап-сарик тўлин ой баттар саргайиб, сўлиб, беҳол бўзариб турарди»** тарзида кўриниши ортикча тасвирларсиз ҳам қаҳрамоннинг кўнгил ҳолатини илғаш имконини беради.

Киссада ўзидаги кибрни енгиб, недир бир муқаддас ва эзгу туйғуга қул бўла билиш ҳар қандай енгилу сийловлардан муҳимроқ экани инсоний тақдирлар миқсолида жуда таъсирли акс эттирилган.

«Куёш ҳали ботмаган» киссасининг тили ғоят таъсирли ва ширали экани билан эътиборни тортади. Ёзувчи асарда она тилимизнинг бадиий жозибаси ва кўркем ифода имкониятлари чексиз эканини кўрсата билган: **«Сибизганинг авжли-мавжли оҳу фиғони еру кўкни тутди. Хаёллару туйғуларни ортидан мастона эргаштириб, бир нажот, бир таскин, бир паноҳ излаб гирёна чарх урар, гўё излаганини тополмай, саҳро саробларига қоришиб, саргайган дала-даштни баттар саргайтириб, олис уфқларга сингиб кетар эди. Узоқ-яқиндаги экин пайкаллари сувсираб эмас, сибизга бўғзидан отилаётган бўзлов, дарду ҳасрат ҳовуридан қоп-қорайиб кетгандай, кунботардаги тап-тақир қир-тепаликлар бағридан кўтарилган қуюн сибизганинг аччиқ-аччиқ нолаларидан масту мустағрик бўлиб, жазава билан кўкка ўрлаб бораётгандай туюлади»**. Хуллас, шу каби жиҳатлар киссанинг кўркем асар сифатидаги савияси юксалишига хизмат қилган.


Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Луқмон Бўрихон ҳикоянавис борасида ҳам моҳирдир. Ушбу китобдан ёзувчининг бир қатор ҳикоялари ҳам ўрин олган. Унинг «Ялангоёк» ҳикояси бир қарашда арзимасдай туюладиган қулгили (куръёз) ҳолат тасвирига қурилган. Асарнинг бошидан охирига қадар муаллифнинг ҳам тасвирланган воқеа, ҳам унда қатнашган тим-

солларга кинояли назари сезилиб туради. Маълумки, адабиёт тарихида йўқолган нарса тўғрисида анча-мунча ёзилган. Чеховнинг «Шинель», Ғ. Ғуломнинг «Афанди ўлмайдиган бўлди» ҳикоялари шулар жумласидандир. «Ялангоёқ» ана шу хил асарлар орасида муносиб ўз ўрнига эга.

Ҳикоянинг қаҳрамони Ҳалим ўзига ғоят қадрли бўлган қимматбаҳо туфлисини йўқотиб қўяди. Бу — турмушда учраши мумкин бўлган оддий воқеа. Бундай ҳодисалардан салмоқли ижтимоий маъно чиқариб ҳам бўлмайдигандай туюлади. Лекин санъаткорнинг маҳорати айнан ана шундай оддий ҳодисалардан чўнг маъно чиқара билишда кўринади. Ҳикоя сўнгида туфлининг йўқолмагани, балки йўловчиларнинг молу жонини қўриқлашга масъул бўлган назоратчи ҳамда милиционерлар томонидан ўғирлангани маълум бўлади. Бировнинг ҳақидан қўрқмаслик, омонатга хиёнат, ўзгага дардкаш бўлмаслик сингари иллатлар одамлар орасида нақадар кенг ёйилгани Ҳалимнинг купедошлари тимсолида маҳорат билан кўрсатиб берилади. Туфлисини йўқотган йигит ҳолатининг **«У минг бир хаёл билан ювинишни ҳам унутиб яна ўз бўлмаси ёнида пайдо бўлганини сезмай қолди»** тарзидаги ифодаланиши асарнинг бадиий таъсир кучини оширишга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу йил ярим асрлик ҳаёт йўлини босиб ўтган таниқли ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг қўлингиздаги китобидан ўрин олган ҳар бир асар сизни ғаройиб тақдирли, руҳият дунёси хилма-хил тирик одамлар билан учраштириб, уларнинг дарду қувончлари, фикру ўйлари билан ошно қилади. Бу тимсоллар билан учрашув ҳамда уларнинг ўзига хос тақдир йўли билан танишув, шубҳа йўқки, ўқирман руҳий оламида тозариш юз беришига хизмат қилади. Бадиий камолот йўлида ишонч билан кетаётган санъаткорга ижодий парвозлар ёр бўлишини тилаймиз.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
педагогика фанлари доктори, профессор





БИР ТОМЧИ ЁШ

Умид — ерда ётган полапон
Расул ЖУМАЕВ

I

Бу гал ҳам қарз ундира олмади. Шаҳарнинг қоқ киндигидаги гавжум бозорда дўкон очиб, олди-сотди-га қўнгил қўйиб анчагина бойиб қолган, талабалик таъмини бирга тотган дўсти Ўктам ҳам миждовланиб бир дунё баҳонани қалаштириб ташлади. Шу кунларда кичик корхона очиш ташвишида юрганини, харажат устига харажат жабрини чекаётганини, тагин тўрт-беш таниш-билиши олти ойча бурун бир ҳафта ичида қайтаришга қасамлар ичиб анчагина қарз олишганини, лекин ҳали-ҳануз қайтармай қўйдириб юришганини айта-айта ҳасрат қилди. Яъниким, игна-ип тиланганнинг қаршисига йиртиқ иштон билан чиқди.

Бахтиёр қарз ундира олмаганидан ҳам кўра, дўстининг нигоҳларидаги ифодадан хафа бўлиб кетди. Бу қарашларда истехзо, масхара қалқиб турарди. Ўл, бу кунингдан, деган маъно, дўсти ҳарчанд яширишга уринса-да, қорачиғлар туб-тубида йилтиллаб кўринарди. Хар ҳолда, Бахтиёрга шундай туюлди.

У увишган бармоқдай бўшашиб кўчага чиқаркан томоғига тикилган хўрликни аранг ичига ютди.

Энди нима қилади? Унга раҳми келиб, сафарга бирга олиб кетишга қўнган ҳалиги бригадирга энди нима дейди? Йўлкира тополмадим дейдими, сўнариб? Қариндошлардан ҳам барибир, наф йўқ. Ё нариги маҳалладаги судхўрдан қарз кўтарсамикан? Бироз та-

ниш-билишлиги бор, балки қарз фоизини арзонрок қилиб берад?

Бахтиёр гўё қаён юришини билмагандек бўм-бўш чўнтакларида қўлларини мушт қилиб туккан қўйи кўча бошида ивирсиб туриб қолди. Сўнг сал наридаги таналари қуруқшаб, буришиб кетган қари тутга беҳол суянди.

Чор атрофдан баҳор нафаси уфурарди. Ям-яшил япроқларга бурканган дов-дарахтлар енгил эпкиндан оҳиста чайқалиб турарди. Кўча бўйлаб узади кетган бетон ариқ лаблари ҳам ранго-ранг чечаклар, ўт-ўланлар билан қопланган.

У беихтиёр ўзи униб-ўсган Кенгсой адирларини эслади. Қўй-қўзилар ортидан бўйинсалари билан чопқиллашиб юришлари кўз ўнгидан лип-лип ўтди. Юрагида силқиб турган хўрликка соғинч ҳислари ҳам қўшилиб кўзлари намланди.

Бепоен кенгликлар, юлдузли, сохир кечалар, гоҳо қайғу, гоҳо қувонч қалққан қиёфалар, бир сўз билан айтганда, теварагида товланиб турган тириклик ўша кезлар Бахтиёрда ғалати туйғулар кўзғарди, кўнгли баъзан маънос тортиб, баъзан шодликдан тўлқинланар эди. Кўзи қўриб, кўнгли сезган барча-барча манзараларни қоғозларда тасвирлагиси келарди. Яъниким, мусаввирликка ишқи тушмиш эди. У синфхонадан ўғирлаб чиққан бўр бўлаги билан қир этагидаги харсангтошга хар хил нарсаларнинг расмини чизиб ташлар, теварагига таппидай тизилган тенг-тўшлари тек қотиб унинг қўл ҳаракатларини ҳавасманд кузатишар, аҳён-аҳён қойил қолганнамо бош чайқаб, расм рошпароса аслига ўхшаганини эътироф этишар эди. Қўп ўтмай Бахтиёрнинг иқтидори мактаб бўйича тан олинди. Хар байрам арафасида муаллимлар деворий газеталарини безаб беришни ундан ўтиниб сўрайдиган бўлиб қолишди. Мактаб энди-энди битай деб турган ажойиб кунларнинг бирида соч-соқоллари ўсик, қуланг кепкасини бошига бостириб кийган Георгий исмли рассом қишлоқ биқинидаги тевараги юлғунзор, қамишзор зо-

вур бўйида пайдо бўлиб қолди. У рассомчилик ашқол-дашқолларини олдига ёйиб, арзон нав сигаретини тутатган қўйи кенгликлар узра шом қўйилишини соатлаб томоша қилиб ўтирар, ахён-ахён қаршисидаги мольбертига алланималарнидир чизгилаб қўяр эди.

Бахтиёрнинг отаси унинг олдига иккита арок, бир тоғора қовурдоқ кўтариб борди. Ўғлининг қоғозга туширган расмларини кўрсатди. Ўғлингиз бўладиган бола, унда даҳолик аломатлари бор, деди Георгий бўшаган шишаларга қўшилиб ўзлари ҳам юмалаб қолишган бир пайтда. Кетар чоғи пойтахтлик рассом ўзининг телефони рақамларини берди, мактабни битиргач, мени топсин, деди.

Аммо, тақдир йўлланмаси бошқача экан. Амакиларидан бири Бахтиёрни қўярда-қўймай вилоят марказидаги муҳандислар тайёрловчи институтга етаклаб борди. Зўр ошналарим бор, сени ўқишга киритиб қўйишади, деди. Лекин Бахтиёр йиқилди. Талаба бўла олмади. Ва ўша куз ҳарбий хизматга чақирилди. Одатда аскарликдан йигитлар чиниқиб, қорайиб, қайралган қиличдай чатнаб қайтишади. Бахтиёр эса касалманд аҳволда кишлоғига кириб келди. У хизмат қилган қурилиш батальони заводларнинг биридан заҳарли чиқитларни вагонларга юклаш билан шуғулланарди. Бахтиёр дам сайин ўзини беҳол сезар, ахён-ахён боши айланиб, кўзи тиниб йиқилиб қолар эди. Хизмат тугаши арафасида аскарларни кўрикдан ўтказган врач ана шу чиқитлар касофатидан Бахтиёрнинг юрагида иллат пайдо бўлганини таъкидлади. Сенга қайғуриш, қаттиқ хаяжонланиш мумкин эмас, деди у бир дунё дори-дармонлар рўйхатини қўлига тутқазар экан. Врачнинг ўша огоҳлантиришларини Бахтиёр кейинчалик эслар экан, гоҳ кулгиси қистар, гоҳ энсаси қотар эди. Ахир бу дунёда хаяжонсиз, қайғусиз яшаб бўларканми?

Ҳарбийликдан келтирилган йўлланма шарофатидан Бахтиёр ўша муҳандислар тайёрловчи институт талабаси бўлди.

«Қуруқ чизиш-мизиш билан бундан буён тирикчилик қилиб бўлмайди, — дея яна пешгирлик қилди ўша амакиси, — келажакда нон топиб бера оладиган касбнинг этагидан тугган маъқул. Жуда чизгинг келса, инженер бўлиб ҳам бўёк-мўёғинг билан шуғулланиб юраверасан».

Аввал бошида амакисининг насиҳатлари Бахтиёрга ҳам жўяли туюлди, кейинчалик эса хато қилганини англади. Мусаввирлик санъатининг сеҳри йигитни бетиним ўзига чорларди. Бахтиёр ижара уйини кичик бир устахонага айлантирди. Ўқишлар ўлда-жўлда қолди. Гоҳ у, гоҳ бу домланинг кўнглини топиб курсдан-курсга ўтиб юрди. Аммо чизганлари ҳам тузук баҳоланмади. Тўғрироғи, вилоят микёсида унинг ишларини тушуниб, муносиб қадрлайдиган одам топилмади. Пойтахтга катнаб асарларини муҳокама қилдиришга унда на пул, на фурсат бор эди. Шу орада узок қариндошларидан бирининг қизига уйланди. Ўз-ўзидан бўйнига олахуржун осилиб рўзғор билан андармон бўлди-қолди. Амал-тақал эришилган мутахассислиги бўйича иш сўраб бир-икки идорага бош сукди-ю, аммо ҳафсаласи пир бўлди. Иш йўқ. Димоғдор бошлиқлар олдида ҳар эгилган чоғи чўнтагидаги дипломининг қаттиқ қирралари кўксига ботиб-ботиб кетгани қолди, холос. Шу орада ҳарбийликдан орттирган касали яна бир бор енгил хуруж қилиб ўтди. Уч-тўрт кун даволанган бўлди. Ниҳоят, Кенгсойнинг лат еган ковунидай бўшашиб юрган шундай кунларнинг бирида омади чопиб қолди. Ўшанда лўлилар маҳалласига яқин жойда, бефайз, арзон ошхонада или милик шўрва ичиб ўтирарди. Ўзидан андак наридаги, афтларидан курувчи усталарга ўхшаш хўрандалар диққатини тортди.

«Хўжайин ҳақимизни бермаяпти», — деди улардан бири нон бўлагини оғзига соларкан.

Шериги унга таажжубланиб кўз ташлади.

«Нега, уйини бош-адоқ қуриб бердиларинг-ку?»

«Беш хонага ҳам гул чизиб чиқишимиз керак экан».

«Ичимизда рассомимиз йўқ демэдингми?»

«Бригадада ҳамма мутахассисликдан одам бўлиши шарт эмиш».

Бахтиёрнинг қулоғи динг қотди. Ҳатто, шундоқкина қаншарига келиб қўнган ноёб тур капалакни чўчитиб юборишдан қўрққандек бир нафас дамини ичига ютиб ўтирди. Сўнг секин уларнинг ёнига ўтди, ўзини таништириб беҳос уларнинг гапига қулоқ солгани учун узр сўради...

...Бироздан сўнг довидраниб-ғудраниб ёнларида ўтирган, қорамағиз, сочлари ҳурпайган, озғин йигит рассом эканлигини билиб қурувчилар аввалига ажабланиб кўз уриштиришди, сўнг баб-баравар илжайишди.

Ўшанда қурувчилар эмас, аслида тақдир табасум қилган экан. Бахтиёр ўз ишини топиб олди. Қурувчилар тўпидан рассом мақомида жой олиб не бир уйларнинг деворига манзаралар, нақшлар чизиш билан шуғулланди. Нозик дид, бетизгин ҳаёлот маҳсули бўлган чизмалар қараганни бир зум ўзига сеҳрлаб қўярди. Бахтиёр ён-атрофга тез танилди. Унга уйини безаттиришни истаганлар навбат талашиб қоладиган бўлишди.

«Сенинг истеъдодингни илгари ҳеч тан олмагандим, — деди ўша раҳнамо амакиси, кунлардан бир куни Бахтиёр унинг янги қурган иморатига чизиб берган нақшларга маҳлиё тикиларкан, — ана энди ҳунарингга беш кетиб ўтирибман, ука. Аввал бошидаёқ сени Тошкентга олиб бормаганимдан афсусдаман. Сенинг жойинг пойтахтда, ука. Ҳа, майли, ҳечдан кўра кеч яхши деган мақол бор. Энди Тошкентга борасан. Энг зўр рассомлар билан танишиб ака-ука киришасан. Ўша ёқда ишлайсан. Мен ўзим сенга ёрдам бераман. Кетишга тараддуд қўравер...»

Бахтиёр амакисининг меҳрибончиликларига илжайибгина қўйди. Унинг энди Тошкентга боргиси йўқ эди. Тўғрироғи, бу ердаги ишини, тузуккина тушумни, иззат-обрўсини кўзи қиймади. Ахир пойтахтга борса ҳаммасини нолдан бошлаши керак. Э-хе-е, катта мусаввирлар даврасига кириб олгунча яна қанча тер

тўкиши керак. Айни пайтда Бахтиёрнинг бунга тобу тоқати йўқ эди. Ахир бу ерда пул топаёпти, пул! Ҳам отасининг рўзғорини, ҳам ўзини боқаяпти. Хийлагина хароб бўлса-да, вилоят марказидан кичкинагина ҳовли сотиб олди. Ўзи ҳам анчагина тўлишиб қолди. Эски касали тузалиб кетгандай бўлди.

«Сиз юрак хасталиги бўйича ҳисобимизда турасиз, тез-тез бизнинг кўригимиздан ўтиб туринг», — дея зорланган маҳалла врачининг гапларига қулоқ солмай қўйди. Ҳатто, баъзи бир бойвачча буюртмачилар ишдан сўнг берадиган зиёфатлардан гандираклаб, аранг қайтадиган бўлиб қолди. Майхўрликка ўргана бошлади.

Бир гал бадавлат бир қассобнинг иморатини пойдеворидан тортиб томига довур битириб, яхшигина даромад қилган бригада шаҳарнинг овлоқ бир чойхонасига бош сукди. Тевараги қуюқ дов-дарахт билан ўралган бу гўша бир қарашда хушманзара, тоза-озода кўринса-да, аслида исқирт, қўланса исли жой экан. Қурувчилар очиқишган эди. Бошқа чойхона топишга хафсала қилишмади. Тубида беш-олти челақ қорамтир сув қалқиб турган ҳовуз бўйидаги чорпояга ўтиришди. Кўп ўтмай таом кетидан таомлар тортилди, бўшаган май шишалари бирин-кетин чорпоя тагига юмалай бошлади. Ҳовуз бўйини ғала-ғовур, мастона қийқириқлар, қулгилар тутди. Шом қўнар-қўнмас бошланган базм то тун ярмига довур давом этди.

Ўша куни Бахтиёрнинг таъби майга кўп тортмади. Икков ора-икков ора бўлиб, аллақандай икир-чикирлар ҳақида гаплашиб, бахслашиб ётган даврани маъюс кузатиб ўтирарди. Ногоҳ унинг кўзи ҳовуз тубидаги қўлмакда балқиб турган юлдузларга тушди. Исқирт бир қўлмакда балқиб турган юлдузлар! Тун! Қоп-қора, мотамсаро дарахтзор! Қўрганлари Бахтиёрга сирли бир ҳикматлар сўйларди, фикратига сирли бир ишоралар қиларди. Унинг юрагида таниш, жуда таниш тўлқин кўтарилди. Лаззатли бир изтироб бутун шу-урига силқиб кирди.

«Буни қарангла-ар!» — беихтиёр кичқириб юборди у.

Теварагидагилар аввал рассомга, сўнг у ишора қилиб турган томонга кўз ташлашди.

«Нима? Нима гап?»

«Тинчликми?»

«Бирор нима ҳовузга тушиб кетдимиз?»

Айникса энг сўнгги сўров Бахтиёрни баттар хая-жонлантириб юборди:

«Ҳа, қаранглар! Қўлмакка бир ҳовуч юлдуз тушиб кетибди!»

«Эҳ, бор-йўғи шуми, мен нима бало экан деб ўйлабман», — деб мастона пўнғиллади бригадир.

Бошқалар ҳам ҳафсаласи пир бўлган қўйи ғудраниб қўйишди.

Шу тоб... шу тоб Бахтиёр теран бир туйғудан титраб кетди: ҳамиша ҳамдам, ҳамқадам, ҳамшиша мана шу одамлардан у нақадар узок! Нақадар бегона булар унга!

Бахтиёр бир интилиб дастурхон ўртасида турган, ичидаги ичкилик яримлаб қолган шишани бўғзидан тутди, четлари учган пиёлага тўкиб-сочиб ароқ қуйди. Сўнг довдираган қўйи таҳир таъм суюқликни сипқориб юборди. Ўзлари билан ўзлари овора, бир-бирига қулок солмай гапириб ётган шериклари унга деярли эътибор беришмади.

Бахтиёр қаршисидаги қоп-қора бўшлиққа маъюс-махзун тикилган қўйи жим қолди. Бир пиёла лиммо-лим ичкилик ҳам у истаган мўъжизани бермади. Ёлғизлик, теваракка бегоналик ҳисси уни тарк этмади. Бўғзини қуйдириб хўрлик, алам тошиб кела бошлади. Бахтиёр ҳўнграб юбормаслик учун лабларини қимтиб, қулт-қулт ютинди. Аммо уринишлари бесамар кетди. Аввалига кўзларидан аччиқ ёш сизиб окди, сўнг... туйқус бўғзидан бўғиқ бир сас отилиб чикди. Маст-аласт шериклар ялт этиб у томон ўгирилишди.

«Ҳа, нима гап?! Тинчликми?»

«Бирор жойингиз оғрияптими?»

«Кайфи ошиб қолдими дейман».

Ҳамшишаларнинг бири қўйиб-бири олиб кетма-кет сўрокка тутишлари, турткилаб-торткилаб овутишга уринишлари Бахтиёрнинг хўрлигини баттар тоширди. Ёғ, бўёқ иси қоришиб кетган кафтларини юзига босиб баралла хўнграшга тушди.

«Нима бало, ақлдан оздими бу?!»

«Маишатнинг ҳам белига тепди».

«Тўғриси, шу рассомимизга умуман тушунмадим. Бир қарасанг соатлаб лакиллаб гурунг беради, бир қарасанг кун бўйи миқ этмай хаёл сурадим-ей, ғамга ботиб юрадим-ей...»

«Ким билади, ичида бир дарди бўлса керак-да, бечоранинг».

«Давай, уни хўнгиллатмай тезроқ уйига олиб бориб ташлайлик».

Ўша тунда Бахтиёрнинг касали яна хуруж қилди.

«Ана айтмадимми, тез-тез кўриқдан ўтиб туриш керак деб. Сиз эса бўкиб ичиб юрибсиз» — деди маҳалла врач, унинг товушида безовталиқдан кўра тантана кўпроқ эди.

Бахтиёр ўн кунча вилоят касалхонасида даволаниб чиққан бўлди. Кетар чоғи дўхтирлар одатдагидай таъинлашди: «Сизга қаттиқ таъсирланиш таъқиқланади. Спиртли ичимликлардан мутлоқ узоқ юринг».

Бахтиёр одатдагидай бош ирғаб қўйди. Ўша тунда кўрган манзараси хали-хануз унинг кўз ўнгида турарди. Касалхонадан чикибок мўйкалам тутишни мўлжаллаб юрарди.

«Агар шуни ҳам эпласам, иккита зўр картинам бўлади, — хаёлидан ўтказди у. — Кейинроқ Тошкентга олиб бораман. Энг машхур рассомларга кўрсатиб мактанаман. Йўқ, йўқ, биратўла пойтахтга кўчиб кетаман. Фақат ижод билан шуғулланаман. Унгача иқтисодни тиклаб оламан, уч-тўрт йил ишламасам ҳам рўзгорим кечадиган даражада маблағ ғамлайман».

Бахтиёр вилоят марказидан олган уй болохонали эди. Унга, айниқса, шуниси маъқул бўлганди. Бахти-

ёр болохонани ҳафсала билан таъмирлаб, ўзича устахонага айлантириб олди. Аҳён-аҳён елкасига тўнини елгагай ташлаб унинг ёғоч зиналариниғижирлатиб юкорига кўтариларкан, ўзини даҳо мусаввирлардек ҳис қилар эди.

Аммо Бахтиёрнинг ўйлаганлари орзулигича қолиб кетди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас қурилиш-таъмирлаш оламида «евроремонт», «туркча фасон», «японча фасон» деган усуллар кенг урф бўлди-ю, уйларга гул чиздириш, нақш урдириш эътибордан қолди. Бахтиёрнинг бўсағасидан мижозларнинг оёғи узилди. Тирикчилик ташвиши бутун залвори билан яна унинг устига қулади. Ҳовли-жойни қайта қуриб олиш ниятида йиғиб қўйган жамғармалари ҳам йил ўтар-ўтмас соб бўлди. Бахтиёр гангиди. Қишлоғи сари жонсарақ юзланди. У бир пайтлар, топармон-тутармонлик пайтлари, хотинининг не бир хай-хайлашларига қарамай қавму қариндошларига саховат кўрсатган, тўю маъракаларида очиқ қўллик билан хизмат қилган эди. Аммо улардан мурувват бўлмади. Ҳатто, катта янгаси безрайганича чақиб олди:

«Пул топиб биз билан беминнат бўлишгансиз деб қувониблар юргандик, лекин... бир кун келиб берган уч-тўрт сўмингизни пеш қилиб келасиз деб ўйламагандик...»

Бахтиёр ялт этиб янгасига, унинг ёнида сўнариб турган акасига қаради. Ахир у бир пайтлар кўрсатган кўмаги ҳақида оғиз ҳам очмаган эди! Шунчаки, озгина қарз сўраган эди, холос! У чуқур бир хўрсиниб, ҳеч нима демай, уйдан чиқиб кетди.

Ўша раҳнамо амакиси эса унинг озгин-тўзгин лошини кўргандаёқ сергак тортди. Иши юришмай, тирикчилиги кечмай қолганлиги ҳақидаги узундан-узоқ шикоятини оҳ-воҳ билан эшитди. Сўнг кўзларини ярим юмиб, хумдай бошини оҳиста чайкаган кўйи минғирлади:

«Сени дунёга машхур рассом бўлиб кетасан деб ўйлагандим. Лекин гўрга ҳам бормадинг. Бўшбаёвлигинг панд берди...»

Амакисининг иддаолари жон-жонидан ўтиб кетди. Аммо қайсарларча ўрнидан туриб кетишга нималардир монелик қилди. Гўёки елкасидан улкан тоғ босиб тургандек эди.

«Майли, уриб-сўкиб бўлсаям озроқ пул берсин» — ҳаёлидан ўтказди у ердан кўз узмай. Аммо бу ўйдан юрагининг қай бир нозик томири «чирт» этиб узилгандай бўлди.

Амакиси Бахтиёрнинг кўнглидагини пайқади-ёв, ҳар қалай афт-ангорини тириштириб чўнтак қовлади. Бахтиёр қариндошиникидан қувониб қайтди.

Отаси эса унинг йўқлаб боришини кутиб ўтирмади. Невараларини кўриш баҳонасида шаҳарга тушди. Аммо эс-дарди ўғлида эканлиги шундоққина юз-кўзидан билиниб турарди.

«Болам, қўрамда уч-тўртта кўтарим қўйим бор, хоҳласанг бир оз бокиб семиртир, хоҳласанг шу холича сотиб юбор, тирикчилигингни ўнгла», — деди у ўғлига беадок ҳасрат билан тикилиб.

Бахтиёр шу алфозда олти ойча кун кўрди. Сўнг эски бир танишларини ўртага қўйиб, ялиниб-ёлвориб шаҳардаги қўшма корхоналардан бирига маданий-маърифий ишлар бўлимига ўрнашди. Ҳар хил шиорлар, хикматнамо, мақолнамо гаплар битилган паннолар тайёрлаш, лозим жойларга суратлар, йўриқномалар чизиш каби майда-чуйда вазифалар унинг зиммасига юклатилди.

«Хозирча синов муддати билан оламиз, маошингиз камроқ бўлади, — деди хўпла семиз, юз-кўзларига аёвсиз упа-элик чапланган аёл, — ишингиз маъқул бўлса, уч ойдан сўнг штат бўйича ҳақингизни олаверасиз...»

Ўшанда кеч кузнинг изғиринлари изғиб турарди. Совуқ. Лекин Бахтиёр қувончдан қони кизиб, кўзларида ўт порлаб уйига қайтди. Хотинига кўнгли ийиб, меҳр билан тикилди: «Матлуба, сенга раҳмат. Қийинчиликларга сабр қилдинг, камимни яшириб, қўпимни ошириб кўрсатдинг».

«Кўйинг-э, — деб пичирлади Матлуба, эрининг эриб, эркалаб қарашларидан хижолатланиб. — Нон то-

пиб келаётган сиз-ку, мен бир ташвишингизни мингга кўпайтиришдан бошқасига ярамаётган бўлсам...»

Ўша қўшма корхонага ишга ўрнашган куни Бахтиёр учун чинакам байрам бўлди. Хотини иккиси болаларни сайрбоққа олиб чиқишди. Кечқурун уйда ош дамланди. Хушҳол ўрин-тўшакка чўзилишди, аммо... тун ярмида туйқус Бахтиёрнинг уйқуси қочди.

Кун бўйи юраги тошиб, қувончга қоришиб, хаяжонга қўмилиб юрди-я?! Нега?! Нима учун?! Бор-йўғи аллақандай корхона бўёқчиликка олгани учунми?! Нахотки, шу даражада майдалашиб кетди?! Нахотки, шу қадар ожиз ва нотавон одамга айланди? Чизиш-бўяш юмушини эплайдиган кадр керак экан, ана, ишга олишди, шунга нима? Манглайида даҳолик юлдузи порлаб тургани учун унга талпинишгани йўқ. Аксинча, у талпинди, ялиниб-ёлворди ўшаларга! Қандай миннатдорчилик изҳор қилишни билмай қийналди, қийпанглади! Ўша мутасаддилар уни иқтидори, истеъдоди учун арши аълога кўтаришгани йўқ, шунчаки, синов муддати билан хизматга олишди, холос. Тинканг-ни қуритиб ишлатишади, миннату иддаолар, бетийик амру фармонлар билан хўрлашади, сўнг худди лайча олдига суяк ташлагандек, қўлингга ўша моянангни тутқазишади. Судралиб уйга қайтасан! Судралиб яна ишга борасан! Бир умр шундай! Бир умр судралиб ўтасан! Шунинг учун беҳад қувониб юрибсанми?! Орзуларинг шуми сенинг!

Бахтиёр шундай изтиробли ўй-хаёллар исканжасида эзилиб ўрнидан турди. Куёвлик кезларидан қолган тўнига бурканиб ташқарига чиқди. Қуруқ совуқ беаёв забтига оларди. Аёз қисган осмонда юлдузлар дийди-рабгина кўринарди.

Бахтиёр ёғоч зиналарни ғижирлатиб юқорига кўтарила бошлади. Болохона! Мана унинг дунёси! Мана орзулари олами! Товуқ қўноғидек кичкинагина устахона! У пайсалланиб лампа чироқни ёқди. Пастак, ҳар хил бўёқ ва қиринди иси қоришган хужра тилла

тусда ёришиб кетди. Бу ерда мусаввирлик ашқол-дашқоллари тўзғиб ётибди. Ўртада мольберт. Чеккада чанг босган, уйнинг аввалги эгасидан қолган диван. Чала чизилган сурат. Хув, чойхонада уни ҳаяжонлан-тирган манзара. Бахтиёр уни тугатишга улгурмаган, яна тирикчилик ташвишларига андармон бўлиб кетган.

Бахтиёр худди биров кўриб қолишидан кўрққандек теvaraгига тезгина аланглаб олди-да, бурчакда кий-шайибгина турган, токчаларига китоблар, журнал-газеталар тахланган жавон ортига қўл чўзди.

У ҳамиша шундай қилади. Хориган, безиган, эзилган кезлари худди шундай болохонага чиқиб келади. Жавон ортига яшириб қўйилган, бўзга ўровлиқ картинани хужра ўртасига оҳиста олиб келиб, секингина очади. Кўнгли ёришиб, юз-кўзига табассум ёйилади.

Мана, унинг бебаҳо бойлиги! Юраги! Қувончи! Соғинчи! Нажоти! Орзу-умидлари! Унинг умри!

Бахтиёр бу картинасини талабаликнинг сўнгги йи-лида, бир ойча ижара уйидан чиқмай чизган эди. Гарчанд бу ишини ҳозирча ҳеч кимга кўрсатмаган, ҳеч кимга баҳолатмаган бўлса-да, фавқулodда ноёб бир санъат асари яратиб қўйганини ич-ичида ҳис этарди. Асарини ҳар гал кўрганида кўнглида ҳаётга ишонч ва умид қабарди. Хорғинликда чарчоғи тарқаб, тушқун-ликда руҳи кўтарилиб, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиларди. Шунинг учун ҳам ғам-ғусса исканжасида қолган кезлари, елкасига тўнини ташлаб, худди кўк токига йўл олгандай, виқору салобат билан секин болохонага кўтарилар эди.

Унинг болохона томон юзланаётганини кўрган хоти-ни ҳам ич-ичида қувонади. Чунки у тушқун, афтодахол эри юқоридан енгил тортиб, кўзлари илҳомдан чакнаб тушишини, худди сеҳрли гиёҳлар шарофатидан соғайган бемордай яшнашини жуда яхши билади.

Аммо ўша тун Матлуба эрининг туйқус болохо-нага чиқиб кетганини пайқаб ажабланди. Ахир ишга кириб, димоғи чоғ, вақти хуш бўлган эди-ку?! Нега яна ташвишланиб қолди?

Ўзи билан ўзи андармон Бахтиёр, албатта, хотинининг безовталигини пайқамади. Ўша тун болохонада одатдагидан қўпроқ қолиб кетди.

Афсуски, қўшма корхонадаги фаолият ҳам узоққа чўзилмади. Эндигина синов муддати тугаб, оғзи ошга етган махали, арзимаган англашилмовчилик касофатига йўликиб ишдан хайдалди.

Фалокат баҳорнинг илк кунларида рўй берди. «8 март — Халқаро хотин-қизлар куни! Айём муборак аёллар!» деган битик тайёрлаб, пештоққа илиб қўйиш маъмурият томонидан буюрилди. Бахтиёр туни билан ишлаб ҳаммасини рисоладагидек бажарди. Аммо... чарчоқ касриданми ё одатдаги паришонликданми, ҳар нечук узундан-узоқ битикдаги сув-ҳаводай зарур яккаю ягона «з» ҳарфи тушиб қолибди! Бу касофат етишмовчиликни эртаси куни маъмурият пайқаб қолганда... анча кеч бўлган, корхона эшигидан кириб келган ҳар бир одам битикка қўз ташлаб улгурган эди. Дархол рассомнинг аризаси олинди.

Бахтиёр корхона дарвозасидан сўнгги бор мунғайибгина чиқаркан, ўша тунги изтиробли ёзғиришлари лоп этиб эсига тушди: «Ношукурчилигим учун худо мени жазолади-ёв...»

Жазонинг беаёвлари ҳали олдинда экан. Бахтиёр учун яна жонсарак кунлар бошланди. Қарзга ботди. Қариндошлар олдида сўнардди. Шу орада кимдир бирор-бир тахририятдан иш топишни маслаҳат берди-ю, Бахтиёр ўшандай жойларга бош сукиб қўрди. Бош суқди-ю, тахририятларда рассомларга у қадар эҳтиёж йўқлигига тезгина амин бўлди.

«Илгариги замон бўлганда сизни бажонидил ишга олардим. Аммо-лекин... ҳозир ҳаммаёқ компьютерлашиб кетди. Менга компьютерни зўр биладиган дизайнерлар керак...»

Бахтиёр бу гаройиб анжомнинг сиру синоатидан беҳабар эди. Лекин бироз кунт билан ҳаракат қилса, тузуккина ўрганиб олишига ишонарди. Ҳатто, шу ниятда компьютер марказлари теварагида тимирскила-

ниб кўрди. Ва билдики, бу ҳам анчагина вақт, харажат талаб қиладиган машғулот экан. Хафсаласи пир бўлди-қолди.

Эғни тушиб, этаги судралиб юрган шундай кунларнинг бирида кутилмаган учрашув рўй берди.

Ўшанда Бахтиёр эски курувчилар бригадаси билан топишиб, уларнинг баъзи бир юмушларига қарашиб, икки-уч танга чой пули ишлаб, тинка-мадори куриб уйига қайтиб келаётганди.

Ёз чилласи ҳовур пуркарди. Шаҳар ўт ёкилган тандирдай кизиб ётарди. Тирик жон ўзини соя-салқинга урган. Йўлларда қатнов сийрак.

«Бахтиярчик!»

Муюлишларнинг биридан эндигина қайрилган Бахтиёр, ўз исмини эшитиб атрофига аланглади. Одатдаги паришонлиги касридан, аввалига, дабдурустан ҳеч кимга кўзи тушмади, сўнг... пасткам дўкон бикинида бир бурдагина бўлиб ўтирган нусхани пайқаб, унга таажжубланиб тикилди.

«Что, меня не узнаёшь?, — дея тағин гап қотди ўша нусха. — Я же Георгий, узнал. Ну-ка, подойди ко мне».

Георгий! Наҳотки манави тасқара ўша рассом! Афтангори кир-чир, соч-соколлари ўсик, устида чувринди кийим.

«Мени болалигимда бир мартагина кўрган, — ўйлади Бахтиёр бўшашиб юринаркан. — Эҳ-е-е, орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Қизик, мени қандай таниди у?!»

Георгий ялпайган жойидан жилмай унга тикилиб ўтирарди. Бахтиёр одатдаги такаллуф юзасидан илжайди, қуюқ саломлашиш учун оғиз жуфтлади.

«Кажется, ты удивляешься, что я узнал тебя? — деб қолди дабдурустан Георгий, — искра гениальности у тебя на лбе блестит!»

Бахтиёр русча гапиришга нўноқ бўлса-да, лекин тилни тузуккина тушунарди. Дайдининг эътирофи унга мойдай ёкди.

«Здравствуйте, Георгий ака», — деди кўришиш учун кўл чўзиб. Лекин дайди алик олмади. Хатто, Бахтиёрнинг узатган кўли хавода муаллақ қолди.

«Рисуешь?» — дея яна дабдурустдан сўради Георгий, унга синчков-саволчан тикилиб.

Бахтиёр каловланди. Нима деб жавоб беришини билмади.

«Оз-моз ҳаракат қиляпман», дейишга оғиз жуфтлаб русча керакли сўзларни излади-ю, аммо... қаршисидаги бир жуфт кўзлардан сеҳрлангандай лол қотиб қолди. Улар ҳеч қачон аллақандай искирт дайдиниқига ўхшамас эди. Бу кўзлар мавжланаётган мовий денгиздек эди. Йўқ, бир жуфт гавҳар мисол товланиб, порлаб турарди. Губорсиз осмондай типтиник эди, бу кўзлар! Хойнахой, ҳаётдан мамнунмасрур одамнинг кўзларигина ана шундай чарақлаб туради.

«Что умолк? — деди Георгий бир ғимирлаб қўяркан, — я спросил: рисуешь или нет?»

«Да...» — Бахтиёр ахён-ахён мўйқалам юргизиб турганини амал-тақал тушунтирган бўлди.

«Готовая картина есть у тебя?»

Бахтиёр яна саросималанди. Бир дона бор дейишдан уялди, қолаверса, уни бировларга кўрсатишни истамасди, қандайдир қизғанарди. Лекин шу тобда шундоққина пайдо бўлиб қолган етук мусаввирга ишини кўрсатиб, унинг фикрини билиш истаги ҳам кўнглида ғимирлаб қолди. Шунинг учун ҳам:

«Ха, бир дона бор», — деди ғудраниб.

Георгийнинг кўзлари мовий-яшил рангларда товланиб кетди.

«Можно мне посмотреть, покажешь?»

Бахтиёр унинг искирт уст-бошига киши билмас разм солиб чикди. Бундай дайдинамо нусха билан шаҳар кўчаларида етаклашиб юришга ийманди. Бирок, барибир, ўша қизиқиши қитиклаб қўймади.

«Бўпти, юринг уйга борамиз», — деди андак иккиланиб тургач.

Георгий бир қарашда бир пайтлар отаси олдиға солиб берган кўтарам, кўтир кўйға ўхшаб кўринсада, фавқулодда тетиклик билан дик этиб ўрнидан турди.

Хайрият, ўша кун хотини болаларини олиб кишлоққа тўй-тўйлаб кетган экан. Йўкса, эри эргаштириб келган мавжудотни кўриб эсидан айрилиши мумкин эди.

Георгийга Бахтиёрнинг харобгина ховлиси, айникса, болохонаси ёкиб қолди.

«Самое подходящее место для творчество, для художника», — деди тевааракка аланглаб.

Бахтиёр унинг сўзларига деярли эътибор бермади. Ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган махбусдек титрар, юраги гурс-гурс урар эди.

«Вот...», — деди у аранг, лаблари хаяжондан курукшаб, жавон ортидан картинасини олиб, эски диванда ялпайиб ўтирган Георгийнинг қаршисига кўяркан.

Кекса мусаввир афтидан, Бахтиёрнинг хол-аҳволини пайқади.

«Иди, пока погуляй где-нибудь минут десять, — деди ҳамдард бир охангда, — сам разверну и посмотрю».

Бу таклиф хаяжон ва хадикнинг зўридан ичаклари бўшашиб, безовта қилаётган Бахтиёрга айни муддао бўлди. Шу заҳотиёқ елка кисиб, юз-кўзларини кафти билан бекитиб пастга отилди. У бир пайтлар ўзига ардоқли бўлиб қолган улоқни қурбонлик учун шайлашган чоғ шундай аҳволга тушган ва шу ҳолатда дашт томон чолиб кетган эди.

Йўк, орадан ўн эмас, ўн беш дақиқалар ўтди. Ҳожатдан чиқиб, ўзини анча босиб олган Бахтиёр бир-бир босиб яна болохонага кўтарилди. Георгий ўша картина қаршисида ёниб адо бўлаётган шамдек қийшайган кўйи қотиб ўтирарди. У ботинмайгина болохонага бош суккан Бахтиёрни пайқамади. Шу алфозда тагин икки-уч дақиқа турди, сўнг туйқус уйғонган каби илкис биқинига ўгирилди. Ўсиқ соқол-мўйлов орасида гирашира кўриниб турган оғзини ним очиб, Бахтиёрга

умрида илк бора кўриб турган мўъжизага бокқандек бокди. Сўнг охиста пичирлади:

«Ну-ка, дай лапу».

Бахтиёр индамай ўнг қўлини узатди. Георгий уни охиста оғзига яқинлаштириб ғудранди:

«Надо целовать такие руки...»

Ёқимли муждадан мумдай эриган Бахтиёр Георгийнинг ўсик туклари қўлига игнадек санчилганини у кадар пайқамади.

Кекса мусаввир бироз сурилиб ёнига ишора килди. Бахтиёр эски диванни ғижирлатиб ўтирди. Георгийнинг андак намланган кўзлари янада тиниқ тортиб, шишадай йилтиллаб турарди.

«Прекрасная работа! Бесценная картина! Когда нарисовал это?»

«Давно...», — деди Бахтиёр минғирлаб.

Георгий ўнг биқинини ковлаштириб чувринди кийимларининг қай бир тешигидан ийғаланган сигарет қутисини олди-да, андак титраётган бармоқлари билан уни очди. Қути ичида, афтидан, у-бу ердан териб олинган бўлса керак, уч-тўртта чала чекилган сигарет қолдиғи қалашиб турарди. Георгий улардан бирини шошилмай лабига кистириб тутатди.

«Но... я не могу тебе чего-нибудь посоветовать... лишь одно могу сказать: ты должен работать, ты должен творить».

Бахтиёр русча керакли сўзларни тергилаб, тирикчилик қийнаб қўйганини, ўзини моддий жиҳатдан ўнглаб, сўнг буткул ижод билан шуғулланиш ниятида эканлигини, лекин ҳозирча ҳеч имконият бўлмаётганини айтишга чоғланиб эмранди.

Георгий бош чайқади. Афтидан, у Бахтиёр оғиз очмасданоқ нима демоқчи эканлигини англаган эди.

«Слушай...», — деди у ўйчан тебраниб, — красота, искусство требует жертв... Художник всегда должен быть готовым к этому... Так суждено Богом. Настоящий, гениальный художник не должен искать, ждать благ от жизни. Его талант, его свойство есть благо, есть дар Бога».

«Бундай марҳаматнинг менга нима нафи бор, — деб юборди Бахтиёр хўрлиги келиб, — шахсан ўзим учун ҳеч қандай талабим йўқ, лекин бола-чақамни боқишим керак».

Георгий унга хаёлчан термилиб қолди. Унинг ҳалигина чакнаб турган кўзлари алланечук хира тортган эди. Бироздан сўнг оғир хўрсиниб ўрнидан турди.

«Ладно... по-моему, ты ещё не осознал смысл искусства, творения. Да, кстати, — кекса мусаввир Бахтиёр шоша-пиша матога ўраётган картинага ишора қилди, — не смей это продать или кому-либо подарить, ведь эта твоя жизнь».

Георгий кетди. Бахтиёр уни нариги муюлишгача кузатиб қўйган бўлди.

Шаҳар ҳали-ҳануз ҳароратдан хансираб ётарди. Катта йўл бўйлаб елиб ўтаётган автолар, ғира-шира ховур ортида худди эриб бораётгандай туюлади. Қай бир ховли олдига кўлоблатиб сепилган сувдан намиққан тупроқ иси димоғларга урилади.

Бахтиёр уйига кўнгли хижил бўлиб қайтди. Шундай мусаввирни меҳмон қилолмадим, аҳволини кўра-била туриб, ҳеч курса, қўлига уч-тўрт танга тутқазолмадим деган ўй уни кийнарди. Кейин англадики, буткул бошқа нарса уни исканжага олиб эзғилаётган экан: Георгийнинг туйкус сўнарган кўзлари, хўрсиниқлари!

Бахтиёр бўшашиб ховлисига кираркан, қария ишора қилган ўша хатоларини англаб олишга уринар, лекин тузукроқ хулосага келолмай тажанглашар эди.

«Аслида Георгийни уйга бошлаб келмаслигим керак эди», — деб ўйлади у дахлиздаги кўрпача устига беҳол чўзилиб.

Ха, ха, йўл қўйилган энг катта хато шу! Фикр олмоқчи бўлдилар, тўғрироғи, эътирофини эшитмоқчи бўлдилар. Ана, асарини мақтади, кўкларга кўтарди. Нега энди қувончдан ирғишламаяпти, осмону фалакка парвоз қилмаяпти? Дарвоқе, асари Георгийга ёкмагандачи, дейлик, рассом уни ерга уриб танкид қилганда-чи?

Хўш, ўшанда қандай чора кўрарди? Суратни оловга ташлармиди? Ё бурдалаб улоктирармиди?!

«Йўқ, асло! — Бахтиёр беихтиёр гудранганича кад ростлади, юраги гурс-гурс урарди, — ахир у менинг ҳаётим, борлиғим! Георгий ҳам шундай деди. Шу гапнинг ўзи асарига энг аъло баҳо».

Бахтиёр яна кўрпачага чўзилди. Хом гиштдан қурилган, пасттаки на даҳлиз анча салқин эди. У бироз мизғиш илинжида ғужанак тортди. Чиндан ҳам кўзи илинган экан. Қанча ухлаганини билмайди, бир пайт енгил ғала-ғовурдан уйғониб кетди. Қараса, болалари теварагида ўтириб, унинг ухлашини томоша қилишпти. Ўғилчиси қикир-қикир куляпти. Катта кизи уни жим бўлишга ундаяпти.

«Дадажон, биз келди-и-ик!» — дея қийқирганича кичик кизи унинг бағрига отилди. Қолганлари ҳам шўх-шодон унинг бўйнига осилишди.

Болалар! Унинг болалари! Қанчалар нодон, қанчалар олчоқ у! Боягина аллақандай дайдиға шу жажжиларни боқаётганини айтиб ҳасрат қилди-я?! Шу дардисарлар бўлмаса, зўр рассом бўлиб кетардим, деб ўқинди-я?! Миннат қилди-я?! Қанчалар ёвуз, қанчалар худбин у?!

Бахтиёрнинг кўзларига беихтиёр ёш қалқди. Хўнграб юбормаслик учун кизчасининг патила-патила сочларига юз босди.

Ўша тун касаллик яна хуруж қилди. Сахарга яқин уни «Тез ёрдам» олиб кетди. Хотини оёғи қуйган товукдай у ён-бу ёнга чоңди. Ёрдам сўради. Ўша эски бригадаси оқибат кўрсатди. Бахтиёрни ёлғиз ташлаб қўйишмади. Рўзғорига ҳам ғамхўрлик қилишди.

Бахтиёр бу гал анча узоқ даволанди. Муолажалар тугагач, олиб кетиш учун хотини келди. У анча тушқун ва безовта эди. Бахтиёр ажабланиб уни саволга тутди. Матлуба ҳик-ҳик йиғлашга тушди. У палатага киришдан аввал врачга учрашган эди.

«Эрингизни эҳтиёт қилинг, агар касали яна хуруж қилгудек бўлса... ҳаётига қафолат йўқ», — деди даволовчи врач минг бир чайналиб...

Шу нарса уни қаттиқ қайғуга солганди. Аммо Матлуба эшитганларини эрига айтмади. «Шунчаки, сизсиз қийналганимиздан йиғлаяпман», деб минғирлаб қўйди.

Бахтиёр яна ўша бригадага бориб қўшилди. Қўшиларкан, бир пайтлар уларни ўзига бегона санаб ўқиниб юрганидан уялди. «Шулар кунингга яради-ку, шуларгина сенга, оилангга парвона бўлди-ку?!» — деган ички хитоб билан тез-тез ўзини тергаб, танбеҳ-дашномларга кўмиб ташларди. Аммо бу ҳол иштаха тортмаган таомни соғлиққа фойдали деб егандай бир гап эди. Бахтиёр бўйнига бўйинтурук солинган қирчанғидай аранг судралиб ишга борар, қурувчиларнинг саёз-сийқа гурунгларидан дарров зерикар, бир ёқларга бош олиб кочиб кетгиси келар эди. Аммо... начора. Осмон узоқ, ер қаттиқ. «Йўқ, бунинг ҳаммаси вақтинча, — деб гоҳо ўзини ўзи овутарди у маҳмадона сувоқчига ёрдамлашиб юаркан, — тез орада кетаман бу ердан! Ўзимга муносиб иш топаман-у, кетаман».

Ха, ха, тез орада бу ерлардан кетиши тайин бўлиб қолди. Лекин... бригада билан. Афтидан, қисматида қурувчилик қайд этилганга ўхшайди.

«Келгуси йил май ойларида Россияга жўнаймиз, — деб қолди бир кун бригадир, — хоҳласангиз биз билан юринг. Сиз боп юмуш ҳам топилиб қолар. Фақат халпарастликни ташласангиз бўлди».

Бахтиёр манглайда қотиб қолган қоришма юқини ўйчан ишқаларкан, бош ирғаб розилик билдирди. Хатто, бу сафардан қанча даромад қилишини чамалаб, анча ҳовлиқиб қолди. Аммо олдида турган олис сафарнинг ҳам нағмалари кўп эди. Аввало, йўлқира учун пул топиш керак. Рўзгорга ҳам икки-уч ойга етгулик маблағ ташлаб кетиш зарур.

Бригадир лутф этган пайтлар ҳали баҳоргача узоқ эди. Бахтиёр мўъжиза рўй беришини, кўзлаган маблағи топилиб қолишини кутди. Аммо мўъжиза рўй бермади. Лоп этиб баҳор ҳам етиб келди. Бутун борлиқ яшил-

катта эмиш. Ҳагто, энг ноёб, энг ҳалиги... нимаиди... хуллас, энг зўр суратларни ким кўпроқ йиғиш бўйича мусобақа бор эмиш...

Ўктам муштини яна даҳанига тегизиб енгил томоқ қириб қўйди. Дўстига синовчан-саволчан тикилди.

— Шу гапни айтиш учун ортимдан югуриб чикдингми? — деди Бахтиёр ҳафсаласи пир бўлиб.

— Ўйловдимки, бу хабар сени қизиқтиради деб... ахир, бир пайтлар чизардинг, балки ҳозир ҳам чизиб юргандирсан.

— Хўш, шунга нима?

— Нима эмиш... Тайёр асарларинг бўлса сотамиз.

Бахтиёрнинг ногоҳ кўз ўнгиди ўша картинаси жонланди. Баданидан нимадир ўрмалаб ўтгандай бўлди.

— Йў-ў... сотмайман, — деб юборди у беихтиёр. Аммо товуши шу қадар заиф ва ишончсиз чикдики, ундан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Одатда чарчаган, эзилган ва безиган кишининг овози шундай чиқади.

— Нахотки менга ишонмасанг, — деди Ўктам дўстининг қаршилигини ўзича тушуниб, — нарсангни сотсанг, бир тийинига ҳам кўз олайтирмай қўлингга тутқазаман. Сен мени тўғри тушунгин, мен... проста сенга ёрдам бергим келяпти.

— Йў-ў... сотмайман.

Бахтиёрнинг бу гал ҳам саси аввалгисидан баттар ожизона эшитилди. У худди нажот сўрагандай орқага тисарилиб яна ўша букчайиб-бурушган тутнинг туя ўркачидай туртиб чиққан танасига суяниб олди.

Дўстининг типирчилаб тиришишлари Ўктамнинг қизиқишини яна ҳам орттирди.

«Бу хумпарда бир гап бор-ов», — деб ўйлади у тажрибали савдогарларга хос сезгирлик билан Бахтиёрни зимдан кузатаркан.

— Бахти, намуноча қайсарлик қилмасанг... Нечта тайёр картинанг бор ўзи?

— Битта...

— Биттами?! Атиги-я? — Ўктам пиқиллаб кулганича тиззаларига шапатилади. — Шунга шунча таранг қиялпсанми? Мен ўйлабманки...

— Уни жонимдан ортиқ кўраман, сотолмайман.

— Бахти, бундай ўрлик килма. Аклингни ишлат, курук ҳавога қилич сермамагин. Сени тўғри тушунаман... Ҳар ҳолда, ўз вақтида имконинг етмай яхши ижод қилолмаган бўлишинг мумкин. Балки ҳозир бошингда чинакам бахт қуши айланаётгандир. Шу картинани сотсанг, балки ишларинг юришиб кетар. Тўсатдан машҳур, бой бўлиб кетишинг мумкин, билдингми? Юртнинг энг зўр бойларидан, балки корхоналардан сенга кетма-кет заказлар оқиб келар. Ана ўшанда бемалол ижод қиладиган бўласан. Ана ўшанда ҳамма кадрингга етадиган бўлади...

Ўктам туйқус жим қолди. Чунки у билиб-билмай ўз бизнес лойиҳасини, дўстининг истеъдодидан фойдаланиш режасини ҳам айтиб юборган эди. У лабини қимтиган кўйи изтиробли ўйлар исканжасида забун бўлиб турган Бахтиёрга синовчан кўз ташлади.

«...Пайқадимикан? Йў-ў-қ, у бундай тадбиркорликни тушунмайди. Лекин... уни бир амаллаб кўндиришим керак».

— Ҳўш, Бахти, нима дейсан? Гапирсанг-чи, — деди Ўктам гўё ҳорғин тин олиб.

Дўстининг кизишиб тушунтиришлари Бахтиёрга ўткир малҳамдек таъсир этмоқда эди. Унинг хаёллари алғов-далғов бўлиб кетди.

«Ўктамнинг гапларида жон борга ўхшайди. Чинда, дунёда машҳур, бой рассомлар кўп-ку! Уларнинг асарларини бадавлат кишилар сотиб олишгани учун ҳам шундай бўлган-да! Эсам, пулни ҳаводан олишганми? Мен... мен нега асаримни сотмаслигим керак? Агар у чинакам санъат асари бўлса, одамлар бахраманд бўлсин, завқлансин, истеъдодимга қойил қолишсин! Уни уйда саклаб ўтирганимдан нима наф?»

Дўстини зимдан кузатиб, унинг тафт теккан муздай эриб бораётганини пайқаган Ўктам тагин аврашга зўр берди.

— Кимки уйидаги бирор жихозни мукаддас санаб, унга сиғиниб юрса, ўша жихоз уйнинг ризқ-насибасига тўғаноқ бўларкан. Бир дуохон мулла менга шундай деган...

Бахтиёр ялт этиб дўстига ўгирилди. Қоқ кўксига ўқ санчилган жонивордай кўзлари безрайиб, ранг-рўйи бўздек окарди.

— Шундаймикан...

— Э, ўша мулла ҳеч қачон алдамайди, шунинг учун мижозлари кўп, ҳар тарафдан оқиб келишади.

Бахтиёр Ўктамнинг гапларини деярли эшитмади. Ич-ичидан кўзғалган бир товуш: «Худди шундай, ана, ҳаётингда кўриб турибсан-ку», дея бутун онг-шуурида акс садо берарди.

— Энди бу ёғи ўзингга хавола, — деди Ўктам дўстининг муқаррар таслим бўлишини пайқаб ўзини кетаётганга соларкан. — Сотсанг сот, истасанг кучоқлаб ёт... Мен шунчаки сенга ёрдам бермоқчи эдим.

Бахтиёр у томон илкис интилди.

— Тўхта!.. Дўстинг билан шу ҳақда гаплашганинг чинми?

— Сени алдаб менга зарилми?

— Нархлари... қандай экан?

— Қўркма, сени ҳеч ким чув туширолмайди, ўртада ўзим турибман. Яхшигина нархга сотамиз. Насиб бўлса кейингиларини бундан ҳам қимматга пуллаймиз.

— Менга пул жуда зарил-да, эсам... — деб мингирлади Бахтиёр.

— Агар чиндан ҳам сотишга кўнган бўлсанг... майли, мен сенга заклат бераман.

Бахтиёрнинг чехраси ёришди.

— Раҳмат... келишдик.

— Гап бундай, Бахти, — Ўктам дўстининг елкасига қўл ташлади, — мен эртага Тошкентга кетаман, жуда

пасайган, пайкалларнинг у-бу еридагина киз-жувонлар кўсак чувиб, тўкилган толаларни териб юришар эди. «Эй, рассом, бизнинг расмимизни чизиб бе-е-р!» — дея чинкириб қўл силкитарди уни кўриб таниб қолганлари.

Бахтиёр ҳам хушхоллик билан бош ирғаб қўярди.

Ўша куни у хаёлларга ғарқ бўлиб, мол излашни ҳам унутиб пайкалда ҳўн тентиди. Теваракдаги манзаралар, ранглар унинг юрагини ўртаб, илҳом завқини соларди. Тик турган кўйи ҳамма-ҳаммасини қоғозларда тасвирлагиси келарди.

Бир пайт у тахтадай қотиб қолди. Атиги уч-тўрт қадам нарида, баланд ўсган ғўзалар орасида бир хилкат узун, коп-қора сочларига қўмилиб, аллақандай ашулани хиргойи қилган кўйи кўсак чувиб ўтирарди. Ногоҳ шарпани илғаб, у илкис бош кўтарди. Чехрасини тўсиб турган паришон сочлари икки ёнга силтаниб кетди.

Оқ рўмол остида кун кўрмаган юзлар кўпчиган хамирдай оппоқ эди. Бир жуфт кахрабодек кўзлар ҳуркаклик билан боқар, қалин, дўрдоқ лаблар ним очилиб титранар, гўё нелардир демокқа чоғланар эди.

Бахтиёр худди жодулангандай анча пайт қотиб қолди. Қизнинг йирик-йирик кўзларидан кўз узолмасди. Аъзойи бадани жимираб, юраги гурс-гурс ура кетди. Қиз ҳам шу алфозда бир муддат тек қотди-ю, сўнг, «вой» деганича ўрнидан ирғиб турди, каловланиб ердан рўмолини олиб бошига илди.

Шундагина Бахтиёр қаршисидаги Ражаб эканини билди. Тўғрироғи, бўй-бастидан тусмоллади. Чунки у илгари қўшни қишлоқлик бу қиз хақида кўп эшитган бўлса-да, ҳеч ўзини бу қадар яқиндан кўрмаган эди.

«Кечирасиз, сизни безовта қилдим, — деди йигит алланечук ҳислардан томоқлари қуруқшаб, — шу атрофдан сигиримни излаб юргандим».

Ражаб кўсак қобиклари сочилиб ётган жўяк томон тисарилди, қат-кат, кенг кийимларининг у ёқ-бу ёғини орасталаган бўлди.

«Сиз ҳам шу бригадада ишлайсизми?» — деб яна гап қотди Бахтиёр.

«Йў-ўқ, биз олтинчиданмиз. Бир ҳафтага хашарга келдик», — деди Ражаб. Шундай бўй-бастига қарамай, унинг овози чиннидай жарангдор, момикдай майин эди.

«Норма жуда каттами?»

«Йў-ўқ, кунига ўн килоча чувима топширсак бўлди».

Бахтиёрнинг кетгиси йўқ эди. Гапни гапга улаб тураверишни истарди. Шу сабаб жўялироқ гап излаб пича ғимирлаб қолди. Шу пайт қизнинг ўзи жонга оро кирди.

«Армияга кетяпсизми?» — деб сўради у қия кўз ташлаб.

«Ҳа, — деди Бахтиёр тақир бошидаги бир парча кепкани пийпалаб. — Ўқишга киролмадик, энди армиясини ҳам бир кўриб келайлик-чи».

«Ўқишга киролмай ўқингандирсиз-а?»

«Унчаликмас... шу институтга ўзи кўп ҳам ҳушим тортмади».

«Нега бирдан ёққанига бормадингиз, масалан, расомчиликка...»

Ражабнинг ўзи ҳақида билишини пайқаб Бахтиёр негадир севинди. Лекин амакиси зўрлаб шу институтга олиб борганини айтгиси келмади. Негадир қиз олдида шумшук, биров етаклаган томон кетаверадиган лақма бўлиб кўринишни истамади.

«Бу йил шунчаки машқ қилиб кўрдим-да», — деб қўйди чайналиб.

Ражаб тез-тез тевааракка аланглаб қўярди. Афтидан, у йигит киши билан турганини биров кўриб қолишидан чўчирди.

«Сигирингиз бу атрофда кўринмаяпти?»

Қизнинг ожизона айтган бу гапи, «Энди бу ердан кетинг», дегандай туюлди Бахтиёрга. Лекин унинг ҳануз кетгиси йўқ эди. Ажиб, ҳузурбахш хислар оғушида мастона турарди.

«Сигир ҳам уйга етиб олгандир, — деди Бахтиёр кишлоқ томон эринибгина кўз ташлаб, сўнг жўяк ичига тўкиб қўйилган кўсак уюмига ишора қилди. — Ке-

линг, сизга чувишга ёрдам бераман, шусиз ҳам кўп гапириб сизни ишдан колдирдим».

Ражаб елка учириб, саросимали жилмаяркан, яна тевааракка тезгина аланглаб қўйди.

Кўсак уюми ёнига ўтирдилар. Ражабнинг тўзгин сочлари амал-тақал ўралган рўмол қирраларидан кўпириб-тошиб енгил эпкинда ўйноқлаб турарди. Бахтиёрнинг тобора қони қизиб, юраги ҳаприкиб борар, кўсак тутган қўллари биров титрар эди.

«Бошқалардан ажралиб қолибсиз», — деди у қизга саволчан кўз ташлаб. Ва сўровидан пушаймон бўлди.

Ражабнинг туйкус ранг-рўйи тундлашиб биров жим турди, сўнг ўзига-ўзи гапиргандек пичирлаб қўйди:

«Кўпчилик ичида юрагим сиқилади».

Бахтиёр ўнғайсизликдан чиқиш илинжида қизга ёқадиган гап топишга уринди.

«Хаёл суришни яхши кўрасизми дейман менга ўхшаб?»

«Қандай билдингиз?»

«Юзларингиз жуда тиниқ экан, хаёлкаш қизларнинг юзлари шундай нурланади».

Ражаб эътироз билдиришга уринди-ю, аммо эплай олмади. Мактовдан масрурланиб беихтиёр жилмайди. Бўртиқ ёноқларига андак қизиллик инди.

«Қўйинг-е... рассомсиз, шунинг учун чиройли гапирасиз».

Мактовдан мойдек эриш гали энди Бахтиёрга келди.

«Рассомлигимни қаердан биласиз?» — деди у оғзининг таноби қочиб.

«Жуда машхурсиз. Қишлоғимиздаги мактабда ҳам сизни ўрнак қилиб кўп гапиришарди».

Шу асно ғўзалар шитирлаб кетди. Хар иккиси ҳам бош кўтариб шарпа саси келган ёққа юзланишди. Не кўз билан кўришсинки, шундоққина рўпарада йўқолган ола сигир қавшанган қўйи уларга термилиб турарди.

Улар бир-бирига ялт этиб қараб баб-баравар кулиб юборишди. Қахқаҳанинг зўридан Ражабнинг рўмоли сидирилиб тушиб, сочлари тагин тўзиб кетди. Жа-

рангдор, тиниқ товуши илиқ куз офтоби нурларига қоришиб кенг пайкалларга сингиб кетгандай бўлди. Кулги баробарида ич-ичидаги гўзаллик, латофат сиртга силкиб чиқди-ю, ялпоқ юз, дўрдоқ лаб, йирик бурун бир зум жилваланиб кетди.

Бахтиёр кизга лол қараб турарди.

Ўша куни у ола сигирини олдига солиб, пайкалдан маст одамдай довдираб қайтди. Юраги хали ҳеч қачон ҳис этмаган аллақандай сурурдан мавжланар, бутун вужудида ёқимли бир титроқ кезинар эди. Ўша кеч камгап, камсуқум Бахтиёр уйида ҳам, дўст-ёронлар даврасида ҳам кўп гапириб, кўп кулди. Хамма хайрон. Хатто, отаси киши билмас оғзини хидлаб кўрди. Йўқ, майхўрлик қилмаган.

Ўша кеч Бахтиёр ҳузурланиб тўшагига чўзиларкан, Ражабнинг кўзлари таъқиб қилиб турганини пайқади. Ногоҳ юрагига ғусса қалқди. Уйқуси қочди. Қах-қах уриб кулаётган қизнинг кўзлари бот-бот хаёлида жонланди. Ражабнинг кўзлари кулмас эди! Ҳа, кулмас эди, улар ғамгин ва ўйчан боқиб турарди. Қиз ёнида лол қотиб тураркан, Бахтиёр буни аниқ кўрди, мусавирлик сезгиси билан теран сезд! Худди шу маънос нигоҳлар уни буткул жодулаб олган эди.

«Кўзларингни севаман, Ражаб», дея пичирлади йигит, қоп-қора тун қараб турган деразага тикилиб.

Ўша пайтлар аскарликка чақирилган ёш-яланглар арзанда тўпга айланар, эртаю кеч ўйин-кулги қилиб, кўча-кўйда маст-аласт изғиб юришар эди. Бахтиёр ҳар хил баҳоналар билан улардан тайсаллай бошлади. Ҳар хил баҳоналар билан пайкал томон ошиқар бўлди. У Ражаб билан деярли ҳар куни учрашарди. Ҳар учрашганда қиз қалбининг нозик қирраларини кашф қилиб, олам-олам завқ-шавққа тўларди.

Ражаб еттинчи синфдан бу ёғига мактаб бетини кўрмаган бўлса ҳам, анча ўқимишли қиз экан. У тилга олган китобларнинг кўпини Бахтиёр, хатто, номини ҳам эшитмаган бўлиб чиқарди. Гоҳо, қиз шундай файласуфона, шоирона гаплар айтардики,

Бахтиёр уларнинг мазмунини чақолмай хижолатлар нар эди.

«Қўяверинг, менинг ёшимга етганда билиб оласиз, — деб куларди Ражаб, унинг каловланишларини пайкаб. — Ахир сиздан икки ёш каттаман-а?..»

Шундай шавқли учрашувларнинг биридан қайтиб келётган маҳал пайкал бошида Шойимга йўлиқиб қолди.

Шойим улардан уч йил аввал мактабни амал-тақал битирганлардан эди. Тошкентда ўқияпман деб ҳаммани лақиллатиб, ҳарбий комиссариатни ҳам чалғитиб юрган экан. Охир-оқибат сири фош бўлди. Бахтиёрлар қатори хизматга чақириқ қоғози олди.

«Бизни иснодга қўйдинг, уканг тенгилар билан армияга кетяпсан», — деб катта акаси боплаб савалаган эмиш. Лекин Шойим сиртига сув юктирмай, кўча-кўйда керилиб, ҳуда-беҳуда лақиллаб юрар эди.

«Қаердан келаяпсан? — деб сўради у тарғил кўзларини маккорона қисиб, пайкал четида учраб қолган ўша пайт, — Ражабнинг олдида бўлдингми?»

«Ҳа, бироз кўсак чувишдим», — деди Бахтиёр истар-истамас.

Шойим уятсизларча тиржайди.

«...Кўрдингми, зўр нарас эканми?»

«Оғзингизга қараб гапиринг, ака... — Бахтиёр бўғзига тикилган ғазаб ва аламдан бир зум гап тополмай энтикиб қолди, сўнг секин қўшиб қўйди, — у сиз ўйлаган қизлардан эмас».

«Қўйсанг-чи, Ражабнинг олди очик, мен биламан, уни Болта мудир бузиб қўйган».

Бахтиёрнинг қўллари мушт бўлиб тугилди. Шойимнинг кизил донача тошган башарасини мўлжаллаб уришга шайланди, лекин ботина олмади.

«Менга бунақа гапларни гапирманг», — деди аламдан йиғлагудек бўлиб нари кетаркан.

Бирок Ражаб ҳақидаги сассик сафсата шу билан тугамади. Эртаси куни кетарманлар сафдошларидан бирининг уйига йиғилишган кеч дастурхон теварагидаги гурунги яна ўша кизга бориб тақалди.

«Бекорга у чекка-овлоқ ерда кўсак териб юрмайди, — дея хиринглади Шойим, уй тўрида ёнбошлаб ётаркан, — талабгорларни овлайди, мазахўрак... шунинг учун семириб кетяпти».

Унинг ғийбатларини кимлардир қийкириб қувватлаган бўлди. Чой сузаётган Бахтиёр зимдан сафсатабоз томон бир ўқрайиб қўйди-ю, уйдан чиқиб кетишга шайланди.

«Манави сафдошимиз ҳам... — Шойим жонсарак Бахтиёрга ишора қилди, — таъмини татиб кўрган».

Даврада кулги-қийқирик авжланди. Бахтиёрнинг кизариб-бўзариб: «Бекор гап», — дея пўнғиллаши ғала-ғовур ичида деярли эшитилмади.

Ширакайф кетарманлардан бири шу орада овозини баралла қўйди.

«Жуда тўғри қилган. Ахир бу рассом. Рассом одам шундай-шундай кўриб турмаса, яланғоч аёлни қандай чизади?!»

Гур этиб кўтарилган кулгидан меҳмонхона вассажуфтларигача зириллаб кетди.

Бахтиёрдан «ғинг» деган садо чиқмади. Аввалига бир-икки норизо типирчилаб қўйган бўлса-да, кейинчалик кулгиларга илжайган қўйи қўшилиб ўтирди. Ражабни ошкора ҳимоя қилишга ботина олмади. Балчиқдай бижғиб турган мана бу гап-сўзлар эрта-индин чин чиқиб, эл-улус олдида шарманда бўлишидан кўрқди.

«Булар бекорга бундай дадил гапирмайди-ку, — деб ўйлади у ўша кеч ғашланиб уйига қайтаркан, — ростдан ҳам Ражабнинг бир балоси борга ўхшайди».

Ўша тун Бахтиёр тўлғаниб чиқди. Хаёлида қарама-қарши ўйлар чарх урар, кўнгли алғов-далғов эди. Қизни ҳар эслаганида вужудида ёқимли ҳислар жунбишга келарди. Охир-оқибат кўнглининг туб-тубида ғимирлаб, пайт пойлаб юрган асл ният отилиб юзага чиқди.

«Шу пайтгача бирор қизни ўпиб ҳам кўрганим йўғ-а? — деб ўйлади у ёстикни тўшига тортиб, — агар анави гаплар чин бўлса...уни мен ҳам...»

Аммо Бахтиёр ўз хаёлидан ўзи уялиб кўрпага бурканиб олди.

Эртаси куни тагин Ражабга рўбарў бўлган пайт, қизнинг маъюс-махзун қаровларига кўзи тушди-ю, тун бўйи тўлғантириб чиққан фитнакор ўйларидан баттар уялиб, ўзидан ўзи нафратланиб кетди. Аммо бу кўпга чўзилмади. Сухбат қизиган сайин йигит қони ҳам қизиб, қизнинг гоҳ бўлиқ кўкракларидан, гоҳ тиник, лўппи юзларидан кўз узолмай, гапидан адашиб, дудукланиб қолар эди.

«Тошкентга тоғамникига борганимизда музейга кирганмиз, — деб эслаб қолди Ражаб ийманиб, — яланғоч хотинларнинг портретини кўриб роса уялганмиз, қаёкка қочаримизни билмай қолганмиз».

«Уларни рассомлар аслига қараб чизиб, — деб билагонлик қилди Бахтиёр, — санъатда шунақа усул бор...»

«Ўлсин-е, бунақа усули...»

Бир пайт улар чувиётган қўсак соб бўлиб қолди. Ражаб яна териб келиш учун ўрнидан турди. Бироқ увишиб қолган бўғинлари оғирликни кўтара олмай ногоҳ ортга қалқиб, жўяк ичига гурсиллаб йиқилди.

«Ия, эҳтиёт бўлинг!» — деб ирғиб ўрнидан турди Бахтиёр кўмакка ошиқиб. Лекин ҳовлиққанидан ғўзапояга қоқилиб... узун этакларига ўралашган кўйи ўрнидан туришга уринаётган қиз кучоғига кулади. Шусиз ҳам гурунг давомида бутун вужуди таранг тортиб, эҳтироси жўшиб турган навқирон жон ортик чидаяёлмай, бўртиқ ёноқлардан ўпиб олди! Ва яна лаблар сари талпинди. Аммо Ражаб бир силтаниб Бахтиёрни осонгина устидан сидириб ташлади.

«Хаддингиздан ошманг», — деди қиз қизариб-бўзариб. Сўнг гандираклаган кўйи ўрнидан туриб, устбошларини орасталади.

Бахтиёр нима қиларини, нима деярини билмай қолди. Унинг кўзлари ҳирсдан ёниб яна Ражабга ташлангиси келарди. Аммо журъат этолмади.

«Сизнинг суратингизни чизмоқчи эдим», — деб гудранди аранг.

Ражаб ялт этиб унга юзланди.

«Ниманинг эвазига? — сўнг ғамгин пичирлаган қўйи қўшиб қўйди. — Менинг суратимни чизиш сизнинг қўлингиздан келмайди».

Қиз чувима солинган этакни елкасига ташлаб нари кетди.

Бахтиёр уч-тўрт кун Ражабнинг кўзига кўринишга уялиб юрди. Лекин кечаю кундуз у ҳақда ўйлар, қандайдир оҳанрабо уни қиз томонга тобора тортқиларди.

Тиз чўкиб кечирим сўрашим керак, севишимни айтишим керак, деган ўй унинг онг-шуурида изғиб юрарди. Бу орада аскарликка жўнаш муддати ҳам етиб келди.

Бахтиёр туман марказидаги ҳарбий идорадан қайтиб келди-ю, яна пайкал оралади.

«Бугун чикмаган бўлса-я?! Уларни бошқа пайкалга олиб кетишган бўлса-я?!» — деган хавотирдан юраги хаприкар, негадир ўкириб йиғлагиси келар эди.

Бахтиёр теваракка жонсарак аланглади. Шип-шийдам, пати кетган палосдек пайкалнинг кунботар томонида тўзиб юрган қиз-жувонларга кўзи тушиди-ю, кўнгли бироз таскин топди. Сўнг катта зовур ёқасидаги ғўзалар баланд ва қуюқ ўсган карта ёққа юзланди. Чунки Ражабни одатда шу тарафда кўпроқ учратарди. Бахтиёр қадамини тезлатди.

Куз офтоби ҳорғин ва ўйчан йилтиллаб турарди. Ғўё ундан нур ўрнига занг ёғилаётгандек, дов-далалар сарғиш-қизғиш тусга қоришиб маҳзун ястаниб ётарди. Хазонлар шитирлаб-шивирлаб, ҳавода бир зум муаллак қотган қўйи оҳиста ер бағирлайди.

Ана, ана у! Ражаб жўяклар оралаб хаёлчан қўсак териб юрарди. Бахтиёр кийкириб қиз томонга қўл сил-тади. У ҳам товуш таралган тарафга тикилиб турди-да, қўлини ҳавода тўлғади. Сўнг этакларини йиғиштириб пешвоз юргандай бўлди.

Бахтиёр қувончдан ғўё канот қоқиб учди.

«Мендан хафа эмассиз-а, хафа эмассиз-а, Ражаб! Сиз ҳар қандай гўзалдан гўзалсиз, Ражаб! Бир умр ёнингизда бўлсам дейман! Бир умр кўларингизга термилиб ўтирсам дейман! Мен сизни севаман! Ҳозирок бориб олдингизда тиз чўкаман, юрагимда борини тўкиб ташлайман!..»

Бахтиёр ич-ичида шундай ҳайқириб, икки кўзини киздан узмай юургилар экан, ғадир-будур эгатларда бир-икки қоқилиб кетди.

Ҳаво алланечук илиқ ва майин эди. Унда-мунда илашиб қолган мезонлар шўх-шодон ўйноқларди.

Улар юзма-юз келдилар. Оралиқ уч-тўрт қадам қолганда худди биров буйруқ бергандай бараварига тўхташди. Баравар жилмайиб бир-бирига бош ирғаб саломлашган бўлишди.

«Ҳорманг», — деди Бахтиёр товуши титраб.

«Бор бўлинг, ўзингиз ҳорманг», — деди Ражаб гўёки шивирлаб.

Бахтиёр тўйқус бўшашиб, саросималаниб қолди. Боягина ич-ичида чарх урган хитоблари қайларгадир тумандай тўзиб кетди. Ўрнини алланечук ҳадик-ҳаяжон эгаллади.

«Мен... биз эртага жўнаяпмиз», — деди у бир дона қовжирок гўза баргини кўлида эзгилаб.

«Қаёққа?! Армиягами?!»

«Ҳа».

Ражаб ногоҳ кичрайиб кетгандай бўлди. Юз-кўзида синиқ бир табассум қоғиб қолди. Титраётган қўллари билан кофтаси тугмасини ёғимлаб, кўларини узоқ-узоқларга олиб қочди.

«Ой бориб омон келингизлар».

Бахтиёр довдираган кўйи қиз томон юрди. Ражаб унга чўчиб бир назар ташлад-ю, аввал андак тисарилди, сўнг ўқарик бўйига, ажриқзор устига ўтириб қолди.

«Сизга хат ёзиб турсам майлими?» — деди Бахтиёр унинг рўпарасига чўкиб.

Ражаб маънос бош чайқади.

«Йўқ, акамларнинг кўлига тушиб қолса ёмон бўлади. Хат ёзиб сизга зарилми?»

«Мен сизни севиб қолдим... сизни соғинаман».

Бахтиёр шундай деди-ю, юраги гурс-гурс урган кўйи кўзларини чирт юмиб олди. Назарида, Ражаб ирғиб туриб юзига тарсаки тортиб юборадигандек эди. Лекин қиз ҳорғин, эзгин бир тарзда кулди.

«Севги нималигини биласизми ўзи, йигитча?»

«Билмасдим... энди билдим. Сизни соғинаман».

Ражаб хаёлчан жилмайди. Сўнг чирмаб ўралган рўмолини ечиб, бошини бир тўлғаб сочларини тўзғитиб юборди.

«Мана, соғинсангиз, яхшилаб кўриб олинг».

Бахтиёрнинг томирларига олов ўрмалади. Қизнинг юз-кўзларига термилиб, уни хаёлан эркалаб пичирлади.

«Сиз чини билан сулуvsиз, Ражаб...»

Қиз ўзича шарақлаб кулди. Аммо бу кулгиси алланечук сохта, зўраки эканлиги шундоққина сезилиб турарди.

«Мен сизнинг суратингизни чизаман», — деди Бахтиёр энтикиб.

«Менинг суратимни?! Ҳув, ўша кунгидай усулда чизмоқчимисиз?»

«Йў-ўқ, нималар деяпсиз, Ражаб, — дея Бахтиёр ховлиққанча эътироз билдиришга киришди. — Ўлай агар, сиз тенгсиз гўзалсиз, сиз... — Бахтиёр қай бир китобдан ўкиб ёқтириб қолган иборани эслаб, секингина кўшиб қўйди. — Сиз мангуликка дахлдорсиз. Одамлар сизнинг суратингизни кўриб чинакам гўзалликни ҳис этишади».

«Э-э, Бахтиёр, жуда олиб қочасиз-а, эрта-индин ўладиган ҳеч бир тирик жон мангуликка дахлдор бўлолмайди. Шулар қатори мен ҳам...»

Ражабнинг сўнгги сўзлари шу қадар сўниқ ва ғамгин эшитилдики, Бахтиёр бироз чиройли гапираман деб қизга озор етказганидан афсусланди.

«Кечирасиз, билмабман».

Ражаб кенг манглайини қоплаб турган сочларини силтаб ташлаб, яна синиқ жилмайди.

«Мангуликка дахлдор нарсаларни чизгингиз келяп-
тими?»

«Ха».

«Унда севгининг суратини чизинг. Боя ўзингиз айт-
ган соғинчнинг суратини чизинг. Шафқатни чизинг.
Ана шулар абадий. Ана шулар ҳамisha қадрли».

Бахтиёр нима деярини билмай қолди. Қизнинг доно
маликаларга хос жумбоқли гаплари уни яна бир қарра
довдиратиб қўйганди.

«Тўғриси... бунга ҳали ёшлиқ қиламан-ов... лекин
қачонлардир чизишга сизга ваъда бераман».

«Мен эса чиза оламан... хоҳласангиз ҳозир чи-
зиб кўрсатаман», — деди Ражаб қафтлари билан юзини
яшириб.

«Қани энди шундай қилсангиз».

«Кулмайсизми?»

«Йўқ, нега куларканман».

«Хеч кимга айтмайсизми?»

«Қасам ичиб...»

«Бир умр эслаб юрасизми?»

«Бир умр...» — деб ғудранди Бахтиёр аллақандай
соҳир хислардан юраги тошиб.

«Мана, сизга ўша сурат», — деди Ражаб илкис бош
қўтариб, юзини қоплаб турган сочларини силтаб таш-
ларкан.

Қизнинг йирик-йирик, тип-тиниқ қорачиғлари сув
теккан қахрабодай йилтиллаб турарди. Ногоҳ дўрдок
лаблари қимтилиб, ғўштдор бурни титраб, кўзларидан
марвариддек ёш томчиси силқиб чиқди. Силқиб чиққан
ёш бўртиқ ёноқлар устида дурдай товланиб бир зум
турди-ю, сўнг оқиб кетди. Тагин кўзларидан шаффоф
томчи сизиб чиқиб, тагин ёноқларда қалқиб қолди.

Лол қотиб турган Бахтиёрнинг юраклари ўртаниб
беихтиёр қиз томон қўл чўзди.

«Ражаб, йиғлаяпсиз-ку. Ражаб?!»

«Тегманг менга... Илтимос, энди кетинг...»

«Сизни йиғлатиб...»

«Илтимос, кетинг... мени десангиз, кетинг».

Бахтиёр довдираганча ўрнидан турди. Турди-ю, яна ялт этиб Ражабга юзланди.

Қиз кўзидан томчи-томчи ёш силкиб, дудокларида бир зум-бир зум дурдай товланиб туриб қоларди.

Худди шу манзара олис бир ўлкада хизмат қилиб юрган аскарни икки йил таъқиб қилиб турди.

Икки йил Бахтиёр ўша маржон-маржон ёшлар таъмини танглайида татиб юрди.

Харбийликдан қайтиб келгач, Бахтиёр зимдан Ражабни суриштирди. Улар бир йилча аввал ота юрти бўлган Жамбулгами, Тарозгами кўчиб кетишган экан. Аскар йигит манзилга элтувчи яккаю ягона уловдан қолиб кетган йўловчидай «ух» тортиб тўшакка қулади. Ўша куни унинг харбийликдан орттириб келган касали энгил бир хуруж қилди.

Орадан йиллар ўтди. Бирок ўша пайкалда кечган кунлар қанчалар узоқлашган сайин, қиз дудоғида қалққан ўша маржон-маржон ёш шунчалар яқин келар, шунчалар рангли, шунчалар тиник кўринар, Бахтиёрга севги ва соғинч, шафқат ва умид ҳақида теран ҳикматлар сўйлар эди. Охир-оқибат, дард-изтироблар силсиласида унга мўйқалам тутқазиб, мольберт ёнига хайкалдай турғизиб қўйди. Талабаликнинг сўнгги йилида Бахтиёр ўзининг «Бир томчи ёш» деб номланган картинасини яратди...

...Сарғиш-қизғиш ранглар. Қақраб-қуриб, тарс-тарс ёрилган Ер шари. Ер шари устида бир ёнини булут тўсган Қуёш балқиб турибди. Булут тўсган Қуёшу Ер ўртасида бир томчи оби-рахмат биллурдай товланади.

...Йўқ, йўқ! Бунда мутлақ бошқа манзара. Кўриб турганимиз Ер шари эмас, қақраб-қуриб, тарс-тарс ёрилган, томирлари бўртиб чиққан Юрак. Юрак устида булут тўсган Қуёшмас, булутдек тўзгин соч бир ёнин тўсган Кўз! Севги, соғинчга, шафқат-умидга лиммо-лим Кўз! Кўз ва қақроқ Юрак ўртасида... олмосдай товланган Ёш!..

Бахтиёр ана шундай сермазмун, серҳикмат асар яратган эди! Унда ранглар ингрофи баралла таралар-

ди. Унда абадият, мангу дард, мангу савол ғужанак бўлиб ётарди. Бу асар кўрган кўздан бир томчигина ёш талаб қиларди.

Бахтиёр бунн жону жаҳоним, умрим мазмуни деб биларди. Хатто, Георгий ҳам кўзлари кўм-кўк денгиздай мавжланиб худди шундай деган эди.

Ана энди бу асар йўқ! Бахтиёрнинг бахти, оғир дамларида умид-ишонч бахш этувчи, юпатиб овутувчи сирли дунёси йўқ энди! Ўктам бойвачча уч кун бурун авраб-алдаб Тошкентга олиб кетди. Айёр тулкининг харидори ҳам тайин бўлса керак, киприк қоқмай юз доллар гаров пули ҳам узатди. Мана уч кундирки Бахтиёрнинг ҳаловати йўқ. Ахир уй бўм-бўш, болохона бўм-бўш, юрак бўм-бўш! Бутун дунё хувуллаб қолди. Аммо Бахтиёр ана шундай бўм-бўш, хувуллаган дунёларга сиймайди. Овунч излаб, юпанч излаб эртаю кеч, кўча-кўйда изғийди, тунлари болохонага қамалиб ўзини ўзи сўроқ қилиб чиқади.

Мана, ҳозир ҳам ўша эски диванда ялпайиб, бир пайтлар чала-ярим қолган суратига маъюс термилиб ўтирибди. Лекин у қаршисида чала-ярим умрини, чала-ярим бахтини кўриб хўрсинади. Ўктам бойвачча берган пулни олиб қувончдан ял-ял яшнаган Матлуба ҳам энди эрининг ҳол-аҳволидан хавотирда, врачнинг ваҳимали сўзлари қулоғида бот-бот жаранглаб, гоҳ у, гоҳ бу баҳона билан болохонага тез-тез чиқиб қўяди. Ўйловдан қалғитиш илинжида эрини гапга солишга уринади. Бахтиёр қўнғил учун сохта илжайиб, бир ба-лолар деган бўлади-ю, ғусса қалқиб турган кўзларини олиб қочади.

Мана, Матлуба ҳозиргина тушиб кетди. Бахтиёр зина томон ўғринча аланглаб, жавон ортига яшириб қўйган ароғидан қуйиб ичди. Ич-ичига ўрмалаган оловдан дард-аламлари яна ҳам равшан кўриниб кетди.

«Мен хиёнат қилдим! Ўзимга, худо берган истеъдо-димга хиёнат қилдим. Санъатга хиёнат қилдим!» — дея хаёлан хитоб қилди у, чала ёнган тарашадай тиришар-кан.

Бу кўргилик қачон бошланди? Ҳа, эслади, амакисининг уйига гул чизиб берган кундан бошланди. Ўша кунни сотқинлик бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Амакиси пойтахтга кетишга даъват этганида, унинг устидан ич-ичида кулди, жарақ-жарақ пул топаётганидан кибрланди. Йўк, йўк, хиёнат анча аввал, ана шу асарни яратган пайтиёқ ниш кўрсатган экан! Ахир, «Бир томчи ёш» Ражабники-ку?! Ўша қизнинг қордан тоза қалби, севгиси учун тўккан кўз ёшлари шарофатидан пайдо бўлди-ку, бу асар! Эвазига нима бера олди шўрликка? Ҳатто, ўша кетарманлар йиғинида мардона туриб уни фисқу фасоддан химоя ҳам қила олмаганди. Ўшанда ҳам ўзини, фақат ўзини ўйлаган эди! Йўк, Ражаб унинг марҳаматига зор эмас. У ўша кўз ёшлари билан бахтли! Бунда эса ўша нарсаси ҳам йўк.

Бахтиёр андак довдираган кўйи арокдан яна қуйиб ичди. Хира тортган кўзи ўнгида туйқус Георгий жонланди. Ҳатто, унинг уст-бошидан анкиётган қўланса хид димоғига урилгандай бўлди.

Георгий! Донишманд қария, чинакам санъаткор! Эндигина унинг гаплари маъносини теран англаб турибди. Муюлишда учрашиб қолишган пайт, у Бахтиёр билан саломлашмади, хол-аҳвол сўрашмади. «Рисуй-ешь?» — унинг илк саволи худди шундай жаранглади. Чизиш — Георгийнинг назарида чин санъаткор учун соф-саломатлик белгиси, қолганлари майда-чуйда, холос. Бу-чи, нима қилди? Қарияни илк кўргандаёқ ундан жирканди, ичкиликка пул, бошпана сўраб дардисар бўлади, деб ўйлади. Асарини мақтаганда эса олчоқларча илжайди, унга, ҳатто, бир пиёла чой қуйиб узатмади. Эҳ, Георгий! Кўзларига қара унинг, кўзларига! Тақдирдан мамнун-масрур порлаб турибди! Яратганга берган истеъдоди учун шукронаси бу! У ўз искирт афт-ангори, қўланса иси билан ҳаёт устидан, сохта, фирром, нафси ўпқон жамоат устидан ғалаба қилган! Бу-чи, бу? Гўёки оилапарвар эр, меҳрибон ота! Ўз ожизлигини, ношукурчилигини тирикчилик тирриқлиги

— Нима гап? Нима бўлди?

— Гўр бўлди, бало бўлди... Опкетар пайтим бир кўзим тушиб ўзим ҳам ўйладим-а, шунақа жиннича нарсани биров олармикин дедим-а... эсиз шунча меҳнатим.

Ўктам надомат билан бош чайкаган кўйи ёнидан сигарет чиқариб тутатди.

— Илтимос, сал тушунарлироқ... — деб минғирлади Бахтиёр чайналиб.

Ўктам у томонга бир чакчайиб олди.

— Тўғриси, ўтган йили бир Георгий деган дайди рассомни фирмага, қоровулликка ёллаган эдим. Кунлик ярим пиша вино эвазига. Ўша сени роса мактаганди, кўкларга кўтарганди. Шунинг учун ишларингга кизикқандим, аниқроғи, фойда келтиришига юз фоиз ишонгандим...

Ўктам бош чайқай-чайқай яна босиб-босиб тамаки тортди.

— Тошкентга бордингми, ўзи? — деб эҳтиёткорона сўради Бахтиёр.

— Бордим! Шарманда бўлдим! — туйқус кичкириб юборди Ўктам. — Нарсангни кимга кўрсатсам, қаҳ-қаҳ уриб кулади. Биттаси, бу нима, вакцинами, деб сўрайди. Биттаси виски томчисими бу, деб пикиллайди. Нима бало, поликлиникадан заказ олиб чизганмисан буни? Хуллас, дўстим бу асарингнинг харидори йўк! Тушундингми, харидор йўк бунингга!

Бахтиёр чап қўлиғи остида таниш, жуда таниш оғрик қўзғалганини пайкади. Қўл юбориб ўша жойни секин сийпалаган бўлди. Миясига эса Ўктамнинг сўнгги сўзлари тўқмоқдек уриларди: «Харидори йўк, харидори йўк!...»

Шу асно унинг кўз ўнгида яна Георгий жонланди. «Буни сота кўрма», деган илтижоси кулоклари остида жаранглаб ўтди.

«Донишманд қария! — изтироб билан ўйлади у оғрикдан тиришиб. — У билган, бу асарга талабгор топилмаслигини Георгий англаган. Шунинг учун мени огохлантирган...»

Ўктам диванга бесаранжом ястанган кўйи хануз бош чайқаб нималарнидир чамаларди.

— Сен ҳам эл катори яланғоч аёлларни чиз, тоғ-боғ манзараларини чиз, — деб минғирлади у худди ўзига-ўзига гапиргандай, — ўшанақа расмлар мода экан элита ўртасида. Яхши кетади. Ана, артистларнинг портретини тайёрлаб бер. Ҳеч курса, ўзлари учун сотиб олишади. Бунақа нарсангнинг...

— Харидори йўқ, — деб пичирлади Бахтиёр синик илжайиб.


Ўктам унга бир ўкрайиб қўйди. Сўнг чуқур тин олди.

— Хуллас, гап бундай, дўстим. Бунақа нарсангга баъзи бир чет эллик ўзингга ўхшаш девоналар кизикади. Ўшаларни пойла. Алдаб-сулдаб яхшигина пуллайсан. Йўқ, яхшиси савдолашгани ўзимни чақир, ёрдам бераман. Хў-ўш... энди-и... менинг заклад пулимни қайтарсанг... Мен аслида сенга яхши бўлсин деб...

Шу пайт Бахтиёр ғалати бир товушда пикиллаб кулди. Кула-кула диваннинг бир четига шилқ этиб ўтириб қолди. Ўктам чўчиб ёнига ўтирилди.

— Эй, Бахти, эй... — деди Ўктам дўстининг бўздай оқарган ранг-рўйидан хавотирланиб, — эй, ҳазиллашдим, пулни қайтаришинг шарт эмас... Бизнинг бизнесда бундай гап йўқ.

Бахтиёр жавоб бермади. Унинг ҳовуз тубидаги қўлмакдай йилтиллаб турган корачиғлари туйқус хира тортди. Сизиб чикқан бир томчи ёш ёноғида туриб қолди.





ҚУЁШ ҲАЛИ БОТМАГАН

*Сахро сўқмоғида бошин эгиб жим,
Бир кимса кетмоқда, билмасман у ким...*

Абдулла Орипов

Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик.

Минг тўққиз юз саксон иккинчи йилнинг баҳорида, эрта-индин жаҳон уруши бошланар эмиш деган миш-мишлар ҳўп авж олган кунларнинг бирида уста Абилнинг уйида қорамағиз, тўзғин сочлари жингилтоб, қошлари қийғоч, киприклари узун-узун, кўзлари маъ-юс, етти-саккиз яшар қизалоқ пайдо бўлди. Жангу жадал бошланиб, атом бомбалари касофатидан дунёнинг кули кўкка соврилса, мола мулким кимга ҳам қоларди деган ўйда изтироб чекиб юрган уста Абил саҳар чоғи бисотидаги бор-йўқ икки бош ориқ қўйни бир пайтлар почтачи Тоғай тоғадан сотиб олган мотоцикли аравачасига юклаб, вилоят маркази биқинидаги бозорга йўл олган ва кечга яқин қўрганларни хангу манг қолдириб шу қизчани олиб қайтган эди. Кимдир уни шаҳардаги ташландиқ болалар интернатидан хатлаб олибди деса, тагин биров уста қизчани бир бош совлиқ эвазига лўлилардан сотиб олгани ҳақида гап-сўз тарқатди, яъни аллакимнинг қасамлар ичиб пичирлашича, ҳарбий хизмат чоғи Абил билан дўст тутинган марилик бир туркман чавандоз қиёматлик биродари кўп йиллардан бери тирноққа зор, азият чекиб юрганига чидаёлмай ўзининг беш қизидан бирини жўрасига фарзандликка берибди. Алқисса, бундай миш-мишларнинг, шивир-шивирларнинг уч-қуйруғи йўқ эди. Кимнинг гапи чин, кимники ўтрик, биров

аниқ-таниқ билмайди. Аммо бир ҳол аниқ эдики, ўша кунни Улдон янга эри бошлаб келган қизалоқни кўз ёшу синиқ табассумлар билан бағрига олган, манглайидан ўпиб, сочларини силаган, юз-кўзида мамнунлик, миннатдорлик зоҳир бўлган.

Кенгсойликлар бу муштипар хотин тутган йўлни маъқуллашди, фарзанд билан қутлаб, уларнинг қувончига шерик бўлишди, бироқ Абил аканинг отаси мулла Мирзагина тўнини тескари кийиб олди. У қизалоқни илк қўргандаёқ шоша-пиша калимаи шаҳодатни тилга олиб, қўлини «юзига парда» қилиб, бунинг эни бошқа, қавми бетайин, тезроқ кўздан даф қил, бу бола эмас, бало бўлади, дея аразлаб ҳовлидан чиқиб кетди. Лекин орадан уч-тўрт кун ўтиб, фарзандли бўлганини эл-улусга билдириб қўйиш учун ўғли ўтказган кичкинагина маъракага ўзи бошқош бўлди, қари-қартангларни қизалоқ ҳақиқа дуо қилишга бот-бот ундаб турди.

Қизчанинг исми Танзила экан. Абил ака келтирган ялтироқ жилд ичидаги ҳужжатларда айнан шундай деб ёзилган эди. Мазмун-маъноси анчагина мавҳум, аммо жарангдор, жозибали, сирлитоб бу исм, айниқса, эру хотинга ёқиб тушди, мулла Мирзанинг, ҳеч қурса, отини ўзгартирайлик, деб зорланишларига парво ҳам қилишмади.

Ўша кезлар мен тўртинчи синфда ўқир эдим. Қўриқдаги бефайз, бесаришта бу посёлкага тоғ этагидаги қатта қишлоқдан атиги бир йил аввал, отамнинг вафотидан кейин, тирикчилигимиз хийла танглашиб қолгач, Қувондиқ акани қора тортиб кўчиб келган эдик. Қувондиқ ака отамнинг эски кадрдонларидан бўлиб, тоғ томонларга йўли тушган пайтлари баъзан бизникига ҳам қўниб ўтар, момақалдироқдек гулдураб гурунгни гурунгга улар, ора-чора жўрасини ҳам чўлга кўчиб боришга даъват қилар, меҳмон кетгач, у ҳақида қизиксиниб сўраб-суриштирган чоғимиз, отам дўстининг қўриқдаги йирик давлат хўжаликларидан бирига раҳбарлиги, эл ичида Қувондиқ қайсар номи

билан машхурлиги, мард, довюрак, танти инсон эканлигини мароқ билан гапирар эди.

У отам таърифлагандан ҳам ортиқ одам экан. Бизни очик чехра билан кутиб олди, қўйма бетондан қурилган тўрт хонали уй берди, акамни совхоз гаражига ишга жойлади, онда-сонда кўриниб қўйсангиз бас, невараларнинг қанд-курсига етадиган уч-тўрт сўм олиб турасиз деб, хатто онамни ҳам ҳужжатларга тиркаб қўйди. Хуллас, мулла Мирзанинг таърифи билан айтганда, кўз очиб юмгунча ойликхўр оилага айландик-қолдик.

Чор атроф бепоён дала-дашт. Экин пайкаллари узоқ-узоқларга ястаниб ётибди. Нари-бери қовланган зовурларда, сув қўллаган сойликларда қуюқ ўсиқ қамишзор, юлғунзорлар дайди дашт шамолида ваҳимали шитирлаб, чайқалиб туради. Тоғ этагидаги боғ-роғлар кўзимга сингиб кетганиданми, ҳарнечук, унда-мунда хурпайган яккам-дуккам дов-дарахтларни ҳисобламаганда, бу ерлар анчайин юпун-яланғоч туюларди. Эллик-олтмиш хўжаликка мўлжаллаб қурилган, барчаси бир-бирига ўхшаш бестон коттежлардан иборат посёлка расмий ҳужжатларда «41-совхоз» деб юритилса-да, бир чеккаси машхур Кенгсой кенгликларига туташиб кетгани учун ҳам қўпчилик уни Кенгсой қишлоғи деб атарди.

Кўчиб келган кунимиз уч-тўрт бош қўй-эчкимизни ўтлатиб зовур томонга бориб қолдим. Бир пайт баланд-баланд тупроқ уюмлари ортидан ўзим тенги бешолти бола қийқиришганча отилиб чикиб мени қуршовга олишди. Ҳаммаси яримяланғоч, кинолардаги хиндуларга тақлидан афт-ангорларига, баданларига турли бўёқлар суркаб, бошларига ўралган ишга товуқ патлари қадаб олган, бири ёғоч милтик, бириси ўк-ёй тутган эди. Бошқаларига караганда бўйчан ва бақувват, чайир бола сафдан ажралиб чикиб мен томон юраркан ўнг қўлини мушт қилиб боши узра баланд кўтарди. Худди шуни кутиб тургандек қолганлари баб-баравар қичқириб юборишди:

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Мен бутқул довдираб қолдим. Болаларнинг бўяб ташланган башараларига қараб бир кулгим кистаса, бир уларнинг важоҳатидан қўнғлимга қўлғула ораларди. Олдга чиққан бола яна хиндулар сардори каби ўнг кафтини аввал манглайига, лабига тегизди, сўнг боши узра бир айлантириб қўксига босди.

— Биз Кенгсой бургутларимиз! Сен кимсан, эй, ўғлон?

— Мен... Норсоатман, — дедим ўзимни тетик тутиб, — бу ерга бугун қўчиб келдик.

— Олишасанми ё урушасанми?

Бироз ўйланиб қолдим. Урушсам, бирор ерим жароҳатланиши мумкин, яхшиси кураш тушганим маъқул, жуда зўр бўлса, кўп чўзмай, йиқилибгина қўярман.

— Нега жимсан, Норсоат? — деди бола ўша тантанавор товушда, — ё қўрқдингми, ўғлон?

— Қўрққаним йўқ, олишаман.

У оксоқолларга хос тарзда бош ирғаб гапимни маъқуллаган бўлди-да, тўдадаги кирчил сочлари ҳурпайган, елкасига камон осган болага им қокди. Бола ўқ-ёйини чаққонлик билап шерикларидан бирига тутқазди-ю, ирғишлаб ўртага чиқди. Мен ҳам шалвираган енгларимни шимариб рақибга рўбарў бўлдим. У, афтидан, бир ҳамлада мени қулатишни мўлжаллаган шекилли, хануз ирғишлаган қўйи атрофимда айлана бошлади. Тоғдаги кишлоғимизда курашга қизиқмайдиган, унда-мунда даврага тушиб турмайдиган боланинг ўзи йўқ эди. Гоҳ кўча-қўйда, гоҳ тўй-ҳашамда бир-биримиз билан ёқалашиб қолардик. Ҳартугул, бўйинсаларимнинг кўписидан устун келардим. Тоғаларим ҳам полвон деб эркалашарди. Мана, овлоқ чўл қўйнидаги овлоқ бир жойда илк рақибим билан юзлашдим. У анчагина тажрибали қўринарди. Аммо мен унинг айёрона режасини пайқаб қолдим. Бола атрофимда ирғишлай туриб, чап тўшиғимнинг андак юқорисига тепки йўллади. Шу баробарида чап

билагимдан чаққонлик билан ушлаб тортди. Бироқ мен оёғимни дарҳол олиб қочдим, боланинг зарбаси ҳавога кетди. Ўзи эса мувозанатини йўқотиб ерга чалпак бўлиб тушди. Вактни бой бермай рақиб устига ўзимни ташлаб, куракларини ерга тегиздим.

— Ҳалол. Сен ғолибсан, Норсоат ўғлон! — деди сардор ўша-ўша баланд, тантанали товушда (Болаларнинг гап-сўзларидан унинг исми Давронлигини билиб олдим).

Бу ёғи тезлашиб кетди. Энг аввал Даврон, сўнг тўдадаги болалар мен билан қўл бериб кўришиб чиқишди. Танишдик, ҳалигина қийқириб, депсиниб турган жангари тўда, оддий, ювош ва шўх кенгсойлик болаларга айланди-қолди. Зовур бўйида ўтириб ўзимизча гурунглашган бўлдик.

Даврон Қувондик аканинг, отам айтгандай, катта бир хўжалик раҳбарининг ўғли экан! Эртаси куни у мени мактабга бошлаб борди. Синфдош бўлдик.

Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик.

Кўп ўтмай унинг, яъни хиндулар сардорининг ўнг қўлига айландим. Чунки кейинги беллашувлар ҳам менинг шу лавозимга муносиб эканлигимни кўрсатди. Мен Даврондан бошқа барча болаларни курашда йиқитдим. Ҳатто, ёши ўзимдан катта баъзи бирлари ҳам мендан енгилди. Фақатгина Давронга кучим етмасди. У чайир ва бакувват бўлишидан ташқари, қандайдир шиддатшижоат ва эҳтирос эгаси эди. Кураш пайти шу қадар тез усуллар қўллардики, кўз очиб-юмгунча юлдуз санай бошлардим. Даврон фавқулудда довюрак, чапани бола эди. Гоҳо тўп бўлиб туман марказига борган кезларимиз, унинг бир ўзи ўша ерлик уч-тўрттаси билан бирваракайига муштлашиб ғолиб чиқарди. Ҳар лаҳзада қочиб қолишга шай биз «Кенгсой бургутлари» унинг жасоратидан руҳланиб, бошимизни мағрур кўтарардик.

Даврон яқину йироқда уришқоқ, безорилиги билан ном чиқарган бўлишига карамай, кутилмаганда, мактабнинг энг аълочи ўқувчиларидан бири ҳам эди. Унинг мук тушиб, соатлаб китоб ўқиб ўтирганини кўп

кўрардик. Достонлар, ҳар хил эртагу чўпчаклар, афтидан, Давроннинг жону дили эди. Одатда, у ўқиганлари таъсирига тез берилиб, гоҳ Кенжа ботир, гоҳ Алпомиш киёфасига киришга ошиқарди.

Биз ҳам сардорга эргашиб ўша эртагу достон қаҳрамонларига хос тарзда кийинишга, «куролланиш»га мажбур бўлардик. Даврон кўй-кўзи ортидан яйловга чиқишимиздан аввал ҳаммамизни сафга тизиб, либосимиздан тортиб, ёғоч киличу найзамизгача обдан кўздан кечириб чиқар, ҳол-аҳволимиздан кўнгли тўлса, одатдагидай, ўнг қўлини боши узра баланд кўтарар, биз ҳам унга жавобан баб-баравар ҳавога мушт ўқталиб, баб-баравар хайқирардик:

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Даврон ўта тегманозик, аразчи ҳам эди. Арзимаган нарсадан ҳам нафсонияти кўзғалиб қош-қовоқ уйиб олар, уни ҳовуридан тушириш учун хушомадлар қилинган сайин баттар жазаваси тутар, ўйин бўлса ўйинни, йиғин бўлса йиғинни ташлаб қайларгадир кетиб қоларди.

Бир куни Даврон мактабга, ҳали биз тарафларда урф бўлмаган камзул, янги туфли кийиб келди. Ўша саратон Сочи деган жойда дам олиб қайтган отасининг совғаси экан. Синфдошимиз либосларини кўз-кўз қила-қила шундай деб мактанди. Биз, ҳатто, қўл тегизишга ҳам ботина олмай, унга ярашиб турган камзул ва туфлини ҳавас билан томоша қилдик. Аммо тарих дарси пайти кўнгил хиралик рўй берди.

«Қуёв жигит бўп кетибсиз-ку, Тиркашип», — деб кулимсиради муаллим.

Даврон туйкус бош кўтарди. Лаблари қимтилиб, қошлари чимрилди. Сўнг алам ва аччиқдан қип-қизарган кўйи ўрнидан ирғиб турди-да, эшик томон шитоб билан юрди. Муаллимнинг рангида ранг колмади. Кимсан, раис (савхоз директорини ҳамма раис дер эди), кимсан, Қувондиқ қайсар бўлган одамнинг боласини хафа қилиш қандай оқибатларга олиб келишини у жуда яхши биларди. Ўқитувчи қўлларини қанотдай

ёйиб аразчининг йўлини тўсишга уринаркан, ялинчок бир товушда:

«Давронжон, узр, Давронжон, ҳазиллашдим», — дея бот-бот такрорларди.

Аммо саркаш бола унга заррача қулоқ солмай, ўзи томон илтижоли узалган қўлларни силтаб ташлаб ташқарига отилди. Биз синфдошлар ўрнимиздан дувва кўзгалдик.

«Илтимос, кайтаринглар уни, — деди устоз жонсарақ типирчилаб, — Норсоат, Фани, ортидан чопинглар!»

Синфимиздаги деярли барча ўғил болалар «Кенгсой бургутлари»дан эдик. Муаллим айтмаса ҳам, сардорнинг изидан боришни бурчимиз деб билардик. Шу сабабдан ҳам синфдаги тўққиз бола ташқарига олата-сир югургилаб чиқдик.

Даврон мактаб ховлисида хануз жазава билан ғудраниб-силкиниб борарди. Бора-бора аввал эғнидаги камзулни бир чеккага улоқтирди, сўнг оёқларини галма-гал силкитганича туфлисини ечиб ташлади. Дўстимизнинг феъл-атвори хўп таниш: айни пайтда олдидан борсанг тишлайди, ортидан борсанг тепади, яхшиси, то ўзи ҳовридан тушгунича кутган маъқул. Биз шундай йўл тутдик. Менинг ишорамга кўра болалардан бири улоқтирилган камзулни, бири эса туфлини ердан олди, сардори кўздан қочирмай изма-из боравердик. Даврон шу кетишда қишлоқ почтаси ёнидаги, онда-сонда туман марказидан катновчи автобус қайрилиб оладиган бекатга етди-да, тарвақайлаб ўсган қайрағоч тагидаги бир пайтлар уста Абил тўрт энлик тахтадан омонатгина ясаган ўриндиққа тирсагини тиззасига, кафтини иягига тираб худди маҳкам тугилган муштдек бўлиб ўтирди-қолди.

Биз почта биносининг соясида қалдирғочдай тизилиб сардорнинг жаҳлдан тушишини сабр-токат билан кута бошладик.

Саратон аллақачон чекинган бўлса-да, жазирама-нинг шашти ҳали-хануз баланд. Юз-кўзларга гупиллаб

ховур урилади. Чор атроф аллақандай оқиш, сарғиш тусда жимирлайди.

Орадан қанча вақт ўтди, билмадим, бир пайт, ҳали-ҳануз ғужанак бўлиб ўтирган Даврон дик этиб ўрнидан турди. Қўлларини белига тираб, кад кериб, юз-қўзи алланечук ёлқинланиб бир зум биз томон тикилиб турди ва... одатдагидек, маҳкам сиқилган муштини боши узра баланд кўтарди. Биз ҳам, одатдагидек, қўлларимизни қиличдек ҳавога сермадик:

— ***Қуёш ҳали ботмаган!***

Баб-баравар ҳайқирғимиздан мудраб турган қишлоқ бир чўчиб тушгандай бўлди. Омборхона бикинида трактор тиркамасига ўғит юклаётган уч-тўрт ишчи, бекат рўпарасидаги уйда, тандирга ўт қалаётган аёл биз томонга таажжубланиб тикилишди.

Даврон ҳеч нима бўлмагандек тиржайиб ёнимизга келди. Биз ҳам ҳеч нима билмагандек, ҳеч нима кўрмагандек унинг камзулини, туфлисини қўлига тутқаздик. Завқ-шавқ билан гаплашиб, завқ-шавқ билан қулишиб мактабга қайтдик.

Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик.

Уста Абил вилоят марказидан Танзила билан қайтган ўша якшанба ҳам Даврон иккимиз бироз жанжаллашиб қолган эдик. Ҳаммаси арзимас бир тортишувдан бошланди. Ўша пайтлар бошқа жойларни билмадим-у, лекин қишлоғимизда АҚШ ва СССР ўртасида уруш бошланар эмиш, деган миш-миш авжига чикқан, кўча-қўйда, тўй-ҳашамларда тинчгина бошланган гурунги охир-оқибат шу мавзуга келиб тақаладиган бўлиб қолган эди. Биз болалар ҳам тўпланган чоғларимиз катталардан эшитганларимизга ўзимиздан қўшиб-чатиб, бир-биримизга етказардик.

Ўша куни ҳам қўй-қўзиларни эрталабдан даштга ҳайдар эканмиз, гурунгимиз ўз-ўзидан шу мавзуга кўчди.

— Барибир СССР зўр, — деб қолди Даврон кимдандир эшитганларини ўз фикридай баён қиларкан, — душман ракетасини осмонда эритиб юборадиган нур сочар қуруллари бор.

— Американинг нур ҳам етолмайдиган ракеталари жуда кўп, — деб эътироз билдирган бўлдим мен, чунки кечагина акам ва дўстлари айтган гаплар эсимда эди, — улар СССРнинг ҳамма катта шаҳарларини қўзлаб турибди, тугмачани бир босиб қўйишса, тамом, ҳаммаси култепа бўп қолади.

Даврон кескин бош чайқаб тагин нелардир деди. Мен яна рад этдим. Тортишув бошланди. Харнечук, мен тўплаган маълумотлар Давронникидан кўпроқ экан. Сардорни кўз очиргани қўймадим. У мени енгил учун керакли гапни тополмай жаҳлдан қизариб-бўзариб кетди. «Кенгсой бургутлари» гап-сўзларимизни диққат билан тинглашар, бошланиши тусмолланаётган жаҳон урушидан қўра икковимизнинг ўртамизда тўкнашув юз беришидан хавотирга тушишгани шундоққина афтангорларидан сезилиб турар эди.

— Эй, сен, — деб колди Даврон бир пайт халачўпни менга нуқиб, — молингни ажратиб ол, биз билан даштга бормайсан.

Одатда, у бундай танг пайтлари дарров яккама-якка олишувга чорлаб қоларди. Ҳозир ҳам айнан шундай бўлади деган хаёлда қўрқиб турган кезим унинг кутилмаган буйруғи жонга ора кирди. Вазиятнинг енгил тус олганидан болалар ҳам енгил тортди. Мен сурувдаги қўй-эчкини ажратиб олиб сайхонлик бўйида қолдим. Даврон онда-сонда ер остидан ҳўмрайган қўйи мен томон қараб қўярди. Кўп ўтмай дала-дашт бўйлаб «Кенгсой бургутлари»нинг одатдаги қийқириғи жаранглади.

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Ажралиб қолганим яхши бўлган экан! Пешин пайти Абил ака «Урал» мотоцикли аравачасига ўтирғизиб келган қизчани биринчилардан бўлиб қўрдим. Баҳор ўт-ўланларидан корни тўйган молларимни ҳайдаб уйимизга етган чоғим қизчага яна кўзим тушди. У устанинг қия очиқ дарвозасидан ташқарига қўрқа-писа мўралаб турарди. Бир пайт у отилиб ташқарига чиқди-ю, катта йўл томон чоғиб кетди. Ажабланган қўйи унинг ор-

тидан қараб қолдим. Шу чоғ дарвозадан Улдон янга каловланганича чиқиб келди.

— Соатжон, югур ановининг ортидан, — дея у қизча томон имо қилди, — қочиб кетяпти, айланай сендан, югур, ушлаб кел!

Мен югурдим. Қизча анча олислаб кетган бўлсада, унга тез яқинлашиб олдим. Аммо... айни пайтда... негадир ўзимни қувлаётган эмас, қочаётгандек ҳис қилардим. Чунки бу ерларга кўчиб келган чоғларимиз мен ҳам кадрдон қишлоғимга худди шундай қочиб кетишни жуда-жуда истаганман. Хатто, машиналар серқатнов катта трасса бўйига доғур яширинча бирикки бориб келганман. Шу сабабдан бўлса керак, айни пайтда қизчага хайрихоҳ эдим. Унга икки ҳатлаб етишим мумкин бўлган пайтда ҳам атай, секинлашиб, ўзимни чарчаб қолганга солардим. Бир пайт қизча қатор тутлар панасига етгач, таққа тўхтади. Юз-кўзларини қоплаб тушган жингалак сочларини ортга сидириб ташлади. Мен ҳансираган кўйи унинг қаршисида тўхтадим. Қизчанинг йирик-йирик кўзлари жиққа ёш эди.

— Нега мени қувлаб келяпсан? — деди у товуши титраб.

— Сени ушлаб олишим керак.

— Тегма менга, мен... қочиб кетяпман.

— Қаёққа?

Қизча изиллаб йиғлаб юборди.

— Билмайман...

Айни пайтда... негадир, унга қўшилиб менинг ҳам улагим келарди. Бўғзимга нимадир тиқилиб култ-култ ютиндим.

— Қўй йиғлама, керакмас, — деб пичирладим аранг.

— Улар мени қиз қилиб олишди.

— Улар яхши одамлар, — дедим қизча айтган гапларнинг маъносига қўп ҳам тушунмаган эсамда, — хафа бўлма.

— Уйлари жуда катта экан, кўрқиб кетдим.

— Қўркма, катта уйда яшаш маза-ку.

— Маза-я, — деди қизча умид ва илтижо қалққан қароқлари билан менга термилиб. У сўзларини тасдиқлашимни, бу ерларда яшаш чиндан ҳам яхши эканлигига ишонтиришимни жуда-жуда истарди.

Мен ҳар икки бош бармоғимни ҳавога нуқиб, кўзларимни суздим.

— Маза!

Қизча қикирлаб кулди.

— Яна бир айт, — деди ялинчоқ товушда.

— Маз-за-а!

Мен бу гал бармоқларимни ялаб ҳам қўйдим. Қизча яйраб-яйраб кулди. Кула-кула бир пайтлар йўл чеккасига тўкиб кетилган шағал устига ўтирди.

— Отинг нима? — деб сўрадим ундан.

— Танзила. Сеники-чи?

— Норсоат.

— Соат дейсанми, — қизча яна яйраб кулди, — неча бўлдинг, соат, неча бўлдинг?

Балки бошқа жойда, бошқа бола шу тарзда, исмимни масхаралаб кулса жаҳлим чиқар, бошлаб таъзирини берардим. Аммо айни пайтда қишлоғимизда дабдурустандан пайдо бўлган қизчанинг қилиқлари, қулгилари негадир менга жуда-жуда ёқарди. Ҳатто, унга қўшилиб баралла кулдим.

— «Норсоат» қийин экан, — деди қизча менга шўхчан боқиб, — майлими сени «Соат» десам?

— Ака дея қол.

— Хўп. Акажон дейман.

Қуёш қоқ манглайимизда тантанавор порлаб турарди.

У гўё бу ерларда бесар юрган баҳорни жиганак қилишга бел боғлагандек қор атрофни аёвсиз қиздирарди. Баҳор эса дов-дарахтларнинг қуюқ, ям-яшил япроқлари қатидан, ариқ-сайхонликлар чеккасида қўм-қўқ қўқарган чечаклар, ўт-ўланлар орасидан қўрка-писа мўралайди. Қалдирғочлар ҳавода чарх уриб, чумчуқ-чуғурчуқлар безовта чиркиллаб гўё уни қўриқлаган бўлади.

Абил ака қизчанинг кутилмаганда қучиб олишидан буткул яйраб, Танзилани яна ҳам қаттиқроқ бағрига босиб, менга заррача эътибор бермай, алпанг-талпанг қадамлар билан қишлоқ томон жўнади.

Уста хонадонида қизалоқ пайдо бўлгани, унинг келган заҳотиёқ қочишга урингани, қочокни мен ушлаб келганим ҳақидаги бўзадек кўпириб турган миш-мишлар қишлоқда жуда тез тарқалди. Фавқулудда кўрсатган жасоратим, шон-шухратим шарофатидан бўлса керак, Даврон эртаси куни барча араз-гиналарни унутиб, мени мактабда илжайган кўйи қарши олди. Қизалоқ ҳақида, уни қандай қувлаганим тўғрисида сўраб-суриштирди. Табиийки, бундай гап-сўзлар пайти барча болалар бизни қуршаб олишди.

— Хув, ҳиндча кино бор-ку, кўрганмисан, бир қизчанинг ота-онасини бандитлар ўлдиришади, кейин қизча зўр артист бўп кетади, кўрганмисан ўзи? — деди Даврон шанғиллаб.

Мен бош ирғадим.

— Ҳа, кўрганман.

— Айтишларича, уста опкелган қизча ўшанга роса ўхшар эмиш, чинми?

— Ўхшамайди.

— Ия, нега ўхшамас экан, — деб чинқирди болалардан бири, — ана, ҳамма айтяпти-ку.

— Ўхшамайди, бу ўша қизнинг ўзи.

— Йўғ-е?! — баб-баравар гувуллаб юборди болалар.

— Ҳа. Ота-онаси ўлгандан кейин... мана, Абил акага қиз бўлди.

Болалар мен тўсатдан тўқиб ташлаган ёлғонга обдан ўйлаб кўрмай чиппа-чин ишонишди. Бу менинг кулгимни қистарди.

— Тез чопар эканми? Аранг етгандирсан-а? — деб шивирлади Даврон дарс пайти, тафсилотларга қизиқиши хануз сўнмай.

— Ҳа, бугун яна қочади.

Бу гап беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди. Чунки айнан бўлажак қувлашмачоқ ҳақида ширин хаёл суриб

ўтирардим. Мен бу гапни шунчаки пичирлаб айтган бўлсам-да, Даврон эшитиб қолган экан.

— Нима?! — пичирлади у сергак тортиб, — қачон қочади?

— Билмадим, — деб мужмал елка қисдим.

Аммо Даврон мендан кўзларини узмаган кўйи алланималарнидир чамалай бошлади.

Мен дарсдан сўнг уйга шошилдим. Чунки Танзила билан келишган пайтимиз яқин эди. Юрагим қандайдир қувонч ва хаяжон билан гурс-гурс урарди. Уйга келдим-у, папкамни бир чеккага улоқтириб бир бўлак нонни тик турган кўйи ғажий бошладим.

— Хой, орқангдан ёв қуваяптими, ўтириб, одамга ўхшаб овқатлансанг-чи, — деди онам юмушидан бош кўтариб.

— Яна мактабга қайтиб боришим керак, шошиляпман.

Шу пайт қия очиқ дарвозамиздан Улдон янга бош суқди.

— Ҳамсоя-ю-ю...

— Кираверинг, шу ердан, — дея онам унга пешвоз юрди.

— Норсоатжон уйдамикан? Анови қиз тушмагур яна қочиб кетди.

Мен отилиб ҳовлига чиқдим.

— Шу ердан. Қани? Қачон қочди?

Сўрашга сўрадим-у, аммо жавобини кутмасдан кўчага югурдим. Танзила аллақачон тутзорга яқинлашиб қолган экан. Унинг ортидан ўкдай учдим. Онда-сонда ортига ўгирилиб қўяётган қиз мени кўрди-ю қувонч билан бир-икки ирғишлаб қўйди. Узоқдан у қандайдир рангин капалакка ўхшаб кўринарди.

Мен шамолдек елиб борардим. Юз-кўзимни ялаб ўтаётган илиқ шабада завқимни оширарди. Кўп ўтмай, орамиздаги масофа қисқара бошлади. Бир пайт тутзорлар орасидан «Кенгсой бургутлари» кийкиришган кўйи отилиб чиқиб қизчанинг йўлини тўсишди. Танзила тахтадай қотиб қолди.

— Эй, нима қияпсизлар! Тегманглар унга! — жон холатда кичкирдим мен.

Машхур фильмдаги қирқ қароқчи қиёфасига кириб олган болалар менга эътибор ҳам беришмади. Улар от минган чавандозларга хос ирғишлашиб қизалоқ те-варагида айланишар, бетиним ваҳимали кийкиришар эди. Танзила қўлчаларини юзига босиб, чинкириб йиғлаганича ерга ўтириб қолди.

Мен жон холатда болалар халқасини ёриб ўтдим-у, унинг қўлидан тортиб ўрнидан турғиздим. Қий-чув бир зумда тинди-қолди.

Бошига момосининг оқиш рўмолини ўраб, бир кўзи устига қора латта танғиб олган Даврон ўзича викор билан мен томон юрди.

— Қочокни биринчи бўлиб биз тутдик! — деди ўша тантанавор товушда. — Уни эгаларига биз топширажак-миз.

— Йўқ, у мен билан кетади. — дедим Танзилани беихтиёр ўзимга яқин тортиб.

Қиз ногоҳ кўксимга бошини қўйди. Мен андак довдираб қолдим, лекин шу баробарида ўзимни тоғдек хайбатли, Давроннинг минг бир қаҳрамонларидан-да жасур ва қудратли ҳис қилдим.

— Ўрлик қилма, кизни қўйвор, — деди сардор қўл чўзиб.

Мен унинг қўлини қайтариб ташладим.

— Тегма дедим сенга! Агар истасанг, яккама-якка олишамиз!

Сўнгги сўзлар оғзимдан беихтиёр чиқиб кетди. Кўз қирим билан худди нажот сўрагандай бизларга ан-гарийиб турган болаларга қарадим. Қутилмаган чорло-вимдан улар ҳам хангу манг эди. Йўқ, бир пайт Дав-рон, важоҳатимдан чўчидими ё бошқа сабабданми, ҳар қалай, истехзоли илжайганча орқага чекинди.

— Бўпти, кизни сенга топширдик, пишириб е, ўйинга чидамнинг йўқ экан.

Даврон бир ишора билан болаларни бошлаб яна тутзор оралаб кетди. Мен анча пайтгача ишонқирамай

уларни кузатиб турдим. Танзила андак хайрат, андак завқ билан менга термилиб турарди.

- Энди қочмайсан-а? — дедим жилмайиб.
- Йўқ, қочмайман. Акажон, улар ким?
- Шу ерлик болалар.
- Улар ёмонми?
- Йў-ўқ, яхши... ўйнаб юришибди.
- Мен қўриб кетдим.
- Қўрқма, ўзим бор. Танзила...
- Лаббай, акажон.
- Агар қочиш керак бўлса... бундан кейин икковимиз бирга қочамиз, хўпми?
- Хўп, — деди қизалоқ кўзларимга табассум билан боқиб.

Биз кишлоқ томон ҳуш-хандон қайтдик.

Хуллас, Танзила янги хонадонга тез сингишиб кетди. Абил акани «Дадажон», Улдон янгани «Онажон» деб атайдиган бўлди. Эру хотин қувончдан еру қўкка сизмайди. Кечаю кундуз қизалоққа парвона. Ўзлари емай унга едиришади, ўзлари киймай унга кийдиришади. Раисимиз Қувондиқ қайсар Танзилага атаб бир соғин сигир ҳадя қилди. Бобо бўлмиш мулла Мирзанинг ҳаяжону севинчдан ҳатто тузукроқ дуога ҳам тили айланмай қолди.

Қувондиқ ака чолнинг жиккаккина гавдасини баҳайбат қучовига олиб хахолаб кулди. Сўнг кимдир шокосага қуйиб узатган арокни бир кўтаришда сипқориб юбордида, изидан бодринг чайнаб, қизалоқнинг туғилган куни баҳонасида уста Абил тузаган дастурхонни тарк этди. На эру хотиннинг беадоқ миннатдорчиликларига, на элу улуснинг олқишларига эътибор берди.

Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик.

Ха, Қувондиқ қайсар шундай танги ва тўпори раис эди. Казо-казо раҳбарлар ҳам уни беҳад ҳурмат қилишар, маслаҳату насиҳатига қулоқ солишарди. Қувондиқ ака меҳрибон, ҳазилкаш инсон бўлишига қарамай, иш, интизом масаласида жуда каттиққўл экан. Бир гал тракторларни ўз вақтида таъмирлаб шайлама-

гани учун бу масалага масъул жиянини ўн беш суткага каматиб юборган. Бир гал хашарчи талаба кизлардан бирига тажовуз қилгани учун машхур бир бригадирни аввал ўласи қилиб калтаклаб, сўнг бутун оиласи билан бошқа ёққа кўчиртириб юборган. Қувондиқ қайсарнинг феъл-атворини жуда яхши билган кенгсойликлар хамиша унинг олдида ҳадиксираб туришарди. Афсуски, ҳар тўқисда бир айб деганлари чин экан.

Айтишларича, раис кизларини бирин-кетин узатиб қутулган, аммо ношуд ва ноқобил икки ўғилнинг касридан хўп овораю сарсон экан. Отасининг дасти дарозлиги шарофатидан вилоят марказидаги институтларнинг бирини амал-тақал битириб ўша жойда ишлаб қолган тўнғич ўғил ёши қиркни коралаб қолган бўлсада, на бир мартаба, на бир тузукроқ амалга эришмаган, бола-чақасини биғиллатиб ҳар ҳафта қишлоққа қатнар, уч-тўрт кунга етгулик ош-овқатини отасиникидан ғамлаб, яна шаҳарга қайтар экан.

Ароқхўрликка муккасидан кетган иккинчи ўғил эса хотинини хайдаб, уч болалик, аллақандай ўйинчи аёл билан туман марказида яшар, отарчилик, ўртакашлик билан кун кўрар, аммо акасидан фарқли ўлароқ, ота уйига жуда кам келар, келган чоғда ҳам, ҳатто, нон-туз татинмай, бирор баҳона билан марказга қайтар экан.

«Эссиз шундай йигит, душманлари бунга дуоибад едирган» — дейишарди у ҳақида баъзи хамқишлоқлар.

Қувондиқ қайсарнинг ягона умиди кенжа фарзанди Даврондан эди. Унинг тиришқоклиги, худди ўзидай саркаш ва сардорлиги кўзини, кўнглини қувонтирарди. Бир гал раиснинг мулла Мирза билан идора биқинидаги овлоқроқ жойда гаплашиб турганини туйқус кўриб қолганман. Очиги, ўшанда Қувондиқ акани аввал бошида таний олмадим. У гўё қисмати, ҳаёт-мамоти қўлида бўлган одам қаршисида тургандек хокисор ва ювош тарзда эгилиб-букилиб турарди.

«Қўрқаяпман, муллажон, қўрқаяпман, ўзингиз маслаҳат беринг», — дерди у ялинчоқ бир товушда.

«Ғуломхон эшонга учрашиб, болага кўздан, сукдан асрайдиган бир тумор оберинг».

«У киши ҳар кимга ҳам тумор беравермайди деб эшитган эдим... Муллажон, ўзингиз бир орага тушинг».

«Хўп... индин ГРЭСда бир худойи бор. Учрашиб қолсак, айтаман».

Ўша пинхоний гурунгдан сўнг, орадан бир ҳафтача вақт ўтиб, Давроннинг бўйнида пишиқ илга осилган, бахмал қопламали тумор пайдо бўлди. Ота-онаси қаттиқ тайинлаган бўлса керак, дўстим уни ҳеч кимга кўрсатмасликка ҳаракат қиларди. Бундай ирим-сиримлар қанчалар наф берган-бермаганини билмадим-у, лекин Даврон йил-ой сайин эмас, кун сайин ўсиб-улғайиб, бўйига — бўй, кучига — куч қўшилиб борарди. У, отам таърифлагандай, йирик бир ширкат хўжалигининг иззат-обрўли, дасти дароз раҳбарининг арзанда боласига сира ўхшамас, ўзининг каттакон отаси билан ҳеч қаерда, ҳеч қачон мактанмас, ҳаммани тенг тутиб, барча билан барабар ўйнаб-кулиб юрар, мактабда, маҳалла-қўйда баъзи бир хушомадгўйларнинг ялтоқланишига парво ҳам қилмас эди. Қувондиқ акани ўғлидаги айнан ана шундай хислатлар тўлкинлантирган, ёмон кўзлардан паноҳ излашга мажбурлаган бўлса, ажабмас.

Кези келганда оз-моз мактаниб қўяйин: мен ҳам дўстимдан кам эмас эдим. Кундан-кунга кўкракларим, билакларим қабариб, кучимга куч қўшилиб борарди. Онам тез-тез исирик тутатиб, бошимдан айлантириб олар, илоё, кўз тегмасин, деб бўйи бастимга туфлаб қўйган бўлар, ортимдан кўзлари намланиб кузатиб қолар эди.

Биз Даврон иккимиз бир-биримизга хийла боғланиб қолган эдик. Биргаликда, бамаслаҳат ҳар хил шўх-ликлар, найранглар ўйлаб топардик. «Кенгсой бургутлари» хамиша хизматимизга шай туришарди. Ўша йилнинг янги ўқув мавсуми арафасида, янги дарсликлар олиш учун Даврон иккимиз мактабга борганимизда,

Улдон янга Танзилани етаклаб директор хонасидан чиқиб келаётганини кўриб қолдик. Қизчасини учинчи синфга қабул қилишибди.

— Эй, бир гап бор, — деб қолди Даврон тўсатдан, — биринчи сентябрь куни Танзилани бошқача кутиб олсак-чи.

— Қандай?.. — деб сўрадим қизиксиниб.

Даврон қулоғимга шивирлаган бўлди. Унинг таклифи менга ҳам маъқул тушди.

Нихоят, ўша кутилган кун етиб келди. Оппок, охорли, қандайдир шаҳарча фасонда тикилган кўйлак кийиб, жингала сочларини чиройли турмаклаб олган Танзила яна онасининг етовида, бир гуруҳ қишлоқ қизалоклари куршовида мактаб дарвозаси ёнига етиб келишди.

Биз «Кенгсой бургутлари» панжара ёнида аскарлардек тизилиб турардик. Танзила шундоққина қаршимизга етган пайт Даврон одатдагидек мушт қилиб тугилган кўлини азот кўтарди:

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Бизнинг жаранглаган овозимиздан мактаб деразалари ҳам зириллаб кетди. Чўчиб тушган Танзила онасининг этаги ортига яшириниб, биз томон мўралади. Сўнг жилмайди. Жилмая-жилмая жажжи қўлчаларини бизга тақлидан мушт қилиб баланд кўтариб қўйди. Назаримда, у болалар орасида мени кўриб қулгандай, мени кўриб қувониб кетгандай туюлди. Мени аллақандай сархуш ҳислар чулғаб олди. Беихтиёр сардор ўрнида қўл сермадим. Худди шуни кутиб тургандай болалар баб-баравар хайқирди:

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Бу бизнинг жанговар ишорамиз эди. Бу бизнинг кучимиздан, жипслигимиздан, ишончимиздан дарак берарди. Биз хайқира туриб ўзимизни тоғдек маҳобатли, осмондек юксак ҳис этардик. Бу шиорни ким, қачон, қаердан тошган, ҳеч била олмадим. Ўша пайтлар бирикки сўраганимда Даврон сирли илжайиб, сирли кўз қисиб қўя қолган эди.

Бир гал галати вокеа рўй берди. Мактаб ҳовлисида қандайдир бир тадбир бўлаётган эди. Ўқитувчилар ёнида бир неча аълочи ва фаол ўқувчилар каторида Даврон ҳам турарди. Таомилга кўра фаол ўқувчилардан бири «Пионер, коммунизм ишига бўл тайёр!» деб чинқириши, йиғинда жамулжам болалар эса: «Доим тайёр!» дея тантанавор жавоб бериши лозим эди. Бир пайт мактаб директори Давронга им қоқди. Дўстим бир-икки қадам олдга чиқди-да, билибми-билмайми, туйқус қўлини боши узра баланд кўтарди:

— ***Қуёш ҳали ботмаган!***

Ногоҳ жаранглаган бу ҳайкириқдан еру кўк ларзага келгандай бўлди. Энг қизиғи, нафакат «Кенгсой бургутлари», балки бутун мактаб ўқувчилари баб-баравар шиорни тилга олган эди, Ҳайкириқдан қизил мато ёпилган стол теграсида ўтирганлар сапчиб ўрниларидан туриб кетишди. Улар орасидаги туман раҳбарияти вакили мактаб директорига таҳдид билан чақчайди.

— Бу қандай майнавозчилик?

Даврон саросима ичида бир илжайиб, бир бош қашлаб турарди. Директор илдам интилиб вакилнинг қулоғига алланималарни шивирлади. Афтидан, у майнавозчилик қилган бола раиснинг ўғли эканлигини уқтирди, шекилли, вакил важоҳатидан тушиб, совуқ тиржайган кўйи жойига қайтиб ўтирди. Давроннинг ўрнига отилиб чиққан фаол қиз қалтис хатони тўғирлаган бўлди.

Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик.

Олтинчи-еттинчи синфларда ўқиётган йилларимиз Даврон иккимиз кураш билан жиддий шуғуллана бошладик. Ҳар куни эрталаб югураимиз, мактабнинг спорт майдончасида ҳар хил машқлар бажарамиз. Бўш вақт тоңдик дегунча иккимиз кураш усуллари-ни машқ қиламиз. Жисмоний тарбия бўйича сабоқ берувчи муаллим гоҳо бизни ўзининг «Москвич» машинасига ўтқазиб қишлоқ тўйларига олиб борар, у ердаги кураш томошаларида иккимиз тенг-тушларимиз билан беллашиб гоҳ мағлуб, гоҳ ғолиб бўлиб, бирда

бўшашиб, бирда завқ-шавқ билан уйга қайтар эдик. Бир куни галдаги машғулотга чоғланиб турган пайтимиз Қувондиқ ака даладан келиб қолди. Оёғида қизғиш тус латта этик, эғнида офтобдан сарғайган кўйлак, бошида айвони кенг шляпа.

— Эй, нонхўрлар, — деб бизни тўхтатди у, — чини билан полвон бўлишни хоҳласаларинг буйтиб салтанг-салтанг юрманглар. Мен ёзги таътил пайти сенларни зўр устозга обориб топшираман. Бир ой шуғулланиб келасизлар.

У киши қандайдир танбеҳ оҳангида гапирган бўлса-да, лекин интилишларимиздан мамнун эканлиги юз-кўзидан билиниб турарди. Раис ростданам ўша мавсум ёзги таътил бошланган кунлар иккимизни «Нива» машинасига ўтказиб, бепоён қўриқ хўжаликларига қон томирларидек таралиб кетган, шағал қопламали йўлларнинг бири бўйлаб аллақасқадир олиб кетди. Чор атроф дала-дашт. Беҳудуд экин пайкаллари ям-яшил денгиздек мавжланади. Машина ортидан қўзғалган чанг-тўзон хийла пайт ҳавода муаллақ туриб, йўл ёқасидаги тиканзорлар устига охишта ёғилади. Машина ўриндиқлари ортидаги бўлажак устозимизга аталган ширбоз тумшугини биз томонга чўзиб искала-нади.

— Биз ҳозир Абсал полвоннинг олдига кетяпмиз, — деди уловни нописанд бошқариб бораётган ота. — Эшитганмисизлар, шундай одамни?

— Йў-ўқ, — дедик баравар бош чайкаб.

— Ҳозир кўрасизлар.

Биз бир ярим соатдан мўлроқ йўл босдик. Афтидан, бошқа туман чегарасида кетиб борардик. Қўриқ ҳудудлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлганлиги боис буни дабдурустдан пайқаш қийин.

— Ана, келдик, — деди Қувондиқ ака «Нива»ни қуюқ толлар панасидаги шийпоннусха уй ёнида тўхтатар экан. Аввал баҳайбат бир кўппак вовуллаганича биз томонга югуриб келди, ортидан уч-тўрт бола-бақра чошиб чиқди.

— Эй, полвон каерда, уйдаи-и? — дея гумбурлаган овозда сўради раис.

Болалар жавоб бермай, яна уй томон чошиб кетишди. Биз машина ортидан хийла семизгина ширбозни туширдик. Қувондиқ ака уст-бошидаги чанг-чунгини қокиб, қокиринди. Шу пайт толлар ортидан бўйи икки метрлар келадиган, сочини тап-тақир қирдирган, яғриндор бир одам чиқиб келди.

— Э-э, раис бова, хуш кепсиз! — деди у йўғон, дўриллаган овозда.

Қувондиқ ака унга хуш-хандон пешвоз юрди.

— Чақирмасангиз ҳам шуйтиб келаберамиз-да!

Қувондиқ ака сизларни устозга топшираман деганида биз икковлон ўзимизча гавжум, сершовкин шаҳарни, кенг-мўл, ёруғ спорт мажмуасини, чеккалари қизил хошияли махсус кийимдаги мураббийни тасаввур қилиб, теримизга сиғмай севиниб, хаяжонланиб юрган эдик. «Нива» қишлоқдан чиқар-чиқмас овлоқ дала-дашт йўлга бурилди-ю, бизлар бир-биримизга таажжубланиб тикилдик. Қаёққа кетяпмиз, деган хаёлда кўнглимизга хавотир оралаган эди. Толлар ортидаги шийпонни, ундан чиқиб келган девқомат, бироз дехқон, бироз чўпонсифат кимсани кўриб эса буткул хафсаламиз пир бўлди. Жисмоний тарбия ўқитувчисининг тинимсиз ташвиқотларидан бўлса керак, биз кураш бўйича сабоқ берадиган устоз олий маълумотли, баъзи бир расмий мусобақалар совриндори, спорт устаси деган унвонлар соҳиби бўлиши шарт деб ҳисоблардик. Аммо Қувондиқ ака билан кучоклашиб кўришган, ўша кеч меҳмонлар шарафига тузуккина дастурхон тузаган мезбон, афтидан, бирор институт нари турсин, ўрта мактабни ҳам тўла-тўқис битиргани, кураш илмидан хабардорлиги гумон эди.

— Шуйтиб, иним, сизга икки шогирд опкелдим, — деди зиёфат чоғи Қувондиқ ака яна мақсадга қўчиб, — буларни тарбиялаб, Кенгсойнинг орини кўтарадиган полвонлар қилиб берасиз.

Мезбон кулумсираб бош ирғаб қўйди.

— Буларни хийла суяги котган кўринади-ку, сал эртароқ опкемабсиз-да, раис бова.

— Э, полвонжон, ана бугун, ана эртан деб вактни бой бериб кўйдик. Сабил, ҳеч кўл тегмайди денг, биласиз, хўжалигимизнинг ташвиши кўп.

— Тўғри, сизга қийин. Бизга ўхшаганлар битта
рўзғорни эплаёлмайди-ю...

Афт-ангоримиздаги норизолик аломатларини пайкади шекилли, мезбон гоҳ чой, гоҳ овқат ташвишида биз ўтирган чорпоядан узоклашган пайт Қувондиқ ака пичирлаб у кишини таърифлашга тушиб кетарди.

Асли исми Абдусалом бўлган бу киши эл-улус орасида Абсал, Абсал полвон номи билан машхур экан. Худди Қувондиқ ака ва қўриқ туманларига кўчиб келган аксарият чўлқуварлар каби кунчиқар тарафдаги тоғу тошларда тунилиб ўсган экан.

Абдусалом ҳеч бир устоз кўрмаган, ҳеч бир машқ-машғулотда қатнашмаган, худди ўрисларнинг Ивани каби атойти полвон эмиш. У бўз болалик пайти тоғдан ўтин кесиб, эшагига юклаб келаётган маҳал, жонивор нобопроқ ердан йиқилиб, оёғи синиб, ўрнидан туролмай қолибди. Шунда у эшагини юк-пуки билан елкасига олиб, кишлоққача кўтариб борган экан. Абдусаломнинг бу мўъжизасини кўрганлар хангу манг қотиб қолган эмиш. Нега менга анграйиб қолдинглар, нима, сизлар эшак кўтариб кўрмаганмисизлар деб хайрон сўраган экан ўшанда. Чунки бундай кўтаришлар оддий, кундалик иш, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келади, деган хаёлда экан бу содда ва тўпори ёш полвон.

Қишлоқдошлари кизиксиниб бир-икки давраларда кураш тушириб кўришибди. Абдусалом номдор рақибларини биринчи нафасдаёқ чалиак қилиб ерга урибди. «Бу жигит билан ҳазиллашманг, ҳамиша иззатини жойига қўйинг, унга чилтон пирлар полвонликни ғойибдан юқтирган», дейишибди китоб кўрган, не бир мадраса тупроғини ялаган муллалар. Шу-шу, у Абсал полвон сифатида эл оғзига түшибди.

Қанча-қанча тўю ҳашамларда ўз элининг ори-ни олиб, димоғдор, номдор курашчиларнинг кураги-ни ерга босибди. Чўлга кўчиб келган кезлари унинг доврўғини эшитган туман, вилоят раҳбарлари пол-вон билан бир кўришиб қўйиш учун атай уни излаб келишган экан. Абсал полвон беш-олти йил аввал, ёшим қиркдан қийиб ўтди, энди давраларни ёшларга бўшатай, деб эл оксоқолларидан фотиҳа олиб, ку-раш билан хайрлашибди. Ўшандан бери баҳор чоғи шу шийпонга кўчиб чиқиб, кеч кузгача деҳқончилик, чорвачилик билан машғул бўлар, ҳосилни йиғиб-териб олгач, яна қишлоғига кўчиб борар экан. Устоз деб ихлос қилиб келган ёш-ялангларга кураш сирларидан сабоқ берад экан.

Биз Абсал полвонни танидик.

Аммо ўша кеч Қувондиқ аканинг сирли шивир-шивирлари ҳам барибир, бизни хайратлантира олма-ди. Раиснинг қаҳру ғазабидан кўриб, андак-андак ковоғимизни очиб ўтирардик, холос. Кўз ўнгимизда ҳали-хануз чароғон шаҳар, пўрим уст-бошли мураббий тумандай кезиб юарди.

Шийпон пештоқидаги, теварағида ҳашаротлар ғуж-ғон ўйнаётган лампа ёдусида хира ёришиб турган чорпояда биз кўнок бўлган ўша кеч бир ҳолни ўзимча кашф этдим. Қувондиқ ака ва Абсал полвон худди кўрик туманлари каби бир-бирига жуда ўхшарди. Бил-мадим, бу балки, мулла Мирза бот-бот тилга олиб юра-диган ибора билан айтганда, барчалари Катта Ўранинг болалари бўлгани боисми, ҳарнечук, келбат-савлат, ра-пидадек қўллар, гулдураган овоз, имо-ишоралар, дағал гап-сўзлар – ҳамма-ҳаммаси бир-бирига монанд эди.

Дастурхон йиғиштирилиб, чойнакдаги чой соб бўла-ётган бир пайтда, Қувондиқ ака ёнидаги ёстикқа бағир бериб оёқларини узатиб юборди.

– Қани, полвон, – деди сирли бир оҳангда, – энди-и... чалинг, бир мирикайлик.

Абдусалом аввал бироз тихирлик қилиб турди, сўнг интилиб, чорпоя суянчиғига ташлаб қўйган камзули-

озгин қўллари билан бошимни силаётган отам, отажоним кўз ўнгимда намоён бўлди. Сўнг, қароқларим қаршисида бошим узра исирик тутатиб, кўзлари намланиб, дуо қилаётган ҳамиша жонсарак онам, онажоним, унинг ортидан, тутзор бўйлаб чошиб бораётган, менга умид ва ишонч билан термилиб «маза-я» деяётган Танзила бир-бир жонланиб, гўё сибизга бағридан отилаётган фарёд, илтижо менинг бўғзимга қуйилаётгандай, томоғимга аччиқ ва қаттиқ нимадир текилди. Беихтиёр юзимни осмонга қаратдим. Қаратдим-у, ҳозиргина жимирлабгина турган юлдузлар нолакор мусикадан гўё эрий-эрий қароқларимга томаётгандай, қароқларимдан тошиб ёноқларим томон сизаётгандай туюлди. Мен шоша-пиша ҳўлланган ёноқларимни артиб олдим.

Нихоят куй тинди.

— Э, яшанг! — деди Қувондиқ ака чуқур тин олиб, — қайси кун духтурга клизма килдирганимда ҳам бунчалик ҳузурланмаган эдим.

Мезбон синиқ жилмайиб қўлини кўксига қўйди.

Қувондиқ ака сахар пайти бизларни Абсал полвонга, Абсал полвонни худога топшириб Кенгсойга қайтди.

Биз Абсал полвонни танидик.

Шундай қилиб бизнинг бир ойлик шогирдлик фаолиятимиз бошланди. Ер ёнғоқ экилган пайкал биқинида беҳафсала қурилган чайла бор экан. Устоз шу ерга кўрпа-тўшак қилиб берди. Кун тартибимиз оддий: сахар туриб беш-олти чақиримга югураимиз. Ҳар хил машқлар бажарамиз. Нонуштадан сўнг тушликкача устозга қўшилиб унинг мол-ҳолларига қараймиз, экинларини суғорамиз, ўтоқ қиламиз. Абсал полвон ҳамиша тунд ва ўйчан, онда-сонда пўнғиллаб қўйганини ҳисобламаганда биз билан деярли гаплашмайди, эгилиб-букилиб ишдан бош кўтармайди. Пешиндан асргача ором пайти: чайлага кириб чўзиламиз. Аммо уйқу қаёқда, кун шу қадар иссиқки, тўрт тарафингдан ховур пуркаб туради. Худди тандир ичида ётгандай типирчилаб, ғингшиб чикамиз. Пахта пайкаллари бошланган

жойда похол тўшалган майдонча бор, кун қайтиб, андак салқин тушган пайт ана ўша ерда кураш илмига шўнғиймиз.

Устознинг биздан бошқа яна уч-тўрт шогирди бор экан. Улар жазирама чекинган маҳал мотоциклларини тариллатиб, чанг-чунгга беланиб қишлоқдан келишар, ғала-ғовур билан майдонга тушишар эди. Устоз ҳам биз қатори кураш либоси кийиб, машқ-машғулот қилиб, хар бир хатти-харакатимизни синчков кузатиб, баъзан мақтаб, баъзан танбех бериб туради деган хаёлларимиз ҳам чиппакка чикди. Биз шогирдлар бир-биримиз билан олишиб ётган пайт Абсал полвон ахён-ахён майдончага кўз ташлаб қўйиб, аллақандай юмушлари билан андармон бўлиб юрарди. Баъзан ўша куймаланаётган жойида товуш бериб қоларди.

«Эй, Холбой, чап қўлни маҳкам тутмай, чилга уринма, ўзинг учиб тушасан».

«Суннат-ей, қўлгил сома бу қилиғинг ғирром, иккинчи кўрмай».

«Тузук-тузук, Мухторбой, ана шу усулни пухта ўрган».

Тўғриси, устознинг кўрсатма-уктирмаларидан ажабланиб қолардим: худди ёнимизда тургандай, ҳаракатларимизни аниқ-таниқ баҳоларди. Яна бир ҳолнинг гувоҳи бўлганман. Мен шогирдлардан бири билан кураш тушаётган пайтим Абсал полвон шундоқкина биқинимизда, оғир-оғир нафас олиб турганини пайкадим, Пайқадим-у, ёнимга ялт этиб ўтирилдим. Шу лахзадаёқ оғилдан чиқиб келаётган устознинг танбехи жаранглади:

«Эй, кенгсойлик, хаёлингни бўлма!»

Ўшанда Абсал полвонда худо юктирган қандайдир хислатлар ҳам борлигига ўзимча икром бўлдим.

Қишлоқдан келган шогирдлар кураш машғулотларидан кейин, куюк толлар тагига тизилиб ўтириб, сибизга чалиш сабоғини бошлашар экан. Аммо бу маросимга Абсал полвон қандайдир мамнун қиёфада келиб астойдил бош-қош бўларди.

Кувондик аканинг машинаси шаҳар қолиб, чўл қўйнига йўл олгандан бери чехраси очилмай, тажанглашиб, ғингишиб, сўкиниб, бу ерлардан қочиб кетишга мени ҳеч кўндиролмай юрган Даврон бу ҳолдан баттар тутоқди.

— Бир-икки телевизурда кўрганман, — деди у ғижиниб, — қўлидаги халачўлни силкитиб-силкитиб кўп одамга куй чалдирадиган чоллар бўларди, шулардан бунинг фарқи йўқ экан.

Мен индамай бош ирғаб қўя қолдим. Аслида Абсал полвоннинг ўзи ҳам, сибизғаси ҳам, феъл-атворию турмуш тарзи ҳам негадир менга кун сайин ёкиб, устозга ички бир ҳурматим, эҳтиромим тобора ортиб борарди.

Шогирд тушганимизнинг учинчи ё тўртинчи куни, кечки машғулот бошланишидан андак аввал Абсал полвон иккимизни ёнига чақирди.

— Сизлар сибизға чалишни ўрганмайсизларми?

— Биз кураш тушишни ўрганишга келганмиз, — деб кўрс бир оҳангда жавоб берди Даврон.

— Куй қувватга қувват қўшади, — деб сўз бошлади устоз, бироқ ўйчан бир қиёфада яна жим қотди, ҳойнаҳой, бу гапларни бизга айтиш бефойда деган ҳаёлга борди, бироздан сўнг охиста қўшиб қўйди. — Ҳар бир полвоннинг ўз сибизғаси бўлиши керак, уни юракнинг устидаги киссада асраб-авайлаб юрган маъқул.

Очиғи, мен сибизға чалишни жуда-жуда хохлаётган эдим. Аммо Давроннинг кўнглига қараб, истагимни айтишга ботина олмадим. Бир пайт, устознинг ёнидан узоқлашаётган маҳалимиз, у киши туйқус мени тўхтатди.

— Иним, юрагинг буюрган ишни қилишга ўрган. Полвонликнинг энг биринчи шарты шу.

— Бунинг полвонликка нима алоқаси бор? — дея маҳмадоначилик қилди сал нарида турган Даврон, — юрак нотўғри йўлга бошласа-чи.

— Унда ё сенинг полвонлигинг, ё юрагинг борлиги ўтрик.

Даврон чимирилган кўйи майдон томон жўнади. Унга шоша-пиша етиб олганимда одатдагидек ёғиниб гудранди.

— Нималар деяпти анови, ўлай агар, бирорта ҳам гапига тушунмадим.

Тўғриси, устознинг сўзларини мен ҳам тўла англаб ололмадим. Англаганим шу эдики, Абсал полвон кўнглимда сибизга чалишни жуда-жуда истаётганимни пайқаб қолди. Худди шу ҳол мени ажаблантирар, хаёлларимни алғов-далғов қилар, устозда чиндан ҳам илоҳий бир хислат борлигига ич-ичимдан яна бир бор ишонч қабарар эди.

Мен ўзимни гаройиб бир оламга тушиб қолгандай хис қилардим.

Биз турган жойдан беш-олти чакирим нарида эни эллик қулочча келадиган катта бир канал бор экан. Ҳар куни эрталаб юурганимизда унинг қирғоғига борардик. Тагин чўмила кўрманглар, сиртдан сокин кўринса ҳам, аслида тезоқар, анча чуқур, деб Абсал полвон борганимизнинг биринчи кунёк тайинлаган эди. Аммо Даврон, ростдан ҳам кўнгли тусабини ё устозга атай терслик қилиш ниятидами, чўмиламиз деб ҳар куни мени гаранг қиларди. Мен ҳар хил баҳоналар билан тайсаллаб юардим.

Бир куни пешин пайти, ором истаб чайлага кирган чоғимиз Даврон ирғиб ўрнидан турди-да, ҳе йўқ, бе йўқ, қайноқ тупрок қўпчиб ётган йўл бўйлаб чопиб кетди.

Одатда, у бировдан ранжиса, кимнингдир гап-сўзи кўнглига оғир ботса шу тахлит жазавага тушарди. Аммо айни пайтда дўстгинам хафа бўлгулик ҳеч не юз бергани йўқ: афтидан, бу унинг отасига, устозга ва жамики кўргуликларига қарши исёни эди.

Кўнглим бир ноҳушликни сезиб, ортидан жўнадим. Даврон шу югуришда, йўл-йўлакай кўйлак-иштонини ечиб бир чеккага улоқтирди-да, тўппа-тўғри канални кўзлаб бораверди.

— Эй тентак, тўхта, каёққа? — деб икки-уч чакирдим изидан.

Бироқ у қайрилиб ҳам қарамади. Мен йўл-йўлакай тўзиб ётган кийимларини йиғиб қўлтиқладим-у, унга етиб олиш илинжида тезроқ чопдим. Аммо, барибир, улгурмадим. Мендан анча илгарилаб кетган Даврон канал қирғоғида бир зум нафас ростлаб турди-да, ўзини сувга отди.

— Эй! Эй! — дея олдим зўрға, иссиқ ва чарчокдан хансираб.

Даврон қўл-оёқлари билан тез-тез молтиб нариги қирғоқ томон сузиб кетди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини жон ҳовучлаб кузатиб турардим. Кузатардим-у, дўстимнинг бу қадар моҳир сузувчи эканлигини кўриб ҳайрону лол эдим. Қишлоғимиз пахта пайкалларини оралаб ўтган лоток ариқдаги лойқа сувга бир-икки шўнғиб олганимизни айтмаса, шу пайтгача Даврон билан тузук-қурук чўмилганимизни ҳеч эслай олмайман. Ажаб, у бундай моҳирона сузишни қачон, қаерда ўрганган экан? Афтидан, жазава ва жунун шарофатидан унинг фавқулудда яна бир иқтидори очилиб кетди. Даврон гоҳ тез-тез молтиб, гоҳ сув сатҳи бўйлаб юзиб ўн-ўн беш дақиқа ичида нариги қирғоққа чиқиб олди. Чикди-ю, ўнг қўлини боши узра баланд кўтарди. Мен ҳам қувонч ва мамнуният билан ҳавога мушт сермадим:

— ***Қуёш ҳали ботмаган!***

Иккимизнинг бўғзимиздан баб-баравар отилган ҳайқирикдан сув сатҳи бир мавжланиб олгандай бўлди.

Бир пайт, шундоққина биқинимда Абсал полвоннинг оғир-оғир нафас олиб турганини пайқадим-у, ялт этиб ўгирилиб қарадим. Чиндан ҳам устоз нариги қирғоқдаги Даврон томон тунд ва ўйчан назар ташлаб турган экан.

Мен хижолатдан бир зум каловланиб қолдим.

— Чақир уни, — деди устоз кўз қири билан нариги қирғоққа ишора қилиб.

Даврон қўлларини белига тираб мағрур ва масрур қиёфада сув оқимини кузатиб турарди. Мен бир

чакиримча наридаги бетон кўприк ёкка ишора қилиб кичкирдим.

— Кўприкдан ўтиб кел!

Даврон бош ирғаб ўша томон жўнади.

— Йўқ, — деб қолди Абсал полвон, — яна сузиб ўтсин! Хато қилиб, хатосини тузата билиш, қалтис қадам қўйиб, қалтис йўлидан яна ортга қайта олиш марднинг иши. Ана шундай одам полвон саналади.

Тўғриси, семиз-семиз китобларнинг иси келадиған бу гапларнинг маъзини тўла-тўқис чақа олмадим. Анг-лаганим шу бўлдики, дўстинг мард бўлса, яна сузиб ўтсин, деярти у киши.

— Эй! — қўлимни карнай қилиб кичкирдим, — қайтиб сузиб ўт!

Даврон ҳинду сардорларига тақлидан ўнг қўлини кўксига, лабига, манглайига тегизди-да, ўзини сувга отди. Аввалгидан ҳам мохирона, чаққон ва енгил молтиб биз томон суза бошлади. Абсал полвон ўзини тунд ва бепарво тутса-да, қўз қири билан қарашларида, бетоқат ияқларини силаб қўйишларида хавотир аломатлари сезилар, офтобдан унникқан қўйлагининг тугмаларини чиқариб, беихтиёр кўмакка шайланар эди. Мен дўстимнинг маҳоратидан, фавкулодда довиораклигидан ғурурланиб, қувониб турардим. Даврон молтиб, ҳавога сув сачратиб яқин келиб қолди. Устоз унинг эсон-омон кирғокқа чиқиб олишига кўнгли тўлди, шекилли, чуқур бир тин олиб уй томон қайтиб кетди. У худди елкасига оғир юк ортилгандай, қандайдир букчайиб, оғир-оғир одимлар эди.

Даврон пишқириб, энтикиб кирғокқа чиқиб келди. Мен унинг кийимларини узатдим. Даврон устоз томон бош силкиб ишора қилди.

— Анави нима деди?

Мен Абсал полвон айтган гапларни ҳижжалаб такрорладим.

— Бу мени мактагани бўлса керак-да, а? — деди Даврон қизиксиниб.

— Билмадим. Худди китобдан ўқиб бераётганга ўхшади.

— Топишмоқ гапларни кўп гапираркан бу, лекин қизик. Маъносини тушуниб олай деб кечаси билан ўйлаб чиқаман.

— Эй, — дедим Давроннинг елкасига туртиб, — сузишни қачон ўргандинг, писмиқ?

Даврон кўзларини пирпиратиб, елка қисди.

— Ўлай агар, ўзим ҳам билмайман. Сувга сакраб бундай қарасам, сузиб кетяпман.

— Тўғриси, сенга қойил қолдим.

— Эй, — деб илжайди дўстим, — ё шаҳарга бориб сузувчи бўп кетсаммикин-а, кўрдинг-у, сувга бир тушишда сени шунча қойил қолдирдим.

— Шаҳарда қизлар ҳам яланғоч бўп чўмилишади.

— Маза-да, — деб орзуманд тиржайди Даврон. — Қуймичидан ушлаб-ушлаб оламан.

Мен уялиб кетдим. Негадир кўз олдимда Танзила жонланди. Шундай пайтда уни ўйлаганимдан баттар хижолат бўлдим.

Биз Абсал полвонни танидик, билдик.

Бир куни кечки пайт машғулотга қишлоқдан одатдаги шогирдларга қўшилиб яна бир тўп ёш-яланг келди. Келишди-ю, хаммалари узук-юлуқ шивирлашиб кураш майдончаси теграсига давра қуриб ўтириб олишди. Биз уларни ажабланиб кузатиб турардик. Кўп ўтмай, эски бир «Жигули» шийпон ёнига келиб тўхтади ва ундан курашчилар либосидаги алп комат, сочини таптақир қирдирган, коп-қора, қўрс қиёфали, қирқ ёшлар чамасидаги киши тушди. У ҳеч кимга лом-мим демай айикдек лапанглаб майдонга кирди-да, худди беллашувга шайлангандек у ён-бу ёнга юра бошлади. Шу пайт ичкаридан бўзранг яктак кийиб, белига белбоғ боғлаган Абсал полвон чиқиб келди. Биз устозни шу пайтгача чинакам полвонлик кийимида кўрмаган эдик. У ҳам ҳеч гап-сўзсиз, оғир-вазмин қадамлар билан майдонга кириб борди-да, бояги барзанги билан қўл учида кўришди. Сўнг иккиси кураш туша кетди.

Улар бир-бирларини худди боқилган букалардек нари-
бери сурар, ихраб-ухраб усуллар қўллашар, оёқлари
остидаги похол тўшама тўзиб, куюқ чанг-тўзон хаво-
га кўтарилар эди. Биз, қишлоқдан келган ёш-яланг,
хаммамиз уларнинг беллашувини диққат ва кизиқиш
билан кузатар эдик. Полвонлар қарийб бир соатча
вақт давомида курашдилар. Гоҳ униси, гоҳ буниси
зўр келар, сўнг яна қайта беллашар, бет-бўйинларидан
коп-қора тер қуйилар эди. Бири бирининг курагини
ерга босганда биз ҳам томошабин, ҳам ҳакам сифати-
да қийқиришиб, ғолибни олқишлаб қўярдик. Ниҳоят,
кураш поёнига етди. Полвонлар яна бир оғиз ҳам
сўз айтмай биргаликда канал томонга кетишди. Ке-
йинчалик билдикки, устозимиз билан беллашган киши
машҳур Аҳмад полвон бўлиб, даврадаги томошабин-
ларнинг ярмиси унинг шогирдлари экан. Ҳар икки
устоз ҳафта-ўн кунда шу тахлит беллашиб, ўз шогирд-
ларига амалий-намунавий сабоқ беришар экан. Бир
ойлик шогирдчилигимиз даврида бундай томошага уч
марта гувоҳ бўлдик.

— Қойил, — дерди Даврон кўзлари чакнаб, — ҳақи-
кий полвонлар экан.

Аммо мен ғалати бир ҳислар оғушида эдим. На-
заримда устозлар бир-бири билан эмас, икковлашиб
қандайдир кўзга кўринмас, куч-қудратли рақиб билан
олишгандек туюлди. Бу ҳақда анча пайтгача ўйлаб
юрдим. Кейинчалик Аҳмад полвон ҳам худди усто-
зимиз каби одамови, хилватнишин, мохир дўмбирачи
эканлигини билдим-у, таассуротларим тўғрилигига яна
бир қарра ишондим.

Устозлар иккинчи бор амалий-намунавий машғулот
ўтказган куннинг эртасига, тушлик пайти, Абсал пол-
вон ҳеч қутилмаганда ёнимизга келди.

— Қандай бўляпти ўзи, укалар, — деди у андак
кулумсираб, — бирор нима ўргана олаяписизларми?

— Ха, — деди Даврон шоша-пиша бош ирғаб.

Аммо, устоз негадир менга қараб гапирарди.

— Ўйлаб ўйингга етдингми?

Мен довдираб қолдим. Устознинг пинҳона кечинмаларимни сезиб қолаётганидан ҳайрону лол эдим.

— Йўқ, — дедим зўрға пичирлаб.

— Раис бова сизларни менга ишониб топшириб кетган, шунинг учун бир-икки оғиз насихат қилиб қўйишим керак бўлади. Бу ҳам машқ-машғулотишимизга қиради. Эшитяпсизларми?

— Хўп, устоз, эшитамиз, — дедим бош ирғаб.

— Полвон одам уч нарсага ҳоким, уч нарсага кул бўлиши керак.

— Мен биламан, — деб дабдурустдан гапга аралашди Даврон, — полвон нафсига, шуҳратпарастликка, манманликка ҳоким бўлиши керак... бир китобда ўқиганман. Қалламга қўйилиб қолган.

Дўстгинамнинг маҳмадоналигидан қарахт бўлиб қолдим. Мактабда, ҳатто билганларини ҳам айтмай ўқитувчиларни хўп қўйдирарди, аммо ҳозир... афтидан, устоз мени ўзига яқин олиб, ёнимизда бошқа ҳеч ким йўқдай, юз-қўзимга қараб гапиришига қарши исён қилган бўлди. Бу беодобликдан Абсал полвоннинг жаҳли чиқиб ҳозирок уни жеркиб ташлайди, ҳатто, кулоқ-чаккасига шапалоқ тушириб қолади, деган хаёлда қўркиб турардим. Бирок устоз Давронга шунчаки хаёлчан қўз ташлади. Нигоҳларида андак малол, андак таажжуб, қизиқиш қоришиб кетган эди.

— Балли, иним, балли! Хўш, кейин-чи, қолганини ҳам айт-да.

— Полвон уч нарсага кул бўлиши керак, — деди Даврон ҳеч бир тап тортмай, — ҳақиқатнинг, ор-номуснинг...

Аммо учинчи нарсанинг номини тополмай башарасини буриштириб, чайналиб қолди.

— Ҳа, яхши, — деб бош ирғади Абсал полвон, — шу иккови ҳам ҳозирча сизларга етади. Учинчиси...

— Сибизганинг... — беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди менинг.

Устоз ялт этиб ўгирилди. Унинг юз-қўзлари қандайдир ёришиб кетгандай бўлди.

— Топдинг! Сибизганинг кули бўлиши керак!

Абсал полвон шундай деди-ю, кўкрак чўнтагидан чарм филофли сибизгасини авайлабгина қўлига олди.

— Йўқ, сибизга эмас, китобда ундай дейилмаган. Усто-о-оз, ўзингиз айтинг, илтимос, учинчиси нима эди, — деди Даврон астойдил кизиқиб.

— Учинчисини, инилар, ҳали билиб оласизлар. Унинг ўзи ўзини билдириб қўяди. Қўркманглар, кўп кутиб қолмайсизлар. Ўша нарса ҳаёт йўлларингизда илҳақ-интизор. Эрта бир кун насиб этса, унга дуч келасизлар. У сизларни кулдиради, куйдиради, у сизларни бор қилади, йўқ қилади. Ана шунда жуда-жуда сибизга чалгиларинг кеп қолади. Боя Норсоат тўғри топди десак ҳам бўлаверади. Полвон кули бўлиши керак бўлган учинчи нарса, бу сибизга! Келинглар, ҳозирча уни шундай деб атаб турайлик. Ҳаётда ўзига йўлиққанларингизда, нима деб ном қўйсаларинг қўяверасизлар.

Даврон иккимиз бир-биримизга анграйган кўйи бир зум қотиб қолдик. Ахир шу пайтгача Абсал полвоннинг бу қадар узун гапирганини эшитмаган эдик. Устига-устак, унинг айтганлари бизни баттар кизиқтириб, ақлимизни шошириб қўйди.

— Яна топишмоқ, — деб минғирлади Даврон надомат билан бош ирғаб.

Устоз бизга эътибор бермай сибизгасини филофидан чиқарди-ю, чуқур тин олиб, чалишга тутинди.

Назаримда, бутун борлиқ сукутга чўмиб, нафас олмай, сибизганинг нолакор садоларига кулоқ осгандай туюлди. Гўё мусикага ошуфга офтоб ҳам кўк токида тўхтаб қолгандай, оташ-олов баркаши бошимизга ағдарилиб кетгандай, унинг касридан тошу тунроқ, дов-дарахт, ўт-ўлан куйиб, тутаб ётгандай эди.

Сибизганинг авжли-мавжли оху фигони еру кўкни тутди. Хаёллару туйғуларни ортидап мастона эргаштириб, бир нажот, бир таскин, бир паноҳ излаб гирёна чарх урар, гўё излаганини тополмай, сахро саробларига қоришиб, сарғайган дала-даштни баттар сарғайтириб,

олис уфкларга сингиб кетар эди. Узоқ-яқиндаги экин пайкаллари сувсираб эмас, сибизга бўғзидан отилаётган бўзлов, дарду хасрат ховуридан коп-қорайиб кетгандай, кунботардаги тап-такир кир-тепаликлар бағридан кўтарилган қуюн сибизганинг аччиқ-аччиқ нолаларидан масту мустағриқ бўлиб, жазава билан қўкка ўрлаб бо-раётгандай туюлади.

Нихоят, сибизга садолари тинди. Абсал полвон лом-мим демай манглай терларини кафтига арта-арта чайладан чикиб кетди. Адашмасам, ана шу бизнинг устоз билан сўнги суҳбатимиз, сибизга тилида сўнги сирлашувимиз бўлди.

Биз Абсал полвонни танидик, билдик.

Орадан бир ҳафтача ўтиб Қувондик қайсар бизни олиб кетиш учун юборган машина ўша қуюк толзор олдида кантарилди. Бир ойлик шогирдлик давомида чўл қўйнидаги бу овлоқ гўшага, Абсал полвонга, унинг тинч-тотув оиласига хийла қўникиб қолган эканман. Машина етиб келган пайт Давронга қўшилиб бирикки шодон ирғишлаб қўйганимдан, хатто, хижолатга тушдим. Ўзимни гўё устозга хиёнат қилгандек, шу пайтгача яхши шогирд сифатида уни алдаб юргандек хис қилдим.

Абсал полвон машина келишидан анча аввал мени ёнига чакириб олди. Индамай қўлимга яп-янги сибизга тутказди.

— Яқинда сен учун ясадим. Ол, мендан эсдалик.

— Раҳмат, устоз, — дедим алланечук тўлқинланиб, — кўз қорачиғидай асрайман бун.

— Асрама, тез-тез чалиб тур. Сизларга қўшни қишлоқда Самармурод деган оти йўғу номи бор чавандоз яшайди, танийсанми?

— Танийман, кўп кўрганман у кишини. Шункор Ҳобил деган шоир у ҳақида «Жазирама» номли асар ёзган экан, адабиёт муаллими айтган эди.

— Ана, кўп нарсани биларкансан, шу одам сибизга чалишга уста. Икки-уч кун қатнасанг, биб-бинойи ўрганиб оласан.

гутлари» қишлоққа кираверишда, тутзор бўйида бизни кутиб туришган экан. Афтидан, улар бизни тантанавор қарши олишмоқчига ўхшарди. Бир пайт танаси йўғон тут панасида ғира-шира кўриниб турган кизга кўзим тушди. У Танзила эди! Негадир юрагим гурс-гурс уриб кетди.

— Ия, ана, — деб қолди бир пайт Даврон, — Танзила ҳам мени кутиб олгани чиқибди! Кел, шу ерда тушиб қоламиз.

Давроннинг талабига биноан машина тўхтади.

— Нарсаларимизни уйга бериб қўйинг, биз бирпасдан кейин борамиз, — деди дўстим хайдовчига.

Биз худди узок сафардан қайтган сайёҳлардек, йўқ, йўқ, қагтол ёвни тор-мор этиб, юрт остонасидан ғолибона оёқ ташлаган ботирлардек болалар томон мағрур-масрур юрдик:

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Болаларнинг туйқус қийқириғи, ҳатто, аста-секин уфққа оғиб бораётган қуёшни ҳам чўчитиб юборгандай туюлди. Биз ҳам қўл сермаб уларга жўр бўлдик. Бир зумда далаю дашт қувноқ кулгилар, беозор хазилхузуллар билан тўлиб-тошди.

Мен болалар билан кўришиб, галма-гал ҳол-аҳвол сўрашаётган бўлсам-да, аммо фикру зикрим сал нарида ҳали-ҳануз чала-ярим яшириниб турган, боя болаларнинг қийқириғига қўл силкитиб ўзича жўр бўлган Танзилада эди! Ички бир иштиёқ мени у томонга тортқилар, юрагимда ажиб бир хислар кезинарди. Аммо Даврон мени яна ортда қолдирди.

— Болалар, мен ҳозир, — деди у атрофини ғалавовур билан ўраб турган дўстлари даврасини ёриб киз томонга юраркан, — Танзила, салом, қалайсан?

Танзила бир дона тут япроғини қўлида вижимлаган қўйи уялинқираб панадан чиқди.

— Ассалому алайкум, акажонлар, яхши етиб келдиларингизми?

— Э, сўрама, Танзила, — деди Даврон олифталарча қўл силтаб, — роса бопландик, тинкамиз қуриди.

Эсиз, шаҳарга бормадик-да, сенга зўр совға олиб келган бўлардим.

— Менга ҳеч нарса керакмас, — деди киз баттар уялиб.

— Кутиб олишга чиққан кизга, албатта, совға бериш керак, нима, киноларда кўрмаганмисан?

— Мен... мен кутиб олишга чиқмадим. Сигирларни ҳайдаб келаётгандим... сизларни кўриб тўхтадим.

Қизнинг гапларига чиппа-чин ишонган Давроннинг хафсаласи пир бўлди.

— Сени кара-ю, — деди у болалар томон юраркан, — мени кутгани чиққансан деб қувониб ўтирибман.

— Даврон, — деб қичқирди болалардан бири, — биз зўр стадион курдик, юр, сенга кўрсатамиз.

— Қани, юринглар!

Болалар дувва йўлнинг нариги тарафига ўтиб олишди.

— Мен ҳозир етиб оламан, бораверинглар, — дедим улар орасидан секин сирғалиб чиқарканман.

— Яхши, сен Танзилани уйига олиб бориб қўй, — деди Даврон қандайдир буйруқ оҳангида, — кечқурун кишлоқ оралаймиз. Бугун уйқу йўқ. Шу пайтгача чайлада мириқиб дам олганимиз етар.

Мен Танзиланинг ёнига келдим.

— Ассалому алайкум, ака, яхши келдингизми? — деди у қизариб-бўзариб.

— Ўзинг қалайсан?

— Яхши. Ҳозир каникул. Уй ишларига қарашиб юрибман, — Танзила гапирарди-ю, соғинч, қувонч лиммо-лим нигоҳларини ҳар ён олиб қочарди. — Мана, сигирларни ҳайдаб келаяпман.

— Қани улар?

— Уйга етиб қолгандир.

— Эсли сигирлар экан.

Танзила қиқирлаб кулиб юборди.

Биз гаплашиб кишлоқ томонга юрдик.

— Чин полвон бўп кетибсиз, — деди Танзила менга меҳр билан қўз ташлаб.

Унинг сўзларидан, қарашларидан яйрадим.

Биз Абсал полвондан узоқлашган эдик.

Танзила ўша ёз бешинчи синфни тамомлаган, чиройига чирой, бўйига бўй қўшилиб қолган эди. Уста Абил уни еру қўкка ишонмай парваришлар, топган-тутганини унга атар, ҳар гал шаҳарга борганида, кизи учун атай нимадир олиб келар эди. Енги, этаги калта, шаҳарча фасондаги кийимларига, тилла-кумуш тақинчоқларига, шалоладек ёйилган соч кокилларига кишлоқ қизлари хавасу ҳасад билан қарашарди. Мулла Мирза неварасининг шаҳарча ясан-тусанини, ўз таъбири билан айтганда, шайтоний нағмаларини кўрганда, одатдагидек калимаи шаҳодатни тилга олиб, қўлини юзига парда қилиб панага қочар, аммо Танзила бобосини учратган жойида меҳр билан бўйнига осилиб ялаб-юлқаб ташлар, ноқобил, ақлсиз фарзандларидан рўшнолик кўрмаган қария мумдек эриб кўзларига ёш олар, неварасини алқаб эркалар, гоҳо уни қўмсаб, соғиниб ўғлиникига излаб борар эди.

Мен Абсал полвон ҳадя этган сибизғани яшириб қўйишни қайта-қайта тайинлаб онамга топширдим ва уни қайтиб сўрамадим.

Биз Абсал полвондан узоқлашган эдик. Ҳолбуки, ўша йиллар шу устознинг таълими шарофатидан тенгтушларимиз орасида полвон бўлиб танилдик. Кураш давраларида номларимиз алоҳида эътибор билан тилга олинадиган бўлди. Айниқса, Давроннинг шашти баланд эди. Бу орада унинг зўравонлик, жангарилик томири ҳам қабарди. Теваракдаги шаҳарчаю кишлоқларда ўзича адолат тиклаб, ўзича кенгсойликлар ор-номусини химоя қилиб юрарди. Ҳатто, кимнидир калласини ёргани учун, кимнидир калтаклаб қўлини синдиргани учун вилоят марказида икки-уч марта милицияга ҳам иши тушди. Аммо отасининг қўмагида ҳаммасидан оппа-осон қутулиб чикди.

Ўз совуғидан ўзи жунжикиб қиш эндигина кириб келаётган кунларнинг бирида кишлоғимизда катта тўй, катта кураш томошаси бўлди. Унга узоғу яқиндан

номдор, унвондор полвонлар ташриф буюришди. Шахардан самбо бўйича машхур бир спорт устаси бизлар тенги икки нафар шогирдини эргаштириб келгани ҳақида эшитдик.

— Биттасига сен, биттасига мен чиқаман, — деб тантанавор эълон қилди Даврон, тўйхона теварагида жанжал талаб изғиб юрган пайтимиз, — энағар шаҳарликларга бир кўрсатиб қўййлик. Иккинчи бу ёқларга оёқ босмайдиган бўлишади.

Биз ризолик, ҳамфикрлик, ҳамнафаслик аломати сифатида, одатдагидек, қўлларимизни мушт килиб баланд кўтардик.

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Аммо ўша кеч илк бор қуёшимиз ботгандай бўлди. Кураш давраси гувуллаб турарди. Гоҳ ғала-ғовур, гоҳ кийкириклар осмонга ўрлайди. Қўшни кишлоқлик, тўй эгасига қандайдир қариндош бўлган, ўзининг каттикқўллиги, адолатпарварлиги билан ном қозонган Эргаш мироб бош баковул эди. У ўзининг жез жарангидай каттиқ ва тиниқ товуши билан гоҳ даврани тинчлантирар, гоҳ майдонга чиққан полвонларни таништириб, совринни эълон қилар, ора-чора ҳазилхузул, қочирим гаплар билан томошаталабларни кулдирад эди. Биз кишлоғимизнинг атоқли полвонлари тўпида пайт пойлаб ўтирдик.

— Даврон, чиқ! — деб қолди бир пайт бизга бош-қош бўлиб турган Каримбой муаллим, — анови шаҳарликларнинг бири давра айланаяпти, жуссаси ҳам кўп катта эмасакан, тезроқ чиқ.

«Шаҳарлик Хусан полвонга талабгор борми?» — дея учинчи бор эълон қилаётган баковул Давронга кўзи тушиб, мамнун бош ирғади.

Шаҳарлик рақиб курашчидан кўра сартарошга кўпроқ ўхшарди: ораста сочлари сип-силлик, рангрўйи опшоқ.

Аммо... баковул полвонларни эл-халққа таништириб, солимни айтиб, рақиблар бир-бирига ҳамла бошлагандан бу ёғига атиги икки ё уч дақиқа ўтди. Чал-

пак бўлиб тушган Давронни рақиби кўкрагидан босиб турарди. Бу қандай содир бўлди, хатто, илғаёлмай қолдим.

— Ҳало-о-ол! — ҳайкириб юборди давра.

Бирок Эргаш мироб мартабали меҳмонлар қаторида тоғдай тебраниб ўтирган Қувондик қайсарга бир қараб қўйди-да, кескин бош чайқади.

— Йўқ, бу фирром! Қайта бошдан курашинглар, полвонжонлар!

Давра норизо гувуллаб қўйди. Ҳусан полвон рақибини қўйиб юборар экан, бир баковулга, бир та- рафдорлари ёққа ажабсиниб тикилди.

— Қани, давра совиб қолмасин, полвонжонлар, олишинглар! — деб ҳеч нима кўрмагандай, у ён-бу ён юринди Эргаш мироб.

— Эй!

Бу ўрнидан ирғиб турган Давроннинг кичкириғи эди.

— Эй! — деди у баковулнинг елкасига туртиб, — нима деяпсиз ўзи? Қандай фирром, ҳалол ташлади-ку?!

Даврон шундай деди-ю, шиддат билан даврадан чиқиб кетди. Мен унинг одатдагидек жазаваси тутганини тушундим-у, болалар ушлаб турган Давроннинг қалин камзулини, ботинкасини олиб орқасидан югурдим.

Ана у! Устидаги ятакни ечиб дуч келган ёққа улоқтирди-ю, қоронғилик қаърига ўзини урди.

Тўйхона тарафдан яллагининг баланд хонишлари жарангларди.

*Отиб тош менга тондинг-ку,
Бўлар энди, бўлар энди.
Оғир қунларга солдинг-ку,
Бўлар энди, бўлар энди.*

Мен Давронни кўздан қочирмаслик учун югургилардим. Ҳаво хийла совуқ, қор иси келарди. Еру кўк коп-қора, тўрт қадам наридаги шарпани ҳам илғаб олиш қийин. Мен дўстимнинг шамоллаб қолишидан

қўрқардим. Аммо хамишагидек жазава пайти унга якин бориш хавфли эканлигини билардим.

Даврон кимнингдир дарвозаси ёнига тўкиб қўйилган ғўзапоя уюмига бориб ўзини ташлади. Ташладн-ю, гужанак тортиб тек қотди. Мен бироз нарида икки-уч дақиқа уни кузатиб турдим. Тўйхона тарафдан яллагининг хонишлари, кураш майдони ёқдан томошабинларнинг қийқириғу ғала-ғовури баралла эшитилиб турарди. Хойнахой совқотди, шекилли, андак вақтдан сўнг Даврон ётган жойидан туриб, букчайганча ўтирди.

— Ма, курткангни кийиб ол, — дедим ёнига бориб.

Дўстим мен узатган кийимларни терс бир ҳаракат билан эгнига олди.

— Шарманда бўлдим, — деб ғўлдиради у ботинкага оёқ сукаркан, — бир қўлдан қолдирмади-я?!

Мен дўстимни авайлаброк овутишга уриндим.

— Онг кеттинг-да.

— Хакикий самбочи экан. Қандай усул қўллаганини ҳам билолмай қолдим... Одам нонни катта тишласаям, катта гапирмаслиги керак экан. Ўзимизча мактаниб юрибмиз-а?

— Хафа бўлма, Даврон, курашда доим зўр келиб бўлмайди, чидаш керак.

— Мен отамдан хафаман.

— Нега?

— Ўшанда бизни қандайдир сибизғачига топишмай, шаҳарга оборганида, ҳозир зўр самбочилар бўп кетардик, ҳар хил мусобақаларда катнашиб машҳур бўлардик.

— Ношукурлик қилма, — дедим Даврондан астойдил ранжиб, — ўзинг кўтармалик қилиб йиқилдинг, бунга устозни айблама, у кишидан қўп нарса ўргандик-ку.

Шу пайт уч-тўрт шарпанинг кадам товушлари бизга якин келиб қолди. Улар «Кенгсой бургутлари» экан.

— Э, бу ерда ўтирибсизларми, — деди Қудрат ҳал-лослаб, — изламаган жойимиз қолмади.

— Ҳамма устимдан кулиб ётган бўлса керак у ёқда, — деб пўнғиллади Даврон.

— Нега куларкан, — деб энтикди яна бир «бургут», — мард полвон экан деб мақтаб ётишибди.

Дўстим билаги билан манглайини қашлади. Одатда, мамнун бўлса, нимадандир кўнгли тўлса шундай қилик қиларди.

— Енгилганини тан олиш марднинг иши, — деб қўйдим яна бир карра унга далда бўлиб.

Даврон ирғиб ўрнидан турди. Биз ҳам шуни кутиб тургандик.

— ***Қуёш ҳали ботмаган!***

Жўшқин, тигдай кескир хайқириғимиз тунд булутлар бағрини бурдалаб ўтиб, маржон-маржон юлдузларга тегиб акс садо бергандай бўлди. Ишончу умидга, орзую иштиёққа лиммо-лим ана шу хайқириқ мавжларида солланиб кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Завқли-шавқли кунларнинг бирида, ниҳоят, ўрта мактабни битириб, етуклик аттестатини қўлга олдик. Беғубор болалик, учкур хаёлот сертупрок йўлларнинг чанг-тўзонига қоришиб ортда қолиб кетди. Чанг-тўзонлар булути аро шижоатга, курашга, бирдамликка ундовчи баланд кўтарилган ўша қўлларгина, ўша жанговар, жарангдор хайқириқгина изимиздан қолмай эргашиб келар эди.

— ***Қуёш ҳали ботмаган!***

Мактабимиз директори мустақил ҳаётга қадам қўйганлигимиз билан бизларни қутлаган, қувноқ қийқириқлар, беозор ҳазил-хузуллар, сирли суҳбатлар авж олган ўша битирув кечаси ҳам шонли-шукухли шиоримиз шу тахлит яна бир карра жаранглади. Унга ўғилу киз, ўқитувчию ўқувчи — барча-барча баб-баравар жўр бўлди. Ҳаммаси, одатдагидек, шахзодалардек ясанган, бир гапириб ўн кулаётган, ҳар бир хатти-ҳаракати ўзига ярашиб турган, ҳаммадан кўркем, ҳаммадан ўктам Давроннинг биргина ишораси билан худди келишиб қўйилгандек бир лаҳзада содир бўлди-ю, хайқириқ шиддатидан еру кўк ларзага келди.

Менинг эса дилим хуфтон, кўнглим вайрон эди. Етуклик ҳужжатини эмас, шафқатсиз ҳукм нусхасини

эмасмиди?! Ниҳоят, у ловуллаб аланга олди! Ниҳоят, у мени роҳатбахш ишк гулханига ташлади! Бу ҳол тўққизинчи синфда ўқиётган чоғларим, борлиқ баҳор бўёғига бўяниб, ўз ясан-тусанига ўзи махлиё бўлиб турган кунларнинг бирида содир бўлди.

Мактаб бўйича шанбалик ўтказаетган эдик. Қай бир синф дов-дарахтларни бутоклашга, қай бир синф кўча-кўйни тозалашга, баъзилари синфхоналарни таъмирлашга сафарбар этилганди. Устачиликка андак укувим бўлгани учун мени физика ўқитувчимиз чақириб, директор хонасидаги бўғинлари бўшашиб қолган столни тузатиб беришимни илтимос қилди.

Раҳбарнинг хонаси узун йўлакнинг охирида, ним қоронғи бурчакда эди. Тайинланган ишни бирпасда тиндириб, директорнинг курсисига ўтириб, хонани томоша қила бошладим. Орқа деворда, ихчамгина жавон тепасида калта соқол дохий сурати, бурчакда эски бир телевизор, мен тузатган стол устида бир тахлам газета-журналлар. Негадир ичкарига очиладиган қўштавақа эшик тепаси дарз кетган. Хонадан зах ва бўёқ иси анқийди.

Бир пайт ташқарида тапир-тупур қадам товушлари, қизларнинг шўх-шодон кулгилари эшитилди. Афтидан, улар бир-бирини қувлашиб келаетганга ўхшарди. Сергакландим. Қадам товушлари директор хонаси томон яқин келиб қолди. Хойнаҳой, қизлардан бири узун йўлакнинг ним қоронғи бурчагига яшириниш илинжида эди. Сабрим чидамай йўлакка қарамоқчи бўлиб шашт билан эшикни тортиб очдим. Очган захотимоқ эшикка эндигина суянган бир қиз мувозанатини йўқотиб ичкарига, очикроғи, тўппа-тўғри менинг кўксимга йиқилди.

— Ву-уй!

Қучоғимдаги жингалак сочлари тўзғин, қийиқ қошлари коп-қора, лўппи юз, ақиқ лабли бу сулув Танзила эди! У узун-узун киприкларини пирпиратиб, юз-кўзимга бир лаҳза хайрону лол тикилди-ю, бир талпиниб қад ростлади. Қад ростлади-ю, шиддат билан ташқарига отилди. Мен қарахт қотиб қолган эдим.

Бутун вужудимга ҳали менга нотаниш ёқимли бир титроқ инди. Алланечук ифорлардан кўзим мастона тиниб, бошим енгил айланар эди. Ўша кун директор хонасидан қачон, қандай чиққанимни, қачон, қай тарзда шанбалик якунланганини билмайман. Билганим шуки, хуркак нигоҳлар, қўрқув ва уятдан бир оқариб, бир қизарган гулгун чехра кўз ўнгимдан сира кетмай қолди. Йўлаклардан, мактаб тевалагидан, тўп-тўп қизлар орасидан киши билмас Танзилани излайман. Аммо уни учрата олмадим.

Ўша кун, ўша лаҳзадан бошлаб Танзила менга тутқич бермай қўйди. Мактабда, кўча-кўйда уни зору интизор излардим. Танзила доимо дугоналари даврасида юрар, мени кўриб, кўрмасликка олар, ногоҳ дуч келиб қолган чоғ, енгил бир саломлашиб, ортиқча оғиз очишга имкон бермай, олдимдан чаққонгина узоқлашар эди. Бир куни сингилчамни — акамнинг қизчасини, Танзилани чакириб чиқишни тайинлаб юрак ютиб уста Абилникига киргизиб юбордим. Шом қоронғилиги қуйилиб келаётган пайт эди. Орадан бир соатча вақт ўтди. На қизалоқдан, на Танзиладан дарак бўлди. Тоқатим тугаб, эндиgina уй томон бурилганимда чўнтак тўла конфет билан сингилжон чиқиб, Танзила чиқолмаслигини, иши жуда кўплигини тантанавор эълон қилди. Ели чиққан пуфакдай бўшашиб қолдим. Дарду дунём қоронғи бўлди.

Биз Абсал полвонни унутдик.

Ишқ-мухаббат мени беомон қўйдирарди. На уйга сизардим, на кўчага! Дардимни Давронга айтиш учун бир-икки марта оғиз жуфтлаган пайтларим ҳам бўлди. Аммо кулгига қолишдан чўчиб, унга ҳам лом-мим демадим. Шу тахлит беқарор, беҳаловат кунлар ўтиб борарди. Ўша ўқув мавсуми охирлаб қолган кезлар, тугаб бораётган баҳор яна қайта гуркираб, чор атрофни ранг-баранг чечакларга, турфа ифорларга буркаб юборгандай бўлди. Танзила, менинг тутқич бермас Танзилам бирозгина шаштидан тушди. Мени кўрган маҳал аввалгидек хуркиб қочмас, ҳол-аҳвол сўрашар,

узуқ-юлуқ, довдир-довдир гапларимни тоқат билан тинглар, ўзи ҳам неларнидир сўраган бўлар, гоҳо, дабдурустдан уйимизга келиб, онамнинг, янгамнинг у-бу ишларига қарашар, кўнглимни қувончу хаяжонга тўлдирар эди. Қиздаги бундай қутилмаган ўзгаришлар сир-асрорини баъзан ўзимча, тўғрироғи, худбинларча тушуниб бадхоҳлик билан илжайрдим.

Ўша пайтлар кизлар ўртасида «Хотира» деган дафтар тутиш кенг урфга айланган бўлиб, уни ўзлари истаган синфдошига, таниш-билишларига тутказар, дафтар қўлига текканлар унга ўз тилақларини, шеър ё бирор матал битиб эгасига қайтарар эдилар. Ажойиб кунларнинг бирида Танзила ийманибгина ана шундай «Хотира» дафтарини узатди, эсдалик ёзиб берсангиз деди. Мен олам-олам қувончу хаяжонга кўмилиб, қиз қўлидан дафтар эмас, мулла Мирза таъбири билан айтганда, фаришта илкидан номаи аъмолини олгандай бўлдим. Дунё кўзимга чароғон кўринарди.

«Хотира»га синфдошларидан бошқа «бегона»лар ҳали «мехмон» бўлмаган экан. Демак, Танзила биринчилардан бўлиб менинг ёзиб беришимни истабди. Бундай ашъвий далиллар мен учун ёруғ ва фараҳли муждалар берарди. Еру кўкда беканот учиб юрардим.

Танзила тагин такаллуф этган ўша куни тун бўйи дафтарни силаб, ўпиб, ҳидлаб чиқдим. Назаримда, ундан севги ва бахтнинг хуш бўйлари анқиётгандек, кимлардир, қачонлардир саҳифаларига ёзган тилақлар, ниятлар аслида аллақачон иккимизнинг манглайимизга битилгандек туюлар эди. Аммо тез орада жиддий муаммога йўлиқдим: дафтарга нима деб ёзишни билмай бошим қотди. Билганларимнинг, ўйлаганларимнинг барчаси оддий ва жўн туюларди.

Эртаси куни бир баҳона билан мактабга бормай, «Хотира»га ҳеч кимникига ўхшамаган, юрагим ҳарорати, севгим, мухаббатим сезилиб турадиган сўзлардан териб-териб тилақ ёзиш билан овора бўлдим.

Минг тиришиб уринишимга қарамай, кечгача менга ажратилган саҳифаларнинг аранг ярмисини тўлғаздим.

деган ўйда бўлса керак, мамнун бир қиёфада олдимга
гоҳ чой, гоҳ қанд-курс келтириб қўярди. Мен... мен
эса уни деярли кўрмайман. Бутун хонани, хаёлотимни
Танзиланинг гўзал, жозибали сурати эгаллаб олган.
Мен кичкинагина хонтахта устига мук тушиб эмас,
гўёки, Танзиланинг оёқлари остида эгилиб-букилиб их-
лосу икром билан дафтар қоралайман. Лабларим шеъ-
рий сатрларни эмас, гўё юрагимдан қайнаб-тошаётган
севги изҳорларини баён этарди.

Ниҳоят, тонга яқин иш битди. Эртаси куни катта
танаффус пайти Танзилани бир амаллаб ёлғиз учратдим-
да, гўё ёвуз девни ўлдириб, унинг кокилини васл
умидида маликага келтирган ботирдай, қизнинг омона-
тини қўлига тутқаздим. Танзила уялганнамо «рахмат»
деди-ю, синфхона томон чопкиллаб кетди. Бир гал
тарих фани бўйича туман олимпиадасига қатнашиб,
берилган саволларга уч соатча жавоб ёзиб топшир-
ган эдим. Сўнг гўё ҳаёт-мамотим шунга боғлиқдай,
хаяжон-ҳадик оғушида натижасини роппа-роса ўн беш
кун кутгандим.

Ўша куни ҳам Танзилага «Хотира»сини қайтарар
эканман, ўзимни худди ўша жиддий бир имтихон топ-
ширган, келажаги, тириклиги ҳал бўлаётган ўқувчидек
ҳис этдим. Назаримда, Танзила ёзганларимни ўқиб,
оҳу ноламни англаб, севгимга икром бўлиб, сочла-
ри тўзгин, уст-боши юпун, ялангбош ҳолда, паришон
бир тарзда қаршимга чиқиши, кўзларидан аччик-аччик
ёш окизиб, бошини оҳиста кўксимга қўйиши шарт
эди. Йўқ, йўқ, ундай эмас, назаримда Танзила би-
тикларимга кўз ташлаб, қалбимни англаб, мактабдан
қайтар чоғи мени зимдан кутиб туриши, тунда қочиб
кетаман, қувлайсизми, дея пичирлаши, сўнг келишил-
гандек, ой балқиб турган кечада, у тутзор бўйлаб
лайливаш-лайливаш югуриб кетиши, мен уни тутиб
олиб даст кўтарган чоғ, кўксимга оҳиста бош қўйиши
зарур эди. Аммо... аммо ўйлаганларим сахро сароби
бўлиб чикди. Танзилада ҳеч бир ўзгариш сезилмади.
У ҳамишагидек гулгун яшнаб, гоҳ дугоналари билан

пичирлашиб, гоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулиб ўз-ўзича пар-
войи палак юрарди. Шундай бешафқат, бепарволиклар
аро ўқув мавсуми ҳам битди. Сершовкин мактаб яна
хувуллаб қолди. Менинг назаримда бутун дунё хувул-
лаб қолгандай бўлди. Чунки мен Танзилани, гўзал
Танзиламни тез-тез кўриш, унинг жингалак сочлари-
ни, кийик, қайрилма қошларини, дурқун, келишган
қоматини, пана-панадан томоша қилиш имконидан ай-
рилдим. Устига-устак, таътил бошлангач, ҳаммамиз
тўзидик. Мулла Мирза Танзилани олиб тоғлар бағрига,
аллақандай қариндошиникига кетди. Янгамнинг айти-
шича, тоғда улар бир ойча юриб, ўша пайтлар та-
библик талабида юрган қариянинг амалий фаолияти
учун ҳар хил гиёҳлар йиғишар экан. Эҳ, бу фитнакор
режадан аввалроқ хабардор бўлганимда, бирор баҳона
билан уларга қўшилиб олишим мумкин эди. Хартугул,
мулла бова мени яхши кўради, ҳар учратган маҳали,
Норсоатбой, сизда сўпилик сиёҳи бор, вақт топсангиз,
сизга «Хафтияк»дан сабоқ бераман, кейинги пайтлар,
эскича биладиган одам қолмаяпти, тўй-маъракаларни
ўтказибгина юрасиз, деб илтифот кўрсатарди. Майли,
ҳар қандай балоларга тайёрман, ишқилиб, Танзилам-
нинг ёнида юрсам, йирик-йирик кўзларига тўйиб-тўйиб
боқсам, бас. Бироқ тирикчилик таёғи худди кўкранг
йўл белгиси каби мени бошқа ёққа бошқариб турарди.
Таътилимиз бошланган кунлар онам чўлнинг қайси бир
посёлкасида истиқомат қиладиган опамникига меҳмон
бўлиб бориб келган эди. Норсоат ҳам кап-катта йигит
бўп қолди, ёзда бекор юрмасин, келиб менинг дала
ишларимга қарашса, уч-тўрт сўм ҳақ бераман, келгуси
ўқув мавсумига уст-бошини бутлаб олади, дебди поч-
чам. Мен ноилож рози бўлдим. Ахир, бу ерда нима
ҳам қиламан. Танзила, менинг Танзилам йўк! Даврон
ҳам тез орада отаси билан аллақандай курортга кетиш-
га чоғланиб юрибди.

Ўша ёз чўлу дашт жазирама қуёшдан эмас, менинг
қўқсимда ловуллаб турган ишқ-севги оловидан лов-лов
ёнди. Узоқ-яқинда жимир-жимир кўринаётган сароблар,

телбавор эсаётган гармсел менинг оҳимдан, менинг изтиробларимдан қўтарилар эди. Негадир гоҳ хўнграб-хўнграб йиғлагим, гоҳ ках-ках уриб кулгим, баъзан баралла маъюс ва хазин қўшиқлар айтгим келарди. Поччамнинг «Весна» магнитофони ҳамиша ёнимда: энг машхур ҳофизларнинг ишқ-севги, вафо-садоқат, ёр изтироблари васф этилган қўшиқларини берилиб тинглайман, ўз юрагим суратини кўргандай бўламан. Соғинч, соғинч ва яна соғинч мени беомон ўртарди. Поччамга тегишли экин далаларида, лойқа сувли канал бўйларида мажнунваши кезинардим. Ич-ичимни бир дард, бир оғриқ кундан-кунга кемириб борарди. Бу дард, бу оғриққа на Танзила териб юрган гиёҳлар, на Даврон дўстим дам олаётган жойлардаги шифобахш сувлар малҳам бўларди. Шундай дилгир, зерикарли кунларнинг бирида ногоҳ сибизға чалгим, сибизға садоларини тинглагим келаётганини пайқаб қолдим! Кўз ўнгимда Абсал полвон жонланди. Жонланди-ю, устоз айтган сўзлар хаёлимда чақмоқдай чақиб ўтди.

«Полвон қули бўлиши керак бўлган учинчи нарса бир кун ўзи сизларни топиб олади. Куйдиради, кулдиради».

Мен экин даласи бикинидаги чайлада маҳзун ўтирарканман, хаёлимга туйқус келган фикрдан яшнаб кетдим:

«Демак, полвонни кул қила оладиган, Даврон ҳам чираниб эслай олмаган нарса — муҳаббат!»

Мен ўз кашфиётимни ҳозирок дўстимга айтмокчи бўлгандай атрофимга алангладим. Аммо... айни пайтда Даврон тоғу боғларга бурканган гўшада дам оларди. Товарагим олов пуркаётган офтоб остида хансираб, лоҳасланиб ётарди.

— Укажон, сенинг бир касалинг бор-ов, ичингда, — деди бир қуни опам мени тузукрок боқолмаётганидан афсусланиб.

— Бунинг дарди маълум, — деб айёрона илжайди поччам, — боврини ерга бериб, фақат «Муножот»ни эшитишидан ҳам билмаяпсанми, менга жуда таниш аҳвол.

Неларнидир гира-шира англаган опам аччиғланганнамо чимирилди.

— Қўйинг-е, Норсоатга ундай нарсаларга хали эрта.

— Айни пайти-да, — деб бўш келмади поччам.

Мен чопиқ кутиб қолганини баҳона қилиб, қизарабўзара ўрнимдан турдим.

Биз Абсал полвонни унутган эдик.

Ўша ёз икки ойлик мардикорчилик касридан, ичиқиш, орзиқиш, интизорлик оқибатидан куйиб қоп-қора қосовга айландим.

Устига-устак, қишлоққа қайтишимдан сал аввал, қўярда-қўймай сочларимни орасталаб қўйиш ниятида қўлига қайчи олган ширакайф поччам тепа сочимнинг тубидан тиг солиб юборди. Оқибатда, хумдай каллани буткул қиртишлаб ташламоқдан бошқа чора қолмади. Ҳоли забунимга бокиб, ўкириб йиғлагим келарди. Ахир бу аҳволда Танзила нари турсин, ҳатто мулла Мирзага ҳам қўриниб бўлмайди. Афғ-ангор — қоп-қора, калла етим қирдай тап-такир, поччам қилмишига жарима тариқасида олиб берган олачиפור костюм-шим, эғнимда худди полиз қўриқчисига ўралган жандадай шалвираб турибди.

Қишлоққа амал-тақал етиб келдим-у, ўзимни ичкарига урдим. Бу ёғи мактаб очилишига атиги ўн кунча вақт қолган. Демак, шу фурсат ичида соядан чиқмай бироз оқаришим, андак бўлса ҳам сочни ўстиришим керак. Онда-сонда бирор баҳона билан уйимизга Танзила кириб келади. Уни ҳаяжону қувончга қоришиб эшик тирқишидан ё дераза ортидан яширинча кузатаман.

Танзила! Чинакам тоғ чечагидай очилиб кетибди. Тўлишган, тип-тиниқ юзлари, дуррача остидан кўпириб турган сочлари, сарғиш-қизғиш либоси сириб турган қомати мени оҳанрабодай ўзига тортарди. У гоҳ онам, гоҳ янгам билан гаплашиб тураркан, худди ниманидир, ненидир излаётгандай, атрофига киши билмас кўз югуртириб қўярди. У мени қидирыпти, мени, деган ўйдан бошим кўкка етгудек бўлади, аммо... минг аф-

суски, кизга кўриниш беришга, саломлашишга мавжуд талафотлар монелик қиларди.

Ўша мавсум сентябрнинг илк кунн кишлоғимизда, тўғрироғи, мактабимизда ҳинд кино юлдузи Раж Капур, йўқ, йўқ, машҳур фаранг артисти Ален Делон пайдо бўлди! Ҳа, ҳа, ўша ёз аллақандай машҳур санаторийда дам олиб қайтган Даврон дўстим ўша доғруғи дoston юлдузлардан сира-сира фарқ қилмас эди. Орас-та, силлиқ таралган сочлари, оқариб, тўлишган юз-лари, тик қоматига ярашиб тушган яп-янги, кулранг костюм-шими, чап қўлига тақиб олган аллақандай узук ҳар кимни суқланиб қарашга мажбур қиларди.

— Ия, камалиб чикдингми? — деди у мени илк кўргандаёқ хангу манг бўлиб.

Дўстим билиб-билмай яхши бир баҳона топиб берган эди.

— Ха, — деб бош иргадим, — опамларнинг кишлоғида икkitасининг суробини тўғирлаб қўйгандим, бир ойга тиқиб қўйишди. Поччам аралашиб аранг қутқариб олди.

Даврон ҳам, уни қуршаб турган «Кенгсой бургутлари» ҳам гапларимга чиппа-чин ишонишди. Илжайиб-тиржайиб мени бош-адок кузатиб турганларнинг юз-кўзида иззат-ихлос пайдо бўлди. Аммо, бу ёлғонимдан барибир ичим илимади. Ахир, дўппослашиб, қамалиб чиқиб шу аҳволга тушдим деб қизларга, айникса, Танзилага айтиб, тушунтириб юролмайман-ку! Яхшиям Даврон ҳамманинг диққат-қизиқишида эди. Синфдошлар у билан андармон бўлиб менга, тақир калламу шалвираган кийимларимга кўп ҳам эътибор беришмади. Умумий планда қисиниб-кимтиниб юравердим.

Ўша йили ғалати воқеа бўлди. Илгари мактаб очилмасданоқ ўқувчиларни пахта йиғим-теримига ҳайдайдиган маъмурият бу гал мактабимизни тинч қўйди. Бутун мамлакат бўйича каттаконлар шундай буйруқ берганини кейин билдик. Ўзгаришдан ҳамма хурсанд эди.

Кунлар шу тахлит ўтиб борарди. Илгарилари ҳам Даврон ҳақида сирли пичирлашиб юрган қизларнинг сабр косалари тўлиб-тошиб, унга севги хатлари ёғдира бошлашди. Мен Танзиладан хавотирда эдим. Даврон бир куни уни мактаб ховлисида, катта танаффус пайти намойишкорона ёнига чақириб, унга ялтирок қопламали қути узатди.

— Эсингдами, бир маҳаллар шаҳарга борсам сенга, албатта, совға олиб келаман деб айтгандим, мана, ваъдамни бажардим.

Танзила бироз уялиб, андак нозланиб, бироқ ял-ял яшнаб, дугоналар қийқириғи остида совғани олди-да, ичкарига югуриб кетди. Ўзимни қўярга жой тополмасдим.

Ўша мавсум, ўша сентябрь юрагимда илк бор ҳасад шарпаси пайдо бўлди. Мен кимман-у, Даврон ким, деган саволнинг, сўроқ белгисининг илмоқли учи кўксимга қадалди. Тунлари безовта тўлғаниб иккимизни қиёслаб чиқаман. Даврон бой-бадавлат, иззат-обрўли хонадон фарзанди, егани ҳам, емагани ҳам олдида, истаса санаторийда дам олади, истаса осмондаги юлдузни юлқиб олиши мумкин. Устига-устак, келишган, полвон, пўрим йигит. Мен-чи, етим ўсган бир бечора. Бировлар машҳур гўшаларда, маишат оғушида юрган пайт, чўлнинг ит топмас бир бурчагига бориб, уч-тўрт сўм илинжида ёз бўйи косовдай қорайиб ер чопамап, экин суғораман, ён-атрофда биров таниб, биров танимайди.

Мен тунларни кунларга, кунларни тунларга улаб шу тахлит таққослашга берилар эканман, Даврон мендан хийла узоқлашиб, улкан қояга айланиб бораётганини, ўзим эса кичрайгандан кичрайиб, митти хашаротга дўниб қолаётганимни пайкайман. Таққослашга берилганим сайин Танзила мендан олислаб, Давронга яқинлашиб бораверарди. Назаримда, уларнинг даражаси бир-бирига тенгдек туюларди.

Мен ҳам дўстимдан, ҳам севгилимдан муқаррар айрилиқни бўйнимга олиб, тушқунликка туша бошладим.

— Ий-й... овора бўлсан, болам, — деди онам баттар хижолатланиб.

— Норсоат билан худди эгиздай бир хил кийиниб юрамиз деган ниятда олгандим. Эна, илтимос, шугинани дўстим ҳозироқ кийиб ёнимга ўтирсин.

Мен беўхшов илжайганча ўрнимдан турдим. Қаҳрим, нафратим, ноумидлигим — барча-барчаси, қайноқ сув сепилган қордай эриб борарди. Онаминг, дўстимнинг бетиним қистовига гўё аранг кўнган бўлиб уйга ўтдим-у, совғани кийиб чиқдим.

— Вой, болам! — деди онам кўзлари ёшланиб, — кўз тегмасин сизларга.

Кулранг, қимматбаҳо костюм-шим чиндан ҳам менга ярашиб турар, фақатгина тиканаксоч бош хушманзарани бироз бузиб турар эди.

Ажаб, ҳамма муаммо кулранг костюм-шимда экан, шекилли, неча-неча кунлардан бери қаршимда қоядай юксалиб мени Танзиладан, келажакка бўлган умид-ишончдан тўсиб турган Даврон яна ўзим билан бўйинса, шўх-шоввоз дўстга айланди-қолди. Онам алқагандан-алқаб, дуолар кетидан дуолар қилиб чикиб кетгач, шу орада тузуккина тузалган дастурхон ёнида иккимиз зиёфатга ўтирдик. Акам ҳам Даврон билан кўришгани бирров кириб, ими-жимиди бир шиша вино ташлаб кетган эди. Ундан ҳам ўзимизча катталарга тақлидан қадаҳ сўзлари айтиб, оз-моз нўш этдик. Димоғимиз чоғ, вақтимиз хуш эди. Қизғин суҳбатимиз гоҳ кураш, полвонлар ҳақида, гоҳ... қизлар тўғрисида борарди.

— Эй, дўстим, қизлар тоза бадимга уриб кетди, — деди ичкиликдан ёноқлари бироз қизарган Даврон, — мактаб бошланганидан бери бешовидан севги хати олдим. Мана, биттаси хали ҳам ёнимда юрибди. — Даврон костюми чўнтагидан қат-қат букланган варақни чиқарди. — Эшит, ўкиб бераман, сен ҳам кўникавер.

Негадир унинг бу нияти менга ёқмади. Ярим тунда хонтахтага мук тушиб, минг бир хижолату умид билан

коғоз қоралаётган қиз кўз ўнгимда жонланди-ю, озорлардан, овозалардан ҳимоя қилгим келиб кетди.

— Даврон, қўй, керакмас. Эшитгим келмаяпти.

— Нега?

— У сенга ёзилган. Ўзинг ўқи, ёкмаса, йиртиб ташла. Бу иккингизининг ўртангизда қолиши керак.

Даврон бир зум юзимга ўйчан тикилиб, сўнг илжайди.

— Баъзан қойил қоламан сенга. Худди олимлардай гапириб юборасан. Манови айтганларинг менга ёқди. Чин, ҳеч ўйлаб кўрмабман, овоза бўп кетса... синфдош шарманда бўп қолади. Аҳмоқона қилиқларим кўп-да.

Шу пайт негадир поччамнинг даласида далли-демона юрган пайтим чала колган жумбокни ечганим эсимга тушиб қолди.

— Эй, Даврон, — дедим ховликиб, — эсингдами, полвон уч нарсанинг кули бўлиши керак деганди устозимиз. Сен икковини топгандинг, бирови ҳеч қалланга келмаганди. Абсал полвон ҳам айтмай куйдирганди.

— Ҳа, эсимда. Роса бўларимиз бўлган.

— Ўша учинчи нарсани топдим.

— Топдинг? Нима экан?

— Севги. Полвон ор-номуснинг, севгининг кули бўлиши керак экан. Ўзим ўйлаб топдим.

— Бундай нарсани ўйлаб топиб бўлмайди, калла, — деб кинояли кулди Даврон, — китобни излаш керак. Ёз бўйи кўп асар ўқиб ташлабсанми деган халга борибман.

Мен ҳам бўш келишни истамадим.

— Бу севги, аниқ севги.

— Бўпти, сен айтганча бўла қолсин. Лекин мен гапингга қўшилмайман. Мана, масалан, мен ҳам полвонликка талабгорман, лекин севгига ҳеч қачон қул бўлмайман! Керак бўлса, севгини қул қиламан! Ҳар қандай қизни севдира оламан, хоҳлаганим меники бўлади. Ишонасанми шунга?

Мен қизғин бош ирғадим. Рост, довюрак, шижотли Даврондан ҳар бало кутса бўлади. Унинг ўзига ишончи ҳам, имкони ҳам баланд эди.

Хуллас, ўша кеч мен туғилмадим, қайта тирилдим. Дўстимнинг йўқлаб келгани, самимий сўхбати, албатта, қимматбаҳо совғаси шубҳаларимни, андуҳларимни тумандай тарқатиб юборди.

Мен спорт билан яна ҳам жиддий шуғуллана бошладим. Ўқишим, билимим хаминқадар, порлоқ келажатим фақат кураш давраларида, деб ўзимча хулоса ясадим. Қолаверса, Танзиланинг кўз ўнгида полвон сифатида танилиб, шон-шухратга белангим, унинг қалбини, ҳеч қурса, шу йўл билан забт этгим келарди. Ажаб, севги ҳам қон босимиға ўхшар экан. Хуруж қилган пайтлари дарду изтиробдан ўзингни қўярга жой тополмайсан, маромида бўлган маҳаллар, ширин-ширин хаёллар оғушида ҳузурланиб юрасан.

Ўша йилнинг кузи ва қишида тўй-томошалар мўл бўлди. Кураш давралари вулкондай гувуллаб, қизиб турди. Даврон иккимиз ўзимизга яраша иззат-обрў, шон-шухрат топдик. Ўша мавсум полвонликка қўп берилиб кетдимми ё тантиқ туйғуларим буйруғига бўйсундимми, ҳар қалай, Танзилага зор-интизор интилишларимдан тийилдим, ҳатто, баъзи пайтлар, қаршимда учраб қолган кезлар ўзимни мажбурлаб йўлимни чап солдим, у томонга қайрилиб қарамадим.

Бир куни кечки пайт қўшни қишлоқдаги тўйга тараддуд кўриб турган чоғим дарвозамиз оҳиста тақиллади. Янгам оғил тарафда мол-ҳол билан овора эди. Онам ҳам ҳовлида кўринмади. Ноилож, ўзим бориб темир эшикни очдим. Дарвоза ёнида қандайдир саросималаниб Танзила турарди.

— Вуй, кечирасиз... — деди у уялиб, — мен... Райҳон чеварга шогирд тушгандим. Ўрганишга манавини тикдим.

Қизни кўргандаёқ ҳаяжондан тилим, ақлим лол бўлиб қолган эди. Танзила анчадан бери узатиб турган тугунчани кейин кўрдим. Кўрдим-у, шоша-пиша қўлга олдим.

— Раҳмат... нима бу ўзи?

— Очиб кўрганда биласиз, — деди Танзила худди ёв қувгандай изига қайтиб кетар экан.

Мен гангиб бир тугунчага, бир чопқиллаб кетаётган кизга қараб бироз туриб қолдим.

Ўшанда Танзила менга атаб қалин, пишиқ матодан полвонлик яктаги тиккан экан. Унинг ҳар кати, ҳар чокидан маҳбубанинг ҳаёдан лов-лов ёнган юзлари, хуркак, хумор кўзлари кўриниб, пинҳона пичирлашлари эшитилиб турар, ўртанган юрагимни таскинга, ёруғ умидларга тўлдириб сирли муждалар берарди. Яна тинчим, оромим йўқолди. Ниҳоят, Танзилага кўнгил ёришга, севги изҳор этишга аҳд қилдим.

Ўша йили чўл киши қорли, бўронли келди. Ҳаммаёк бахтиёр келинчақдай оқликка бурканган. Кўча-қўйда, мактаб теварагида узундан-узоқ давом этувчи сахро жазирамасидан безиллаб қолган болалар кийкириб, оғиз-бурунларидан ҳовур пуркаб корбўрон ўйнашади, шишадай ялтиллаган музликларда сирпанишади.

Мен кўчамиз муқолишида қандайдир қатъият, ишонч билан, Танзилани кутиб турардим. Ҳозироқ унга севгимни айтаман, сен менга кераксан дейман, кечқурун учрашувга чақираман, деб ўзимча шайлангандим. Ана у! Эғнида унча-мунча чўллик қизларнинг тушига ҳам кирмайдиган мўйна ёкали пальто, бошида оппоқ тивит рўмол, оёғида... оёғида қат-қат кўнжи нақ тиззасига етадиган қизғиш этик. Очиғи бундай этикни мен ҳам биринчи кўриб туришим эди. Қизнинг оёғига беихтиёр анграйиб қолдим.

Танзила тўғримга келиб, кадамларини секинлаштириб енгил бош ирғади.

— Ассалом...

— Бугун неча соат ўқидиларинг? — дабдурустан берган саволим шу бўлди.

— Беш соат.

— Биз тўрт соат ўқидик, — деб илжайдим худди кўп ишни тиндиргандай, — адабиёт муаллими кўпқарига кетган экан, шуйтиб эрга қайтдик.

Киз жаврашларимни ерга тикилган кўйи эшитган бўлди-да, индамай кета бошлади.

— Танзила!

У тўхтади. Қор қўнган киприкларини пирпиратиб мен томон ҳуркибгина кўз ташлади.

— Анови... анови... — мен энг зарур, ўта зарур сўзни айтишга чоғландим-у... аммо оғзимдан бошқа гап чикди, — ятак учун сенга раҳмат, қўлинг гул экан. — Шу орада мактаниб қўйишга ҳам улгурдим. — Сен берган ятакни кийиб бир тўйда учта полвонни ташладим.

Танзила енгил кулди, гўё кулгисини яширмоқчидай, ўнг қўлини лабларига тегизиб қўйди.

— Уни ўрганчикка тиккандим. Сизга ёккан бўлса хурсандман. Кучингизга куч қўшилсин, ака.

Киз ерга тикилган кўйи яна кета бошлади.

— Танзила!

Бу гал алам-изтиробдан товушим кескинроқ чикди, шекилли, Танзила худди нимадир кутгандай, худди ненидир илҳақ излагандай илқис бурилди. Бурилди-ю, жавдираган қўзларига кўзим тушиб буткул довдирадим. Хаёлимда чархланиб, тилимнинг учида турган сўзлар тупугимга қўшилиб ютилиб кетди.

— Этигинг мунча чиройли, — дедим базўр, — қачон олдинг, ҳеч кўрмаган эканман.

Туйқус кизнинг юз-қўзлари яшнаб кетгандай бўлди.

— Буни Даврон акам санаторийдан опкелган экан...

Танзиланинг бошқа гапларини деярли эшитмадим. Бошим ғувуллаб, кулоқларим шанғиллаб, кўз олдим тиниб кетди. Қаҳратоннинг қаҳри энди менга етиб келгандай, ичу ташим музлай бошлади. Ҳолим забун, тилим танглайимга ёпишган эди. Ортиқ сўз демай бош эгган кўйи кетиб бораётган қиз изидан карахт қараб қолдим. Қизғиш этикнинг баланд пошналари қорга қўшиб севгимни, умиду ишончимни топтаб, тўзғитиб борарди.

«Даврон акам деди-я?! Эркаланиб, суюб айтди-я?! Хаммаси ҳал бўлган, аллақачон ҳал бўлган! Мен тең-так, мен нотавон нималарни орзу қилиб юрибман-а?

Аввали, ўрганчикка тиккан яктагини менга, меҳр билан тиккан зартўнини Давронга берган бу қиз. Йўқ, Танзилани бошқа севмайман, ишқида ортиқ қуймайман. Бундай арзанда, тантиқ қизларга Давронлар керак. Мен кимман ахир?! Онам айтгандай, кўрпамга қараб оёқ узатганим маъқул. Ўзимга муносибини топаман. Бошқа чорам йўқ».

Теграмда қор учқунлари, хаёлимда шундай тигли ўйлар чарх урарди. Кўчада қолган дайди итдай довдир-довдир кета бошладим. Қаён бораётганимни ўзим ҳам билмасдим, билганим шуки, қайларгадир бош олиб, йўқолиб кетгим келар, қадамларим гоҳ сокин, гоҳ тезлашарди. Чор атрофим оппоқ қўйлак-иштон кийган чолдай қалтираб ётибди. Кип-яланғоч дов-дарахтлар кўкка илтижо билан чўзилган қадок қўлларга ўхшайди. Ён-веримдан аёвсиз урилаётган қор учқунлари, бамисли каррак парчаларидай юз-кўзимни тимдалаб, қуйдириб борарди. Билмадим, қайларга келиб қолдим, қарасам, теварагим жим-жит, кимсасиз, қаршимда қор кўрпасига бурканган пайкаллар.

Мен... ҳориб-чарчаб қалин қор устига тиз чўкдим, сўнг... юзтубан йиқилган қўйи баралла йиғлаб юбордим. Йиғладим... йиғладим... шу алфозда қанча ётганим менга қоронғи, бир пайт кимдир, нимадир, бошимни, елкаларимни эркалаб силагандай, меҳрибонларча овутгандай бўлди. Илкис қад ростладим.

Қарасам, баҳор! Чарақлаб, ярақлаб яна кўклам келибди. Қадрдон қуёш яна ҳамишагидек парвона!

Ха, ха, ўша кишни алам-изтироб, кўз ёшларга қоришиб ўтказдим. Бутун борлиқ қору музга, мен эса алдамчи дунё, алдамчи дўст, алдамчи қизларга аталган ғазаб ва нафратимга буркандим. Танзиладан буткул юз ўгирдим, уни кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олдим. Аммо қиз беомон исёнимдан беҳабар шекилли, ҳамишагидек уйимизга кириб-чикиб юрар, дуч келган чоғлар, одатдагидек, қисиниб-қимтиниб саломлашар, худди тоғасидан ширинлик умидвор кизалоқдай, мен томон баъзан ҳуркибгина, жавдирабгина кўз ташлаб

қўярди. Хатто, янги йил, эркаклар байрами сифатида харбийлар куни билан қутлаб «откритка» тақдим этди. Табрикномани олдим-у, панага ўтиб, уларни нафрат билан йиртиб ташладим. Биламан, у битта менга эмас, бутун синфдошларимга ёзиб чикқан, бу қизнинг ана шу саховати мени хўп куйдирарди.

Аммо... баҳор келди-ю, қор-музларга қўшилиб ғазабу нафратим ҳам эриб битди. Юрагимда баҳор бойчечаги каби яна севги кўкариб чикди. Қир-адирларда барқ урган дашт гул-чечаклари худди кураш яктагига тикилган чироздай яна ўй-хаёлларимни ўғирлади, яна умид, ишонч ифорлари димоғимни китиклаб қочди. Харнечук ҳаммаси хотин-кизлар байрами арафасида бошланди. Биз болалар синфдош кизларга совға-салом хозирлашга киришгандик.

— Эй, жўралар, — деб қолди кимдир, — пастки синфларда ўқийдиган қизларни ҳам табриклаймизми? Масалан, анови Танзилани. У хар байрамда бизларга откритка беради-ку.

Даврон чимирилаб, ғижиниб қўл силтади.

— Э, уми... ўзиям эринмаган қиз экан. Ёзгани ёзган, бу байрамда индамай қўя қолайлик, иккинчи табрикламайдиган бўлади.

— Э, ундай қилмайлик, — деб тумсайди синфдош, — хафа бўлишади. Бу ёғи... мана, мактабни битиряпмиз, эсдалик бўп қолади-да.

Даврон бош кашлаб оғринган кўйи бироз ўйланиб турди.

— Ха, майли, сен айтганча бўла қолсин. Лекин хар биримиз табриклаб юрмай, бутун синфимиз номидан битта духи, бир дона откритка берамиз, шу етарли. Эсам... буларнинг қай бирига совға етказамиз.

Ўша куни дўстим қанчалар чимирилиб, қанчалар ғижинса, менинг шунчалар чехрам очилиб, куйлаб юборгим келиб қолди.

«Демак, ораларида ҳеч гап йўқ, — деб ўйлардим тўлқинланиб. — Авзойини қара бунинг, агар севишган бўлганида, бошқача қараб, бошқача гапирарди».

Мен яна бахтиёр ошиққа айландим-қолдим. Ўша кунлар Танзила бахорий либосларда бахордай барк уриб, хамишагидан гўзал, хамишагидан жозибали бўлиб кетган эди. Гоҳо ўша узун йўлакнинг, ўша ним қоронғи бурчагига беихтиёр борганимни ўзим ҳам сезмай қоламан. Тасаввуримда Танзила тагин чопиб келиб кучоғимга йиқилади-ю, мен уни шартта ўпиб, қулоғига севги изҳор қиламан. Аммо бу ширин, энтиктирувчи бир хаёл эди, хаёл! Мен Танзилага севги изҳор қилишга бошқа журъат этолмадим. Уни чўчитиб юборишдан, мактабда, кўча-кўйда учрашиб туришдан ҳам маҳрум бўлиб қолишдан қўрқдим. Шундай жонсарақ, беқарор кунлар кетидан кунлар шитоб билан ўтиб кетди. Хаш-паш дегунча мактабни ҳам тугатдик.

Назаримда, мен учун хаёт тугагандай бўлди. Қўлимдаги етуклик аттестати эмас, гўё айрилиқ сафарига берилган чипта эди. Хамма шодумон, кийкириб ўйнаётган ўша битирув окшомида мен бир чеккага ўтириб ўз яқин келажагимни тасаввур қилишга уринардим.

Эрта-индин Даврон иккимиз бирор институтга илиниш илинжида пойтахтни кўзлаб жўнаймиз. Ўқишга киролмасак, армияга чақиришади. Ҳар иккиси ҳам мени Танзиладан узоқлаштиради. Мен эса... уни кўрмасам, сўзларини, қулгиларини эшитиб турмасам... дунё кўзимга қоронғи бўлиб қолади. Шундай эзгин, дилгир ўйлар исканжасида турган пайтим, даврани бермай, ўйнаб ётган Даврон илжайиб, мастона чайқалиб ёнимга келди. У ширакайф одамдай сузилаётган бўлсада, биламан, дўстим ҳам худди мен каби шароб ичмайди. Ўша бизникида ўтириб, туғилган кунимни нишонлаб катталарга тақлидан, бир-бир қултум вино нўш этган оқшомимиз иккимиз ичмасликка, чекмасликка, фақат спорт билан шуғулланишга, дунёга довруф қозонган полвонлар бўлиб етишишга аҳд қилганмиз. Биз сўзимизда турдик. Синфдошларимизнинг деярли ҳаммаси гоҳ ошқора, гоҳ яширин чекишар, туғилган кун базмларида, тўй-хашамларда бемалол шароб ши-

Афтидан, кимнингдир илтимосига кўра чиқишган шекилли, бизларни назар-писанд қилмай, тузук-қурук гаплашмай, қандайдир ўрис кампирнинг тор, исқирт ховлисидаги каталакдай хужрага жойлаштириб, эртаси куни, талаб ва истакларимизга кўра, университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширишимизга кўмаклашишди.

— Бу ёғини энди секин ўзларинг кўраверларинг, — деди улардан бири бизларни яна ижарахонамизга тикиб қўяркан, — бизларни сенлар билан эртаю кеч юришга вақтимиз йўқ, агар бирор проблема бўлса, кеча ёзиб берган рақамларга қўнғироқ қилларинг, ана, кампирнинг уйида телефон бор.

У ғўдайганича кўчага чиқиб кетди. Даврон унинг изидан гижиниб, тажанглашиб қараб қоларкан, бош чайқади.

— Қайси гўрдан чиққан боди бу?! Яна бир оғиз ортиқча гапирганида, тумшуғига айлантириб солардим.

Кўрс раҳнаmodан қутулганимиздан енгил тортдик.

Мен вилоят марказида поездга чиққандаёқ қишлоқни, уйимни, айниқса, Танзиламни соғина бошлагандим, барча нарсадан воз кечиб, ортга қайтгим келарди.

Даврон эса бир ҳафта ичида қип-кизил шаҳарликка айланди-қолди. Уст-бош, юриш-туриш, пойтахтча шевада бемалол гапиришлар — ҳамма-ҳаммаси мени анграйтириб қўйди.

Дўстим бу ерда текканга тегиниб, тегмаганга кесак отар, кўча-қўйда уруш-жанжал излаб, болаларни атай туртиб ўтар, мени юрак ховучлатиб, минг бир саросимага солар эди. Билмадим, ё ҳақиқий зўрларга йўлиқмади, ё дўстимнинг юз-кўзидаги шижоат чиндан ҳам чўчитармиди, ишқилиб, туртилган-суртилган болалар ҳам Давронга ботиниб бирор сўз демай, ортидан ажабланиб, таажжубланиб қараб қўйишарди, холос. Булар майлику-я, калта юбка кийган шаҳарлик кизлар Давроннинг яна бир иқтидорини очиб юборгандай бўлди. У ён-веридан ўтиб-қайтаётган, ўзининг

таъбири билан айтганда, хурлиқоларга ютокиб қарар, баъзиларининг бел-билагига қўл тегизар, айримларини чўлпиллатиб ўпиб олар, эвазига қарғиш, ҳақорат эшитса-да, пинак бузмай, илжайиб кўз қисиб кетаварарди. Мен дўстимнинг бундай қилиқларидан уялиб, қўрқиб беихтиёр дуч келган томонга қочиб қолардим.

Кунларим таҳликада ўтарди, муқаррар бир балога йўлиқишимиздан хавотирда эдим. Ниҳоят, ўша кутилган кун ҳам етиб келди.

«Салом» деган чойхонада тушлик қилиб, шўх-шодон ўйноқлаб яна ҳужраимизга қайтиб келардик. Биздан беш-олти қадам олдинда, сочлари чиройли турмакланган, оқ-пушти ранг, енг-этаклари калта қўйлаги қадди-қоматини сириб турган қиз бел-биқинларини кимирлатиб хаёлчан кетиб борарди. Унга кўзи тушди-ю, Давроннинг кўзлари чақнаб, оғзининг таноби қочди.

— Эй, хаддингдан ошма, — дедим унинг қўлидан тортиб, — тинчгина юр, мазанг қочиб қолмасин тагин.

— Шу охирги марта, — деди Даврон атрофга бир аланглаб олиб, сўнг югуриб бориб халиги қизнинг ёноғидан ўпиб олди.

Чўчиб кетган қиз қўллари билан юзларини тўсиб орқага тисарилди. Сўнг нафрат тўла кўзларини Давронга қадади.

— Бу нима қилганинг, жинни?! Сумкам билан бир уриб башарангни бўяб қўяман ҳозир.

Даврон ташланган қиз эмас, биздан беш-олти ёш катта жувон экан. Дўстим хижолатомуз ишшайиб қўлини кўксига қўйди.

— Кечирасиз, сизни бировга ўхшатибман.

— Қанақа бировга?! — деб баттар жазавага минди аёл. — Кўзинг кўрми? Ўзинг тенгига ҳазил қилсанг ўласанми?

— Сизни Танзила деб ўйлабман.

— Танзила?! Ким у Танзила-Панзиланг?

Мен севгилим, маҳбубамнинг номи тилга олинганини эшитиб тошдай қотдим. Бошимга кимдир гурзи билан ургандай кўз олдим тиниб кетди.

— Шошма-шошма, — деди халиги аёл бармоғини Даврон томон нукиб, — сенлар Дуся холаникида тура-санлар-а? Санлани танийман. Ана, энди мендан кўрасанла, кишлокила. Санлани кўзларингни каттароқ очиб кўяман. Ўшанда Танзилангни яхшигина таниб оласан.

Жувон шахдам қадамлар билан олға юриб кетди.

«Даврон нега Танзилани тилга олди? — Шу савол хаёлимни тинимсиз тирнарди. — Нима, улар... ўпишиб юришганми?»

Мен тўлин ойим, қуёшим бўлган қизни Давроннинг кучоғида тасаввур қиларканман, ғазаб ва аламдан қўлларим мушт бўлиб тугиларди.

Аёл кетгач, бош кашлаган қўйи ёнимга қайтган дўстим, асабий хурпайиб туришимни ўзича тушуниб хижолатомуз минғиллади.

— Э, узр, жўра, шундай бўп қолди-да. Энағар, катта аёл экан. Қиз бўлганида осон қутулардик.

— Эй, — дедим ғазабимни аранг босиб, — нега... нега сен Танзилани тилга олдинг? Нима ҳақинг бор, ифлос ишларингга покиза қизларимизни тикиштириб?!

— Нима, Танзила демай, Жаркиной дейинми? Баҳонам сал ишончли чиқишини ўйладим-да. «Танзила!» Қара, ҳақиқий шаҳарча исм.

Дўстимнинг гаплари жўяли туюлди. Мен яна шаштимдан тушдим. У ўшанда қоқ қаншарига тушади-ган муштан қутулиб қолди-ю, аммо халиги опадан қутулолмади. У аллақандай амалдорнинг хотини экан!. Кечга яқин икки нафар милиционер бизни маҳкамага олиб кетди. Бир-икки соат у эшикдан-бу эшикка судрагач, Давронни олиб қолиб, мени қўйиб юборишди. Тун ярмида ижара уйимни аранг топиб олдим. Эртаси куни биринчи имтихонга киришим керак эди. Аммо мен саҳар туриб университетга эмас, яна маҳкамага югурдим. Давронни уч суткага қамашган экан. Уч кун гоҳ туш пайти, гоҳ оқшом дўстимга овқат ташидим.

— Эй, — деб сўраб қолди у маҳкамада илк кўришган чоғимиз, — имтихонга кириб чикдингми, неча баҳо олдинг?

Мен кулдим.

— Эсингда йўқми, тентак. Икковимизнинг томиримиз бир-ку, сен бу ерда бўлсанг, мен қандай қилиб имтиҳонга бораман?

Даврон бир зум менга мамнун-миннатдор тикилиб пичирлади:

— Чин дўстимсан...

Кетар чоғим Давронга қараб, ўнг қўлимни баланд кўтардим. У ҳам шундай қилди. Сўнг паст, лекин шавқли-завқли бир овозда баб-баравар так-рорладик:

— ***Қуёш ҳали ботмаган!***

Орадан бир ҳафтача ўтиб биз университетга бордик. Қабул хайъати бизнинг ҳеч бир баҳонамизга ишонмай ҳужжатларимизни қўлимизга тутқазди. Авваллари қишлоқни қўмсаб, кадрдон қишлоққа қанчалар ошиққан бўлсам, натталар қўлга теккач, шунчалик кетгим келмай қолди.

— Кел-е, сентябргача шу ерларда томоша қилиб юрамиз, — деб қолди кутилмаган кўнгилсизликдан хануз хижолат чекиб юрган Даврон, — менда пул бор, икковимизга етади.

Ропша-роса бир ой шаҳарда кезиб юрдик. Қўрмаган киномиз, кирмаган ресторанимиз қолмади. Қишлоққа қайтиш онлари яқинлашган сайин бир-биримизга маъ-юс, саволчан қараймиз. Қанчалик ўзимизни бепарво, шодон тутсак-да, ичимизни афсус, алам ва уят кемириб борарди.

Ўша йили «Кенгсой бургутлари»дан икки бола вилоят марказидаги институтга, тағин бири Самарқанддаги университетга илашибди. Танзила... менинг Танзилам, билмадим, аввалдан режалаштирганми, ё туйкус шу қарорга келганми, ишқилиб, вилоят марказидаги педагог кадрлар тайёрловчи техникумга кирибди. Кимларнинг астойдил ачинган, афсусланган, кимларнингдир истехзоли, кинояли нигоҳлари остида қишлоққа кириб келарканмиз, ён-атрофдан эшитган хабарларимиз ана шулар бўлди.

Биз уч кун уй-уйимиздан чикмай ётдик. Сўраганларга мандатдан ўтолмадик, ҳатто, ўша ердаги имтихон олган домлалар ҳам бизнинг омадимиз юришмаганидан куйиниб қолишди, деб қўя қолдик.

Бир ҳафтача қишлоқ бўйлаб изғиб юрдик. Ўқишга кирган дўстларни табрикладик, курашлар, кўп-карилар ҳақида гаплашдик, хуллас, ўзимизни овутган бўлдик.

Шу орада Танзилани учратдим. Вилоят марказидан келаётган экан. Шаҳарча фасондаги соч турмаклари, сарғиш кўйлаги ўзига хўп ярашиб турарди. Юз-кўзида мамнуният, табассум кезиниб юрарди.

Хаяжон, хижолат, қувонч бутун вужудимда коришиб кетган эди.

— Табриклайман, ўқишга кирибсан, — дедим салом-алиқдан сўнг. — Биз эса чаппа бўл йиқилдик.

Танзила афсус билан бош чайкаб, астойдил ачинди.

— Ҳуқуқшуносликка кириш кийин-да, ўзи. Каттик тайёрланиш керак бўлади.

— Армияга опкетмаса келгуси йил яна кўрамиз. Сизлар-чи, ўқишни бошлаб олдиларингми?

— Э, ўлсин, — деб чимрилди Танзила, — ҳаммамизни пахтага ҳайдаяпти. Душанба куни техникум ёпилиб, Ганжирга ётолокқа опкетишади. Икки кунга уйга рухсат беришди. Яхшилаб овқатланиб келинглари дейишди.

Биз қулишдик. Қулган пайт Танзиланинг кўзлари алланечук хумор-хумор сузилиб кетарди. Мен унга маҳлиё тикилиб қолдим.

— Танзила, сени кўргани бораман.

Қиз уялиб кўзларини опқочди.

— Чўлу биебонда адашиб кетмайсизми?

— Йўқ, дунёнинг нариги чеккасига бўлсаям адашмай сени топиб бораман.

— Қаранг, — деб кулумсиради Танзила, — яна қийналиб қолманг.

У уйлари томон тез-тез юриб кетди. Мен хаяжондан юрагим гурс-гурс урган кўйи изидан бир зум

қараб қолдим. Бу қадар дадил ва қатъий гаплашганимга ўзим ҳам хайрон эдим. Ҳартугул, икки ойлик Тошкент сафари бесамар кетмаганга ўхшайди.

Қишлоқдаги тенг-тушларимиз катори Даврон иккимизга ҳам ҳарбий хизматга чакирик қоғози келди. Кўп ўтмай туман ҳарбий комиссариатида сочларимизни тап-тақир кириб жўнатишди. Бир-биримизга қараб мириқиб қулишдик. Қишлоққа қайтгач, гоҳ у, гоҳ бу кетарманникида хайрлашув зиёфатлари бошланиб кетди. Вақт тез ўтиб борарди. Менинг эс-хушим Танзилада эди. У билан тупша-тузук сочим бор пайтлар хайр-хўшлашиб олмаганимга афсусландим. Аммо... нима бўлган тақдирда ҳам уни кўришим, севишимни айтишим, ваъдасини олишим шарт. Танзилалар пахта териб юрган ўша маскан Кенгсойдан икки юз чакирим узокликда бўлиб, менга ўхшаган пиёдаларга, айникса, йиғим-терим қизиган, қатновлар камайган пайти у ёққа бориб келиш мушкулдан-мушкул эди. Чора излаб, бошим қотиб, каловланиб юрган кезларим Даврондан таклиф чиқиб қолди.

— Юр, эртага Танзилани кўриб келамиз. Отамдан «Жигули»ни бир кунга сўраб оламан.

Кўнглим хижил тортганча рози бўлдим. Нега ундан туйқус бундай таклиф чиқиб қолгани ичимга гулгула соларди. Елиб бораётган машина деразаларидан нам-хуш шабада эмас, яна шубҳа-гумонлар ёпирилиб кира бошлади.

— Ўша совхозда холам яшайди, — деди «Жигули»ни чапдастлик билан бошқариб бораётган Даврон, — боргин, холанг билан хайрлашиб келгин, деб онам бир ҳафтадан бери гаранг қилиб юрибди. Охири кўндим. Қайси кун Улдон чечани кўриб қолгандим, Танзила ҳам шу ёқда теримдалигини айтиб қолди. Яхши бўлди, биратўла уни ҳам кўриб қайтамиз, хурсанд бўлади.

Мен қувончдан қийқириб юбордим.

— Э, калла, дарров шундай демайсанми? Мен ҳам холангни яхши кўраман, дуосини олиб қайтаман.

Даврон ҳам мамнун илжайиб бош ирғаб қўйди.

Биз қоқ туш пайти кўзланган манзилга етдик. Давроннинг ҳоласи билан дийдорлашдик. Меҳрибон ва ғамхўр холажон бизни товуқ гўшти солинган димлама билан меҳмон қилди. Сўнг йўл узоқлигини баҳона қилиб, хола ва унинг болалари, неваралари билан хайрлашдик.

Қуёш уфқ томон киялаб қолган эди. Чор атроф уч-қуйруксиз далалар, экин пайкаллари. Ҳаммаёқдан қандайдир пишиқчилик иси анқийди. Йўллар, кўча-кўйлар кимсасиз, жимжит. Ҳойнахой, барча пахта йиғим-терими билан андармон бўлса керак. Сертупроқ йўл бўйлаб тагин ярим соатларча юриб, Танзилалар пахта тераётган пайкал бошига етдик.

Зардобтус, кўз илғамас ерларгача чўзилиб кетган пайкалда оқарган, кизарган, қорайган шарпалар тўзиб юрарди. Биздан анча нарида тушликкача терилган пахта юкланган трактор тиркамаси, бир неча енгил машина баланд қайрағоч шох-шаббалари аро гира-шира кўзга ташланади.

Бизнинг «Жигули»га кўзи тушган теримчилар қий-қиришган қўйи қўл силташди. Баъзилари этакларини елкага ташлаб шу томонга юра бошлади.

— Вой-бўй, ҳаммаси кизлар экан, — деди Даврон пайкалга синчиклаб кўз ташлаб. — Чувуллашини қара-я.

Мен ариқ лабидаги тош-тупроқ устига сакраб чиқдим-у, қўлимни карнай қилиб қичқирдим.

— Танзила-а-а! Танзила керак бизга!

Беш-олти теримчи бирваракайига биз томон чоп-қиллаб кела бошлади.

— Нима бало, ҳаммаси Танзилами буларнинг, — деб пўнғиллади Даврон.

Узун-кенг кийимлар кийиб, бошларини оппоқ матолар билан ўраб олган қизлар чув-чувлашган қўйи ёнимизга етиб келишди. Келишди-ю, бошларидаги рўмолларини ечиб, хиринг-хиринг кулишиб, бир-бирларини сирли турткилашиб ариқ лабида туриб қолишди. Улар орасидан ажралиб чиққан Танзилани

аранг танидик. Юзлари қорайиб, лаблари пўст ташлаб, қомати қандайдир тўлишиб қолибди. У киёфаси қандайлигини яхши билса керак, уялиб, қимтиниб ёнимизга келди.

— Ассалом...

— Эҳе-е, — деди Даврон киз билан қўл бериб қўришаркан, — кинолардаги хизматкор қизларга ўхшаб қолибсан-ку.

Мен унга норизо кўз ташлаб қўйдим. Чунки Танзила шу ахволда ҳам мен учун ҳамма қизлардан гўзал ва латофатли эди.

— Сизлар ҳам жуда очилиб кетибсизлар, — деди ариқ лабидаги шўх қизлардан бири кепка қўндириб олган тақир бошларимизга ишора қилиб.

Хаммалари қах-қах отиб кулиб юборишди. Танзила ҳам қаварган лабларини қўли билан яшириб жилмайди.

— Қалайсан, Танзила? — деб мен ҳам у билан сўрашган бўлдим, — чарчамаяпсанми? Мана, сен билан хайрлашгани келдик.

— Армияга кетяпсизларми? — деб сўради қиз бошларимизга зимдан кўз ташлаб қўйиб.

— Ҳа, шанба куни жўнаймиз.

Шу пайт ўша трактор тиркамаси турган тарафдан икки милиционер резина таёқларини кўз-кўз қилиб биз томон юрди.

Мен бу ерда, бу ҳолатда кўнгил сирларимни Танзилага айта олмаслигимни, у билан аҳду паймон қила олмаслигимни ичимда сезиб, юрагим бирдан ғашланиб қолди.

— Агар... агар рози бўлсанг, хат ёзишамиз, — дедим аранг.

— Вой, албатта, ёзишамиз, — деди Танзила кулумсираб, — уйларингиздан адресингизни оламан.

Аллақачон ариқдан хатлаб ўтиб теримчилар тўпига ўзини урган Даврон неларнидир гапириб қизларни кулдиарди.

— Эй, боллар, қани, жўнанглар бу ердан, — шу орада етиб келган милиционерлардан бири биз билан сўрашишни ҳам эп билмай, бирдан пўписага ўтди.

— Армияга кетяпмиз, сингиллар билан хайрлашгани келдик, — деди Даврон ҳам кўрс бир оҳангда. Мен унинг одатдагидек жазаваси тутиб, қўриқчилар билан ёқалашиб кетишидан қўриқиб турардим.

— Бундай баҳоналар кетмайди, салкам бир соатдан бери турибсизлар, қани, жўнанглар.

Мен шоша-пиша машина юкхонасини очдим-у, Танзилага келтирган егуликларимизни тутқаздим.

— Арзимас нарсалар, е-еб бизни эслаб юрасан.

— Бекор овора бўпсизлар-да, овқат қўп бизда, — деди Танзила андак эркаланган оҳангда.

— Хатларингни кутаман, интизор кутаман, Танзила.

— Албатта, ёзаман. Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қиз шивирлабгина айтган, қандайдир меҳр, айрича бир ғамхўрлик ва алланелар аралашиб кетган сўнгги сўзлар узоқ кутилган малҳамдай юрагимнинг туб-тубигача сингиб борди. Бутун вужудимда ҳарорат, ҳаловат ҳис этдим.

— Қани, қизлар, ҳамма далага, етар, шунча вақт гап сотганларинг, — деди милиция ходими Даврондан узоклашишни истамаётган қизларга қарата.

Даврон қўриқчилар томон бир ўқрайиб қўйди-ю, барака топгур, бу гал ортиқча гап-сўз қилмай, ариқдан яна хатлаб ўтди.

Биз қуюқ-суёқ хайрлашиб, машинага ўтирдик.

— Ха-йир! Оқ йўл! — чувуллашиб қолишди қизлар.

Мен Танзила билан аҳду паймон қилолмаган бўлсам-да, унинг ўша сўнгги сўзлари таъсирида ичу ташим ёришиб турарди. Давроннинг ҳам кўзлари порлайди.

— Зўр қизлар экан, — дейди орзуманд бош чайқаб, — ҳали Танзиладан ҳаммасининг адресини олиб, хат ёзаман. Айниқса, анови Гули дегани менга ёкиб қолди.

Мен ўгирилиб ортга қарадим. Шағал тўкилган йўлдан кўтарилган қуюқ чанг-тўзонгина изимиздан эргашиб келарди. Бу чанг-тўзон, бу гард-ғубор, яқин йиллар ичида ҳаётимни буткул қоплаб олишини мен ҳали билмасдим.

Биз Абсал полвонни унутган эдик.

Даврон айтгандай, у билан томиримиз туташ экан. Икковимизни бир кунда аскарликка олиб кетишди.

Биз чиққан поезд уч кечаю уч кундуз, гоҳ тўхтаб, гоҳ тезлашиб, гоҳ имиллаб йўл босди. Россиянинг қай бир шаҳрида Даврон билан ажралишдик. Уларни ўша ерда поезддан туширишди. Назаримда, бутун борлиқ бирдан хувуллаб қолгандек туюлди. Тагин ярим кун йўл босиб, қалин ўрмонлар, тунд кишлоғу кентлар оша ниҳоят, Красноярск деган шаҳарга етиб келдик.

Қизил погон таккан қўшинлар сафига тушдим. Мен машаққатли машқ-машғулотлар, қатъий, бешафқат тартиблардан кўра соғинчдан ва яна соғинчдан қийналдим. Қишлоғимни, уйим, меҳрибон онажонимни қўмсайман, имкон топсам, ўша ёқларга қуш бўлиб учсам дейман. Танзила! Менинг хуркак жайроним, менинг хумор кўзлим. У ҳамиша, ҳар соат, ҳар лаҳза ҳаёлларим меҳробида эди! Сафда юрганымда, қоровулликка чиққанимда, машқ-машғулот пайтлари у шундоққина қаршимда уялибгина, жилмайибгина тургандек, мени кучли ва оқил бўлишга ундаётгандек туюларди. Танзила кўриб турибди деган тасаввурда номуносиб, ножоиз хатти-ҳаракатлардан ўзимни тияр, доимо жиддий, хушсурат, хушмуомала аскар бўлишга ҳаракат қилар эдим.

Бизнинг қисмда бир қараганда ҳарбий низом, интизом яхши йўлга қўйилгандек кўринса ҳам, аммо ичидан ириган экан. Ҳамма ёқда миллатчилик, айирмачилик уфуриб турарди. Кавказликлар, Ўрта осийликлар, тагин аллақандай тўдалар тараф-тараф бўлиб тўс-тўполон кўтаришар, муштлашишар эди. Шундай кезлари Даврон, менинг жонажон дўстим эсимга тушади. Жўра, бу ер асил сен бош қисм экан, деб қўяман ўзимга-ўзим. Аммо биз ҳам бўш келмадик. Худди Даврондек ёвқур, ботир конибодомлик самбочи бола ҳаммамизнинг бошимизни бирлаштирди. Бутун қисмни қўлга олиб қўйган бўлмасак-да, ишқилиб, ҳақ-хуқуқимизни, шаънимизни ҳимоя қилиб юрдик. Мен вақт топилди дегунча бу ердаги қуролдош, елкадош дўстларимга Даврон ҳақида, унинг шонли-шавкатли

килмишлари хакида гапириб берардим. Гапирганим сайин уни соғиниб, жуда соғиниб кетаётганимни хис қилардим.

«Даврон катта, таништириб қўясан бизни», — дер эди ўша конибодомлик сафдош, ўзбекча-тожикча сўзларни қориштириб.

«Албатта, — дердим мен ҳам тўлқинланиб, — хизматдан сўнг тўппа-тўғри бизнинг қишлоққа борамиз. Ҳаммани қўй сўйиб меҳмон қиламан».

Сафдошларим тантанали таклифимни шоду хурамлик билан қабул қилган бўлишар, ўз навбатида, бошқалар ҳам галма-галига мен каби саховатпешалик намойиш этишар, хуллас, биқик, озурда ҳаётимизни шу тахлит меҳмондорчилигу зиёфатларга бой келажак умиди билан нурлантирар эдик. Хизматнинг учинчи ойи бошланган кунлар Даврондан хат олдим. Омск деган шаҳардаги қурилиш батальонига тушибди. Ҳеч курса, десант қўшинларида хизмат қилишни бўйнига олиб қўйган дўстимнинг қутилмаган омадсизликдан нақадар тажанглашгани, жазаваси тутгани хатнинг ҳар бир сатрида силкиб турарди. Мен уни юпатган бўлдим. Биз бир-биримизга яна бир йилча узук-юлуқ мактублар битиб турдик. Сўнгра, кўп хизмат қилиб қўйган димоғдор ҳарбийларга айландик шекилли, ёр аскарларга хос бундай ёзишмаларни баб-баравар тўхтатдик.

Танзиладан, менинг Танзиламдан роппа-роса олти ойгача ҳеч қандай хат-хабар бўлмади. Шу пайтга қадар унинг пайкал бўйида, «Ўзингизни эҳтиёт қилинг» деган ўша сохир сўзларидан куч-қувват олиб, бир-биридан ширин ҳаёллар суриб, ўзимни ўзим руҳлантириб юрдим. Аммо бу куч-қувват манбаи ҳам дам сайин соб бўлиб бораётган, мавҳум жимжитликдан юрагимга ҳавотир оралаб, ич-ичимда яна шубҳа-гумонлар ғимирлай бошлаган эди. Ўзим жон-жон деб мактуб жўнатардим-у, лекин ёзган хатим бировлар қўлига тушиб, моҳитобим номаъқул гап-сўзларга қолишидан қўрқдим. Соғинчдан силлам қуриб, дунё кўзимга қоронғу кўриниб юрган рангсиз, нурсиз кунларнинг бирида, ниҳоят, нажоткор

нома етиб келди! Йўқ, мен мактуб эмас, бир олам кувонч, умид ва ишонч олдим!

Танзиланинг номасида умумий дарак, сўроқ гаплардан бошқа, мен интиқ кутган қизнинг кўнгил сирларидан муждалар берувчи сирли сўзлар сезилмаса-да, саҳрода сулайиб, судралиб булоқ бошига етиб олган сайёҳдек, чексиз бахтиёр эдим. Моҳитобимнинг биринчи бўлиб хат жўнатгани, битиги охирида мактуб жавобини уйларига эмас, жилдда кўрсатилган манзил бўйича, техникум ётоқхонасига ёзишимни илтимос қилгани мен илҳақ кутган алоҳида аломатлар каби туюлиб, қалбимни масрур-мағрур ҳисларга чулгарди. Мустаҳкам қалъани забт этган қўмондондай тевааракка қолибона қарай бошладим.

Хизмат охирлагунга қадар Танзиладан роппа-роса ўн бешта хат олдим. Юрак қоним билан тўлиб-тошиб жавоблар ёздим. Лекин қанчалар қасд қилсам-да, қанчалар ўзимни мажбурласам-да, «Сени севаман», деган бир жуфт сўзни очик-ошкора битишга ҳеч журъатим етмади. Олис-олисларда қолиб кетган пайкал бўйидаги ўша пичирлашлар, биринчи бўлиб ўзи мактуб ёзгани, яширин манзил тайинлагани қиз кўнглидан етарли ишора дея ўзимни ўзим овутдим.

Шу севинч, шу юпанч билан икки йиллик ҳарбий хизмат амал-тақал ўтди-кетди. Ўшанда биз нафақат зиммамиздаги аскарлик бурчимизни, балки бутун бошли шўролар Иттифоқи армиясини тугатиб, тўзатиб қайтдик. Улкан бир мамлакатнинг улкан қўшинлари сафида хизмат қилган сўнгги аскарлар бўлдик. Ўша пайтлар миллий республикалар Иттифокнинг занглаган занжиридан бўшалиб, алоҳида-алоҳида давлатларга бўлиниб кетди. Жумладан, жонажон Ўзбекистонимиз ҳам мустақилликка эришганини эшитиб хўп хурсанд бўлдик.

Аммо Даврон иккимизнинг томирларимиз туташлиги чин экан! Вожаб, аскарликка қандай бирга кетган бўлсак, худди шундай, қўл ушлашиб шоду хуррам қишлоққа кириб бордик. Аслида ҳаммаси Тошкент

вокзалида тасодифан тўқнашиб қолганимиздан бошланди. Ўшанда мен поезддан тушиб, одамлар оқимига қўшилиб эндигина вокзал майдонига чиққан, хира киракашларнинг хуружидан безиб, аланглаган кўйи атрофдан хилватроқ жой излаётган эдим. Мендан ўн-ўн беш қадам нарида сержантлик погонларига, енгёкаларига зарҳал жияклар тикилган, кўксига армияда мавжуд-номавжуд жамики нишонун орденолардан намуналар таққан, камари тўкасию мундири тугмалари тилладек ялтираётган аскар ҳам бир тўп киракашлар тажовузидан тажанглашиб худди мен каби пана жой қидириб теваракка термिलाётган экан. Даврон! Ногоҳ бир-биримизга кўзимиз тушди. Йўқ, назаримда, у биринчи бўлиб мени кўриб қолди.

— Эй! Эй! — деб кичкирди кўлидан тутган нухаларни нари-бери суриб, мен томон юраркан. — Эй! Стой, кто идёт?

— Рядовой Норсоат! — дея товуш бердим мен хам,
у тарафга секин борарканман.

— Пароль!

Мен анъанавий тарзда ўнг қўлимни мушт тугиб баланд кўтардим. У ҳам илкини хавога сермади, шу лаҳзада иккимиз баб-баравар хайкириб юбордик:

— Қуёш ҳали ботмаган!

Хайқирғимиздан тунд шахар товланиб кетгандай бўлди.

Биз бир-биримизнинг бағримизга отилдик. Кувончдан, ҳаяжондан иккимизнинг ҳам тилимизга тузукрок сўз келмай, нукул илжаямиз-жилмаямиз, намланган кўзларимизни яширишга уринамиз.

Йўловчилар, киракашлар, меҳмонлару мезбонлар бизларга ажабланиб, ҳавасланиб қарашар, уларнинг ҳам юз-кўзида табассум, хайрихоҳлик кезинар эди. Афсус, ҳануз бизларни уй-уйимизга элиб қўйиш илинжида турган талабгорларни ноумид қилиб, иккимиз поездда вилоят марказига етиб олдик. Аммо бу ерда барибир, аллакимнинг сутранг «Жигули»сига ўтиришга мажбур бўлдик.

Давроннинг йўл бўйи жағи жағига тегмади. Гаплари қанчалик чин ё ўтриклигини билмадим, тўлқинланиб айтишига қараганда дўстим икки йил худди курортда юргандай маза қилибди. Жангарилиги, тўс-тўполонлари жонига теккан командирлари уни бир гуруҳ аскарларга бригадир этиб тайинлаб, аллақандай заводга ишга юборишибди. Алоҳида ётоқ, алоҳида ошхона, бир-биридан гўзал, бир-биридан жозибали завод ходималари Давроннинг хизматида бўлган эмиш.

— Ўлай агар, ҳали-ҳали кўз олдимда, — дерди у киз-аёллар ҳақида гапирган чоғ кўзлари порлаб, лаблари тамшаниб, — Аня, Люба... эҳ, уларни эсласам хозирок ўша Омскка қайтгим келяпти.

Билмадим, дўстимни қаттиқ соғинганимданми ё уйга қайтиш суруриданми, ё... ё анча улғайиб, тўшак саргузаштларига кизиқишим ортганиданми, ҳар қалай, Давроннинг олди-қочди, беодоб ҳангомаларини илгаригидек уятдан қизариб-бўзармай, марок билан тинглардим.

— Хўш, ўзингда нима гаплар? Икки йил қалай ўтди? — деб сўраб қолди у, ниҳоят менинг ҳам армиядан қайтаётганим эсига тушиб, — миқ этмайсан, гапирда.

Мен қувлик билан кўз қисдим-да:

— Бизда бундай воқеалар йўқ, жўра, ҳар куни полигон, ҳар куни елкада қурол, ҳар куни машк-машғулот, — деб жанговар қисмга тушганимни писанда қилдим

Писандам қоқ нишонга тегди шекилли, Давроннинг қошлари чимирилиб, қўллари мушт бўлиб тугила бошлади. Мен яна атай пишанг берган бўлдим.

— Бизники ВВнинг десантлашган полки эди-да.

— Энағарлар, мени бошлашди, — деб тўнғиллади гапларимдан тоқати тоқ бўлган Даврон, — анави военком сени флотга ё десантга жўнатаман деб ваъда берганди, ҳали борай, маразнинг тумшуғини эзаман.

Мен, ниҳоят, Давронни бурчакка қисганимдан голибона илжайиб қўйдим. Аслида эса йўловчилар жанго-

вар қисмда хизмат қилган менга эмас, серхашам мундир кийган Давронга қизиксиниб, хавас билан қарашар, баъзи бировлар беихтиёр эхтиром кўрсатар эди.

— Барибир, курашни ташламадим, — деди дўстим алам-нафрати бироз босилгач, — эртаю кеч заводнинг спорт залида шуғулландим. Хатто бир-иккита шогирд ҳам тайёрладим.

Ҳа, Давроннинг бу гаплари чин эди. Бакуват, кенг елкалари, бўртиб турган мускул-мушаклар шу хақиқатдан дарак бериб турарди.

Биз ўтирган «Жигули» вилоят марказидан чикиб қўриқ туманлар томон бурилгандаёқ димоғимга таниш, жуда таниш бир хид урилди. Адашмасам, бу чувилган кўсакнинг, эзилган ғўзапоянинг иси эди. Тор шаҳару калин ўрмонларга ўрганиб қолган бўлсам керак, бепоён кенгликларга боқиб кўзим тинар, кадрдон бўйлардан бошим енгил айланар эди.

— Мен бу колоқ чўлу биёбонингда яшай олмайман, — деди машина ойнасидан ўйчан қараб бораётган Даврон, — кетаман, яна ортимга қайтиб кетаман.

Мен индамай бош ирғаб қўя қолдим. Чунки айни пайтда ғалати бир завқу шавқ қўйнида эдим. Ярим очик ойнадан ёприлиб қираётган шабада юз-кўзларимни эркалаб силарди, пайкаллар, дов-дарахтлар, уйлар дийдорлашиш учун қаршимга отилиб чиқаётгандек туюларди. Худди шу чўлу биёбон мен учун оламнинг маркази, гўшаларнинг энг сўлими, энг гўзали эди. Чунки... чунки бу ерда Танзила деган сулув ва оқила киз яшайди. Илҳақ-интизор йўлларимга кўз тикиб турибди. Шундай соҳибжамол, шундай маъсума қизни бағрида ўстирган гўшага минг карра таъзим, минг карра куллуқ. Мен сизни соғиндим, кадрдон дала-дашт! Мен сизни соғиндим, эй, сертупроқ йўл! Эй, бепоён янтоқзор, сизни дунёнинг энг кўркам боғларига ҳам алишмайман!

Аммо менинг бу фараҳбахш ўйларим, сурурим кўпга чўзилмади.

— Танзилалар ҳали теримдан қайтмагандир-а?..

аранг ун бешта хат ёзган, меҳрини, севгисини манави
махлуққа жўнатган. Ўттизта-я?!»

Йўқ, ўша куни мен кадрдон кўрикка, кадрдон кишлоғимга кириб бормадим. Аксинча, жазирама остида сарғайиб сўлиган, ковжираб қуриган чўлу биёбон, топталган, тўзғиган, эзилган дала-дашт, хурпайган, хувуллаган, ҳориган тош-бетон иморатлар кўзларимга, юрагимга, онг-шуурумга бостириб кирди. Кенгсойнинг тап-такир киридай безрайган, жонсиз ва карахт эдим.

Атрофимда минг айланиб, минг ўргилаётган, мени ўтқизгани жой тополмаётган, кўзларидан шашқатор ёшлар оқаётган онажоним, шоду хуррам қавму қариндошларим паришон ҳолимни йўл азобига, чарчаганликка йўйишди, бемалол дам олишимга шарт-шароит яратиб берган бўлишди.

Танзила чиндан ҳам ҳали пахта йиғим-теримидан қайтмаган экан. Вилоят педагог кадрлар тайёрлов техникуми талабаси! Қанақа педагог... беҳаё, масхарабоз у! Сойга етаклаб бориб, суғормай қайтарадиган айёр алвасти! Тамом, бу қиз энди менга бегона, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам ...

Мен шундай катъий қарорга келган эдим. Мен шундай бир сўзли, собит ирода, ўз кадр-кимматини юксак кадрлайдиган инсон эдим. Аммо... негадир сибишга чалгим, сибишга нолаларига қўшилиб қайларгадир бош олиб, йўқ бўлиб кетгим келарди. Бироқ қай гўрга ҳам борардим. Менинг ановиники каби Омск деган шахрим бўлмаса?!

— Эна, сизга илгари бир сибизга бериб қўйгандим, шу турибдими? — деб сўрадим бир оқшом.

Рўзгор ташвишлари билан куймаланиб юрган онам дарсларга ҳамиша тайёр аълочи ўқувчидай, юзлари ёришиб бирдан жавоб берди.

— Ҳа, болам, турибди. Тўйингга аталган сандиқнинг тубига ташлаб қўйибман.

Бу жавоб юзимга яна бир тарсакидай тегди, қароримда қатъий туришга, ҳаётга хушёр қарашга, тўй

килишга онажоним илҳақ эканлигини англашга, демакки, ўзимга муносиб ёр топишга ундади.

Мен ҳаёлан қаллиқ қидириб баъзан беихтиёр кўча-кўйга чиқиб кетардим. Бирок... нигоҳларим таниш, жуда таниш бир чехрани излар, кўнглим аллақандай мўъжизаларни орзиқиб кутар, ўша қадрдон муюлишда, қизил этик фитнаси каби не бир қақшатғич зарбаларнинг гувоҳи бўлган ўша қайрағоч ёнида қадамларим ўзидан ўзи секинлашар, юрагимга лаззатли бир изтироб, оғриқ қўйилиб келар эди. Ҳар заррасидан соғинч, соғинч ва яна соғинч силқиб турган бир шивир лабларимдан сидрилиб кетарди: «Танзила! Менинг жоним, менинг мохитобим».

Ўша кунлар биз иззат-икромга кўмилиб кетган эдик. Қўни-қўшнилари, ҳамқишлоқлар бири қўйиб, бири олиб ҳарбий хизматдан қайтганларни уйлари-га таклиф этишар, алоҳида эҳтиром билан қурблари етганича меҳмон қилишар эди. Ўша куз, айниқса, аскарликдан келганлар орасида раиснинг боласи борлиги кенгсойликларни одатдан ташқари сертакаллуф, серҳиммат қилиб юборди. Эртаю кеч зиёфатлардан бўшамай қолдик. Қувондиқ қайсарнинг ҳар қатида мамнунлик, масрурлик ва мағрурлик қалқиб турган гулдурос гап-сўзларидан, қувноқ қаҳқаҳаларидан мудроқ дала-дашт сесканиб тушгандек, қип-яланғоч, қовжирок ғўзапоялар қайта гуркираб, қайта ҳосил бергудек бўларди. Ўша мавсум ҳукуматга пахта топшириш режасини одатдагидан ҳам ортиқ бажарганлиги, иззат-обрўси, мол-давлати уйган пахта хирмонидан ҳам зиёда бўлганлиги, алп қомат, бургут нигоҳ, шер панжа боласининг ҳарбийдан кучига-куч, ақлига-ақл қўшилиб қайтганлиги, Давронининг бошқа тенгтушларига ўхшамай, ҳатто, аскарликда ҳам чекиш-ичиш иллатларидан йироқ бўлганлиги раисни гўё яна ўн ёшга яшартириб, тик қаддини яна тиклаб, юз-кўзини нурлантириб юборган, у ўзининг қалб туғёнларини, фахрини, қувончини, сурурини эл-улусдан илгаригидек яширолмай қолган эди.

— Мана, мустакиллик даврига ҳам етиб келдик, — дерди Қувондик ака баъзи бир давраларда, — замон тез ўзгаришти, энди-и-и... эс-хушли, ақл-фаросатли, мустақил фикрли ёшларга жойларни бўшатиб беришга аста-а-а... тараддуд қўра беришимиз керак.

Унинг ғамхўр, меҳрибон халқ оталарига хос сўзларида, раисликдек сермашаққат, серташвиш лавозимга муносиб ворис изидан келаётганига, кенг-сойликлар бу борада ҳеч ўйланмай, ҳеч қайғурмай бутун диққат-эътиборларини улкан бунёдкорлик ишларига қаратишлари зарурлигига нозик ишора сезиларди.

Ҳа, Даврон дўстим ота амалини эгаллашга лойиқ, ҳар томонлама етук, тўқис йигит эди. Биз қайтгандан уч кун ўтар-ўтмас, у туман марказидаги ҳосил байрамида уюштирилган кураш томошасида кетма-кет уч талабгорнинг курагини ерга босиб яна шон-шухрат қучди, аскарлик мақомидан яна полвонлик мақомига қайтди. Ўша тантанада мен катнашмадим. Ўттизта хат бошимга солган ўттиз минг дарду хасрат оловида қуриб-ўртаниб, гўё ҳаммасига Даврон айбдордек, ўзимча аразлаб, унга гап қўшмай юргандим. Давроннинг бир курашда кетма-кет уч ютуқни қўлга киритганини эшитиб ичим қизиб қолди.

Дилгир, зерикарли окшомлардан бири эди. Мактаб директори хонадонида меҳмон бўлиб ўтирдик.

— Энди-и... полвонжонлар, — деб қолди устоз зиёфат охирлаётган пайт бир менга, бир Давронга хоки-соргина кўз ташлаб, — биз ҳам кенжатойнинг қўлини ҳалоллатайлик деб йиғиниб ётибмиз. Кейинги ойда, насиб этса, бир тўйча ўтказамиз. Бошқаларникидай данғиллама қилишга бизнинг қурбимиз етмайди. Кичкинагина кураш томошаси ўтказамиз. Энди-и-и... кичкина кураш экан деб бошқа ёққа қочиб кетмангизлар. Икковингиз даврани қизитиб турингизлар! Майлими?

— Хўп, хўп, домилла, — деб Даврон ҳам, мен ҳам қўлимизни қўқсимизга қўйдик.

— Уйдагиларга шундай деб тушунтир-да...

— Кўп гапирдим, барибир, фойдаси бўлмаяпти. Қаридим, чарчадим, менга келин керак, деб, айникса, энам оёқ тираб турибди.

— Қийин бўпти сенга, — деб ўзимча истехзо қилган бўлдим.

— Отамнинг гапи менга маъкул бўлди, — деди Даврон ўзига ўзи сўзлагандай, — уйлан, келинни келтириб қўй, кейин тўрт томонинг қибла, деди. Шунга-а-а... ўйланиб турибман, кимга уйлансам экан...

Дўстим худди бозордан мол танлаётгандай бирикки қизнинг номини тилга олди. Сўнг ғижиниб қўл силтади.

— Сенга шаҳарлик қизлар ярашади, — деб қўйдим мен.

Бир пайт Давроннинг хаёлчан чехраси ёришиб кетгандай бўлди, лабларига табассум югурди.

— Айтганча, Танзила-чи?! Танзилага уйлансам бўлмайдими? Қайси қиздан қаери кам, а, сен нима дейсан? Боя шаҳарлик қизлар деганингда шу эсимга тушиб кетди, раҳмат, сенга жўра, ростдан ҳам у шаҳарлик гўзаллардан қолишмайди.

Кўз олдим қоронғилашиб, бошим ғувуллаб, Давроннинг вайсашлари элас-элас эшитила бошлади.

— Эй, нега ўчиб қолдинг? — дея у елкамга шўхшаън туртди, — мастмисан, нима бало? Айт, нима қилай, дўстга ўхшаб маслаҳат бер-да.

— Танзилани тилга олма, — дедим аранг.

— Нима?! Нега... тилга олмай?

— У... у меники...

— Сеники?! Ух, ты, писмиқи, қойилман сенга! Менга бир оғиз айтмай, зимдан иш пиштиб юрган экансан-да, а? Нон синдирдиларингми?

— Йўқ, хали...

— Ё хали овлок-овлоқда учрашиб, ахду паймон қилиб юрибсизларми?

Мен «ҳа» дейишга ботина олмадим. Ёлғон гапирсам, Даврон эртагаёқ овоза қилиб юбориши аниқ,

бу уйдирма Танзиланинг қулоғига етиб борса... кизни бепичоқ сўйган бўламан-ку!

— Йўк, ҳали ваъдалашмадик, — дедим овозим қалтираб.

Даврон нописанд бир тарзда машина ўриндиғига ястаниб кулди.

— Танзила ваъда бермаган, нон ҳам синдирилмаган, бу ёғи кизик бўлди-ку, нимага ишониб у меники деяпсан?

— Танзилани севаман, жонимдан ҳам ортик кўраман.

— Мана, мен ҳам севаман энди, бу ҳали ҳеч нима-ни ҳал қилмайди. Соат, — деди дўстим туйқус жиддий тортиб, — агар Танзила ҳам сенга севаман деб айтган бўлганида қўлимни кўксимга қўйиб, бемаза гапларим учун сендан кечирим сўрардим, сенга ҳеч қачон ҳалақит бермасдим.

— Мен Танзилани севаман, — деб ғудрандим мен, ўзимни оқлашга бошқа сўз тополмай.

— Соат, мени биласан-ку, бир айтдимми, кейин ортимга қайтолмайман. Бўпти, сен учун са-ал чекинаман, гап бундай, эртагаёқ Танзилага совчи юбораман, агар у рад этса, тамом, яна қўлим кўксимда, бир чеккага чиқаман, кейин, уни севасанми, пишириб ейсанми, бу ўзингга хавола. Қалай, таклифим маъкулми?

Мен лом-мим деёлмай, ич-ичимда инграб қўйдим, холос.

Совчилар! Даврон, раиснинг арзанда ўғли совчи қўйса, ким рад эта олади, ким?! Мулла Мирзами, уста Абилми, Улдон чечами? Йў-ўк, қайтам, қувонишиб ҳали совчиликдан гап очилмай туриб ҳам-малари бош эгишади. Устига-устак, Кувондиқ қайсар бир пайтлар ҳадя этган соғин сигир шунча йиллардан бери ўзидан кўпайиб, бутун уруғ-аймоғи билан офилда мўъраб турибди. Анови қизил этикнинг жозибаси ҳам ҳали-ҳали кўзни қамаштирса керак. Ким билади, менга номаълум яна қанчадан-қанча совға-

саломлар совчиларнинг тилини бурро, қўлини узун қилишга шай тургандир?!

— Хўш, таклифим маъқулми, мулла Норсоат? — деди Даврон ғолибона илжайиб, — совчиларни эртагаёк жўнатаман.

— Йўк! Йўк! — беихтиёр бўкириб юбордим мен.

Давроннинг қошлари чимирилиб, кўзлари қисилиб, бурун катаклари пир-пир уча бошлади. Бу... бу қиёфа менга таниш, жуда-жуда таниш. Бу шунчаки жахлдан эмас, дўстим яна ҳам қатъийлашганидан, ушлаган жойини узиб олишга шайланганидан дарак берарди.

— Соат, Танзилани севишингга мен ҳали ишониб қолганим йўк. Сен, шунчаки, қизни мендан қизғанаяпсан, мендан, жонажон дўстингдан! Сен... сен йўлимга атай тўғанок бўляпсан. Мен буни дўстликка хиёнат деб ҳисоблайман.

— Даврон, гапларим чин, мен уни қаттиқ севаман, болаликдан бери севаман, айтганларимга ишон, ҳар куни, ҳар дақиқа шу қизни ўйлайман.

— Ўчир, ўчир овозингни! Танзилани севишингни менга ҳеч қачон айтмагансан, ана, боя тан олдинг, унинг ўзигаям ҳеч нарса гапирмагансан. Ўв, Танзила томонга биринчи қадамни мен ташладим, мен! Демак, биринчи бўлиб мен совчи жўнатаман. Мен биринчи бўлиб Танзилани тилга олганим сенга ёқмаяпти, шунинг учун тизинглаяпсан, севаман деб баҳона қиляяпсан.

— Йўк, совчи юборишингга йўл қўймайман!

— Мен билан урушмоқчимисан? — деди Даврон қаддини бироз кериб. Унинг қароқларида кип-қизил шафақ аксланиб турарди.

— Керак бўлса, уришаман, — дедим мен ҳам қўлларимни мушт қилиб, — биламан, сен зўрсан, отангинг ҳам қўли узун, қаттакон, мени ўлдирасизлар, лекин Танзилани ҳеч қачон сенга бериб қўймайман!

Даврон истехзоли тиржайди.

— Энди шундай шатталиқ йўлига ўтдингми? Нега отамни ўртага тикаяпсан? Эй, отамни бирор ерда пеш

қилганимни ҳеч қўрганмисан, а, қўрганмисан? Нега тириклик қиялсан?

— Уришаман десанг уришаман, — дедим бироз бўшашиб.

Даврон панжаларини паншахадай кериб юзини бир сидириб ташлади. Одатда, у ўзини аранг босиб, жахлини пасайтириш учун шундай ҳаракат қиларди.

— Соат, — деди дўстим хануз товуши темирдай жаранглаб, — тўйимнинг курашини қизитиб берасизлар деганди домилла, эсингдами? Индин тўй, кечки пайт кураш. Кел, икковимиз масалани бошқача ҳал қиламиз.

— Қандай?

— Ота-боболаримиз анъанаси бўйича ҳал қиламиз. Икковимиз курашамиз. Ғолиб Танзилага эғалик қилади. Ҳам домилланинг тўйи қизийди. Қалай? Бу гапга қўнарсан энди, а?

Ҳа, Даврон мени бурчакка қисган эди. Унинг таклифига рози бўлишдан бошқа иложим қолмади.

— Бўпти, курашамиз, — дедим қатъий, — лекин... лекин бу келишув ўртамизда, ҳеч ким билмасин.

Даврон асабий бир тарзда ҳоҳолаб кулди.

— Эй, ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, деган мақол бор-а? Сен нимадан қўрқаялсан?

— Мен ҳеч нарсадан қўрқмаялман. Танзила гапсўзга қолмасин тагин деялман.

— Эй, кизни қўй, сен ўзингнинг шаънингни ўйла. Йигитнинг ори бут бўлса, қизларга кийимнинг кераги йўқ, шуни унутма. Мен сенинг таклифинга қўнмайман. Бундай ими-жимиди беллашиш ота-боболар удумига тўғри келмайди. Ҳаммаси ошкора, очиқ бўлиши керак.

— Бўпти, билганингни қил, — дедим алам билан қўл силтаб.

— Демак, келишдик. Индин, кечки пайт ҳаммаси ҳалоллик билан ҳал бўлади, — деди Даврон ғолибона илжайиб, — энди-и, жўра, машинадан тушинг. Шу лаҳзадан бошлаб икковимиз бир-биримизга ашаддий душманмиз. Орани очиқ қилгач, қўл ташлашиб, тўн

ёпишиб, кайта дўст тутинамиз. Қани, туш машинадан!

Мен ғазаб ва нафрат ичида каловланиб машинадан тушиб қолдим. Даврон «Жигули»ни ўт олдириб, хануз илжайган қўйи очиқ ойнадан қўлини чиқариб анъанавий тарзда баланд кўтарди:

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

— Қуёш ҳали ботмаган! — такрорладим мен ҳам хавога қўл сермаб.

Аммо қуёш аллақачон қип-қизил қондек шафаққа беланиб уфққа бош қўйган эди.

Мен жимжит йўл бўйида сўшпайиб қолиб кетдим.

Ён-атрофим бийдай дала-дашт. Шом қоронғилиги мени тобора қаърига тортиб борар, йўл бўйидаги яккам-дуккам дарахтларда чуғурчуклар безовта чуғурлашар эди. Сал кам ўн чақирим наридаги қишлоғим томон ҳорғин ва эзгин жўнадим. Унда-мунда хира, митти юлдузлар гўё холи забунимга ачингандай жонсарак милтиллайди.

Мен аллақачон мағлуб эдим. Даврон илк ҳамладаёқ мени ерпарчин килди. Ҳамла! Бундай дейишим тўғримиқан? Умуман, дўстимни маломат қилишга ҳақлиманми? Ахир, Даврон бирор гапида ҳам адолат чегарасидан чиқмади-ку?! Аслида ҳамма-ҳаммасига ўзим айбдорман. Ношуд-ландавурлигимдан хафа бўлишим керак. Ахир... ахир Танзилага бир оғиз қўнғлимни ёриб, унинг умидбахш, нажотбахш ваъдасини олиб қўйганимда бундай кўргуликларга йўлиқиб юрмасдим. Агар Танзила билан аҳду паймон қилганимда, раис тугул, шаҳаншоҳнинг боласи совчи қўйганида ҳам заррача кўркмасдим. Чунки биламан, ич-ичимдан сезаман, Танзила аҳдига вафодор қиз. Аммо... минг афсуски, шу пайтгача унга на севгимни айтдим, на ваъдалашдим.

Мен шундай ҳасратли ўйлар исканжасида ийғаланиб, сийқаланиб борарканман, қишлоқ яна минг-минг чақирим нарига сурилишини, унга ҳеч қачон, ҳеч қачон етолмаслигимни жуда-жуда истардим. Қани энди, пар-

ча тошга айлансам-у, шу ерларда умрбод қолиб кетсам, деган орзу хаёлимда бот-бот чарх урарди.

Мен ўзи недан умидворман? Танзиланинг гоҳ кулганига, гоҳ йиғлаганига караб ўзимча фол очиб юрибман, холос. Ўша тунги кўз ёшларини кўриб, бу севинч, бу соғинч, бу севги изтиробларидан, дея ўзимни ўзим ишонтирдим, қувондим, керилдим, ғурурландим. Аслида бошқача бўлса-чи? Балки Танзила афсус-надоматдан, хижолатпазликдан йиғлагандир ўша кеч? Менинг ўзимча севиб, қуйиб, ўртаниб юрганимни пайкаган-у, муҳаббатимни кўз ёшлари билан рад этгандир, қўнглим Даврон акамда, демоқчи бўлгандир, бесамар қийнаб қўйгани учун мендан кечирим сўрашга урингандир?! Анови ўттизта хат-чи? Ўша тўлин ойли тунда, қизнинг кўз ёшларидан маст бўлиб ўттиз хил баҳоналар билан уларни ҳам ўзимники қилиб олдим. Аслида ўша мактубларда нелар ёзилган, билмайман-ку, ахир?! Давроннинг халиги қолибона илжайишлари, қатъий гап-сўзлари балки беҳуда эмасдир? Иккови аллақачон ахду паймон қилиб, энди мени мазахлашга ўтишгандир?

Мен кимсасиз, жимжит йўл бўйлаб, тункезар арвохдай бесару сомон кетиб борарканман, қўнглимда кечган сўнгги шубҳа-ғумонларга чиппа-чин ишониб, бўғзимга алам ва нафрат тикилиб, сассиз, унсиз бўзлаб борардим.

Шу орада қишлоқ тарафга тиркама уланган бир трактор тариллаб, бир мотоцикл пат-патлаб, тун сукунати, менинг хаёлларимни парча-парчалаб ўтиб кетди.

Мен шоша-пиша ўзимни дарахтлар панасига олдим. Назаримда, фаралар нури ич-ташимни ёритиб, бор сир-асроримни ошкор этадигандек, кўрганлар устимдан мириқиб куладигандек туюларди. Аммо бу қилиғимдан ўзимнинг энсам қотди. Ҳозир-ку, амал-тақал яшириниб қолдим, эрта-индин рўй берадиган шармандаликдан қандай қутуламан, деган ўй бутун борлиғимни тилкалаб турарди.

Қоп-қора осмоннинг бир чеккасида занглаган темир баркашдай тўлин ой кўринди. Унинг сарғиш ёғдулари

остида олис-олислардаги уйлар, иморатлар ғира-шира кўзга ташланарди. Борлиқ сирли, ваҳимали бир сукут оғушида тек котган эди.

Ой нурларига чулғанганимданми, ё ғуж-ғуж юлдузларнинг шўх-шаён жимирилашиданми, ҳарнечук, кўнглим андак ёришиб, таскин топгандай бўлди. Йўқ, йўқ, адашибман, аслида ҳаёлимнинг бир чеккагинасида милтиллаб турган, дўстим, шунчаки, ҳазиллашди, ҳозир бирор дарахт панасидан қаҳ-қаҳ уриб олдимга отилиб чиқади, деган ўй машинадан тушиб қолганимдан буён умидвор қилиб турган экан. Шу илинжда қаршимда кўринган қорага талпиниб, бир мўъжиза кутиб бораётган эканман. Афсус, умидларим сароб бўлиб чиқди.

Шу алфозда кокилиб-сурилиб, гоҳ имиллаб, гоҳ тезлашиб бир соатча йўл юрдим. Ниҳоят, кишлоқ биқинидаги, «Кенгсой бургутлари»нинг доимий қўналғаларидан бири бўлган тутзорга етиб келдим. Шу пайт йўл чеккасида қийшайибгина турган енгил машинани кўзим илғаб қолди.

«Ия, дўстимники-ку?! Қўналғамизда кутиб турган экан-да, ярамас ҳазилкаш!» — деган ўйдан бутун борлиғимга қувонч югурди. Беихтиёр қадамим илдамлашди.

Ҳа, Даврон чиндан ҳам кутиб турган экан! Аммо ёлғиз эмас, ёнида «Кенгсой бургутлари»дан бўлган, иккитаси касаллиги туфайли ҳарбий хизматдан қутулиб қолган, иккитаси бир ҳафта бурун аскарликдан қайтган, тўрт нафар дўстимиз ҳам ҳурпайиб турарди.

— Гап бундай, бургутлар, — деб тантанавор, баланд бир товушда сўз бошлади Даврон, — Норсоат дўстим билан нозик бир масалада тўқнашиб қолдик. Бу ҳақда боя сизларга айтдим. Индин мактабимиз директори Тўхтасин домилланинг тўйида икковимиз курашиб масалани ҳал қиламиз. Мукаддас тутзоримиз, тўлин ой, маржон юлдузлар гувоҳлигида, сизларнинг ҳузурингизда онт ичиб айтаманки, ҳаммаси ота-боболар удуми бўйича, ҳалоллик ва мардлик асосида бўлиб ўтади...

Давроннинг болалигимиздан бери таниш, ҳатто, ўша Омскдаги Аня-Маняларнинг ноз-карашмалари ҳам йўқ қила олмаган, гирт китобий тилда баландпарвоз гапиришлари, ўнг қўлини бош узра кўтариб, чап қўлини кўкракда тутиб туришлари бизга ҳам ҳеч бир ғайритабиий туюлмас эди.

Унинг айтганларини соме бўлиб эшитдик. Айникса, мен суд ҳукмига қулоқ тутган тутқундай итоаткорона бош эгиб, ерга кириб кетгудек бўлиб турардим.

— Шайх, Фиёс, — деди Даврон ёнидаги болаларга юзланиб, — икковингиз Норсоат тараф, унинг олдига ўтинглар. Бу ажралиш вақтинча, курашдан кейин ҳам-мамиз ҳамишагидай дўст бўп кетаверамиз.

Даврон ўз тарафдорларини олиб машинасига ўтирди-ю, шиддат билан жўнаб кетди. Биз «Жигули»нинг қип-кизил чўғдай милтиллаб, тобора узоклашиб бораётган орқа чирокларига хомуш ва ўйчан термилиб, анча пайт тек туриб қолдик.

Ҳойнаҳой, кўнглимни кўтаришга шайланди, шекилли, бироздан сўнг Фиёс:

— Домилланинг тўйи роса қизийдиган бўлди-да, — деди кафтларини бир-бирига ишқалаб, — ҳаяжонли, эсда қоладиган, қизиқ кураш томоша қиламиз.

Мен ҳасрат тўла нигоҳларимни ситилиб кетган кўз ёшлардек ғуж-ғуж юлдузларга қададим: «Бу сенга қизиқ, сенга завқли, Фиёсбой... Менинг дардимни қайдан ҳам билардинг...»

Шайхали ҳам елкамга дўстона қўл ташлаб ҳам-дардларча далда берган бўлди.

— Давроннинг мақтанишларидан кўрқма. Бир қўлдан қолдирмайсан уни, биз сенга ишонамиз.

Ўша тунги, Даврончасига айтганда, муқаддас тутзор, маржон юлдузлару тўлин ой гувоҳлигида аҳдлашганимиз, қасдлашганимиз бутун қишлоққа овоза бўлиб кетган экан.

Мен бунга тўй оқшомида, кураш томошаси бошланиш арафасида, қисматимдай қоп-қора қоронғиликка қоришиб кимнингдир ғилдираклари ўрнига синик ғишт

бўлаклари қалаб қўйилган, носоз юк машинаси панасида, тарафкаш дўстларимни, умидбахш бир мўъжизани кутиб турганимда ногоҳ билиб қолдим.

Уч-тўрт шарпа бўлажак кураш майдони томон гурунглашиб боришарди.

— Ие, шундай бўптими?..

— Ҳа, қишлоғимизнинг кўзга суртган икки полвони қиз талашиб қопти.

— Қайси қизни?

— Абилнинг асранди арзандаси бор-ку, шуни.

— Оббо-ей, оббо... курашда ким енгса, қиз шуники бўлармиши?

— Ҳа, иккови қаттиқ гаровлашган.

— Бу гап аввал қай биридан чиқди экан?

— Кимдан бўларди, раиснинг анови эркатойиданда, доим бемаза ишларни бошлаб юради. Болалигидан бери шундай бузғунчи, жанжалкаш.

— Ҳеч олди қайтмаган-да, бу боланинг. Ҳамма нарсанинг эгаси ўзимман деб ўрганган, ҳеч кимни юз-хотир қилмайди.

— Норсоатбой би-ир шохини синдирса, яхши бўларди-да.

— Ким билади, у ҳам бир шўр етим-да, қўрққанидан йиқилиб берар аввали.

— Абилбойнинг ахволи қандай? Қулоғига етибдими бу талаш?

— Раиснинг ули қизига ошиқ бўп қолганидан димоғи чоғ деб айтди биров, яна билмадим...

— Йиқитсаям, йиқилсаям, раиснинг боласини деса керак у.

Одамлар тўпи шу тарзда гурунглашган қўйи олдимдан ўтиб кетди. Уларнинг менга тарафдорлиги ичимни илитиб, кўнглимни кўтарган эса-да, бироқ бизларнинг гаровлашганимиз овоза бўлиб кетганидан дилим ғаш, таъбим тирриқ эди.

Кўп ўтмай Шайхали ва Ғиёс ёнимга келишди. Учовимиз икки кун давомида зовур ортидаги пайкал бўйида машғулот ўтказдик. Гоҳ униси, гоҳ буниси мен билан

олишиди. Мен уларни чирпирак қилиб улоқтираман. Улоқтирар эканман, икковини қўшган тақдирда ҳам битта Даврон бўлолмаслигини ич-ичимдан хис этаман. Содда дўстларим эса мени астойдил алкашади: «Қойил, қўш ҳўкиздан ҳам кучинг қўп. Рост, сен қолиб бўласан».

Биз кечки пайт тўйхона ёнида учрашишга келишиб хайрлашган эдик. Мана, улар ҳовлиққан қўйи етиб келишди.

— Юр, кураш ҳам бошланиб кетди, — деди Гиёс майдон томон аланглаб. — Давронларнинг жойлашиб олганига анча бўлди.

Катта полвонларга хос тарзда, бошимдаги жун қалпоқни кўзларимгача бостириб, қалин чопонимга бурканиб, икковининг ўртасига сукулиб, одамлардан паналаган қўйи кураш майдони томон юрдим.

— Қўрқма, ҳаяжонланма, барибир, сен ютасан, — деб қўяди Шайхали.

Қор-қировсиз кириб келган қиш димоғидан совуқ ҳаво пурқаб турарди. Бир ҳафтача бурун енгил ёғиб ўтган ёмғирдан намиққан далалардан чиркин ўтланлар, ҳазон иси анқийди.

Баланд устунларга тортилган симларга осилган лампа чироқлар ёғдусидан чор атроф чароғон эди. Кураш майдони теграсида қари-қартанг қўр солиб ўтирар, улар ортида ёш-яланглар тик туриб полвонларни кузатардилар. Тўп-тўп томошатаблар майдонга тақаб қўйилган юк машиналари, трактор тиркамалари устида туриб даврага завқ-шавқ билан тикилишиб кийкиришар, ирғишлашарди.

Давра баковули ўша машхур Эргаш мироб экан. Бир пайтлар Даврон унга ҳурматсизлик кўрсатганини, курашни ғирром баҳоладингиз, деб юзига солганини ҳисобга олсак, бу ҳакам ҳам менга тарафкаш бўлиб чикарди.

— Ҳа, полвонжонлар, бўшашманглар, жонли-жонли олишинглар, — дея чирик сомон, ёғоч қириндиси қалин тўшалган ҳоварда беллашаётган ўспиринлар

Ғолиб полвон совринни шерикларига топшириб яна майдонга қайтди.

Тўлин ой, кўк тўла юлдузлар ҳам, назаримда дав-
рага яқин келиб, беллашувларни ажабсиниб кузатаёт-
ганга ўхшарди.

Мен яна ён-веримни зимдан кузатдим.

Ҳурматли меҳмонлар ўрнашган жойда Қувондик қайсар кўринмас эди. Даврон иккимиз машина-
да айтишиб, қизаришиб қолган кун у пешин пайти аллақандай катта мажлис баҳонасида вилоят марказига
жўнаб кетганини эшитгандим. Афтидан, у ёқдан ҳали қайтмаганга ўхшайди. Бироқ бундан на қувонч, на ташвиш ҳис этдим.

Томошабинларнинг қийқириғи, ғала-ғовури ости-
да кураш қизғин давом этарди. Бир пайт тўй эгаси Тўхтасин домла лапанглаб баковулнинг ёнига келди-
да, унинг қулоғига алланеларнидир узоқ шивирлади. Эргаш мироб мамнун бир киёфада бош ирғаб тур-
ди. Шу орада ҳарсиллаб олишиб ётган полвонлардан бири рақибини белидан кучиб даст кўтарди, аммо зил-
замбил юкдан ногоҳ ўзи қалқиб кетиб, чалқанчасига кулади, рақиб уни шу ҳолатда босиб қолди. Давра қийқириб юборди.

— Ҳалол! Абзор полвон ғолиб! — дея эълон қилди баковул.

Мен йиқилган курашчини яхши танирдим. Маҳо-
ратли, чапдаст полвонлардан. Аммо ҳозир кўпол хато-
га йўл қўйганини кўриб, ўз ташвишимни ҳам унутиб,
хаёлан унга дакки бера кетдим.

— Халойи-и-ик! — деб қолди бир пайт Эргаш ми-
роб қўлларини баланд кўтариб, — тўй эгаси камтар,
камсукум одамлигидан хабарингиз бор. Шунинг учун
бугунги курашимизга биттагина тобоқ қўймоқчи. Ҳозир
шу тобоқ учун бўладиган беллашувни томоша қиламиз-
да, кейин оқсоқоллардан бир дуо олиб курашимизни
яқунлаймиз.

Баковул шундай деди-да, ёрдамчиси узатган оқ ма-
тони олиб ўртага қўйди.

Даврон илкис ортга бурилди-ю, қўлларини ҳаволатиб ҳужумга ўтди. Мен ҳам товоңларимни тўшамага маҳкам тираб химоя маррасини эгалладим. Давра туйкус жимжит бўлиб қолди. Рақибим, одатдагидек, чалғитувчи ҳаракатлар қилиб ўтирмай, шиддат билан ташланди-ю, яктагим ёқасидан тутди. Мен унинг белбоғига қўл чўздим. Аммо Даврон ушлашимга йўл қўймай зарб билан силтаб тортди. Мен ногоҳ тиззалаб қолдим. Давра гувлаб юборди. Рақибим яна бир силтаб устимга ўзини ташлаганда борми, мен тўшамага тўшалиб қолишим тайин эди. Аммо... аммо у ҳеч кутилмаган пайт ёкамни қўйиб юборди-да, яна шиддат билан давра айлана бошлади. Мен ҳам тиззалаб қолган жойимдан туриб, яктагимнинг елкамдан сидирилиб тушган ёқаларини тўғриладим. Давроннинг фавкулудда жўмардлиги мени аллақачон руҳан синдиргандай, куч-қувватимнинг ярмини кесиб кетгандай туюларди. Бел-билақларимга бироз титроқ кирди.

Биз яна юзлашдик. Бу гал мен рақибимнинг белбоғию яктагини маҳкам сикимлаб, ўзим томон зарб билан тортдим-у, оёқлари орасига чил солдим. Бироқ Даврон оёқ бўғинларини таранг ростлаб чилимни чиқариб юборди. Шу аснода белларимдан маҳкам қучиб мени азот кўтарди-ю, чап елкасидан ошириб ерга ташлади. Мен чалпак бўлиб тушаётган бир пайтимда ўзимни аранг ўнглаб юз тубан йиқилдим.

Давра яна гувуллаб юборди.

Даврон яна шиддат билан бошини мағрур тутган қўйи давра айлана бошлади. Мен ҳам апил-тапил ўрнимдан турдим-да, бўшашган белбоғимни қайта боғлай-боғлай унинг изидан одимлай бошладим. Давроннинг мендан бу қадар кучли, чаққон ва маҳоратли эканлигини авваллари жиддий беллашиб қўрмаганимиз учунми, ҳар қалай, билмас эканман. Мен хийла довдираб қолдим. На икки кунлик бетиним машғулотларим, на устоз ўғитлари, на мулла Мирзадан ўрганган дуоларим менга ёрдам берарди. Ҳар қадамидан шиддат, куч, ишонч ёғилиб турган рақибимга зимдан кўз таш-

- Йиқилган курашга тўймайди, Давронбой!
- Яна қандай баҳоналаринг бор?
- Хархашани отангга қиласан!

Шу орада баковул ёрдамчиси келиб менга соврин пулини узатди.

— Мана, Норсоатбой, олинг, она сутидай ҳалол сизга. Ҳўкизни эртага тўйхонадан етаклаб кетасиз.

Мен ҳануз карахт ва паришон эдим. Баковул ёрдамчисининг гаплари деярли қулоғимга кирмади. Шайх-али бир интилиб унинг қўлидан пулни олди.

— Эй! Эй, яхшилар! — дея Даврон қўлларини канотдай ёйиб жавдираган қўйи у ён-бу ён югурғилай бошлади, — бу номардлик-ку?! Қўлимни синдириб қўйишига сал қолди! Агар алдаётган бўлсам, мени полвон пири урсин!

Эргаш мироб кинояли қулумсираб унинг қўлидан тутди-да, тарафкашлари турган томонга етаклади.

Даврон адашиб қолган ёш боладай атрофга аланглади. У, афтидан, мени изларди.

— Эй, Норсоат! — деб бақирди у алам билан, — мард бўлсанг майдонга чик! Айбингни тан ол!

Ғала-ғовур, қахқаҳаларга қўмилган давра унга эътибор ҳам бермади.

— Қани, оқсоқоллар! — деди баковул қариялар тўпига юзланиб, — чиройли бир дуо қилиб, курашни яқунлайлик. Оми-и-ин!

— Оми-и-н!

Мен кўзларимни қўкка опқочдим. Милтиллаган юлдузлар гўё ҳуркиб, уялиб ғуж-ғуж тўпланиб олгандек эди. Сап-сарик тўлин ой баттар сарғайиб, сўлиб, беҳол бўзариб турарди.

Оломон дувва кўзгалди. Майдонга тақаб қўйилган тракторлар тариллаб, юк машиналар гуриллаб жилди. Уларнинг фараларидан таралган ёғду яқин-узоқдаги уйларни, ғўзапоя, хас-хашак ғарамларини олачалпоқ ёритди. Ғала-ғовур, қулгилару қийкириқлар ҳар ён-ҳар ён тўзиб қолди.

Ана, Даврон! У ўзини етаклаб кетишга уринган тарафкашларини силтаб ташлаб бўм-бўш майдонда, похол тўшама устида жазава билан юриниб турарди.

— Эй, Норсоат, эй, кўрқок, каердасан, мард бўлсанг майдонга чиқ! Ҳали орамиз очик эмас, — деб бўкирарди у ҳар томонга аланглаб.

Биз ғилдираклари ўрнига ғишт қалаб қўйилган, носоз ўша юк машинаси биқинида турардик.

— Қўйгин, унга эътибор берма, кетдик, — деди Шайхали билагимдан тортиб.

Ғиёс ҳам беҳафсала қўл силтади.

— Энди тонг отгунча шу, бўкириб тураверади.

Аммо менинг жойимдан жилгим йўқ эди. Қандайдир куч Давроннинг ёнига чошиб боришга, елкаларига дўстона қўл ташлаб, кечирим сўрашга ундарди.

— Эй, номард, яхшиликча айбингни тан олмасанг, полвон пири қарғайди сени, улуғ аждодлар руҳи уради!

Дўстим шу аҳволда ҳам китобий, тантанавор ибораларни тилдан қўймай, ихлосу икром билан такрорларди.

Бир пайт, билмадим қайдан чиқди, қизғиш-сарғиш либоси лампа чироқлар ёғдусида оловдай ловуллаб турган Танзила қунишган қўйи Давроннинг шундоққина қаршисида пайдо бўлди.

— Ох, Танзила! Соҳибжамол фаришта! — деди у худди кинолардаги рицарлар каби қиз қаршисида тиз чўкиб, — биз ҳаммасини ота-боболар удуми бўйича ўтказишга келишгандик, лекин Норсоат фирромлик қилди, қўлимни қайириб мени йиқитди, ўзинг изн бер, курашни сенинг кўз олдингда қайта ўтказайлик.

Даврон гапирган сайин жўшиб, қулочини кенг ёйиб қиз томонга судракланиб яқинлашарди. Мен эса бу ёқда рашк-алам оловида коврилиб, қўлларимни мушт қилиб майдон тараф ўқдек учишга шайланардим. Назаримда, Танзила ҳозироқ ўзини найранг қурбони қучоғига ташлаб, юз-кўзларини силаб, севгисига иқроп бўладигандек, Даврон уни азод кўтариб, тевааракка қолибона боқиб қоронғилик қаърига сингиб кетадиган-

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Унинг алам ва изтиробга лиммо-лим қийкириғидан
ғуж-ғуж юлдузлар пирпираб кетгандай бўлди.

— Қуёш ҳали ботмаган! — беихтиёр пичирладик
биз ҳам.

Даврон ўтказилган машина яна шитоб билан жил-
ди. Бир жуфт фаранинг ўткир нурлари ён-атрофни
бир ялаб ўтди.

Танзила сермаган ўша тарсаки гўё Давронга эмас,
менга тегиб кўзларимдан ўт чақнаб, карахтлигим
тарқаб, хийла хушёр тортиб қолган эдим. Кўзларимда
чатнаган ўт шуъласида қалтис қилмишимнинг бутун
шармисорлиги, ваҳимаси яққол кўриниб кетди. Ғиёс
ва Шайхали ҳамроҳлигида уй томон борарканман,
ич-ичимда таваллолар қилиб Даврондан, Танзиладан,
барча-барчадан узрлар сўрардим. Айниқса, кафтлари-
ни юзига босиб кетаётган Танзила кўз олдимда бот-
бот жонланиб, фариштадай покиза бир қизни қандай
номаъқул гап-сўзга гирифтор қилганимни етмиш икки
томирим билан хис этиб, ўкириб юборгим келарди.

Дўстлар билан кўча бошида хайрлашдик. Бўлиб
ўтган машмашалар уларнинг ҳам тинкасини қуритган
шекилли, ортикча гап-сўз қилмай, уй-уйларига жў-
нашди.

Мен ўша таниш муюлишда, ўша кайрағоч ёни-
да Танзилани кутиб туришни ўйлаган эдим. Аммо
ич-ичимдаги алланедир бунга монелик қиларди. Гўё
искирт, ифлос бир балчикка ботиб қолганман-у, бу
аҳволда Танзилага кўринишни истамасдим. Қалбим,
онг-шуурим бўм-бўш бир тарзда уйга кириб бордим.

Онажоним, янгам ва акам мени кутиб ўтирган экан.

Акам бўлиб ўтган кураш тафсилотларини тўлкин-
ланиб айтиб берган шекилли, янгам мени кўрди-ю,
шўх-шодон кўз қисиб қўйди.

— Болам, бу нима қилганларинг, — деб зор-
ланди онажоним рўмоли учи билан оғзини берки-
тиб, — ҳаммаёққа шарманда бўлдик-ку, Танзила бечора
энди қандай бош кўтариб юради?

бошқалар билан қўл узатиб кўришиб чикдим. Қувондиқ қайсар баҳайбат кафтлари орасига қўлларимни оларкан, қизғин силкитиб қўйгандай бўлди.

— Кеча қишлоғимизда кўп ғала-ғовур бўпти, сиз ҳам эшитдингизма, эшон бова, — деб илжайди раис, — айниқса, Тўхтасин домилланинг кураши хўп бошқача бўпти-да.

— Ха, эшитдим.

— Бизнинг болалар бир бемаза иш қилишибди-да.

— Э, бемаза жойи йўқ, — деди жилмайиб эшон бова, — ёшлиқ шуниси билан кизик-да, шундай ажойиботлар эсда қолади-да.

Оқсоқоллардан бири гурунгга аралашди.

— Чин айтасиз, таксир, кечаги кураш жуда кизикарли бўлди. Хатто, бизнинг ҳам майдонга тушгимиз келиб кетди.

Мен чорпоя қаршисидаги, устига кўрпача ташланган узун ўриндиқнинг бир четида тавозе билан ўтирардим.

— Эшон бова, бу жигитни танидингизми, — деб қолди Қувондиқ қайсар менга ишора қилиб, — раҳматли Эшқобил ошнамининг ули, Норсоат полвон.

— Ёшларни бир кўрганда таниб олишим кийин-да, лекин раҳматли Эшқобилбой жуда яхши одам эди.

— Шу жигит билан бизнинг ўғил кечаги ҳангома-ларнинг бошида турган.

— Ха. шундайми, — деб кулумсиради Карамхон эшон.

Шу пайт дарвозадан хурпайган қўйи Даврон кириб келди. Икки ёнга синган қанотдай осилиб турган калта чарм камзули, чала-ярим ўтказилган қалин қўйлак тугмалари унинг истар-истамас, нари-бери кийинганидан дарак берарди. Назаримда, Қувондиқ қайсар тўй баҳона узоқ-узоқлардан келган Карамхон эшоннинг олдида бизни яраштириб қўйиш учун атай чақиртирган эди.

— Бизнинг ул шу жигит, — деб қўйди раис.

Даврон ҳам худди мен каби чорпоядагилар билан кўришиб чикди-да, ўриндиқнинг нариги чеккасига омонатгина ўтирди.

Танзилаойга совчиликка келдик, дебди. Мулла Мирза таомилга кўра, бир-икки кун муҳлат беринг, ўйлашиб, маслахатлашиб кўрайлик, деб тихирлик қилган чоғ, Қувондик қайсар ҳахолаб кулганича, қариянинг ихчамгина жуссасини кенг кучоқларига олиб, хушомад сўзлардан айтиб уни ҳам оппа-осон кўндирибди. Ҳатто, раисимиз ошхонада карахт турган Танзиланинг ёнига бориб, алланелардир деб, кизни бир кизартириб, бир кулдирган эмиш.

— Шу куннинг ўзидаёқ, кечки пайт, бир қўйни сўйиб, оксоқолларни чакириб, устаникида нон сн-дирдик, тўй маслахатини ҳам пишитиб олдик, — дея ҳикоясини якунилади акам.

Мен хайрону лол эдим. Қувончу хаяжондан ўзимни қўярга жой тополмай, гоҳ уйга кираман, гоҳ кўчага чиқаман. Бир пайт... бир пайт ховлиққан қўйи кийинишга тушдим ва... тахтадай котиб қолдим! Ахир, мен... мен хушхабарни етказиш учун Давроннинг ёнига шошилаётган эдим! Ё, худо, бу қандай сиру синоат, ўз шодлигимдан ўзим маст бўлиб, дўстимдан, азиз, ягона дўстимдан ажралиб қолганимни унутдимми?

Мен бўшашган қўйи кўрпача устига ялпайиб қолдим. Даврон шу кетганича қишлоққа қайтмади. Миш-мишларга караганда, мен тўй тараддуди устидан чиқиб қолган ўша кунлар у вилоят марказида, акасининг уйида биқиниб юрган экан.

Унаштирув ҳақидаги хушхабар ҳам мени тинч-лантира олмади. Мен Танзиладан хавотирда эдим. «Наҳотки, у оппа-осон рози бўлган? Ё ота-она кистовидан, раиснинг аралашувидан ноилож кўндимикан? Йўқ, у билан гаплашиб кўришим керак. Қилмишларимни очик-ойдин айтиб, Танзиладан узр сўрашим шарт. Бутун бир қишлоқни найрангимга жўнгина ишонтиргандирман, лекин Танзилани ҳеч қачон алдамайман, алдай олмайман! Мен чимилдикка ёруғ юз, тоза юрак билан киришим керак».

Шундай ўйлар силсиласида Танзиланинг шанба-як-шанба қишлоққа келишини ҳам кутмай шаҳарга от-

ландим. Аммо автобусда тикилиб, таниш-билишларнинг кўзига кўриниб, улар билан гаплашиб юришга тобу токатим йўқ эди. Кўнглим ёлғизликни, беадок хаёллар оғушида лаззатланишни, ўртанишни тусарди. Шу сабабли катта трассагача яёв чикишга, у ердан бирор-бир кўликка илашиб кетишга қарор қилдим.

Офтоб обдан артилган аскар тугмасидай ялтираб турган иликкина кун эди. Қаршимдан эсанг енгил шамол қовжироқ ўт-ўланлар исини димоққа урарди.

Мен шағал тўшамали йўл чети бўйлаб кетарканман ненидир, кимнидир унутиб қолдиргандай ортимга, атрофимга беихтиёр аланглаб олардим. Соғинчми, интиқликми, юрагимдан зардобдай сизиб турарди.

Ана, излаганим, ана! «Кенгсой бургутлари»нинг муқаддас макони ҳисобланмиш тутзор ёнидан ўтаётган чоғим мен уни кўрдим! Ёвқур, мағрур киёфаси кўз олдимда жонланиб, ўктам овози, завкли кулгилари қулоқларим остида жаранглаб энтиқиб қолдим. Аммо у менга қарамади. Жазава билан силкиниб йўл бўйлаб кета бошлади. Мен эмрана-эмрана эргашдим.

«Даврон, кечир мени, дўстим! Кетма, қишлоққа қайт, жўра! Сени жуда соғиндим. Худди ярмим йўқдай юрибман. Ахир томиримиз туташ дегандинг-ку, мени қандай ташлаб кетасан. Сенга айтар гапларим кўп, дўстим. Қайтсанг, майли, сен истагандай кечирим сўрайман».

Аммо Даврон қайрилиб ҳам қарамади. Ердан кўз узмай, қўлларини асабий тўлғаб-тўлғаб кетиб борарди.

«Эй, шошмагин, бироз тўхтаб гапимни эшит. Аслида ҳаммасини ўзинг бошладинг-ку, Танзилани севмайсан-ку, нега унга тўсатдан чиппа ёпишиб олдинг, хайронман. Даврон, кечир мени, ўша куни бошқа иложим қолмади. Ахир, севган қизимни оппа-осон бировларга топшириб қўймайман-ку. Дўстим, ҳозир менга жуда-жуда кераксан, сенсиз худди пайпасланиб юрган кўрга ўхшаб қолдим. Даврон, майли, мени тепкилаб ташла, суякларимни синдир, лекин ёнимга қайт, дўстим, ёнимга қайт...»

Бирок у, барибир, қайтмади. Қайларгадир сингиб йўқолди. Мен машиналар сигналидан чўчиб атрофимга алангладим. Шаҳар! Ажаб, минг бир хаёл, минг бир изтиробу тавба-тазаррулар гирдобиди чарх уриб, қачон, қандай вилоят марказига етиб келганимни ҳам билмай қолибман.

Шаҳар тунд ва паришон эди. Кўча-кўй, бекатлар одамлар билан гавжум. Машиналар у ён-бу ён чинқириб елади. Қурум ичидан, чиркин чиқиндилар бадбўйидан кўнгил айнийди.

Танзила ўқийдиган техникум шундоққина катта йўл бўйида экан. Афтидан дарс пайти бўлса керак. Темир панжара билан ўралган ховлида бирикки жонсарақ юрган ёш-ялангдан бошқа ҳеч ким кўринмайди.

Мен атрофимга аланглаган кўйи кўш қават, узун бионинг кўш тавақа, ранги унниқиб, бўёқлари кўчиб қолган кириш эшигига яқин бордим. Шу пайт эшик шарақлаб очилди-ю, уч нафар қиз бир-бирини туртиб-суриб, баралла кулишиб ташқарига отилиб чиқди. Олдинда келаётган, сарғиш кўйлак устидан гулдор жемпер кийган, қўлида бир жуфт дафтар тутган қиз ногоҳ оёғимни босиб олди.

— Вой, кечирасиз.

Қиз шундай дея юзимга қаради-ю, тахтадай қотди. Мен эса аллақачон унга анграйиб қолган эдим.

— Танзила?!

Менга бир лахза, бир лахзагина юзланган чехра беҳад сулув, беҳад жозибали эди. Манглайни қоплаб турган жингалак соч толалари, тип-тиниқ юз, қопкора, қиличдек қошлар, узун-узун киприклар остидаги хуркак кўзлар — ҳамма-ҳаммаси мени буткул сеҳрлаб қўйди. Бундай гўзалликка эришиш учун неча-неча Давронларнинг қўли тугул, бўйинини ҳам қайириб юборишга тайёрлигимни ич-ичимдан ҳис қилдим, хатто, ўзимни айбдор санаб йўл-йўлакай тавба-тазарру қилганимдан уялиб кетдим.

— Танзила, мен... сенинг олдинга...

— Нега келдингиз? — деди қиз чимирилиб. Сўнг илкис бурилди-ю, қўлидаги дафтарини юзига тутиб бинонинг орка тарафига югургилаб кетди. Мен унга эргашдим. Икки дугона ажабланиб, қизиқсиниб бизни андак кузатиб тургач, ўзаро маъноли кўз уриштириб, кулишиб кўча томон кетишди.

Танзила ховли тўридаги, ўсиқ буталар панасидаги суянчиғи синиқ ёғоч ўриндикқа бориб ўтирди. У дафтарини юзига босган кўйи силкиниб-силкиниб йиғларди.

— Танзила, сенга айтар гапларим бор, — дедим қиз қаршисида саросималаниб турарканман.

У илкис бош кўтарди. Қоп-қора кўзлари жикқа-жикқа ёш эди.

— Ҳамма гапларингизни Қувондик ака етказди. Яна нима демоқчисиз?

— Мен сени севаман... жонимдан ҳам ортиқ кўраман, — дедим ботинмайгина унинг ёнига ўтирарканман.

Танзила дафтар тутган қўлларини тиззалари устида қовуштирган кўйи, қаршисидаги яланғоч атиргул бутасига термилиб, лаблари қимтиниб унсиз йиғларкан, сизиб чиққан ғунчасимон кўз ёшлари бир лаҳзагина ёноқларида туриб қоларди.

Мен қовушган қўллар устига охиста қўлимни қўйдим. Ўз дард-аламлари билан андармон бўлиб қолдим ё ҳоли забунимга ачиндими, ишқилиб, Танзила мени силтаб ташламади.

— Илтимос, ишон, — дедим вазиятдан ботирланиб, — сени жуда каттиқ севаман. Сени ҳаммадан, ҳатто, ўзимдан ҳам қизғанаман.

Танзила ҳиқиллаб, шўрқиллаб чуқур тин олди.

— Бор-йўғи бир жуфт сўз экан-ку, мен... мен шуни беш йил кутдим. Беш йил-а... ҳар учрашганда юрагим кинидан чиққудай бўлади, ҳозир айтади, ҳозир айтади, деб ўйлайман, ўзимча бир кулиб қочиб кетишга чоғланаман.

— Беш йил дейсан-а, эхе-е, тутзорда иккимиз қувлашгандан бери мен фақат сени ўйлайман, кечаю кундуз ўйлайман.

— Сиз эса... — деб давом этди Танзила гўё гапларимни эшитмай, — мени кўрсангиз отамнинг ҳолаҳволини сўрайсиз, бобомни эслаб коласиз, бир дарсларни муҳокама қиласиз, бир этигим билан қизиқасиз, бор йўғи бир жуфт сўздан эса дарак йўқ.

— Танзила... мен севгимни айтишга жуда кўп уришдим, лекин доим сени хафа қилиб қўйишдан кўркдим, менга бошқа кўринмай қолсанг, ўлиб қолардим, чин.

Қиз тегиб-тегмай турган бармоқларим остидан ўнг қўлини тортиб олди-да, кафти билан юз-кўзларини артди ва... билибми-билмайми, қўлини яна қўлим устига қўйди! Аъзойи баданимга ёқимли бир титроқ инди.

— Қайнилар кўпинча янгалар билан сирдош бўлармиш, — деб пишчирлади у, — бирор нарса айтгансизми деб Салима чечамнинг оғзига қарайман, қаёқда, зарил гапни ололмай, уйга музлаб қайтаман, балки, дўсти билан дардлашгандир деб Даврон акамга юкиниб бораман, армияда бўлган пайтларингиз, унга ҳам жуда кўп хат ёздим, жавоблар ичидан, сенга бир сирни очаман, дўстимнинг дарди каттиқ, дегап сўзларни интиқ излайман, лекин умидларим чил-шарчин бўлди.

Давроннинг номи тилга кўчди-ю, юрагимнинг бир чеккасида биқиниб ётган шилимшиқ гашлик яна буруксиб кўтарилди, хозиргина тўлқинланиб турган тўйғулар қайларгадир чекиниб кетди.

«Хаммасини очик-ойдин қилишим керак, — деб ўйладим таъбим тиррик тортиб, — айбимни тан олишим, кечирим сўрашим шарт, эрта-индин кеч бўлади».

Танзила бир нуқтага тикилган кўйи худди ўзига-ўзи гапиргандай хануз ўнка-гина қиларди.

— Ҳаммаси бошқача бўлишини кутгандим, минг хил орзулар қилгандим, энди ўйлаб кўрсам, ғирт содда, тентак, хаёлпараст эканман, нималарни тасаввур этганимни эсласам, ҳозир ҳам уялиб кетаман. Домиланинг тўйи куни... — киз ортиқ гапиролмай, шартта қўлимни силтаб ташлади-ю, дафтари билан яна юзини бекитди.

— Танзила, — дедим юрак ютиб, — мени кечир, хаммаси учун кечир, айникса, ўша воксалар учун алохида узр сўрайман, аслида хаммасини Даврон бошлади.

— Даврон бошлади дейсизми, — Танзила дафтари-ни тушириб, яна атиргул бутасига хаёлчан тикилиб қолди.

— Ҳа, ҳамма қилғиликни у бошлади.

— Айтдим-ку, гирт тентак, хаёлпарастман деб. Даврон бирор ножўя гап айтган бўлса, мени химоя қилиб чиққансиз, деб ўз бошимга қувониблар юрибман-а... Ҳатто, ўқишдаги дугоналаримга ҳам мақтаниб қўйибман.

Билмадим, қандай эпладим, бу гал гапимни дарров ўнглаб олдим.

— Тўғри, тўғри ўйлапсан, чиндан ҳам Даврон бир-икки номаъқул гапирганди, икковимиз жанжаллашиб қолдик. Кейин... курашадиган бўлдик.

Қиз индамай, ўқталган найзадай шох-шаббаларга хаёлчан термилиб тураверди. Назаримда у, хиёнатко-рона қилмишимга иқдор бўлишимни илҳақ кутарди.

— Танзила, — дедим яна юрак ютиб, — мен... мен сени алдаёлмайман, тўғриси, пок муҳаббатга ёлғон аралашшини истамайман.

Қиз ҳуркак кўзларини жавдиратиб, узун-узун кип-рикларини пирпиратиб юзимга хавотир билан қаради.

— Тинчликми?

— Мен... ўша куни фирром курашдим, номардлик қилдим...

Танзила яна дафтарини юзига тутди. Елкалари, соч турмаклари силкина бошлади. Мен унинг уввос тортиб йиғлаб юборишини кутгандим. Аммо...

— Нима, мен фирромчиликка арзимаيمانми? — деб шарақлаб кулиб юборди у, — ҳалол курашганингизда икки қўлни бурунга тикиб қолиб кетардингиз-да.

— Мен... номардман...

Шу пайт... шу пайт Танзила ногоҳ елкамга бошини қўйди. Гўё шундоққина кўз олдимда рангин-рангин

капалаклар қанот ёйиб юборгандай бўлди. Мен уларни чўчитиб юборишдан, қалтис қимирлаб бирортасини бехосдан эзиб қўйишдан қўрқиб, нафасимни ичга ютганча тахтадай қотдим.

— Қўркманг, — деб пичирлади қиз, — мен на Ойбарчинман, на малика Дилоромман... ўша Давронингиз мардлигини минг марта пеш қилсаям, барибир, унга тегмасдим.

Танзиланинг сўзлари деярли қулоғимга кирмади. Унинг қўқсим томон эгилган боши таниш, жуда таниш манзарани эсимга солар, ўша болалик, ўша тутзор, болалар қий-чувидан чўчиб мен томон талпинган кизалоқ кўз олдимда жонланар, худди ўша лахзадаги каби ўзимни мард, жасур хис этиб, таниш, жуда таниш туйғулардан бошим мастона айланар эди.

— Танзила... жоним... жаҳоним...

— Мен сиз учун яралганман, — деб пичирлади қиз, — бунга ўша тутзор бўйидаёқ ишонганман.

— Биз бир-биримиз учун яралганмиз.

Мен қизни охиста кучоғимга тортдим.

Биз Абсал полвонни унутган эдик.

Қиш ўтиб, баҳор энди бўй кўрсатган кунларнинг бирида, Танзила амалий машғулотга чиқиб, қишлоғимиз мактабига катнаб юрган пайтлари иккимизнинг никоҳ тўйимиз бўлиб ўтди. Тўйга яна Қувондиқ қайсарнинг ўзи бош-қош бўлди. Шаҳардан машхур ҳофизларни чорлатди. Даврон ўша кетган қўйи қишлоққа қайтиб қадам босмади. Пойтахтга бориб, у ерда қандайдир тайёрлов курсида таҳсил олаётгани ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимга чалинди. Қувондиқ аканинг хотиржам қиёфада, ҳамишагидек гулдираб юриши ҳам ўғли масаласида ҳеч бир муаммо йўқлигидан дарак берарди.

Мен дўстимдан айрилиб қолган эдим! Мухаббат можаролари тиниб-тинчиб, эртак эркаларидек мурод-мақсадимга етган бўлсам-да, қўнғлим гаш, руҳим безовта эди. Ногоҳ ноёб нарсани синдириб қўйиб, катталарнинг муқаррар жазосини кутаётган болакайдай жавдирардим. Йўқ, йўқ, гавжум жойда иштони

йиртиғини яширишга беҳуда уринаётган нодон довдир-га ўхшардим. Фақатгина Танзиланинг севги-мухаббатга лиммо-лим қарашлари, бахт уфуриб турган ифорлари, сирли шивир-шивирлари вақтинчалик оғриқ қолдирувчи малҳам каби мени овулар, ёруғлик ваъда қилар, юрагимга таскин берар эди.

Айниқса, тантанали тўйимиз куни Давроннинг ўрни жуда-жуда билинди. Гарчанд биқинимда Гиёс куёвжўра сифатида ғўдайиб турган бўлса-да, ўзимни тубсиз жар лабида ҳис қилиб, ёнимга қарашга ҳам ботинмай беихтиёр келиннинг пинжиги тикилар эдим. Менинг талпинишларимни ўзича тушунган Танзила уялиб, саросималаниб тирсагимга туртиб қўярди. Тўй дастурхонидан бош кўтармай еб-ичаётган меҳмонлар, назаримда, истехзо, пичинг билан пичирлашаётгандай, қўлларини бигиз қилиб нуқиб, дўстига хиёнаткор, номард нусха сифатида мени маломат қилаётгандай туюларди. Ҳатто, тенг-тушларим ўтирган тарафдан Даврон номи бир-икки тилга олингандек, кимлардир мен томонга тиржайганча тикилиб қўйгандек бўлди.

Асал ойининг тотли-тотли кунлари ҳам менга тати-мади. Асал ойи ҳам юрагимдаги захру зардобни босол-мади. Мен, ниҳоят, қатъий қарорга келдим. Тошкентга бориб, Давронни топиб, у истаган шарт бўйича кечирим сўрашга аҳд қилдим. Бағрим конидан қизарган шомларнинг бирида, дўстимнинг манзилини билиш илинжида Қувондиқ аканинг дарвозасига қўндаланг бўлдим. Туйқус ичкаридан қаттиқ-қуруқ товушлар эшитилди.

«Болагинамни юз-хотир қилмадингиз, аввалу охир ўзингиз бош-қош бўлиб анови етимчанинг қўйнига солиб қўйдингиз».

«Атай шундай қилдим деяпман-ку сенга, хотин, келиб-келиб бир ташландик, асранди қизни ўғлимизга раво кўраманми? На отасининг тайини бор, на онасининг. Менинг ҳам чапга-ўнгга бесар-бесар юрган пайтларим кўп эди. Айтиб бўладими, бу қизнинг бино бўлишига ҳисса қўшган бўп чиқмаysin тағин. Шуйтиб

бу масалани тезроқ бир ёкли қилайин, Давроннинг кўнгли бўлса, кўнглини совитайин дедим».

«Бемаза гапларни қўйинг. Бояги айтганим қачон бўлади. Давронжонимни соғиниб кетдим, болам бечора шунинг дастидан уйга келолмаяпти».

Мен оёқлари остида ногоҳ илон қўриб қолган йўловчидай бир зум қарахт бўлиб кетдим-у, сўнг аста-аста тисарилиб катта кўчага чикиб олдим.

Кишлоқ шомнинг хира пардасига бурканган эди. Қўм-қўк осмон мағзава тўла тоғорадек бошим узра чайқалиб турарди. Қай бир ховлидан гўнг, чиркин хас-хашак хиди анқийди.

Мен сағрисига аччиқ-аччиқ қамчи тушган қирчан-фидай уйимиз томон чошиб кетдим. Баланд-паст иморатлар, дов-дарахтлар кўз ўнгимда чарх уриб айланди. Бир пайтлар поччамнинг мол дориган экинзори ёққа шундай талваса билан югурганини кўрганман. Бир маҳаллар тоғ этагидаги қишлоғимизда сел йўлида қолиб кетган қўй-қўзиларини ҳайдаш учун шу тахлит қуюндай қўзғалган қўшнимизни эслайман. Менинг эса қаровсиз қолган на полиз-пайкалим, на мол-ҳолим бор эди. Мен Танзиламнинг, мохитобонимнинг, жону жаҳонимнинг олдига елдек елиб борардим! Ўй-хаёлимда у ҳозиргина ичкарида шаънига айтилган нолойиқ, номаъкул сўзларни эшитиб қолгандек, бир қоронғи бурчакка қисилиб, зор-зор йиғлаб ўтиргандек туюлар, уни тезроқ бағримга босиб юпатгим, сассиқ ғийбатлардан, бало-қазолардан тоғдай туриб қўриқлагим келар эди.

— Танзила, Танзила! — деб қичқирдим хансираб, ҳовлиқиб ҳовлимизга кириб борарканман.

Ўчоқ бошида куймаланиб юрган икки ойлик гўзал келинчак хавотир билан қаршимга отилиб чиқди.

— Лаббай.

— Ичкарига киргин, гап бор.

Танзила таажжубланган қўйи пешбандига қўлларини арта-арта изимдан эргашди. Икковимизга ажратилган хонадан оҳорли либосларнинг, атир-упаларнинг хуш ифори уфуриб турарди.

гани каби поччам ҳам оиламизни кучоқ очиб кутиб олди. Шаҳарга кўчиб кетган бир шоиртабиат кишининг кенг-мўл ҳовлиси биз учун ҳозирлаб қўйилган экан. Бу ердаги шарт-шароитларни кўриб ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Поччамнинг меҳнаткашлиги, тadbиркорлиги, опамнинг ҳам ундан сира қолишмаслиги жонимизга оро кирди. Акам яна гаражга ишга жойлашди. Янгам иккиси оламшумул режаларни тузган бўлишса керак, турмушнинг яна эски ҳаммом-эски тос, тарзида давом этишидан андак ранжишди.

«Нормуродбой, кўп тажанглашманг, — деди поччам сирли илжайиб, — сиз ҳозирча шу ерга илашиб туринг, ҳали зўр гап бор».

Мен опамнинг ёнига, кишлоқдаги хайхотдай, аммо ичида сотишга арзигулик моли йўқ магазинга ишга кирдим. Танзила шундоққина уйимиз қаршисидаги мактабга бошланғич синф муаллимаси сифатида ўрнашди.

Биз Кенгсойдан кўчиш ташвишлари билан югуриб юрган кезларимиз Улдон чеча ва уста Абилнинг ковоқ-тумшуғи осилиб кетган эди. Илгари ҳам маълуму машҳур раис билан қуда бўлишдек бахтдан айирган Қоработир сифатида мени унчалик хушламас, шу баробарида, арзанда кизнинг қўнгил майлига қарши боришолмас, қисқаси, ёниб-ёнмай, ўчиб-ўчмай, ҳўл ўтиндек тутаб юришарди. Кўчиб кетишимизга ҳам тишни тишга босиб аранг рози бўлишди.

Танзила! Менинг Танзилам, менинг моҳитобоним эса ўзга бир дунё эди! Мулла Мирза айтгандай, чиндан ҳам эни бошкага ўхшарди унинг! Қувондиқ қайсарнинг дарвозаси ёнидан гангиб, ўртаниб, жуфти ҳалололмни юпатиш, ҳимоя қилиш ниятида ҳовлиқиб уйга келганимда, қандайдир нохушлик юз берганини у ҳам гап-сўзсиз, ҳеч бир изоҳсиз англади. Ўшанда мен Танзилани эмас, сочларимни силаган кўйи Танзила мени овутди, режаларимга далда бўлди, кўчиш машаққатларига ҳам матонат билан бардош берди, бир оғиз ҳам нолимади, норизо чимирилмади. Киришимлилиги, хушмуомалалиги учунми янги макон тутган

жойимизда ҳам қўни-қўшни, маҳалла-қўй билан тезгина тил топишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Хатто, иш масаласини ҳам бошқаларнинг аралашувисиз, ўзи оппа-осон ҳал қилди-қўйди. Назаримда, у менга эмас, тобора мен Танзилага суяниб, чексиз меҳр-муҳаббати остидан паноҳ топиб борардим.

Биз янги манзил-маконимизга шу тахлит аста-секин қўника бошладик. Кунлар кетидан кунлар, ойлар ортидан ойлар шитоб билан ўтарди.

Мен, барибир, бу ерда ҳам ҳаловат топмадим. Ўзимни жанг майдонини шармандаларча ташлаб қочиб қолган аскардек ҳис қилар, Кенгсойда ўта муҳим, ўта зарил алланеларнидир унутиб қолдирганга ўхшардим. Назаримда, у ёқда ҳамма номард, фирром полвон сифатида мени масхаралаб, устимдан қотиб-қотиб қулаётгандай туюлар, оғир, эзгин хаёллар исканжасида ўзимни қўярга жой излаб қолардим.

Шу орада Давроннинг университет талабаси бўлганлиги, кураш билан ҳамишагидек ҳормай-толмай шуғулланиб юрганлиги ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимга чалинди. Яна бир қанча муддатдан сўнг, жиддий бир мусобақанинг ёлиби сифатида унинг номи ҳам радио-эшитиришда тилга олиб ўтилди.

Бу пайтлар мен курашлардан хийла совиб қолган эдим. Давраларга, майдонларга яқин боришга қандайдир қўрқувми, уятми монелик қиларди. Томошатабларнинг тийиқсиз қийқирикларини эшитишга тобу тоқатим йўқ эди. Ўзимни тирикчилик ташвишлари билан овитишга зўр бериб уринар, кўча-кўйда, дала-дашда далли-девоналарча кезиниб, холи забунимни ўнглашга ўзимча чора-тадбирлар излардим. Излай-излай дилгир кунларнинг бирида каллам тўкиллаб шароб шишасига урилди. Ҳаш-паш дегунча ичкиликбозга айландим. Шиеракайф чоғларим бепоён пайкал чеккаларида ёлғиз кезиш жону дилим эди. Зовур ёқасидаги тупроқ уюми устида мағрур ўтирган Давронни кўрардим.

«Қуёш ҳали ботмаган!» — деб қичқирардим ҳавога мушт ўкталиб.

Аммо дўстим жавоб бермас эди.

«Жавоб бермайсан-а, жавоб беришни истамайсан-а? — дердим хўрлигим тошиб, — менинг қуёшим аллақачон ботганини биласан-да, шундайми?»

Даврондан ҳеч бир садо чикмайди. Мен ҳикиллаб йиғлайман. Айтиб-айтиб бўзлайман.

«Айтганинг чин экан, дўстим, полвон пирлари мени қарғашди, мени дуоибад қилишди. Юрагимга ҳеч тузалмас жароҳат орттириб олдим. Унинг оғриғини, азобини ўзим биламан, кечалар тўлғаниб чиқаман, Даврон! Бу дардимнинг давоси сенинг қўлингда, дўстим. Кел, оёқларингга бош урай, истаган шартингга қўнайин, факат мени тезроқ қутқар!»

Тупроқ тепа устидаги шарпадан яна садо бўлмас эди. Мен алам-изтиробдан тутоқа бошлардим.

«Сени зўр бўп кетган деб эшитдим. Кел, зўрлигингни кўрсат, мени чавақлаб ташла, мажақлаб анови зовурга улоқтир! Шунда кўнглинг тўладими, дўстим».

Мен беҳол ўтириб қоламан. Даврон ҳам аста-секин кўз олдимдан йўқолади. Қишлоққа қайтаман. Магазинга яшириб қўйган ароғимдан бўкиб-бўкиб ичаман. Девору томлар, кўча-кўй, дов-дарахтлар кўз олдимда чирпирак айлана бошлайди. Қайлардадир йиқилиб қоламан, яна туриб, амал-тақал уйга етиб оламан.

Танзила менинг ичкиликка берилиб қолганимни зўр бериб онамдан яширишга уринар, тунлари уйга қайтганимга қадар дарвоза ёнида дардисар эрни кутиб ўтирар, маст-аласт шарнам пайдо бўлди дегунча, лошимни судрақлаб, ими-жимида ётоққа киргизиб олар, бош-адоқ юиб-чайиб кўрпага ўраб ташлар эди.

Биз Абсал полвонни унутган эдик.

Янги манзил-маконга кўчиб келганимизнинг иккинчи йили Танзила кўҳликкина қизалоқ туғиб берди. Бошим қўкка етди. Оиламиз қувончга қўмилди. Аммо мен ҳануз шароб шишаси билан ошно эдим. Кунора бўсағада чайқалган қўйи пайдо бўлардим.

Қишнинг узун тунларидан бири эди. Кечки пайт қишлоқдаги бир-икки бекорчихўжалар билан карта

ўйнаб, арок ичиб уйга қайтдим. Танзилам одатдагидек бир оғиз ҳам эътироз билдирмай, бирор марта ҳам норизо чимирилмай мени ўрнимга ётқизиб қўйди. Хамишагидек донг котиб қолдим. Бир пайт... туш кўрдимми ё қандайдир аломат зоҳир бўлдим, билмадим, тутзор бўйлаб чопиб бораётган кизалоқ, қаҳ-қаҳ отиб кулганича уни қувлаб бораётган Қувондиқ қайсар кўз олдимдан лип-лип ўтди. Ия, Танзила-ку, уни қутқаришим керак, уни химоя қилишим шарт, дедим ўзимга-ўзим. Қизик, кўзим очик, фикрим тиник эди. Қўрка-писа бошимни ёстикдан кўтардим. Тунчирокнинг сарғиш ёғдусида хужрамиз гира-шира ёришиб турарди. Ногоҳ қулоғимга шўрқиллаган йиғи саси эшитилди. Аввалига ишонмадим. Нафасимни ичимга ютиб, тахтадай қотдим. Чиндан ҳам хонамининг бир бурчидан йиғи саси келарди. Илкис ўрнимдан туриб товуш келган тарафга қарадим.

Танзила! Менинг Танзилам, менинг мохитобоним, менинг жону жаҳоним бир бурчакка қисилиб, бир пайтлар, раиснинг дарвозаси ёнидан ўртаниб қайтган чоғимда тасаввур қилганимдек унсиз, куйиниб йиғлаб ўтирарди.

— Танзила, жоним, сенга нима бўлди? — деб сўрадим унинг ёнига бориб, — мазанг йўқми?

Хотиним кафтини юзига босиб хўнграб юборди.

— Ха, мазам йўқ, касалман. Ичим куйиб кетган. Хўш, нима қилиб бера оласиз? Қўлингиздан нима келади, ўзи?

— Сен учун ўлишга ҳам тайёрман.

— Ўлмайсиз, биров учун ўлолмайсиз, — деди Танзила кўз ёшларга қоришиб юзимга тик қарар экан, — бошқаларни тириклай кўмишни биласиз фақат.

Хотинимнинг кетма-кет отилган ўкдай сўзлари аниқ нишонга тегди. Мен каловланиб кўрпачага ўтириб қолдим. Ҳақ эътироз олдида тилим лол эди.

— Сен учун фирромлик қилдим деганингизга ишониб юрибман-а, — деди Танзила кўз ёшларини енгига артиб, — сиз фақат ўзингизни ўйлагансиз, йиқилиб, шарманда бўлишдан кўркансиз.

— Худо ҳаки...

— Худони аралаштирманг, — деб ожизона бошлаган эътирозимни шартга бўлди у, — сиз айтгандай бўлса, мана мен, муродингизга етдингиз-ку, яна нима керак?

— Очиғи... барибир, кўнглим ғаш, жоним, дилим вайрон. Худди бир ифлос ўрага тушиб кетганман-у... ҳеч тоза бўлолмаяман.

— Шунинг учун ароққа чўмиляпман денг.

— Истеҳзо қилма, илтимос.

— Ароқхўрлик муаммони ҳал қилмайди-ку, эркак бўлсангиз ҳаммасини эркакча ҳал қилинг.

Хотинимнинг талабини ўзимча тушуниб юрагим шув этиб кетди.

— Нима?! Қандай қилиб?

— Даврондан қаерингиз кам? Сиз ҳам шуғулланинг, машқ қилинг, сал кам бекорчисиз-ку, кейин уни бирор даврада топинг-да, кўтариб ерга уринг, иккинчи мен зўрман деб бўқирмайдиган қилинг. Масаланинг ечими шу.

Танзиланинг тарсакидай тарсиллаган сўзларидан ногоҳ кўзим чарақлаб очилгандай бўлди.

«Ҳа, мулла Мирза ҳақ, эни бошқа бунинг, оқилагинам, шугина оддий ечимга ҳам ақлим етмабди-я, менинг», — деган ўй хаёлимдан лип этиб ўтди.

— Жоним, мени кечир, — дедим унга ёш боладай суйкалиб, — энди сира ичмайман, сен айтгандай қиламан.

Танзила худди ўша кўчиш арафасидаги каби сочларимни силаб мени овутди, окилалиги, меҳри паноҳига олди.

— Ароқ одамни адойи тамом қилади. Ҳеч курса, кизимизни, онангизни ўйланг. Бундай ожиз бўп юриш сизга ярашмайди. Сиз менинг мардимсиз, ҳимоячимсиз, тоғдай суянчиғимсиз. Қуёш ҳали ботмаган, эсдан чиқарманг.

Ўша тун мен онадан қайта туғилгандай бўлдим. Ўша тун эртак қахрамонларидек бир думалаб алп қомат баҳодирга айланиб қолдим.

Юпанч, овунч, таскин ва илинж шарпаларига қоришиб кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Биз эру хотиннинг ўша тундаги аҳдимиз, шахтимизга гўё қасдма-қасд пойтахтдан бир-биридан шов-шувли, бир-биридан хайратланарли хабарлар келарди. Давроннинг кураш бўйича аввал Ўзбекистон, кейинроқ Осиё чемпиони бўлганлиги ҳақида эшитдик. Газетаю журналларда, телевизор-радиоларда унинг номи тез-тез тилга олинган бўлиб қолди. Ҳатто, бир гал Даврон Тиркашевнинг вилоятимизга ташриф буюриб, меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказгани тўғрисида ахборот берувчи телелавҳани ўзим ҳам кўрдим. Ўша-ўша, ўқтам қиёфали, бургут нигоҳли кенгсойлик полвон казо-казо раҳбарлар орасида бахтиёр жилмайиб турар, ёшу қари унга ҳавасу хайрат билан термулар эди. Мен экран қаршисида бақадай бақрайиб ўтирарканман, йўқотган дўстимни соғинганимни, жуда-жуда соғинганимни яна бир карра ҳис этдим.

Бу ёқда Танзила ҳам бўш келмади. Яна битта кизалоқ туғиб берди. Устига-устак, вилоят марказидаги педагогика институтини сиртдан амал-тақал битириб, мактаб директори ўринбосари лавозимини эгаллади. Рўзғорнинг ҳам ўтидан кириб кулидан чиқади. Энг муҳими, вақти-вақти билан бошимни силаб мени овутади, юпатади, меҳр-муҳаббати остидан паноҳ беради.

Мен хотиним ўғил туғса-ю, соғинчим, садоқатим, тавба-тазарруим тимсоли сифатида боламга Даврон деб исм қўйсам, деган орзуда эмраниб юрардим. Аммо бир куни Танзила кизалоғимни қўлимга тутқазаркан:

— Ўғил кўрсам, отини Пўлат деб қўямиз, — деди худди ичимдагини пайқагандай, — пўлатдай мустаҳкам, чидамли одам бўлсин, отасига ўхшаб мўрт, идраган нарса бўлмасин.

Танзиланинг чин-ҳазил айтганларидан менинг тағин бўшашиб, тоб ташлай бошлаганимдан огоҳлантириш, ҳали-ҳали уруш сўқмоғида эканлигимни яна бир карра уктириш шундоққина силқиб турарди.

«Ха, мулла Мирза ҳақ, бугинанинг эни бошқа», — деб ўйлайман хотинимнинг катъият қалққан гўзал чехрасига завқ билан термилиб.

Ўша тунги ахддан сўнг ичкиликни тарк этган бўлсам-да, аммо Танзила тайинлаган машқ-машғулотларни мунтазам олиб боролмадим. Устига-устак, ҳар гал Даврон қучган шон-шухратнинг ҳаёлимга келиши, хотинимнинг ибораси билан айтганда, мени кўтариб ерга урар, руҳимни синдирар, даъволардан воз кечишга уидар эди. Бир неча марта поччам қўярда-қўймай даврага туширди. Майда-чуйда полвонларни йикитиб, худди оламшумул вазифани уддалагандай хотинимнинг хузурига мағрур кириб келдим.

Бир куни негадир тушимга Карамхон эшон бова кирди. Тўхтасин домланинг ўша чорпоясидами, ё ўша кунги кураш даврасидами, оппоқ либосга бурканиб, мамнун бош ирғаб ўтирибди.

«Ҳаммаси яхшиликка, ҳали ҳаммангиз қўп хурсанд бўп қоласизлар» — дер эмиш, худди ўша кунги гапларини такрорлаб.

Чўчиб ўйғониб, ғалати бир хислар оғушида анча пайт ўтириб қолдим. Нонушта пайти тушимни онамга айтиб бердим. Онам ўзича эшон бовани ғойибона тавоф қилиб менга юзланди:

«Эшонимизга бир қўчқор атаб қўйгин, йўлларнинг тушганда ташлаб келасизлар».

Вақт шитоб билан ўтар, замон, давр кундан-кунга ўзгариб борарди. Бир пайтлар давлат мулки саналмиш иморатлар, қурилмалар, техникалар зари-зўри бор одамлар ўртасида таксим қилина бошланди. Совхоз, колхоз деган тузилмалар ўрнида катта-кичик фермер хўжаликлари ташкил этишга киришилди. Замона бойлари, замона зўрлари бўй кўрсатиб қолди.

Биз янги манзил-маконга қўчиб келган чоғларимиз акамни гаражга, мени қишлоқ магазинига ишга жойлаган поччам ўша пайтлардаёқ узокни кўзлаб режа тузган экан. Кейинчалик, гараж мудири лавозимини эгаллаган акам поччамнинг йўл-йўриқлари, қўллаб-

қувватлаши шарофати билан бу хайхотдай иморатни ўз номига хатлаб, мулкдор тоифага айланиб олди. Кенг-мўл, мустаҳкам қишлоқ магазини эса опамнинг хусусий дўконига дўнди. Мен ҳам талатўпда курук қолмай, каттагина унумдор ер майдонига фермер сифатида эга бўлиб олдим. Поччамнинг ўзи эса туман ҳокимиятига ишга ўтиб кетди.

Кенгсой томонларда ҳам торта-торт, ола-ол авжида экан. Охир-оқибат, тақдирга тан берганиданми ё кетма-кет, бир-биридан ширин икки неварага бобо бўлганиданми, ишқилиб, хийлагина чехраси очилиб, хушмуомала бўлиб қолган қайнотамнинг қуйиниб, фижиниб айтишича, эски ширкат хўжалигини Қувондиқ қайсар бус-бутунича яна ўз қўлига олибди. Шаҳардаги катта ўғли қишлоққа қўчиб бориб, суғоришга ўнғай, энг унумдор ерларни эгаллаб, купи кеча отасиникидан ош-овқат ташиб юрган ношуд нусхадан бой-бадавлат ишбилармонга эврилиб, кекириб, босар-тусарини билмай юрган эмиш. Қувондиқ қайсарнинг шунча обрў-эътибори, куч-қудрати етмагандай, Давроннинг ҳам шон-шуҳрати, иззат-ҳурмати қўшилиб Тиркашевларнинг, ҳатто пишагини ҳам биров пишт деёлмай қолибди.

Мен Даврон ҳақидаги ҳар бир хабарни, ҳар бир миш-мишни нафас олмай эшитардим. Бундай жонсарақликларимда шояд у мени кечирган бўлса, деган илинж-умид милтиллабгина турарди.

Бир куни шаҳарда Шайхалини учратиб қолдим.

— Даврон шишингандан-шининди-да, — деди у гапдан-гап чиқиб, — аллатовур қоп-қора машинада уч марта қишлоққа келиб кетди. Каттаконлар атрофида хизматкордай чирқиллаб айланади, биргина сўзига маҳтал. Лекин, барибир, оқибатли жигит Даврон. Қўп қишлоқдошларнинг мушқулини осон қилиб берди.

Эҳ, менинг мушқул-муаммоим-чи?! Бу қачон бар-тараф бўлади, қачон? Танзиланинг тинимсиз таълим-тарбияларига қарамай, аскар баданида қолган қўрғошин парчасидай, юрагимдаги дард-изтироб ўқтин-ўқтин кўзғалиб мени безовта қилар, яна дунё кўзимга

қоронғи кўриниб қолар эди. Шундай кезлар экин-тикинни бахона қилиб дала-даштимга чиқиб кетаман. Полвон пирларига таваллолар қилиб тавбалар қиламан. Қизик, шундай пайтлар яна ўша кўрган тушим, эшон бовамнинг айтганлари, ҳаммаси яхшиликка, деганлари ёдимга тушиб, алланечук таскин топгандек бўламан. Юрагимда умид, илинж, иштиёқ яна тирила бошлайди.

Биз Абсал полвонни йўқотиб қўйдик.

Илиқ баҳор кунларининг бирида Абсал полвоннинг ўлими ҳақидаги совуқ хабар бизга ҳам етиб келди. Бирдан ўйинчоғи яшириб қўйган жойида йўқлигини билган бола ахволига тушиб, кўз олдимни кирчил бир парда коплади, уй-иморатлар, дов-дарахтлар қайларгадир сингиб-йитиб, бўм-бўш бўшлиқ ичида ели чиққан пуфакдек муаллақ қотдим. Поччамнинг «Нексия»сига ўтириб пешинга мўлжалланган дафн маросимига улгуриш учун шоша-пиша йўлга тушарканмиз, теварагимдагилар жонсиз бир шарпалардек туюлар, товушлар, йиғилар, кулгилар олис-олислардан эшитилар эди.

Шу йил баҳор ҳаддан ташқари серёғин, инжиқ ва серташвиш келган эди. Сел-тошқинлар, шилта-ша-лабболар, лой кўпчиган далалар ҳатто, ҳамиша қор-ёмғирга ташна чўлликларни ҳам буткул безор қилиб юборди. Омонат деворлар кулади, илма-тешиқ томлардан сув сизиб ўтди, қадалган уруғлар чириди, энг ёмони, чигит экиш ишлари кечиқиб кетди. Куни кеча чўл осмонини тилкалаб чакмоқ чаққани, қаерларгадир дўл ёққани ҳам рост. Демак, устоз Абдусаломнинг қазоси ҳақидаги миш-мишларда ҳам жон борга ўхшайди. Кимдир уни яшин урибди деса, тагин биров дўлда қолган экинзорига ачиниб сибизга чалиб ўтирган ерида жон берибди, дея сирли пичирларди.

— Эҳ, бу дунёнинг ишлари, — деб афсус билан бош чайқади поччам, машинасини катта йўл бўйлаб елдириб бораркан, — шундай одам ҳам қазо қилибди-я.

Орқа ўриндиққа ястаниб олган акам тили тагига носвой ташлашга чоғланган кўйи гапга аралашди.

— Тошкентдан ҳам меҳмонлар борга ўхшайди, — деб қўйди.

«Даврон ҳам келган!» — деган ўй хаёлимдан шу-вуллаб ўтди. Шу ўй баробарида юрагимга қандайдир таҳлика, титроқ сизиб кирди.

Азадор хонадон томондан аёл-бола-чақаларнинг ув-вос йиғиси баралла эшитила бошлади.

Биз адашмаган эканмиз.

Жаноза ўқилиб, тобут ердан қўтарилиб, қўлма-қўл бўла бошлаганида бир тўн амалдорнамо одамлар орасида хомуш қўзғалаётган Давронга кўзим тушди. Бошига омонат қўндирилган оппоқ хожи қалпоқ, эгни-даги қимматбаҳо, коп-қора чарм камзул, баланд, тик комат уни йиғилганлар ичидан яққол ажратиб турарди. Даврон қўлдан-қўлга, елкадан-елкага ўтаётган тобут томон ҳар гал интилганда жонсарак оломон беихтиёр унга йўл бўшатар, кимдир таниб, кимдир танимай афт-ангорига бир зум анграяр эди.

«Аллатовур, аллатовур одамлар ҳам кепти, — дея хайратомуз шивирлади кимдир, — катта ҳоким бова ҳам шу ерда! Полвоннинг обрўси зўр экан-да, а?!»

Ёнидаги ҳамроҳи хомуш бош ирғади.

«Бечора умрида мунча иззат кўрмаганди. Тирилиб кетмасайди деб кўркаман».

Тобут катта йўл бўйида ҳозирлаб қўйилган юк машинасининг устига авайлабгина қўйилди. Бир тўп хас-сакашлар, кавму кариндош ихраб-сихраб кузов устига чиқиб, тобут теварагини ўраб олишди. Дафн маросими-га йиғилганлар бир зум тўзиб, кимдир пою пиёда, кимдир автоуловда қабристон томонга жилишди.

Чор атроф алланечук маҳзун сукутга толган эди. Баҳорнинг боди шамоли ҳам каловланиб дов-дарахтлар, экинзорлар оралаб кетди. Қуюк, ям-яшил япроқлар тебраниб-тебраниб маҳзун шитирлайди. Кўм-кўк майсалар тўлиб-тошган хўрликдек безовта чайқалади.

Дафн маросими узоқ давом этди. Биз қабристондан азадор хонадонга қайтганимизда қуёш хийла қиялаб қолган эди.

— Ҳокимлар кетгунча чеккароққа чиқиб турамиз, — деди поччам машинаси эшигини очаркан.

Шу пайт бекасам тўн кийиб белини маҳкам боғлаб олган хассакашлардан бири ёнимизга келди.

— Сизни биров чақиряпти, — деди у менга юзла-
ниб.

Беихтиёр ҳассакашга эргашарканман:

— Ҳозир келаман, — деб қўйдим поччамга бош ирғаб.

Акам ҳам ажабланган кўйи ортимдан қараб қолди.

— Мана шу ховлига киринг, — деб пичирлади хасакаш азадор хонадонга яқин уйлардан бирининг ёнида тўхтаб, — сизни кутиб туришибди.

Бўёклари офтобдан униккан дарвозани кия очиб
ичкарига кадам ташладим. Шундоқкина рўпарамда, те-
мир суянчикли чорпояга тирсак тираган кўйи Даврон
турарди! Унинг менга тик қадалган совуқ нигоҳларини
кўриб негадир тўхтаб қолдим.

— Сиз ҳам жанозага келдингизми? — деди истехзо билан Даврон, — бетингиз билан кетингиз бирми дейман.

Ажаб! Таҳлика, ҳаяжонларим бир лаҳзада тутундай тарқаб кетди. Ҳатто қаршимдаги мана шу без, терс нусхани шунча пайтдан бери соғиниб, хаёлан оёғига бош ўриб юрганларимдан хижолат тортдим.

— Сен ўзинг шундайсан, — дедим Давронга тик қараб, — устозни бир тийинга олмай, чираниб юришларинг эсингдан чикдими?

— Сен устозни тилга олма, нолойиқ, номуносиб жишириқсан.

— Шуни айтгани чақирдингми? Гапинг бўлса, га-
пир! Сен билан ғижиллашиб туришга вақтим йўқ.

Даврон сунҷикдан тирсагини олиб қад керди.

— Вой-бу-ўй, ҳам ғарлик, ҳам ўрлик-ку бу ёғи.
Эй, биласанми, хали орамиз очилмаган.

— Бўпти, очамиз, — дедим тобора полвонлик қоним кўпириб, — қачон, қаерда, айт, мен тайёр. Кўрсат майдонни!

Мендан бундай муомалани кутмаганми, Даврон бир зум саросималаниб кинояли тиржайган қўйи бош чайкаб турди.

— Яхши, бу гапинг менга ёқди, — деди яна совуққон бир оҳангда, — вилоят раҳбарлари, бир мастер класс ўтиб беринг, деб холи жонимга қўйишмаяпти, бир ойдан сўнг ёш курашчилар ўртасида Абдусалом полвон хотирасига бағишланган турнир ўтказамиз дедим, шунда мастер класс ҳам бўлишини айтдим.

— Хўп, яхши, — тўнғиллаб қўйдим мен.

— Тошкентдан зўр-зўр чемпионларни опкелишимни тайинлашяпти. Мен рози бўлгандай индамай қўйдим. Аслида ҳеч кимни опкелмайман. Икковимиз олишамиз, икковимиз орани очик қиламиз, тушундингми?

Даврон сўнгги сўзларни айтаркан, қошлари чимирилиб, кўзларидан шафқатсиз учқунлар сачраб кетди.

— Розиман, қаёққа десанг бораман.

— Турнир Кенгсойда бўлиб ўтади. Келгуси ойнинг сўнгги шанбасига белгилаймиз. Қўрқма, ҳаммасини ўзим ташкил этаман, ҳокимлар гапимга киради.

— Менга барибир, орани очик қилишга тайёрман. Ҳаммаси жонга тегди ўзи.

— Ўв, — деб яна истехзоли тиржайди Даврон, — шартимиз ҳали ўз кучида, унутма шуни.

Мен индамай яна темир дарвозага юзландим.

Биз Абсал полвонни йўқотиб қўйган эдик.

— Кенгсойга ҳам яқинлашиб қолдик, эй, уйғон!

Поччамнинг чорловига эътибор бермаган бўлдим.

Йўлга чиққанимиздан бери машина ўриндиғи суянчиғига бош қўйиб, кўзларимни юмиб, бир оғиз ҳам гапирмай келаётганим учун у хойнаҳой мени аллақачон ухлаб қолган деган хаёлга борди. Қани энди чиндан ҳам донг қотиб ётган бўлсам?! Қани энди, бир умр қароқларим очилмаса? Ахир, Кенгсойда, беғубор болалигим, шўх-шаън ўсмирлик даврим ўтган бу кишлоқда мени бемисл шармандалиқ кутиб турибди-ку?! Газеталарда ёзишгандай, икки марта Ўзбекистон, бир қарра Осиё чемпиони, қатор халқаро мусобақалар сов-

риндори Д. Тиркашев энг шимариб, касос оловида ёниб, йўлларимга махтал кўз тиккан-ку!

Мана, устоз Абдусаломнинг жанозасидан бери роп-пароса бир ой ўтди. Бир ой мени Давроннинг совук нигоҳлари, истехзолари, кинояли кулишлари таъқиб қилиб турди. Ўша куни беаёв, бешафқат рақибим билан ахдлашиб, қасдлашиб машина ёнига қайтганимда поччам ва акам менга ажабсиниб, хавотирланиб кўз тикишди.

«Еттилик худойига ҳамма шогирдлар йиғилиши шарт экан, шунини тайинлагани чақиришибди», — деб қўйдим ўзимча қўл силтаб.

Аммо асабийликданми, хаяжонданми хануз бўғинларим бўшашиб турарди. Акам дарров хотиржам тортиб, тили тагига яна носвой ташлаб олган бўлса-да, поччам гапларимга ишонқирамай йўл-йўлакай менга саволчан-синовчан кўз ташлаб қўяр эди. Барибир чидаёлмай ўша куни кечки пайт поччамга дардимни айтдим. У киши ҳам худди келишиб олгандай бир пайтлар, ярим тунда хотиним айтган гапларни такрорлади.

«Раиснинг шу арзандасидан қаеринг кам, а, ниманг кам? Сен ҳам шуғуллан, машқ қил, кўтариб ерга ур шу чемпионини, иккинчи мен зўрман деб бошқа мактанмайдиган бўлсин».

Поччам шунчаки панд-насихат билан чекланиб қолмади. Мени ҳар куни туман марказига олиб бориб, кечгача спорт билан шуғулланишга мажбур қилди. Ҳатто шахардан қачонлардир дзюдо бўйича хизмат кўрсатган, ёши қирқни қиялаб ўтган Салмон исмли чечен мурабийни мўмайгина ҳақ эвазига ёллаб, иззат-икром билан бошлаб келди. Аммо унга асл мақсадимизни айтмадик. Салмон биз қутгандан ҳам ортиқ қаттиққўл, инжик, ўз ишига пухта чиқиб қолди. У икки ҳафта бетиним шуғуллантириб мени полвон суроб қилиб қўйди. Аммо Давроннинг совук нигоҳларини, кинояли кулишларию голибона истехзоларини эсласам, яна ичимдан ириб жўнардим. Ўша куни у билан тиккама-тикка тиллашишга қандай журъат этганимга ўзим ҳам хай-

рон эдим. Ўша журъат, ўша ўрлик сахро саробидай кайларгадир сингиб йўқолди.

Кун бўйи машк-машнулотларда чарчаганимдан, бу ёғи таъбим тирриклигидан харчанд уринсам-да уйда қош-қовоғим очилмас эди. Бу ҳолни Танзила халихануз устозим қазосига қайғуриб юрганимдан деб билбми, харнечук, ортиқча сўроқ-терговга олмай, кўнглимга қарарди.

Мен, айниқса, турнирнинг айнан Кенгсойда бўлиб ўтишидан даҳшат ва ваҳимага тушардим. Қанчалар ёвузона тузилган режа бу?!

Биринчи жаҳон урушида енгилган Германия лашкар-бошиларини ғолиб Франция ҳукумати қандайдир ўрмон қўйнида, қандайдир вагон ичида таслим бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатга имзо чектирган экан. Аммо шундай шармандали мағлубият ҳам немислар кўнглидан ватанпарварлик туйғусини, қасос хиссини йўқ қила олмабди. Германияликлар ўша қора кунга гувоҳ вагонни бир омборхонага яшириб қўйишган эмиш. Иккинчи жаҳон уруши даврида Францияни бир ҳамла билан тиз чўктирган Германия ўша вагонни ўша ўрмонга олиб келган, мағлуб тараф унинг ичида енгилганлиги ҳақидаги қоғозга имзо чеккан экан.

Тарих дарсларидан ҳам тузуккина баҳолар олиб юрадиган Даврон, хойнахой, шу воқеани эслаган ва мени шу тарзда жазолашни дилига туккан кўринади. Ҳа, бу чемпион, ниҳоят, қочоқ қашқирни қора қафасга қамади! Мени энди на Салмоннинг мураббийлиги, на Танзила, на поччамнинг таскин-тасаллиси қутқара олади. Мен Кенгсойда, кадрдон қишлоғимда, элу халқ кўз ўнгида шармандаю шармисор бўлишга маҳкумман, маҳкум. Аслида ҳам... бу барибир қачонлардир содир бўлиши керак эди.

Мен умидсизлана бошладим. Узун тигли пичоқни қайраб сафар халтамга солиб қўйдим.

«Ўлдираман! Аввал унга, кейин ўзимга пичоқ ураман!» — деган ўй калламда чарх уриб юарди.

Поччам сўнги режаларимдан беҳабар, худди қўп-қарига кирар отни кўздан кечираётгандек, мени тез-

тез кўриқдан ўтказди, бел-билакларимни ушлаб-ушлаб ўзича мамнун бош ирғайди.

«Хоразмча айтганда, жанли, бир чемпионга шу ёғи ҳам етиб-ортади» — деб қўяди илжайиб.

Бироқ шу кез шундоқкина қаршимда бошқа бир илжайган, тиржайган башара мени таъқиб қилиб турганини билмайди.

«Ўв, шартларимиз ҳали кучида, унутма шуни».

Давроннинг совуққонлик билан айтган бу гаплари кулоқларим остида бот-бот акс садо бериб, аъзойи баданларимни музлатиб юборади. Унинг неларни назарда тутганини тусмоллар эканман, алам, ғазаб, хавотир юрагимни ёжимлай бошлайди.

Хотинини киморга ютқазиб қўйганлар, қарзга ботиб, эвазига аёлини қўшқўллаб тутқазганлар қисмати ҳақида эшитганларим бир-бир ҳаёлимдан ўтади.

«Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! — деб ич-ичимда бўкираман сафар тўрвамдаги пичокни пайпаслаб. — Қўзим очиқ экан, бунга ҳеч қачон йўл қўймайман».

Поччам кеча эртароқ уйқуга ётиб, яхшилаб дам олишимни тайинлаган эди. Аммо алам-изтироб исканжасида мижжа қоқмадим. Болалик хотиралари, севги кечинмалари капалакдек бир-бир кўз олдимдан қанот қоқиб ўтди, ҳаёлларим сертупроқ йўлнинг чанг-тўзонларидек тўзиди. Ширингина ухлаб ётган қизалоқларимга, мохитобон Танзиламга термилиб тўймайман. Мен тўлғанавериб уларни безовта қилишдан қўркиб, бир пайтлар хотиним қимтинибгина ўтириб, унсиз йиғлаган бурчакка тиқилиб олдим. Хўрлигим келди. Қўзларимдан силқиб чиққан ёшни кафтларим билан артиб, ўкириб юбормаслик учун тахмондаги кўрпачаларга юзимни босдим.

Бир пайт Танзила илкис бошини кўтарди. Қизалоқларим устидаги ёпинчиқни тўғрилаб қўйган бўлди-да, шарпадай сирпаниб, тунчироқнинг сарғиш-қизғиш ёғдуларига қоришиб ёнимга келди. Ҳеч гап-сўзсиз бўйнимдан қучиб, бошимни кўкрагига босди:

«Хаммасидан хабарим бор, — деб пичирлади сочларимни силаб, — кенгсойликлар манглайингизга номард деган тамға босиб жўнатишсаям мен сиздан воз кечмайман. Менинг ор-номусим ҳам, шон-шухратим ҳам сиз-ку! Сизнинг кимлигингизни Танзиланинг юраги ўша тутзор ёқасидаёк билиб бўлган. Бутун дунё бошингиздан маломат ёғдирсаям, у ҳеч қачон ўчмайди. Номаъқул хаёлларни калладан чиқариб, энди бироз дам олинг».

Ажаб, хотинимнинг шивирларини алладай тинглаб ўтирган жойимда кўзим илинибди! Эрталаб алланечук тетикланиб, фикрларим тиниқлашиб турдим.

— Эй, эй, полвон, — деб елкамга туртди поччам машинасини бир чеккада тўхтатиб, — Кенгсойга келдик, уйғонсанг-чи.

Мен оғир қўзғалиб қўзларимни очдим.

Чор-атроф шомнинг куйган кулидай кирчил қўйлагига бурканган эди. Таниш тутзор, таниш йўллар, узокдаги уй-иморатлар ғира-шира кўзга ташланади. Поччам ёнгинамиздан беш-олтита қўй-қўзини хайдаб ўтаётган қарияни гапга тутди.

— Ассалому алайкум, боважон, хорманг. Кенгсой шуми?

— Ваалайкум, ха, шу.

— Қишлоқда нима гаплар, бова?

— Тўй бўлаяпти, томоша бўлаяпти. Қувондиқ қайсар чошгоҳдан бери бутун қишлоққа ош тортиб ётибди. Казо-казо каттаконлар ҳам шу ерда. Ҳозир олиш бошланади.

Чол молларини ҳайдаганича биздан узоқлашди.

— Умуман олганда, бунақа расмий турнирлар кундузи бўларди, нега булар кечки пайт ўтказяпти, билмадим, — деб қўйди поччам ажабланиб.

Сабабини жуда яхши билсам-да, мен индамай елка қисиб қўя қолдим.

Катта йўл тарафдан шитоб билан келган икки машина чироқларини ёқиб-ўчириб, ёнгинамиздан физиллаб ўтиб кетди. Ҳойнахой, улар ҳам кураш томошасига ошиқаётган эди.

— Энг аввало эътибор учун раҳмат, — дея ўнг кафтини яна кўксига қўйди, — биз халқ хизматидаги ўғиллармиз, оксоқолларнинг таклифини қабул қиламан.

Даврада тагин қий-чув кўкка ўрлади.

— Лекин бир илтимосим бор, — деб гапида давом этди Даврон бош ҳакамга юзланиб, — бизнинг кураш расмий эмас, шунчаки, халқона бўлади, шунинг учун тўй-томошаларда баковуллик қилиб юрган юртдошларимиздан бирини таклиф этсак, бизнинг курашни кузатиб турсалар.

— Марҳамат, жуда яхши, — деди баланд овозда бош ҳакам, — сиз ўзингиз айнан ким баковул бўлишини истайсиз?

Даврон атрофга ўзича бир аланглаб қўйди.

— Мен қишлоғимиздаги жуда кўп кураш томошаларида баковуллик қилган Эргаш акани танлаган бўлардим. Агар у киши даврада бўлсалар, марҳамат, ўртага чиқсалар. Бу киши ҳалоллиги, холислиги билан ҳар доим элнинг ҳурматини қозониб келган.

— Эргаш ака, шу ердამисиз, — деб чорлади бош ҳакам чемпионнинг қўлидан микрофонни олиб. — Марҳамат, майдонга чиқинг.

Даврада ғала-ғовур, жонсарақлик қўпди.

«Ах, мараз, ҳаммасини пухта ўйлабди! Домилланинг тўйини айнан такрорламоқчи бу!» — деган хаёл бутун вужудимда чакмоқдай чакиб ўтди.

Бироздан сўнг давранинг қай бир бурчидан Эргаш мироб сидирилиб ўртага чиқди. Анча тўлишиб, лапанглаб қолибди. Хатто соқол ҳам қўйиб юборибди. Томошабинлар қийқириқлар билан уни ҳам олқишлаб қўйган бўлишди.

— Барибир чемпионимизга талабгор чиқмайди, ўзим олишадиганга ўхшайман, — деб ҳазил қилган бўлди Эргаш ака.

Шу орада полвонлик либосларини кийиб ўртага чиққан Даврон даврани вазмин айлана бошлади. Казо-казолар тўпи ҳам аввалу охир воқеаларни қизиқиш билан кузатиб ўтирарди.

— Шахри Тошкентдан келган Даврон полвон Қувондиқ ўғли! Қани, унга талабгор борми? — дея қичқирди бир соатлик баковул у ён-бу ён юзланиб.

«Уккағар, писмиқ, — хаёлимдан ўтди менинг, — атай «Қувондиқ ўғли» деб қўйди. Собиқ раисга яхши кўринмоқчи».

— Қани, давра совимасин, полвонжонлар, майдон махтал бўлмасин, — деб яна хайқирди Эргаш мироб.

Поччам кўзлари чақнаб елкамдан кучди.

— Худо юзингни ёруғ қилсин, қайним, қани, чиқа қол.

Мен одамлар дабдурустан таниб қолишидан чўчиб, чопонимни, қалпоғимни ечмай ўртага оёқ босдим. Аммо уч-тўрт қадам қўяр-қўймасимдан:

— Ия, бу ўзимизнинг Норсоат-ку! — дея қичқириб юборди кимдир.

Даврада ғала-ғовур, шивир-шивир жонланди. Туйқус мени таниб қолган баковулнинг ҳам ранг-рўйи ўзгариб, виқор билан юриниб турган жойида таққа тўхтади, казо-казолар томонга хавотирли кўз ташлаб қўйди. Фақатгина Даврон бу воқеаларнинг ўзига сира дахли йўқдай, оёқ остидаги похол тўшмадан кўз узмай давра айланиб турарди.

Мен яна жойимга қайтиб, чопонимни, қалпоғимни ечиб поччамга тутқазарканман, теваракдаги шивир-шивирлар қулоғимга чалинди.

«Илгари бир тўйда Давронни шу чалпак қилиб урганди».

«Эсим-да, қандайдир кизни талашиб, гаров ўйнашган».

«Фирром олишган экан деб мен эшитиб эдим».

«Ўша қиз кейин нима бўлди экан?»

«Билмадим... бошқа бировга тегиб кетди-ёв».

«Кетдик, кенгсойликлардан сўраймиз».

«Матч реванш...» — деди пиқиллаб кимдир.

Одамларнинг гап-сўзларидан, давранинг завқ-шавқидан мен анча тетиклашиб, жўшиб қолган эдим.

кам ер искашини хохламайман. Билмаганлар билиб кўйсин, Норсоат дунёдаги энг кучли полвон экан.

Даврон шундай деди-ю, бош ҳакам узатган тўнни елкасига илиб, яна тўрт томонга таъзим қилди.

Давра гувуллаб, гулдурос қарсак чалиб юборди.

Мен ҳангу манг, кўру кар ҳолатда жойимда қотиб қолган эдим. Поччам чопқиллаб келиб қўлимдан етаклаб кетди.

Даврон яна микрофонни қўлига олди.

— Азиз юртдошларим, сизлардан, мана бу ерда ўтирган устоз Абдусалом аканинг фарзандларидан, оксоқоллардан бир илтимосим бор эди. Агар мени чинданам яхши кўрсаларингиз, устоздан ёдгорлик қолган сибизгани менга берсангизлар, илтимос.

Давра яна гулдурос қарсақлар, кийқириклар билан чемпионни олқишлади.

Бу орада оёққа туриб кетган Қувондиқ қайсар қоядай кад кериб чор-атрофга мамнун илжайганча кўз ташлар, кимларгадир алланима дея бош ирғар эди.

Мен ич-ичимдан қуюндай қўзғалган қувончу хўрликка қоришиб Даврондан кўз узмай турардим. Дўстим ёнидаги бош ҳакамга нимадир дедию, секин сидирилиб давра ташқарисига чиқиб кетди.

— Қани, ёш полвонлар, яна даврага марҳамат, — деди бош ҳакам тагин микрофонни қўлига олиб.

Мен ҳам одамларни суриб-туртиб давра ташқарисига чиқдим. Муздек эпкин юз-қўзимни хуш силаб ўтди.

Юрагим гурс-гурс урган қўйи Даврон кетган томонни тусмоллаб жўнадим. Адашмаган эканман. Дўстим елкасига оғир юк ортилган ҳаммолдай машиналар томон оғир-оғир одимларди. Ортидан югурдим.

— Даврон, — дедим товушим титраб, — дўстим...

У охиста ортига ўгирилди. Мен уч-тўрт қадам бе-рида беихтиёр тўхтаб қолдим.

— Нега ундай қилдинг, нега?

— Сен... сен ростданам дунёдаги энг кучли, энг довюрак полвонсан, Норсоат.

Томоғимга тикилган қувончу хўрлик кўзларимдан тиркираб чиқа бошлади.

— Кечир мени, дўстим, илтимос, кечир.

— Йўқ, сен кечир, — деди Даврон ҳам товуши титраб, — сенга кўп озор бердим.

Овозим тобора хириллаб, сўниқ чиқарди.

— Сен мард, ҳалол инсонсан...

— Йўқ, сенга тенг келолмайман, — деди Даврон кафтларини кўзига тегизиб оларкан, — сен мардларча севгининг қули бўлолдинг, мен эса ҳали севгининг ўзини ҳам тополганим йўқ.

Биз юзма-юз туриб қолдик.

— Қанчадан-қанча майдонга тушдим, не бир полвонларни йиқитдим, — деди Даврон чуқур тин олиб, — лекин доим ўзимни мағлубдай ҳис қилдим, ҳеч қўнғлим кўтарилмади.

— Нега, ахир...

— Чунки Танзила урган шапалоқнинг аччиғи, кўзларидаги нафрат мени доим қувиб юрди.

— Илтимос, бизни кечир, Даврон, — дедим очиқ-ошкора кўз ёшларга қоришиб.

Дўстим оғир-оғир бош чайкаб, узун уф тортиб юборди.

— Дунё кезиб, икки ҳақиқатни англадим, Норсоат, энг биринчиси, чин полвоннинг жойи панада экан, шуни билдим. Иккинчиси... ҳар полвоннинг ўз сибизғаси бўлсин экан...

— Устознинг гўри нурга тўлсин, илоё.

— Ҳа, у инсон минг-минг марта ҳақ экан.

— Ҳали ҳам девдай кучли экансан.

— Мен тоққа туртиниб кетгандай бўлдим, боя.

— Норсоат, — деди дўстим мушт қилиб тугилган қўлини боши узра кўтараркан.

— Даврон, — дедим мен ҳам ҳавога қўл сермаб.

— **Қуёш ҳали ботмаган!**

Иккимизнинг хайкириғимиздан қўқ тўла юлдузлар тўзиб елкамизга сочилгандай бўлди.

Биз Абсал полвонни яна қайта топиб олган эдик.



ХИЗР КЎРГАН ЙИГИТ

*Қонун тақиқлай олмаган нарсаларни
гоҳо номус тақиқлай олади (агар у бор бўлса)*

Сенека (ва Аллаким)

Кечагина эшагига қийшиқ минган қишлоқи эдим,
бугун эса ажабтовур машина ўриндиғида ястаниб ўти-
рибман-а?! Нахотки, Хизр кўрганим чин?!

* * *

Уч-тўрт тўй-томошада уч-тўрт донгдор курашчининг
курагини ер искатиб полвон номини олдим, Қоржов
полвон бўлдим. Эл-улус Чоршанби чўпоннинг кенжа-
си Хизр кўрган, энди икболи баланд бўлади деган
гап-сўз тарқатибди. Мен қулибгина кўярдим. Тусмол-
дан биламан, бу миш-мишларни бўйинсам Ҳусан —
Улаш агрономнинг ўғли тўкиб-бичиб тарқатган. Ўзи
қўй кумаловидеккина бўлса ҳам ҳовлиқмалиги оламни
бузади, устига-устак, отасининг шоирлигидан оз-моз
юққан — гапдон, дарров тўкиб-бичади, кўпиртиради.

Аслида ҳаммаси кеч кузнинг изғиринли кечалари-
дан бирида жўнгина бўлган эди.

Ўшанда Ҳусан икковимиз қўшни совхоз фермаси-
дан товуқ ўғирлаб келгани кетаётган эдик. Бизникида
синфдошлар йиғилишиб, бир зиёфат уюштирмакчи
бўлганмиз-да, гўшт топиш Ҳусан икковимизнинг бўй-
нимизга илинганди. Шу сабаб шом шафағи кизарган
маҳал эшакларимизни қичаб-қичаб йўлга тушдик.
Кенгсой дашти бошланганда гира-шира коронғилик
иниб қолди. У ёқ-бу ёқдан гангир-гунгур гурунглашиб
борапмиз. Ҳусан нукул мактангани-мактанган. Келгу-

— Мулла бова, сиз кишлоққа кетаверинг. Мен молларингизни топиб изингиздан ҳайдаб бораман, — дедим.

Танасига иссиқ югуриб, анча-мунча бийронгина бўлиб қолган мулла Мирза дуо устига дуолар қила кетди.

— Илоё, художоним ўзи сенга паноҳ бўлсин, илоё суйганингга етишиб қўша қаринглар, илоё менимас хазрати Хизрни кўрган бўл...

Мен қария билан бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтмадим... Тўғрироғи, хокисор мўйсафидни у ер-бу ерда ҳазил-мазах қилишларини истамадим. Бироқ унинг дуо-илтижолари юрак-юрақларимга сингиб кетган эди. Шунинг учун ҳам ўша кеч Хусанни кишлоқда қайта учратганимда мактаниб қўйдим: «Бекор қочиб кетдинг-да, мен хазрати Хизрга дуч келдим...».

Хусан гап-сўзларимга лаққа ишонган экан. Кейинчалик ўзидан қўшиб, тўкиб-бичиб кимларгадир етказибдию шу-шу одамлар орасида Хизр кўрганга чиқиб қолдим. Энг ғалатиси шундаки, ўша воқеадан сўнг кетма-кет омадим чопавергач, одамлар оғзидаги чўпчакка ўзим ҳам чиппа-чин ишона бошладим: «Балки Хизр... мулла Мирза бўлиб кўринган...»

Мен курашга қўнгил берган эдим. Аввалига у-бу тўй-томошаларда хашаки полвонлар билан беллашиб кўрдим. Қарасам, оппа-осон ғолиб бўляиман. Сўнг сал даврани исини олганларининг белбоғидан тутдим. Улар ҳам полвонлик сиёғимга тан бериб, мағлубларча майдонни тарк эта бошлашди. Кейинчалик уч-тўрт номдор курашчиларнинг курагини ер искатдим у эл-улус мени олқишлай берди.

Ўрта мактабни битириб гангиб юрган пайтларим эди. Дўст-жўраларнинг кўпи катта-катта ўқишларни кўзлаб, катта-катта шаҳарларга катта-катта орзулару катта-катта тугунлар билан кетишган эди. Мен отамга кўмак бериб юрибман. Отам эса мени ўқитишга қўли калталиқ қилаётганидан хижолатланади, иш-юмушларни ҳам ботинмайгина буюради. Биламан, у менинг ўқимишли бўлиб, бирор бир амалдорлик кур-

сисини эгаллашимни жуда-жуда хоҳлайди. Хатто бир гал бу хакида ўзимга кўнгил ёзган.

Ўшанда бахорнинг адоқлари эди. Отам қишлоғимиздан ўн чақиримча наридаги отарга чиқиб кетган. Мен мактабдан бўшадим дегунча ўша ёққа отланаман. Туллаш мавсуми тугаб чўпоннинг ташвиши андак ариган бўлса ҳам, менга ўхшаган полвонлардан беш-олтитасининг тинкасини қуритадиган юмуш хамиша топилар эди.

Қуёш кўнглимдай чарақлаб турган кунлардан бирида одатдагидай отарга жўнадим. Ҳаво иссиқ эди. Ўт-ўланлар аллақачон қовжираб сарғайган. Теварақдаги қир-тепаликлар беҳол сулайган туяларга ўхшайди. Бир бўзтўрғай баланд учиб, қуёш тифларига тўш урган кўйи бўзлаб ётибди. Аҳён-аҳён менинг ҳам лаб-лунжимдан ажабтовур хиргойилар чиқиб кетмоқда.

Вақт пешиндан окқан бир маҳал ҳарсиллаб-лорсиллаб отарга чиқиб бордим. Нақ тантананинг устидан чиқиб қолибман. Ўтовимиз ёнида илгари ҳам бир-икки кўрганим — туман амалдорларига тегишли «Волга» автоулови савлат тўкиб турар эди. Отамнинг чўлиқларидан бири ўчоққа ўт ёкиб, қора қозонни тўлдириб гўшт қайнатмоқда. Менинг эса ич-ичимда алланечук ғазаб, алланечук алам қайнаб тошяпти: ахир, анови автоулов не сабабдан келганини, ичкарида кимлар ўтирганини билардим-да. Улар ҳар йилнинг шу фаслида, албатта бир бор пайдо бўлишади. «Қахратонда қирилди... йиртқичлар еб кетди... туллашда нобуд бўлди...» деган бахоналар билан сурув-сурув қўй-қўзиларга акт-ҳужжат тузишади. Аслида ўша «қирилиб кетган» жониворлар қир-адирларни тўлдириб ўтлаб юрган бўлади. Фақатгина давлатнинг мулк дафтарида ўчирилиб, ўша акт-ҳужжат ижодкорларининг хусусий мулкига айлангани. Шу сабаб ҳам отам боқадиган сурувнинг хийлагинаси аллақандай амалдорларга тегишли чорва эди. Эсимни таниб бундай «фокус-мокус»ларни англаб-билганим сайин ўзимни қўярга жой тоиолмай қолаётган эдим, гоҳ жаҳлим чиқар, гоҳ хўрлигим келарди. Шу

Мен эса қайнаб ётган қора қозон қошидаги чўлиқни хангу манг қолдириб, дашт томон чошиб кетдим.

Ўша куни кечқурун яйловдан қайтганимда арзанда амалдорлар жўнаб кетишган экан. Отам мени бамайлихотир кутиб олди. Бугунги ғазаб-нафратим қора ўчоқнинг тутунидай тарқаб кетган бўлса-да, алам-изтироблар хануз ўчоқ тубидаги кулдай таъбимни тирриқ қилиб турар эди.

— Нега бугун ўз бошингга тизинглаб қолдинг? — дея сўради отам, кўтон ёнидаги харсангга ўтирар экан. — Меҳмонларнинг олдида уялтирдинг-ку?!

— Улар меҳмонмас... — тўнғилладим мен ҳам чўпон таёғимга ўмган тираб. — Ўғрилар... тирик молларни ўлдига чиқариб...

— Тавба, акт қилишганини энди кўряпсанми? Хар доим шундай-ку?! Бунинг нимаси орқангни қичитяпти?

— Ота... — дедиму яна ўчиб қолдим, бутун дарду аламимни якқол ифодалайдиган сўзни тополмай қийналар эдим. — Ота, шу сизга зарилми, а? Нима, уларнинг олдида муттахаммисиз, қулимисиз шу энағарларнинг? Давлатга қарашли молнинг шўрини қуришиб ётган шулар-ку? Шу қузғунлар нима деса, доим қўнасиз...

— Хўш, нима қил, дейсан?

— Қўлингизга таёқ олиб қувламайсизми барини? Қўйдаи бўғизлаб ташламайсизми?

— Нима учун? Давлатнинг молига акт тузиб ўзиники қилиб олгани учунми? Менга нима?! Боқиб юрган сурувим ўзимники бўлмагандан кейин, менга нима фарқи бор, давлатникими ё каттаконларникими? А, нима фарқи бор?

Мен мик этолмай қолдим. Отамнинг зардасида жон бор эди. «Чин-да, фарқи нима» деган гап лип этиб хаёлимдан ўтди менинг. Бироқ бу ўй барибир таскин беролмас, ўша алланечук алам-изтироб ич-ичимдан чарх уриб ётар эди.

— Фарқи бор, — дедим зўрға, ўз эътирозимга ўзим ҳам ишонмай. — Бировларнинг қули бўлгандан кўра давлатнинг ҳақиқий чўпони бўлган яхши.

Отам хахолаб кулди. Бу шунчаки зўраки, меникидан-да ортиқ алам, нафрат калкиб турган кулги эди.

— Ха-а, нодон бола-я, — деди отам бош чайқаб. — Сен қурмағур қўп валдирама. Билмасанг билиб қўй, сен айтган ановилар бировлар эмас, давлатнинг ўзгинаси! Ха, мен улардан қўрқаман! Улар қўрққаним учун менга нон беради, тамом-вассалом. Сен, серри, бир-икки ним-кала полвонни йиқитдим, деб катта кетма! Давлатдан қўрқ, уларнинг қонунидан қўрқ...

Мен ҳануз чўпон таёғига кўкрак тираб, энтикиб турар эдим.

— Агар менга ичинг ачиса, сен ўқи, — дея давом этди отам, овози алланечук майин тортиб, — ўкигин, болам. Сен ҳам бир истални эгалла. Сен ҳам ўтов тўрида ёнбошлаб маишат қил, акт ёз. Ана шунда отангнинг кўнгли тоғдай кўтарилади, ана шунда чарчоқларим таркайди, болам. Ана шунда чин зўр саналасан, бу иш таёқ кўтариб бировларни қувлаб юргандан ҳам соз бўлади. Ўқисанг, арбоб бўлсанг, таёқ кўтарганинг мингтаси оёғинг остига кигиздай тўшалади...

Туйқус отамнинг овози хирқираб, кўзлари ёшланиб дуога чоғланган қўллари қўк томон чўзилди:

— Оми-и-ин, худо-ё, биз бечоралардан ҳам муруватингни аяма! Кўзим очиқлигида, ҳеч қурса, кенжамнинг ўқимишли арбоб бўлганини кўрай, илоё...

Қизик, ўшанда отамнинг илтижолари қабул бўлди, ё менинг Хизр кўрганлигим чин чиқди, ишқилиб, синфдош жўраларим катта шаҳарларни кўзлаб кетган, мен гангиб, отам хижолатланиб юрган кунлардан бирида, ниҳоят, омад деганлари биз ёққа ҳам кулиб боқди.

Саратоннинг ҳароратли оқшоми эди. Мактаб директори пўрим уст-бошли, саватдек сочлари жингалак, митти кўзлари зийрак, афт-ангорига шаҳар нукси урган, серғайрат, сергап бир кишини бошлаб келди. Тағин бир тафтишчи бўлса керак, деган хаёлда доддираб турган отам кутилмаган меҳмоннинг қош-қобоғи очиқлигидан, ўзини эркин, қувноқ тутишидан сал-пал хотиржам тортди.

— Мени танимадингиз-а, Чоршанби бова? — деди меҳмон кулимсираб.

Отам сийрак соқолини тутамлади:

— Кўзимга иссик-иссик кўриняпсиз-у... қарилик курсин...

— Олашўрлик Худоёр махсумнинг улиман, отим — Тоштемир.

— Э, ха-а, — деди отам танигандай бўлиб, — ҳам-соя эканмиз-ку...

Йўқ, Тоштемир ака кўп ҳам ҳамсоя эмас экан. У ўн-ўн беш йилдан бери пойтахтда яшар экан. Ўша ёқда аввал ўкиб, сўнг ишлаб, нон-насибасини териб юрган эмиш.

Биз қутилмаган меҳмон учун баҳоли қудрат дастурхон ёздик. Мен совчиларни сезган қари қиздай оёғим олти, қўлим етти бўлиб хизмат қилар эдим.

— Ўғлингиз Қоржовбойнинг доврўғини эшитиб келдим, — деди гап орасида Тоштемир ака, қўй қатигидан ҳузурланиб ичаркан. — Ўзим ҳам бу полвоннинг бирикки курашини кўрганман...

Мен ҳаяжондан терлаб кетган эдим. Тоштемир ака мени шаҳарда тарбиялаб, шуғуллантириб катта спортчи қилиш ниятида экан! Айтишича ўзи ҳам дзюдо кураши бўйича спорт устаси эмиш.

— Бинойи, бинойи... — дея минғирлади отам норози бир қиёфада. — Мен буни ўқитсам, деган ҳаёлда эдим.

— Албатта, ўқитамиз-да, — деди тағин жонланиб Тоштемир ака, — спортчилар учун ҳамма институтларнинг эшиги ланг очиқ...

— Бинойи, лекин... бу... савил қўлимиз калта-да...

— Ие, бова, мен сиздан бирор нима беринг, деб талаб қилаяпманми? Ҳаммасини ўзим тўғрилайман. Лекин бу йил кеч. Ҳозирча Қоржовбой биз билан шуғулланиб спортда ўзини кўрсатиб турсин, келгуси йил, худо хоҳласа, ўқишга жойлайман...

Шундай қилиб, эртақлардагидек бир юмалаб пойтахтга келиб қолдим. Одамларнинг гавжумлигидан,

серкатнов машиналарнинг шовкин-суронидан бошим оғриди, кўнглим аиниди. «Ничево, хали кўникиб кетасан», деди Тоштемир ака мени кўчама-кўча, идорама-идора етаклаб юрар экан.

Тез орада бир ижара уйга жойлаштирилдим. Бу ерда бўйдор, хайбатли уч-тўрт йигит мени лоқайд, нописанд кутиб олишди. Кейинчалик ҳаммамиз дўстлашиб, ака-укадек киришиб кетдик. Ахир, барчамиз курашчи, бир спорт клубининг аъзолари эдик-да, кет кўяр кўрпамиз, ош еяр товоғимиз бир эди. Ҳамхужралардан иккови номи жарангдор институтларда, бирови аллақандай коллежда ўқийди, тагин бир шерик менга ўхшаб келгуси йилни пойлар эди.

Мен бу ерда барчамизнинг бош-қошимиз, ғамхўримиз Тоштемир ака эканини кунма-кун, соат сайин англаб, хис қила бордим. Андак кейин билдимки, бундай жонкуяр зотлар «менеджер» деб аталар экан. (Менеджерми, мени жерми, ишқилиб, шунақа).

Сергап, серғайрат, оғзида ҳамиша сақич, спортчиларга хос енгил, ихчам кийиниб юрадиган Тоштемир ака хайратимга хайрат қўшар эди. Чиндан-да Тоштемир эди у! Шу одамнинг ётиб ухлашига ҳеч ишонқирамасдим, қачон қарасанг, тик оёқда, жанговар, аллақайларгадир шошгани-шошган... Ҳар куни машқ-машғулотлар чоғлари бирга бўлсак-да, кечки пайтлар хужраимизга, албатта, бир бош сукиб ўтарди у. Албатта, ҳамишадаги шиорнамо насихатини бот-бот такрорлайди: «Чекишдан, ичишдан, сексдан сақланинг!»

Куз охирлари, қишнинг бошлари биз учун қизғин мавсум эди. Тоштемир ака бошчилигида жануб вилоятларига кетар эдик. Тўйма-тўй, тантанама-тантана изғиб, кураш тушамиз. Ютуқ-совринларимиз тоғдай уюлиб кетади, ҳамёнлар қапшаяди. Лекин хужрага қайтиб келганимизда тоғдай совринлару қаппайган ҳамёнларнинг чўғи пасайибгина колганига гувоҳ бўлар эдик. Мен аввалига эътибор бермай юрдим, кейинчалик уқдимки, биз полвонларнинг топган-тутганидан тузуккина улуш менеджерга (мени жерга) тегишли бўлар экан!

— Қарз-парздан гап очманг, бова. Бизларни дуо қилиб йўқлаб турсангиз, бас. Хай, қўнглингиз жойига тушмаса, ана, ҳимматингизга қаранг, бир-икки қўзини бизга атаб сурувга қўшиб қўйинг, қўпайишиб юраверсин. Лекин қарз-парздан гап очиб, мени хафа қилманг, дуода бўлинг, бова, дуода. Ахир, савоб ҳам керак-ку...

Мен беҳуда хавотирланган эканман. Бошқаларини билмадиму, бироқ ҳуқуқшуносликка ўқишдан осони йўқ экан. Бир жуфтгина дафтарни қўлтиққа қисиб бориб-келиб юравердим. Унча-мунча расмий мусобақаларда танилиб қолганимдан обрўйим ҳам зўр эди. Ҳатто, коллеж директорининг ўзи ҳузурига чорлаб қўлимни қисиб қўйган: «Кураш майдонларида коллежимиз номи жаранглаб турса бас, бу ёғидан хавотир олманг...» Худо бергани шу-да, гоҳ машк-машғулотларни, гоҳ тайин-бетайин мусобақаларни бахона қилиб дарсларга ўлда-жўлда қатнашар эдим. Тоштемир ака ҳамишагидек рахнамо, ҳамишагидек бош-қоп. (Мени жер!)

Нуфузли мусобақалардан бирида устоз билан аразлашиб қолдик. Ўшанда ярим финалга жуда осон чиққан эдим. Тағин озгина ғайрат кўрсатсам, мутлақ ғолибга айланишим тайин эди. Бироқ ярим финал беллашуви аввалида Тоштемир ака мени бир чеккага тортди:

— Қоржов, сен йиқилиб беришинг керак, — деди у шивирлаб.

Мен хайрон қолдим:

— Нега?!

— Шунақа ишлар... У ёк билан келишдик, ғалаба уларга, соврин бизга, қалай?

— Йўқ, бунақаси кетмайди, ҳалол курашамиз, — шундай дедим-у, бироқ ич-ичимдан барибир қўнишимни сезиб турар эдим.

— Қоржов, тушун, бу таклиф улардан чикди. Рақиб томон сендан қўрқяпти, товон тўламоқчи. Де-мак, сен маънавий ғолибсан.

— Йўқ, — дедим ўзимни қайсарликка солиб, — майдонда ғолиб бўлишни истайман.

— Уф-ф...

Тоштемир ака тумшайди-қолди. Узок вақт хона деразасидан ташқарига термилиб ўзича ғам-ғуссага ботди. Хатто, сақич ҳам чайналмай қолди. Мен устозимиз бу ёғига қандай чора топишига қизиқиб, зимдан уни кузатиб турардим.

— Эсиз яхшилик, эсиз меҳнатим, — дея ўзига-ўзи гапиргандай минғирлашга тушди Тоштемир ака. — Сени қишлоқда битга беланиб ётганингда шаҳарга опкелдим, элга қўшдим, ўқишга жойладим, эвазига нима топдим... Мана, ҳурмат, мана оқибат...

Тоштемир аканинг ёзғиришларидан уни билмадим-у, мен енгил тортдим. Ич-ичимни тирнаб юрган аллақандай саволларга ниҳоят жавоб топгандай бўлдим.

— Ҳазиллашдим, устоз, мен розиман, — дедим зўраки илжайиб. — Ановиларни хурсанд қилаверинг.

Тоштемир аканинг кўзлари бир қур порлаб кетди. Жағлари шитоб билан сақич чайнашга тушди.

— Балли, бокса одам бўласан, — дея ўшшайди ўзича эркалаб.

Ҳаммаси Тоштемир ака истагандай бўлди. Ярим финални атай бой бердим. Устоз мўмайгина товон пулининг бир қисмини қайта-қайта санаб менга узатди.

Мен унинг қўлини заҳархандалик билан силтаб ташладим.

— Устоз, менга маънавий ғалаба ҳам етарли, моддий ғалаба сизга бўлақолсин...

Ха, дабдурустдан худди шундай деб юбордим! Оғзимдан чиққан илмдорларга хос сўз ўзимни ҳам қойил қолдирди, ишқилиб, ҳуқуқшунослик коллежининг тупроғини бекорга ялаб юрмаган эканман.

Тоштемир ака ҳам юзимга бир зум анграйди-қолди: ё пурмаёно сўзларимдан хайратланди, ё дурустгина ҳақдан воз кечганимга ишонқирамади. Бироқ улушни олишимга ортиқ кистамади.

— Хай, майли, — деб қўйди у пулларни ўз чўнтагига қайта жойлар экан. — Бир кун суришиб кетармиз.

Шу воқеадан кейин ўртамиздаги омонат парда буткул йиртиб ташлангандай бўлди. Тоштемир ака кўз ўнгимда шунчаки Тоштемир (мени жер)га айланди-қолди. Унинг олдида бемалол оёқ узатиб ўтирадиган, узундан-узоқ жаврашларини (сергап-ку у!) шартта узадиган бўлдим. Қизиқ, Тоштемир ака бундай хатти-харакатимдан ҳеч бир оғринмас, билиб-билмасликка олиб қўяверар эди. Балки илгари ҳам унинг феъл-атвори шунақа бўлгану мен пайкамагандирман (ҳар қалай, хув, маънавий ғалабадан сўнг сезгир, шубҳақор бўлиб қолган эдим).

Ўша машмашадан кейин Тоштемир акага ўчакишиб, ўзбошимчаликлар қилишга ружу қўйдим. Энг аввал унинг «ичишдан, чекишдан... сексдан сақланинг» деган шиорини ўзимча бузишга киришдим. Бироқ дарров англадимки, бузғунчилик ҳам эплаганники экан. Бир дона сигаретни тутатиб бир сўргандим, ўпкам оғзимга тикилиб бир кун йўталиб юрдим. Ичкилик эса бундан беш баттар қилди. Аллақандай қаҳвахонага кириб ярим қадах ароқ сипқордим (устидан газак қилиш кераклигини қайдан билай), уч кун кўнглим айниб қусишдан бўшамай қолдим. Аммо... устоз таъқиқлаган учинчи гуноҳ иш шунчалар жозибали эдики... ҳали қўл урмай туриб, хаёлининг ўзиёқ лаззат бағишлар эди. Тўғриси, Тоштемир ака билан ғижиллашмасдан илгариёқ беихтиёр ўша учинчи гуноҳнинг куйига тушиб қолган эдим. Кўча-кўйда, коллежда қиз-жувонларни зимдан қузатиш жону дилим эди. Ўзимга-ўзим минг бир насихатлар қиламан, спортнинг одоб-ахлоқи ҳақидаги қоидаларни дуодай такрорлайман, бироқ ҳеч бир нафи сезилмади. Не-не полвонларларни ҳам бир силтовда синдирадиган ғаройиб бир куч мени етаклаб юрар, қулоғимга аллақандай сирли сўзларни шивирлар, учқур-учқур хаёлларга миндирар эди. Транспортлардаги тикилинчларда қиз-жувонларга суйқалиб туриш, уларнинг ҳидини искаш ҳузурбахш машғулотимга айланди-қолди. Шундай серсаргузашт кунлардан бирида оппоқкина жувонга илакишиб қолдим. Автобус-

— Қоржов-жо-он, ёнингизда қанча пул бор? — дея пичирлади у, синиқ бир товушда. — Анови ўлгурдан пича қарз эдим, қистаб қўймаяпти.

Мен бирор-бир эътироз билдиришга улгурмадим. Жувоннинг кейинги сўзлари нишонга беҳато тегди:

— Ўлгурни тезроқ жўнатиб юбормасам, икковимизга ҳалақит беради, — деди ғам-ғусса орасидан илжайиб. — Қарзга қолмасма-ан... суришиб кетами-из...

Мен, албатта, шунча харажатга қуйиб қолишни истамас эдим. Ноилож, чўнтакдаги бор-йўғимни чиқариб аёлга тутқаздим. Аёл бир чагнал пулни икки-уч қайта санаб, пичасини қайтиб берди:

— Ортиқчаси керакмас. Узр, Қоржовжон, сизни ҳам безовта қилдим. Мен ҳозир... бир минут, кутиб туринг, ҳўп...

Жувон дугонасини қўлтиқлаб, алланималарни жеркиб гапирганича ошхона ёнбошига ўтиб кўздан йўқолди. Мен лаззатли бир хаёллар оғушида кутиб ўтиравердим. Орадан ҳаш-паш дегунча ярим соатлар чамаси вақт ўтди-кетди. Хавотир билан аёллар кетган томон юрдим. Афсуски, минг синчиклаб тикилсам-да яқин ўртада уларнинг қораси кўринмади. Мен шундагина хаёлан жувонни ечинтириб турган чоғим, у аллақачон ўзимни ечинтириб, ипсиз боғлаб кетганини сездим. Хайрият, бу машмашага бирор-бир таниш-билиш гувоҳ бўлмади. (Хизр кўрганим чин, шекилли!) Аммо бу саргузашт ҳам фойдадан холи эмасди, катта харажатлар эвазига бўлса-да, ҳар қалай, аччиққина сабоқ олдим, Тоштемирнинг ўзи ёмон бўлса ҳам, у бот-бот такрорлайдиган спортчилар ақидаси нақадар яхши, нақадар ҳақ эканини чуқур ҳис этдим.

Хуллас, шундай қўшимча сабоқлар ола-ола ҳуқуқ-шунослик коллежини битириб қўйибман. Уч йил дегани ҳаш-паш дегунча ўтиб кетибди. Шу уч йил ичида отамнинг юзидан мамнунлик аримади. Ҳар гал кишлоққа борганимда мени ўтказгани жой тополмасди. Мен эса қўй-қўзиларнинг маърашини, гўнг исини соғиниб бор-

ганимдан ёш боладай ўйноқлаб кўтонларда изғигим келар эди. Ноилож, ўзимни катта шаҳардаги катта давраларни кўрган, сипо ва жиддий қиёфага солиб ўтираман. Бу ҳол отамга хуш ёқар, ҳамқишлоқларнинг хавас, ҳасадини келтирарди. Ака-опаларим ҳам наслимизга бир амал тегиб қолиши муқаррардек керилиб юришар эди. Айниқса, синфдош жўраларимнинг атрофимда гирдикапалак бўлишларини айтмайсизми? Гўё мен пиру комил, улар — хокисор муридлар! Аллақандай институтга кириш илинжида икки марта уриниб, икки марта ҳам омади чопмаган дўстим Хусан отамга чўлиқлик қилиб юрган экан (ахён-ахён ҳазрати Хизрнинг йўлини пойлаб Кенгсойнинг қир-адирларида изғишлари ҳам ҳозирча ҳеч бир наф бермабди). Мен ҳар гал қишлоққа борганимда дўстимга астойдил далдалар берар, кўнглини кўтардим.

Ўтган уч йил ичида отам мендан хабар олгани пойтахтга уч қарра келиб кетди. Уч марта ҳам ўзидан катта қопни орқалаб олган эди. Тандиркабобдан ҳузурландик. Тоштемир (мени жер)нинг рўзғори ҳам икки-уч кун овқат ташвишидан қутулди. Отам кўярда-қўймай коллежимизнинг талай кайвони ўқитувчиларини ҳам меҳмон қилди. Хуллас, меҳмонга келган мезбон ҳамманинг кўнглини овлади. Ўқитувчиларим ҳам қарзга қолишни истамагандай мени хўп мақташди, коллежнинг фахрига чиқаришди.

Отам бундан бир ойча бурун келиб-кетганида Тоштемир ака иккови мени ўртага олишган эди. Ўша кунлари коллежнинг битирув имтиҳонларини топшириб юардик.

— Энди-и, Қоржовбой, — деди отам салмоқлаб, — институтнинг ҳаракатини қиламиз.

Тоштемир ака ҳам зўр бериб бош ирғаганча отамнинг гапларини маъқуллаб ўтирарди.

Менинг кулгим қистади:

— Ота, институтга каллам кичкиналик қилади-да.

— Кўпчиликнинг калласи билан бир амаллаймиз-да, улим. Мана, устозинг ҳам иложи бор деяпти.

— Сендай спортчи институтларга ҳам керак, — деди Тоштемир ака ҳовлиққаннамо.

Мен елка қисиб қўя қолдим.

— Эсам гап шу, — ҳукм чиқарди отам. — Кўнгилгинани бўлмай, Тоштемир акангизнинг йўриғидан чикмай, шу атрофда қора бериб тураверинг, улим. Насиб бўлса, ҳаммаси бинойи бўлади. Худодан умидимиз бор...

Ўшанда отам билан пинҳона келишувлари жуда қатъий бўлганми, ҳар қалай, Тоштемир (мени жер) истикболим учун зимдан югуриб-елиб юрган экан. Кунни кеча коллеж билан хайр-хўшлашиб, ич-ичимдан алланечук русса қўзғалиб ҳужрамга етиб келганимда Тоштемир ака мени бетоқат кутиб турар эди. Юз-кўзлари тўла ҳаяжону завқ-шавқ.

— Қоржов! — деди у қаршимга қулоч ёйиб чиқаркан. — Хизр қўргансанми, нима бало? А?

Дарров англадим: омадим чопган. Ҳадеб омад қулиб бокаверса ҳам одамнинг эти ўлиб қоларкан шекилли, на қувондим, на ҳаяжонландим. Тоштемир аканинг кўнгли учун илжайиб туравердим.

— Бекқул Тўрақуловични ҳеч эшитганмисан? — деб сўради устоз, йўлакдаги курсиларга ўтирарканмиз.

— Ха, — дедим бош ирғаб, — бир марта қўрганман.

Рост. Учинчи курснинг бошларида коллежимиз ҳовлисига серҳашам, ойналари қоп-қора бир автоулов сувдаги оккушдай енгил, шовкинсиз келиб тўхтаган эди. Бунгача «Бекқул Тўрақулович келяптилар!», деган андак ваҳимали, андак ҳаяжонли шов-шув яшиндек тарқаб улгурган, коллежнинг директоридан тортиб фаррошигача дарвоза ёнида қўл қовуштириб туришар эди. Автоуловдан ораста кийинган оқ сочли, қора кўзойнак таққан, ўрта бўй, олтамиш ёшлар атрофидаги бир зот викор билан тушди. Директор етовидаги бир гуруҳ ўқитувчилар тавозе билан уни қуршаб олишди. Кейинчалик билишимча, Бекқул Тўрақулович барча ҳуқуқшунослик, қонуншунослик ўқув юртларининг раҳнамоси экан!

— Беккул Тўрақулович буюк олим, — дея оф-зидан бол томиб таърифлашга тушди Тоштемир ака. — Қонунчилик илмини сувдай симирган. Қонунчилик бўйича бир... уч юзтача китоб ёзган-ов, университетда маърузалар қилади. Ҳозирги амалдаги қонун-қоидаларимизда Беккул Тўрақуловичнинг хиссаси жуда катта. Ишонмасанг, ана, қонунчилик бўйича ёзилган китобларни очиб қара, жиноят кодекси дейсанми, маъмурий процессуал кодекс дейсанми, ҳаммасида устознинг исм-шарифлари бор. Бирида муаллиф, бирида масъул муҳаррир...

Тўғриси, коллежда уч йил ўқиб бундай узундан-узоқ маъруза эшитмаган эдим. Тоштемир ака кўзларини ярим юмиб, худди сеҳрли бир эртақ сўйлаётгандай мароқ билан гапирар эди. Икки-уч эснаб, икки-уч уф тортишларим ҳам қор қилмади.

— Беккул Тўрақулович қаттиққўл раҳбар, ўта виждонли инсонлар. У киши ҳаётда қонун устуворлигидан бошқасини тан олмайдилар. Порахўрлик, таниш-билишчилик деган иллатларнинг ашаддий душмани. Билимни, меҳнаткашликни қадрлайдилар...

— Э, бўлди-да, — дедим охири чидаёлмай, — бу гапларнинг менга нима алоқаси бор? Қизиқ экансиз, устоз...

Тоштемир ака уйқусида алаҳсираб ётган одамдек туйқус кўзларини катта-катта очди, мамнун илжайди:

— Ана шу кишининг сенга назари тушган.

— Назари тушган? Менга-я?

Тавба, ҳазрати Хизрдан ҳам бошқа назаркардалар борлигини ҳеч ҳаёлимга келтирмаган эканман.

— Сени ўзига хос соқчиликка танладилар, — деди устозим хануз мамнун киёфада. — Шахсан ўзларига телохранитель бўласан!

— Нима, мендан бошқа зўрлар қурибдими?

— Билмадим... номзодлар кўп эди. Сенинг хужжатларинг билан танишиб, шу полвон бизга маъқул, дептилар. Тўғри... биз ҳам қараб турганимиз йўқ, баъзи бир акахонлар аралашинди, ишқилиб... сен учун ўлиб-тирилдик.

— Қонун химоясидаги одамга қўриқчи нега керак экан?..

— Бу ҳам бир престиж-да, Қоржов,— дея чуқур тин олди Тоштемир ака. Бундай хушхабарни чапак чалиб кутиб олмай эзмаланишим эңсасини қотираётганди унинг.

Тан олиш керак, аслида, мен ҳам ич-ичимдан қувониб, илоё, омадим чопгани чин бўлсин, деб турибман. Бироқ бирор ишкали чиқиб қолмасин тағин деган ўй ҳам тинчлик бермаётганди (Ахир, ошхонадаги воқеа анчагина сермулоҳаза, талбиркор қилиб қўйганди-да).

— Беккул Тўракуловичнинг шу пайтгача қўриқчиси йўқмикан? — деб сўрадим ўзимча бепарво.

— Бўлган. Ҳамма гап шунда-да, — тағин илҳомланди Тоштемир ака.— Беккул Тўракулович хизматга яраша ғиммат кўрсатадиган киши. Қўриқчисини сийлаб яхши бир ишга жойлаб қўйганлар. Энди ёш кадрлардан олмоқчи.

— Устоз, қўйинг шу ишни, мен курашчи полвонман, муштлашувга ғирт нўноқман, шарманда бўламиз.

— И-е, ким сенга муштлашасан, деяпти? Сен уй қўриқлайсан.

— Уй?!

— Ҳа, дача-пача дегандай.

Мен кулиб юбордим:

— Ҳозиргина «телохранитель», деб лоф-коф ураётгандингиз-ку? Чорбоққа қоровул керак экан-ку у кишига?!

— Да... умуман, — бўшашиб бош қашиди Тоштемир ака. — Нима фарқи бор сенга? Ишқилиб, ғўддайибгина юрсанг бўлди ўша ерда.

— Ойлик ҳам берармикан?

Тоштемир ака сапчиб ўрнидан туриб кетди:

— Ўвв, намуңча ўзингни тарозига солиб қолдинг?!

— Сўрадим-да.

— Сўрама! Бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Сен хали синов муддатидан ўтиб ол-чи? Қолгани бир гап бўлар... Ўргилдим сендақа ойликхўрдан.

— Ўқиш-чи? Мен ҳали институтга кирмоқчи эдим-ку?

Тоштемир ака пикирлаб кулиб юборди. Бу кулгида жаҳл ва қувонч алланечук аралашиб кетган.

— Эҳ, галварс, эҳ, тўнка, — деди у афсуслангандай бош чайқаб. — Ҳамма ташвиш ўқишга киришинг учун бўлаяпти-ку?! Сен ҳозирча қўриқчиликда ўзингни кўрсатиб тур, қолганини менга қўйиб бер...

— Беккул Тўракулович таниш-билишчилик қилмайди дедингиз-ку ҳозиргина?

— Тўғри. У киши бунақа ишларга аралашмайди. Ну... сенинг ўша хонадонда хизмат қилишинг менга етарли, қолганини ўзимга қўйиб бер, тушундингми?

— Тушундим.

— Уф-ф... хайрият, — Тоштемир ака енгил тин олиб, елкамга қўл ташлади. — Қоржов, ука, сен бундай мижғовликни ташла. Менга ҳалақит бермай айтганимни қилиб юр. Мана, бугун коллежни битирдинг, институтларнинг қабулига ҳали уч ой вақт бор. Унгача кўп нарсаларга улгурамиз, фақат сен менга кулоқ сол, хўп?

— Хўп.

— Яша, укажон, мен сени эртага Беккул Тўракуловичга топшираман.

Мана, бугун Беккул Тўракуловичга топширилдим. Шундай ҳаяжонли, қувончли воқеа арафасида бўлишимга карамай кеча дарров донг қотиб ухлаб қолибман. Тоштемир ака эрталаб аранг уйғотиб олди. Тун бўйи мижжа қоқмай чиққанидан нолиди. Ювиниб-тарандик, чой-пой ичдик, хуллас, талай тарадудлардан сўнг чошгоҳ маҳали отландик.

Тоштемир ака машинасини елдириб бора-бора, хануз менга маслаҳатлар бериб чарчамайди.

— Энди бу ёғига бўшашма, Қоржов, — дейди у серкатнов кўчадан кўз узмай сақич чайнаб. — Ўзингни ўқимишли, маданиятли тут. Ҳар нарсага бурнингни тикма. Бўш вақтларингда домланинг кўзларига илжи борица китоб билан кўрин. Хизматларига ҳамиша

шай тур. Балки сени у ёқ-бу ёқларга ёнларида олиб юришлари ҳам мумкин. Ишқилиб, ишнинг пачавасини чикарма...

Мен бирор-бир хашаматли ҳукумат идорасида серсавлат, пўрим амалдор билан учрашишни хаёл қилиб борар эдим. Йўқ, Тоштемир ака уловини Олой бозори биқинидаги турна қатор машиналар ёнида тўхтатди-да, лип этиб кабинадан чиқди. Худди шуни кутиб тургандай, биздан андак наридагн кип-қизил, серхашам машинадан «Адидас» русмидаги спортчилар кийимини кийган, ўрта бўй, оқсоч киши қора берди.

Тоштемир ака у билан қўшқўллаб қўришаркан:

— Ассалому алайкум, Бекқул Тўрақулович, — деди ялтоқланиб. — Кечирасиз, куттириб қўйдикми?

Мен, ҳув, коллеж бўсағасида кўриниш берган, не бир қонунлар ижодкори шу зот эканига ишонқирамай қарадим. Ҳамма серташвиш, куйинчак одамлар қатори у ҳам ҳорғин, зериккан киёфада машинасига суяниб сигарет чекиб турибди. Қизаринқираб турган қўзларига қараганда кеча улфатчилик чакки бўлмаган кўринади.

Улар анчагина суҳбатлашиб қолдилар. Тоштемир аканинг қулоғимга чалинган узук-юлуқ гап-сўзларидан Бекқул Тўрақулович меҳнат таътилида эканини, унга аллакимлар салом йўллашганини аранг илғаб олдим.

— Қоржовбой! — дея имлади Тоштемир ака ниҳоят мен томон юзланиб. — Бу ёққа келинг.

Машинадан тушиб кироатли салом билан уларга яқинлашдим.

Бекқул Тўрақулович бўй-бастимга синчковлик билан разм солиб ўзича ҳазиллашган бўлди:

— Ў-ў-ҳў-ў, бу полвон ҳовлимизга сизмайди-ку!

Тоштемир (мени жер) моли макталган чайковчидай хушхон илжайди:

— Ўзимизнинг жайдарилардан, домла. Юз просент ишончли йигит. Илиги қўй ёғига тўла. Исми Қоржов.

Иккаласи ҳиринглашиб кулишди. Бекқул Тўрақулович қўл соатига қўз ташлаб, менга юзланди:

— Қоржов полвон, қани, машинага марҳамат.

Кечагина эшакка қийшиқ минган қишлоқи эдим, бугун эса ажабовур машина ўриндиғида ястаниб ўтирибман-а?! Наҳотки, Хизр кўрганим чин? Ё ҳаммаси тушмикан? Йўғ-э, ҳушим-ку, (кўзларим катта-катта очик) ана, Бекқул Тўрақуловични кўриб турибман, ана, машина деразасидан сершовкин, серҳашам шаҳар лип-лип ўтиб турибди, кенг-текис, серкатнов йўл, баланд-паст иморатлар...

Бекқул Тўрақулович машинани ҳам сипогина ҳайдар экан. Аҳён-аҳён мен томон кўз қисиб, илжайиб қўяди. Ҳар қалай кўнглига ўтиришганга ўхшайман. Йўл бўйи яхшигина танишиб ҳам олдик. Албатта, мен Тоштемир ака тайинлагандай ўзимни илму маърифатга чанқок, ўқиш дардида юрган бир мусофирдай кўрсатишга тиришдим. Бекқул Тўрақулович интилишларимни маъқуллаб ўзича талай насихатлар қилди. Мен бош ирғаб чарчамадим. Гап орасида Бекқул Тўрақуловичнинг ўзи ҳам аллақандай Боғдодми-Барбодми деган қишлоқдан чиққани маълум бўлди. Машаққатли меҳнату ўқиш туфайли шундай даражага эришибди.

Машина бир маромда елиб борар эди. Ҳаш-паш дегунча шаҳар турқи ортда қолиб, боғлару парча-парча экин далалари аро кетган кенг йўлга тушиб олдик. Ҳойнаҳой, чорбоққа борсак керак.

Бир пайт Бекқул Тўрақулович афтларини бужмай-тириб, руль чамбарагига қўкрак тираб қолди.

— Қурғур, қорин, — деди у аранг, — эрталабдан бери бураб-бураб оғрийди-я...

Менинг кулгим қистади. Шундай катта олим, катта арбобни ҳам эл қатори ич оғриғи безовта қилиши ҳеч ҳаёлимга сифмас эди.

— Янтоқ қайнатиб ичинг, — дедим ўзимни билағон кўрсатиб. — Бир соатда отдай бўп кетасиз.

Менинг маслахатим Бекқул Тўрақуловични қулоғига қирмади ҳисоб. У теваракка аланглай-аланглай қуюқ дарахтзор орасига югургилаб кетди.

Бироздан сўнг яна йўлга тушдик.

— Ай, яш-шанг, Қоржовбой, — деб гап бошлади Бекқул Тўрақулович, афтидан ўртадаги андак ўнғайсизликни даф этиш учун. — Сизни безовта қилмас эдигу, баъзи бир оғайнилар, шогирдлар қўйишмади-да...

Бекқул Тўрақуловичнинг ёзғиришидан маълум бўлдики, аслида ҳеч қандай қўриқчию ҳеч қандай хизматчига эҳтиёжи йўқ экан. Домла шунчаки ёр-биродарларининг юзидан ўтолмабди, тўғрироғи, зикна деган ғийбат гаплардан қочибди.

— Ана шунақа, — деб қўйди у сигарет тутатиб, — камтаргина кун кўришингга ҳам қўйишмайди булар.

Мен гўё бировнинг оштовоғига берухсат қўл чўзгандай туйқус таъбим тиррик бўлди. Бекқул Тўрақулович авзойимдаги ўзғаришни сезди-ёв (нақадар зукко, маданиятли зот) дарров вазиятни сувашга тушди.

— Ну, Қоржовбой, сизни ўзим талаб қилдим, — деди у кулиб. — Кўнмаганингизда хафа бўлардим. Баъзан зериккан пайтларим ёшлар билан суҳбатлашишни ёқтираман. Сиз айнан менбоп суҳбатдош экансиз.

Биламан, домла бу гапларни шунчаки кўнглим учун айтаяпти. Лекин димоғим чоғ бўлди. Кўнглимга қараяптими, демак, хув, ярим финалдагидай маънавий голибман.

* * *

Чорбоғ кенг-мўл, жуда хушманзара эди. Баланд девор бўйлаб экилган қатор тераклар, мевали дарахтлар солланиб турибди. Чорбоғ этагида мармар ҳовуз. Ҳовуз теварагига қалин қум тўшалган. Улкан, сершоҳ, сербарг дарахт ҳовуз атрофига қуюк соя ташлаб турибди. Чорбоғнинг у ер-бу ерида ранго-ранг гулзорлар барқ уриб ётибди. Сайр учун атай қурилган бетон йўлакчалар ҳар ён-ҳар ёнга кон томирларидай ёйилиб кетган. Дарвозанинг чап томонида машина гаражи, гаражга тақаб қурилган гугурт қутисидеккина хужра.

Дарвозанинг ўнгида эса баланд пойдеворли, деразалари бокқа қараган, кўркам, шинам уй.

— Мана, бизнинг дача шу, — деб қўйди Беккул Тўракулович у ён-бу ёнга кўз ташлаб.

Ҳа, домла рост айтган экан. Одам тугул пашша учиб киролмайдиган бундай баланд қўрғонга ҳеч бир қўриқчи шарт эмас эди.

Биз дарвозадан бош суқиб, қадам ташлашимиз билан мрамар ҳовуз ёқдан бир бўй қиз чопқиллаб кела бошлади. Мен кўзларимни қаерга яширишни билмай қолдим!

— Привет, пап, — деди у Беккул Тўракуловичнинг бўйнига жажжи кизалокдек осиларкан.

Домла ҳам қизини нўноқларча қучиб, оқ-сарик юзидан ўпиб қўйди:

— Ах, ассалим! Қалай, дам олаяпсизларми?

— Ҳа, — деди қиз ингичка қошларини қоплаб тушаётган сочларини ноз билан силтаб ташлаб. — Ўртоқларим келишган. Имтиҳонлардан қутулганимизни бассейнда ювяпмиз.

Қиз ўзининг сўз ўйинидан ўзи завқланиб қикир-қикир кулди. Домла ҳам хиринглаб, арзандасининг яғринларини силаб қўйди.

Мен қизнинг қўкракларига беэътибор бўлиш дардида ўлиб-тириларканман, кўзларим дуч келган ёққа аланг-жаламг бўларди. Лаш-лушларим солинган елим халтани гоҳ у қўлимга, гоҳ бу қўлимга бетоқат алмаштиранман.

Беккул Тўракулович туйқус мен томон юзланди:

— Танишинглар, Қоржов, бу менинг эрка қизим Маржона.

Маржона икковимиз бир-биримизга енгилгина кўз ташлаб, енгилгина бош ирғаб қўйдик. Қиз лабларини қимтиб зўр бир қахқаҳадан аранг тийилиб турганини пайқагандай бўлдим. Афтидан, қўполдан-қўпол исмим ё бесўнақайларча хижолатланиб туришим унинг кулгисини қистар эди.

Шу орада уйнинг мармар зинаояларида ранг-рўйи мармардек совуқ бир аёл кўриниш берди. Пешонасини сириб танғилган гулдор мато устида уюлган сарғиштоб сочи похол ғарамига ўхшайди. Юз-кўзига суркалган бўёқнинг куюқлигидан асл кўзу асл лаб-даханни илғаш анчагина қийин. Устида семиз, биққи қоматини сириб турган енгсиз, тор халат.

— Ассалў-ўм, — дея димоғида салом берган бўлди аёл.

Беккул Тўракулович айбдоргина илжайиб бош ирғади:

— Биз келдик.

Шу орада Маржона дикиллаб яна мармар ховуз ёққа чопкиллаб кетди.

— Яхши бориб келдингизми, адаси? Чарчамадингизми?

Лаби-лабига тегмай писта чақаётган бу аёлнинг анча ёш кўриниши сабабли, ҳар қалай у Беккул Тўракуловичнинг хотини эканига дабдурустдан ишониш қийин эди (Бирок, аччиқ ҳақиқат).

Домла яна менга қуш қараш қилди.

— Танишинглар, Қоржов, бу... кеннойингиз Илмира.

Мен тағин енгилгина бош ирғадим.

— Яхши, хурсандман, — деб қўйди Илмира янгам мени бир буюмдай кўздан кечираркан. — Хуш келиб-сила-а...

У туйқус орқага бурилди-да шанғиллаб чақирди:

— Роза опа-а, ани-ий!

Лахза ўтмай мармар зинапояда ўрта яшар, жонсарақ бир аёл пайдо бўлди. Бошидаги сарғиш рўмол, белига тутган сарғиш пешбанд унинг шу хонадон хизматчиси эканидан дарак берар эди.

Чорбокқа киргандан бери кўнглимни алланечук ғашлик қоплаб олган. Бу ғашлик гўё Маржона билан чопиб келди-ю, ичимга қамалиб, тирнаб ётган эди.

Роза аний пилдирабгина келди-да, қўлимдаги елим халтани олиб эшитилар-эшитилмас товушда, «юринг»,

Тушликка товук гўштидан тайёрланган антика овқат едик. Бекқул Тўрақулович бутун тушлик давомида аллақандай газетадан кўз узмади ҳисоб. (Олимлар бот-бот такрорлайдиган моддий ва маънавий озиқ олиш усули шунақа, шекилли?)

Илмира янгам эса жағи-жағига тегмай мени сўроққа тутди. Қишлоқ турмушини сўраб-суриштирди, спорт ҳаёти билан қизиқсинди. Ора-чора у ҳам силлиқлик билан зиммамдаги вазифани уқтириб ўтишни унутмади.

— Гулзордаги гулларни тез-тез суғориб турмасан, қуриб қоляпти, — деди у стакандаги шарбатдан ҳўплаб. — Ҳув, этакдаги олма давно ҳосил бермайди, кесиб ташлаш керак.

Биз ҳайҳотдек залнинг бир бурчагига қўйилган емак столи атрофида ўтириб овқатланардик. Зал серхашам, шаркона безатилган, шипга биллур кандиллар осилган, оёқларимиз остида майин гилам. Ланг очиқ деразадан чорбоғ, дарвоза йўлаги яққол кўзга ташланади. Кириш эшигининг ўнгида, ҳув, метро кассирининг хужрасини эслатиб юборадиган уч тарафли ойнабанд тўсинли ошхона. У ердаги ошхона жиҳозлари орасида ивирсиётган Роза аний ғира-шира кўзга ташланади. Кенг залнинг у ер-бу ерида тўрт нақшинкор эшик, хойнаҳой, ётоқлар, хос хоналар ўша ёқларда жойлашган.

«Домланинг дачаси шундай бўлса, шаҳардаги уйи қанақа экан», деган ҳасадгўй ҳаёл калламдан лип этиб ўтди. Мен, албатта, бундай беадаб ўйларни дарров ҳайдаб, хушёр ва холис фикрлашга уриндим. Олим одам, йўлчи юлдуз, қонунлар ижодкори шундай фаровон, серхашам яшашга, меҳнатига яраша роҳат кўришга ҳақли эканини тан олдим.

— Қалай, дачачамиз ёқдими сизга? — деб сўраб қолди Бекқул Тўрақулович чойхўрлик ҳам охирлаётган бир пайтда. Афтидан, у атрофга анграйиб қолганимни пайкаганди.

Мен бош ирғаб қўйдим.

— Домилла, — дедим муллаваччаларга хос илжа-йиб, — китобларингизни беш минут титкиласам майлими?

Беккул Тўракулович қўлларини қанотдай ёйди:

— Бажонидил, Қоржовбой, бемалол.

Сўнг у орқага тисарилиб хужрадан чикди-да, эшикни охиста ёпиб қўйди. (Накадар маданиятли, сипо киши-я!)

Зил-замбил китоблардан бирини қўлга олиб, муковасидаги ёзувни хижжалаб-хижжалаб ўқидим. Ўрисчаёв, тагин жойига қўйдим.

Шу пайт чорбоғ ёкдан қувноқ қаҳқаҳалар қулоғимга чалинди. Қарадим. Бу ердан ҳовуз бўйи дов-дарахтлар аро элас-элас кўзга ташланар экан. Улкан дарахт соясида Маржонадай икки қиз қилпиллаб ракс туншар эди. Бир парча магнитофондан жававали мусиқа янграмоқда. Ўртадаги дум-думалоқ стол усти ҳар хил хўрагу ичимликларга тўла.

Мен ғаройиб томошани тўсиб турган шох-шаббаларни сўка-сўка дераза раҳига ўтириб қолдим. Қизлардан бири қувноқ қийқириб ўзини ҳовузга отди. Шопиллаб-сачраган сув гўё баданимга теккандай сесканиб кетдим.

Туйқус болалигим эсимга тушди.

Пахта пайкалларида тошган сув темир йўл ёнидаги сайхонликда каттагина қўл бўлиб қолар эди. Қизўғил аралаш ўша ерда чўмилаверардик. Қизлар узун қўйлақларини ечмай, қий-чув кўтариб ўзларини сувга отишар эди. Орадан йиллар ўтиб овозларимиз андак йўғонлашиб қолгач, қизлар биздан айрича, пана-пананда чўмилишаётганини пайқадим. Жазирама кунлардан бири эди. Ўшанда саккизинчи синфни тугаллаб ёзги таътилга чиққан эдик. Хусан икковимиз пахта пайкали орасига яшириниб, қўлда чўмилаётган қизларни пойлардик. Қўккис улардан бири бизни кўриб қолди. Қий-чув, тўс-тўполон кўтарилди. Қизлар баданларига чиппа ёпишган ҳўл қўйлақларининг сувини шўриллатиб дуч келган ёққа тум-тарақай бўлишди. Биз довдираб қолдик. Шу пайт қўл ўртасида сузолмай, типирчилаб

ётган кизга кўзим тушди. У синфдошим Бибигул эди. Ўйламай-нетмай ўзимни сувга отдим. Хануз қўрқув ва уят ичида ирғишлаётган Бибигулнинг белидан кучиб қўл қирғовига қараб суздим. Таҳликали бир хол бўлса-да, кучовимда момик қиз баданини хис этиб ажиб бир хаяжонга чулғангандим. Оғиз-бурнимга икки-уч сув кириб кетди. Судрала-судрала бир амаллаб қирғоққа чиқиб олдик. Буткул ҳолдан тойган Бибигул ўт-ўланлар устига чўзилиб қолди. Мен ҳам хансираганча синфдош кизнинг ёнига чўкдим. Бир пайт Бибигулнинг кўзлари катта-катта очилди. Буткул беҳоллигига қарамай (билмадим, қайдан куч топди) юзимга шарақлатиб бир тарсаки тортиб юборди. Изидан хўнграб йиғлашга тушди.

Мен ҳовуз томонни пойлашга урина-урина хийла вақт ўтириб қолганимни пайқамабман. Бир пайт қироатхона эшиги қия очилдию чўчиб тушдим. Роза аний экан.

— Дарвоза қўнғироғи чалинди, — деди у ичкарига бош сукиб. — Хозяинлар дам олишяпти.

Тушундим. Эринчоқлик билан ўрнимдан турдим.

Дарвоза ёнида кош-мўйловлари қалин, семиз киши бир қучоқ совға-саломлар билан турарди. Андак нарида унинг машинаси.

— Беккул Тўрақулович уйдадилар? — деб сўради у мени таажжуб билан кўздан кечираркан.

— Домилла дам оляпти.

Мехмон мен томонга товук «кишт»лагандай қўл силтаб қўйди-да, ичкарига сукилиб кирди:

— Хечқиси йўқ, ўтириб турамиз.

Мен беихтиёр лўкиллаб мехмонга эргашдим. Совға-саломини қўлидан олиш-олмасимни билмай гангидим.

Кун аёвсиз киздирар эди. Аллакаердадир мусича лоҳас кукулайди. Мен ҳам ўзимни ланж сезардим. Мехмонни залга кузатиб кирдим у хужрамга қайтдим.

Хужрам салқингина эди. Каравотимда бирпас хаёл суриб ётдим. Кўзим илинибди. Бир маҳал дарвоза ёнидаги ғала-ғовурдан сергакландим. Маржонахон ўртоқларини кузатаётган экан. Йўқ, бу гал ҳаммаси-

нинг уст-боши бут, отам айтгандай бинойигина. Улар хиринглашиб, пичирлашиб узоқ хайрлашдилар.

Мен зерика бошладим. Телевизорни ишлатдим. Қизиқиб у-бу каналларга олиб кўрдим. Зўр. Телевизор эскигина бўлса-да, тип-тиник кўрсатар экан. Аллақайси каналда намоиш этилаётган «ур-сур» кинони томоша қилиб ўтирдим. Анча вақтдан сўнг мрамар зинапояда ўша қош-мўйловлари қалин меҳмон кўриниш берди. Беккул Тўрақулович уни кузатиб қўяётган экан.

Мен шоша-пиша ҳужрадан чиқдим. Хизматга шай, жанговар ҳолатимни пайқаган домла мамнун бош ирғаб қўйди.

* * *

Эрталаб ҳужра деразаси қаттиқ тақиллаганидан чўчиб уйғондим. Кун аллақачон ёйилиб кетган эди. Пўрим кийиниб, қайларгадир отланиб турган Беккул Тўрақулович ва Илмира янгамга кўзим тушди. Роза аний зўр бериб ланг очик деразамни тақиллатиб турарди.

— Ҳозир, — дедиму ирғиб ўрнимда турдим. Кийимларимни апил-тапил устимга илиб ташқарига отилдим.

— Кечирасизлар, ухлаб қолибман, — дедим кўйлак тугмаларини қадашга уринарканман.

— Ҳечқиси йўқ, — жилмайиб қўйди Беккул Тўрақулович. (Оҳ, нақадар маданиятли, тушунган инсон!)

Илмира янгам эса зарда билан дарвоза томон юраркан, димоғида минғиллади:

— Қўриқчини кун ярмида аранг уйғотиб олсанг-а...

— Биз кечга яқин қайтамиз, — деди Беккул Тўрақулович менга. — Сиз Роза холангиз билан бамаслаҳат чорбоққа қараб турунг. Келиб кетувчиларга ўзингиз эшик очинг. Хўп, келишдик-а? Яна ухлаб қолманг-а...

Мен хижолатланиб бош ирғадим.

Машина аллақачон шайлаб қўйилган экан. Эру хотин жўнаб кетишди.

— Бир танишлари тоққа приглашать этган, — деди Роза аний машина ортидан қараб қоларкан. — Қимизхўрликка...

Роза аний очиқ кўнгил, меҳрибонгина аёл экан. Ухлаб қолганим учун қуюққина қойиб, қуюққина нонушта тайёрлаб берди. Асал ва сариеғ солинган сутли чойдан сўнг, бир бўлак қолбаса, бир нечта қовурилган тухумни иштаха билан туширдим. Сухбатимиз ҳам кизиди. Оксоч аёлдан антиқа-антиқа ахборотлар олдим. Масалан, Илмира янгам Бекқул Тўрақуловичнинг иккинчи оиласи экан. Катта янгамиз касалланиб вафот этганидан сўнг ҳам домла суюкли рафикасининг руҳи поки чирқилламасин деб кўп йиллар Илмирахонни расмий никоҳига олмаганлар. Шунчаки пинҳона учрашиб, бир-бирига меҳр-муҳаббат кўрсатиб юришган. Катта янгамиздан ёдгор фарзандлар — икки ўғил, бир қиз ўсиб-улғайиб, уйли-жойли бўлгандан сўнггина Илмирахонни тўю томоша билан уйига олиб келган. Албатта, бу орада ўзаро муҳаббатнинг меваси Маржонахон ҳам анчагина бўй чўзиб қолган экан. Ҳозир у аллақандай университетда ўқир эмиш.

— Бу гапларни бировларга сўйлаб юрманг тагин, — дея огоҳлантирди Роза аний дастурхон устидан идиш-товоқларни йиғиштириб оларкан. — Ғийбат ёмон.

Мен ўзимча оксоч аёлни тинчлантирган бўлдим, оғзим маҳкамлиги билан мактандим. Роза аний менинг эътирофларимга деярли эътибор бермади, тўйқус Илмира янгамни макташга тушиб кетди. Янгамнинг очиққўллигидан тортиб, меҳмоннавозлигию дид-фаросатигача оқизмай-томизмай таърифлади.

Шу орада гап айланиб кеча ташриф буюрган меҳмонга бориб тақалди.

— Ха, уми, — деди вижинганнамо қўл силтаб Роза аний. — Домланинг шогирдларидан, Бақоев...

Бақоев — кунда-шундалардан экан. Шаҳарда терговчи бўлиб ишлар эмиш.

Ишқилиб зерикмадим. Ҳузур-халоватдан куч-ғайратим тошиб оксоч аёлнинг ул-бул юмушларига

карашдим, масаллиқлар олиб чиқдим, суви тўхтамай қолган жўмакни созладим, супур-сидир пайти оғир стол-стулни у ёқ-бу ёққа силжитишга ёрдамлашдим. Хуллас, Роза анийнинг кўнглини олишга тиришдим.

Кун иссиқ эди. Хушманзара, серсоя чорбоғ ҳам алланечук мудраётгандек туюларди. Ховузнинг кўм-кўк, муздаккина сувида завқ-шавқ билан чўмилдим. Андак хуморим босилгач, хужрамга кириб эрмак учун хийла вақт соч тарадим, ўзимча ороландим.

Бир пайт Маржонахонга кўзим тушди. У уйнинг мрамар зинапоясидан эринибгина тушиб келар эди. Устида хаворанг, енгсиз, ёқасиз кўйлак, оёғида уй шиппаги, қўлтиғида семиз бир китоб, сочлари яланғоч елкаларида паришон ёйилган. Кўп ухлаганиданми ё пардоз-андоз кам бўлганиданми юзлари алланечук салқиган, синиққан туюлади.

Мен негадир шошиб хужрамдан чиқдим. Вужудимга енгил бир ҳаяжон югурди.

Бироқ Маржона менга киё ҳам бокмай, шундоқкина олдимдан димоғ-фироғ билан чорбоғ томон ўтиб кетди. Мен унинг атай диркиллашиб бораётган қоматига алланечук алам, алланечук изтироб исканжасида қараб қолдим. Негадир хўнграб-хўнграб йиғлагим келди.

Хужрамга қайтиб кирдим. Кирдиму бироқ ўтиролмадим. Юрагим тошарди. Шундагина анчадан бери қизнинг изидан бориш учун баҳона қидириб ётганимни пайқаб қолдим. Пайкадиму ўзимдан-ўзим уялдим, ҳатто, алланечук чўчиб кетгандай бўлдим.

Аллақайдадир бир мусичанинг интиқ-интиқ «ку-ку»лагани қулоғимга чалинади. Мен минг бир саросима билан яна хужрамдан чиқдим. Худди шуни кутиб тургандай ногоҳ Маржонанинг овози жаранглади:

— Эй, охраник!

Мен ялт этиб товуш келган томон юзландим. Маржона! У ўша серсоя дарахт тағидаги ёғоч ўриндикда оёқларини чалиштириб ўтирган кўйи мени имларди.

— Эй, ану-у ердан озгина райхон териб беринг!

Қиз ишора қилган жойдаги гулзорнинг бир чеккасида дарҳақиқат ям-яшил райхонлар барқ уриб ётарди. Алланечук титрок билан хушбўй ўтдан бир даста тердим.

Кун беҳад кизиб кетган эди. Дарахт шохларида чумчуқлар безовта-безовта чиркиллашади.

— Рахмат, — деб қўйди Маржона куруққина, қўлимдаги райхон дастасини афтимга қарамай оларкан — Ах, какой запах.

Мен юрак ютиб тўнғилладим:

— Менинг исмим Қоржов, охраникмас.

Қиз «нима фарқи бор», дегандай елка учуриб, лаб буриб қўйди.

— Хафа қўринасиз, мазангиз йўқми? — деб сўрадим ҳануз қизнинг ёнидан кетгим келмай.

— Да, пустяки, — қўл силкиди Маржона, — бекорчилик.

— Ўқишлар тугаб зерикапсизми, дейман-а?

Маржона жавоб бермай димоғида кулиб қўйди. Сўнг олдидаги очиқ китобни қўлига олиб ўқишга тутинган бўлди.

Мен худди ботқоққа ботиб қолгандай, оғир, ланж қадамлар билан ундан узоқлашдим.

* * *

Роза анийчасига айтганда — «хозяин»лар шомдан сўнг қайтиб келишди. Мехмондорчилик куюқ бўлган шекилли, эру хотин бири қўйиб-бири олиб кекиради. Бекқул Тўрақулович келиб-кетувчилар ҳақидаги ахборотимни лоқайд эшитди. Маржона гўё бир-икки йил кўрмагандай гоҳ ойисининг, гоҳ дадасининг пинжига шоду хандон тикиларди. Эру хотин унинг кун бўйи чорбоддан чиқмаганига ишонишмади. Қизнинг ғалати кайфиятидан таажжубланиб бир-бирига тикилишди, Илмира янгам лаб чўччайтирди, Бекқул Тўрақулович елка учирди.

Улар ғала-ғовур билан ичкарига кириб кетишгач дарвоза ёнида қоққан қозикдек хийла вақт туриб

қолдим. Ичимга чироқ ёкса ёришмас эди. Хаёлларим паришон. Хужрамга кирдим. Чирокни ёкмай каравотимга чўзилдим. Чорбоғни тобора коплаб келаётган зулмат гўё менинг ичимдан сизиб чиқаётгандек эди. Хаво дим. Аллақайдадир қурбака қуриллаб юборди.

Анча пайт каравотимда эзгин, оғир ўйларга қоришиб ётдим. Бир маҳал хужрамнинг чироғи ёнди. Роза аний экан. У тушликдан қолган, илитилган бўтқани емак столим устига дўқиллатиб қўйди.

Мен хижолатланиб дедим:

— Сизниям круглий ташвишга қўйдим-да.

— Полвон болага ухаживать этиш керак, — деди Роза аний, ўзича бошимни эркалаб силаб. — Е, болам, е, ҳеч уялма, бу сенинг ҳақкинг.

Қорин оч бўлса-да, беиштаҳа овқатга интилдим. Хануз хаёлларим паришон. Хув, кечаги қўнгил ғашлигим дам сайин қуюқлашиб бораётганини тобора ҳис этаётган эдим. Манави хонадон аҳлидан тортиб Тоштемир акаю тағин аллакимлар кўз ўнгимда айқаш-уйқаш бўлиб турарди. Мен овқатнимас, гўёки аллакимларнидир чала чайнаб ютардим.

Нихоят, коса туби қўринди. Совиб қолган чойдан босиб-босиб, хўриллатиб-хўриллатиб хўпладим.

* * *

Тун. Уйқум келмас эди. Устига-устак Илмира янгамнинг ҳалигина бот-бот тайинлагани қулоқларим остида жаранглаб турарди: «Боғни тез-тез айланиб туринг-а, эҳтиёт яхши-да».

Хужрамдан чиқдим. Уй пештокидаги чироқ нурида чорбоғ ола-чалпоқ ёришиб турибди. Енгил эсан эпкиндан япроқлар маҳзун шитирлайди.

Мен уй ёнидаги йўлак бўйлаб секин-аста юра бошладим. Боғнинг коп-коронги бурчакларига, серсавлат уйнинг бўй-бастига разм солган бўлдим. Шу пайт ланг очик ётоқ деразасига суяниб сигарет чекиб турган Маржонага кўзим тушиб қолди. Беихтиёр юракларим

хапқириб, томоқларим какради. Негадир... негадир қувониб кетдим!

Маржона ҳам туйқус мени кўрди-ю, қип-қизил чўғланиб турган сигарет қолдиғини боққа улоқтириб хона ичкарисига шўнғиди.

Унинг ётоғи тунчирокнинг алвон-сарғиш ёғдуларига чўлганган эди. Мен хануз юракларим гурс-гурс урган қўйи боғ ичкарисига қараб юрдим. Бир туп олма дарахти ёнидан киз ётоғи тузуккина кўзга ташланар экан! Бутун вужудим кўзга айланиб ўша ёкка алангладим. Маржона! У алланечук эринчоқлик, алланечук ноз билан қўйлагини ечди. Қиз оҳиста энгашиб тагин алланималарни сидириб ташлагандай бўлди. Шаршарадек қуйилган сочлари елка бўйинларига чирмашиб ютоқа-ютоқа ўпаётгандай эди. Лаҳза ўтмай Маржона бутун бўйи-басти билан тунчирокнинг қизил-сарик ёғдуларига қоришиб намоён бўлди. У гўзал, самбитдек коматини атай кўз-кўз қилгандай уч-тўрт дақиқа у ён-бу ён юрди. Ниҳоят, бир парча уйку либосини кийди-да, боғ тарафга нигоҳ ташлаб, пастга, каравотига шўнғиди.

Мен ажиб бир туйғулар, ажиб бир иштиёқ оғушида титраб, таранг тортиб турардим. Беихтиёр дарахт танасини маҳкам қучоқлаб, тахир таъм пўстлоғига лаб босдим.

* * *

Эрталаб кўзгуга боқиб кўзларим қизарганини пайкадим. (Тунги қизғиш-сарғиш шуълалар қароғларимда қотиб қолган, шекилли?) Соқолларим қоп-қорайиб, қовоқларим салқи тортган, ранг-рўйим синиққан эди.

Эр-хотин афт-ангоримга бир зум синовчан тикилишгач, ўзаро мамнун кўз уриштириб олишди. Ҳар нечук, улар тун бўйи чорбоғ кезиб ўз вазифамни астойдил дўндирганимга юз фоиз ишонишган эди.

— Бугун меҳмонлар келади, — деди Бекқул Тўрақулович зериккан бир қиёфада. — Сал у ёқ-бу ёғингизга қараб олинг-а...

Домла жилмайиб жағ-иякларини силаб қўйди. Бу «соқол-поқолни киртишлаб олинг», дегани, албатта. (Накадар маданиятли, хушмуомала зот!)

Бироқ «у ёк-бу ёғимга қараш»га ҳеч хафсалам йўқ эди. Анча вақт каравотимда чўзилиб ётдим. Бутун вужудимни ғалати бир ланжлик, хорғинлик қоплаганди.

Чошгоҳ пайти меҳмонлар келишди. Мен хужрам ёнида енгилгина бадантарбия қилиб турардим. Чорбоғнинг қия очиқ дарвозаси ёнига икки автоулов охиста келиб тўхтаганини кўрдиму кўйлагимни кийдим, у ёғ-бу ёғимни орасталаган бўлдим.

Меҳмонлар узун-калта, ориқ-семиз саккиз жон эди. Ораларида сочлари хинду чайласидай хурпайган, димоғдор уч аёл ҳам бор экан. Меҳмонлар тўпидаги Тоштемир (мени жер эмас!) акага туйқус кўзим тушдию қувониб кетдим. Тоштемир ака бўйи баробар аллақандай совға-саломларга кўмилиб турганиданми, ҳар қалай, уни дарров пайқамабман. Бир маҳал соғинчга ўхшаш аллақандай хисларга чўлғандим, ҳатто, беихтиёр лаб-лунжим табассумдан ёйилиб кетди. Бироқ Тоштемир ака ҳамма қатори мен томон шунчаки бош ирғаб ҳовлига кирди.

— Ўҳў-ў! — дея хитоб қилди Бекқул Тўрақулович қулоч ёйиб зиналардан тушиб келаркан. — Хуш келиб-сизлар, марҳабо-о...

У билан изма-из пастлаётган Илмира янгамнинг ҳам қўллари кўксида, лаблари қулгада эди:

— Ва-ай, тушимми-ўнгим?! Хуш кўрдик...

— Соғиндигу бостириб келавердик, — деди кечагина келиб кетган ўша қош-мўйловлари қалин Бақоев, қулоч ёйган қўйи Бекқул Тўрақуловичга пешвоз юраркан.

Совға-саломни айнан ким келтирганини домла кўрганига буткул ишонч ҳосил қилди шекилли, Тоштемир (мени жер!) қўлидаги нарсаларни менга тутқазди.

— Қани, полвон, — деди у овозини атай баландлатиб. — Буни ичкарига опкиринг-чи....

Салом-алик, кучоклашиб ўпишишлар, табассуму мулозаматлар анча пайт давом этди.

Бугун хаво эрталабданоқ кизиб кетган эди. Дов-дарактлар орасидан ғира-шира кўзга ташланиб турган, муздек, тип-тиниқ сувга лиммо-лим мармар ҳовуз оҳанрабодай ўзига тортарди. Меҳмонлар залдаги очил дастурхон теграсида андармон бўлиб турганларида ҳовузга икки-уч шўнғиб чикдим. Ланжликларим андак таркагандай бўлди.

Тушга яқин Маржона қайгадир отланиб қолди! Енгсиз, ёқасиз оппоқ кофта, йўл-йўл чизиқли кулранг шим баданларини сириб турарди. Лабларида қирмизи, қовоқларида қўкиш бўёқ.

Мен минг бир таманно билан уйдан чиққан Маржонани кўрдиму уялиб кетдим. Назаримда тун бўйи уни хаёлан қучиб-ўпганларимдан қиз хабардордек эди. Беихтиёр қад ростлаб, уст-бошларимни орасталаган бўлдим, эрталаб соқол қиртишламаганимдан афсусландим.

Маржона! У илқис бир бош силтаб манглай сочларини қўқитди, чимирилди, теваракка лоқайд бир кўз ташлаб қўйди, лабларида алланечук эрка, инжик кулги ўйноқлади.

Мен эски кадрдонлардек илжайиб қиз билан саломлашишга, икки-уч оғиз гаплашишга чоғландим. Бироқ Маржона узун боғичли чарм сумкачасини ўйноқлатган қўйи шундоққина биқинимдан бепарво, ўтиб кетди.

«Хаёл билан кўрмай қолди-ёв...», деб ўйладим мен ўзимни ўзим овутиб. Бироқ алланечук ғусса, ўкинч бутун вужудимга бостириб кирди. Маржонанинг тобора узоқлашиб бораётган «тақ-туқ» қадам товушлари шундоққина юракларимда акс садо берар эди.

Қушлар чуғур-чуғурига тўла чорбоғ, еб-ичишаётган меҳмонларнинг гала-говурига, енгил мусика садоларига қўмилган уй бир лахзадаёқ хувуллаб қолгандай туюлди.

Лошимни аранг судраб зиналардан қўтарилдим.

Ошхонада Роза анийнинг қўли-қўлига тегмайди. Газ ўчоқ устидаги қозон милт-милт қайнаб турибди. Ҳавони лаззатли таом иси тутган.

Базм столини қуршаб ўтирган меҳмонларнинг жағи-жағига тегмайди. Ғала-ғовур. Пишириклар. Қошиқ-вилкалару чинни идишларнинг «чинг-чунг», «жаранг-журунг» садолари биллур қандилларда акс садо бераётгандек туюлади. Сузилган қўзлару, бўғриккан юзлардан меҳмонларнинг анчагина кайфлари ошиб қолганини англаш мушкул эмасди. Барча бир-бирига қулоқ солмай, бир-бирига гап уқтириш билан банд. Тўрдаги тепакал, семиз, бадқовоқ киши Бекқул Тўрақуловичга қуйиб-пишиб алланеларни тушунтирар, домла эса чап биқинидаги косовдай қоп-қора, озғин, сийрак сочлари оппоқ нусхани не сабабдандир қойир эди.

— Меҳрибон ҳукуматимиз омон бўлсин, — дея ғулдираб қўйди меҳмонлардан бири ўз ҳолича, чапиллатиб овқат чайнарган.

Тоштемир соқий гоҳ узалиб, гоҳ ўрнидан туриб бориб жажжи қадахларга ичкилик қуймоқда. Базм столининг адоғини ишғол этган аёллар ҳам пичирлашган, хиринглашган қўйи ўзлари билан ўзлари овора. Уларга яқин ўтирган Бақоев — ўша қош-мўйловлари қалин, бақалоқ нусха заифаларга тез-тез мулозамат қилиб қўяди.

Мен кириш эшиги ёнида анчагина қакқайиб турдим. Мезбону меҳмонларни зимдан кузатиб сездимки, ҳозирча бу ерда ҳеч керагим йўқ. Секин ташқарига чиқиб кетишга қовландим. Шу пайт кайфдан андак чайқалиб ўтирган Бекқул Тўрақулович менга қадалиб-қадалиб қаради. Сўнг қошиқ тутган қўлини ҳавода имлаганнамо силкитаркан, кўзлари пирпираб, лаблари чўччайди, афтидан, у менинг исмиمنى дабдурустан эслаёлмай гаранг эди.

Мен истар-истамас домланинг ёнига бордим.

Бекқул Тўрақулович энгимдан тутиб ўтирганларга виқор билан юзланди:

— Мана шу йигит-да — бизнинг лотарейга чиққан!

Домланинг товуши туйкус жаранглаб чикканиданми ё менинг ногоҳ давра тўрида пайдо бўлганимданми, ишкилиб, меҳмонлар бир қур сергак қотишди. Барчанинг кўзи менга қадалган эди.

— Алпомиш-ку, бу, а?! — дея пихиллади шундоқ-кина биқинимдаги ўша тепакал кимса мени бош-оёк кўздан кечиришга тиришаркан.

Озгин, оксоч меҳмон бир менга, бир Беккул Тўракуловичга анграйиб ўзича аския қилган бўлди:

— Бун қандай боқаяпсиз, домла?

Даврада енгил кулги кўтарилди.

Беккул Тўракулович аскиячига эътирозли кўз ташлаб, бош чайқади:

— Яхшимас... йигитнинг нони кўчада, деган машойихлар, унақа хунук гап қилманг, яхшимас... (О, нақадар доно, хушхулқ зот!)

— Ха-а, ҳақиқий спортсмен, — деди Бақоев ўзича менга ҳайрат билан тикилиб. — Домланинг чорбоғига худди шундай полвонлар ярашади.

Аёллар ўртасида ҳам енгил ғала-ғовур кўтарилди. Улар гоҳ Илмира янгамга, гоҳ Беккул Тўракуловичга юзланиб, бири қўйиб-бири олиб чуғурлаша кетди:

— Муборак бўлсин...

— Буюрсин... Яхши кунларда хизмат қилсин...

— Кўз тегмасин...

Тепакал, семиз кимса синқорилган ичкилик устидан бир бўлак олмани қарсиллатиб чайнарган:

— Домла, — деди Беккул Тўракуловичга юзланиб. — Бундай зўрларни қаердан топасиз-а?! Биз бечораларга қайғўрдаги пиёнисталар учрайди. Би-ир... ёрдам қилинг энди, а?

Қайфи тарақлигидан уни ўчиб, анчадан бери мудрай бошлаган, лаблари дўрдоқ, дўнг пешона меҳмон ҳам минғиллаб қўйди:

— Тўғри... биз ҳам ҳеч ялчимаяпмиз.

Беккул Тўракулович мамнун бош ирғаб Тоштемир соқи томон ишора қилди:

— Мана, шу укамизда гап кўп. Илтимосларни Тоштемиржонга айтинглар. Бизнинг полвон ҳам шу укамизнинг шогирдларидан.

Тоштемир (мени жер!) ўрнидан андак кўзғалиб, артистлардай даврага таъзим қилди. Илжайди.

Ўтирганлар уни ғала-ғовурга кўмиб ташлашди.

— Ия, фабрикант ўзимиздан экан-ку?

— Бизнинг заказиям қабул қилинг, Тоштемиржон.

— Шогирдлардан кўпми хали?

— Тоштемиржон...

Мен чув-чувдан фойдаланиб секин залдан чиқиб кетдим. Туйкус ўтов бўсағасида бўйинини қисибгина ўтирган отам эсимга тушди. Зил-замбил қадамлар билан зинапоядан пастладим. Дилим сиёх, хаёлларим алғовдалғов эди. Ногох қўлларимга кўзим тушди — мушт! Ё, ҳазрати Хизр?! Қачон мушт бўлиб тугилди бу қўллар! Ҳалигина дастурхон бошидами? Балки кечадир? Балки хув, ўтовдаёқ қўлларим муштга айлангану шу пайтгача сезмагандирман? Бу муштлар кимга ўқталган, кимга?! Балки... балки ўзимгадир?!.

* * *

Меҳмонлар қарта ўйинига андармон пайт Тоштемир ака худди гуноҳ ишга қўл ураётгандек теvaraгига ўғринча аланглай-аланглай хужрамга кириб келди.

Мен каравотимда мук тушиб ётардим.

— Намунча ковок-тумшук? — деди у хушхандон. — Худди биров арпангни хом ўргандай бўзраясан? Тинчликми?

Мен миқ этмадим. Тоштемир ака ёнимдаги стулга омонат ўтирди.

— Нима, касал-пасалмисан? — сўради у бир зум сақич чайнашдан тўхтаб. — Соқолларингни қиртишлаб олсанг ўласанми? Қара, қўпол этикнинг изига ўхшаб қолибди, худди биров ўхшатиб жағларингга тепгандай.

— Тоштемир ака, кетаман бу ердан, — дедим каравот қиррасига ўтириб. Овозим алланечук хирллаб чиқди.

Тоштемир ака сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ланг очик деразадан ташқарига кўз ташлаб олиб, лабларига кўрсаткич бармоғини босди:

— Тисс... Ўчир! Бу нима деганинг, тўнка? Кўрдинг-ку, ҳамманинг диққатидасан ҳозир. Ановиларнинг бари шаҳарнинг кузирлари, сен билан қизиқишяпти, тентак! Кетармиш...

— Кетаман... керакмас ҳеч нарса, чарчадим...

— Чида, ўвв, бола, — деди Тоштемир ака ғижиниб, сўнг завқ билан кўз кисди. — Ҳозирча очколаринг зўр.

* * *

Меҳмонлар кечга яқин дабдаба билан жўнаб кетишди.

Илмира янгам уй зиналаридан беҳол кўтариларкан:

— Анийга қарашворинг, — деди менга.

Роза аний ўлгудек чарчаганига қарамай бетизгин жаврарди. Иккимиз ивирсиб кетган зални, ошхонани саранжом-саришталагунимизча у бугунги меҳмонларни биттама-битта таърифлаб чиқди. Афтидан, шундай машҳур, курсиси баланд одамларга хизмат қилганидан мамнун эди у.

Оқшом маҳали тунов кунги ўртоқларини бошлаб Маржона келиб қолди! Чорбоғ яна кий-чув, тўиолонга кўмилди.

Мен ич-ичимдан ажабтовур севинч силқиб чиқаётганини сездим! Бутун борлигимга хуш бир кайфият ўрмалади. Маржона! Мен кизнинг беиисанд, бепарво нигоҳларига йўлиқиш учун атай дарвоза ёнида турдим. Йўқ, бу гал Маржона ҳеч қутилмаганда мен томон енгилгина бош ирғаб саломлашди. Ҳатто жилмайгандек бўлди. Унинг ўзидек тор кофта, тор шим кийган дугоналарини икки ғўдайган йигит қўлтиклаб келарди. Ҳаммасининг димоғи баланд. Кийимлари қимматбаҳо.

Мен йигитларга ошкора ғайрлик, ошкора қўрслик билан разм солдим. Бириси новча, чайир, бириси кўпчиган хамирдеккина. Сочларини энг сўнги урфда калталатиб, оханжама билан тараган, бирининг

Мен ҳам кўйлак-чолворимни ечиб ташлаб бир парча лунгида қолдим. Ахир, худо бериб, ановилар таклиф этиб қолишса, бажонидил давраларига кўшилиш ниятида эдим-да. Шу боис ҳам телевизордан тез-тез кўз узиб, ланг очик хужрам деразасидан мармар ҳовуз ёққа умидвор-умидвор тикилардим.

Бир пайт Маржона йигитлар билан хиринглашиб уй ертўласига кириб кетди.

Қизиксиниб қараб туравердим. Бироздан сўнг улар бир жуфт чарм қопламали, энсиз, узунчоқ тўшак суд-раклаб чиқишди.

«Ҳа-а, шўрликлара-а, — деб ўйладим мен кулиб. — Тўшакка чўзилиб табиатга қайтишаркан-да... Бунинг учун уйдан чиқмай ётишса ҳам бўлади-ю...»

Мен Роза аний дамлаб берган кўк чойни эрмакка хўплаб-хўплаб, телевизорга паришон термилиб ўтирарканман, дам сайин хужрамга сиғмай борардим. Ҳануз-хануз эс-хушим ҳовуз бўйида эди.

Бир пайт Маржонанинг таниш товуши жаранглади:

— Эй, охраник! Эй... бу ёққа қаранг!

Ўзимча бепарво деразадан бош чиқардим. Бирок юрагим кинидан чиққудек тппирчиларди.

Шох-шаббалар орасидан чала-ярим кўриниб турган Маржона имлаган бўлди:

— Бу ёққа келинг, бизларга қарашворинг!

Тун. Ҳаво иссиқ, дим. Уй пештокидаги чироқ чорбоғни ҳамишагидек ола-чалпоқ ёритиб турар эди. Кўк тўла ғиж-ғиж юлдузлар титкиланган кўрдаги чўғлардек жимирайди.

Улкан дарахт тагидаги юмалоқ стол устида мевачева солинган идишлар. У ер-бу ерда пиводан бўшаган шишалар сочилиб ётибди. Ҳали очилмаган талай шишалар сув тўла тоғорага ташлаб қўйилган. Кичкинагина магнитофонда майин, маъюс мусиқа янграмоқда. Баходир билан кўкиш кўз Сайёра хиринглашган кўйи ҳовузда сузиб юришар эди. Гулюз эса чарм жилдли тўшак устида қуруқликка чиқиб қолган баликдек чўзилиб, бепарво сигарет чекапти. Қумга қоришиб ёт-

ган Жаҳонгирнинг ҳам бир қўлида сигарет, бирида шиша, у гоҳ чекиб, гоҳ ичиб аллақандай кино ҳақида гап сотарди:

— ...Том Хенкс жа қийворган. Ну, музика туфта...

Назаримда менинг ҳовуз бўйида пайдо бўлишимга ҳеч бири эътибор бермади.

Юмалоқ стол қиррасига қўл тираб, солланиб турган Маржона бепарво мева чайнарган:

— Бизга олов ёкиб беринг, илтимос, — деди.

Мен унинг самбитдек, коматидан аранг кўз уздим.

— Хўп... Ўтинни қаердан оламиз?

Товушим алланечук титраб, ҳирқираб эшитилганидан ўзимнинг жаҳлим чиқди.

— Ху-у, там, — деди Маржона чорбоғнинг қоп-қоронғи бир бурчагига ишора қилиб.

Чиндан-да, чорбоғ деворининг тубига кесилган қари дарахтларнинг шох-шаббалари тахлаб қўйилган экан. Бир қучоқ шох-шабба кўтариб келиб, ҳовуз бўйига шарақлатиб ташладим.

— Ну-у... даёшь! — деди чўчиб тушган Гулюз.

— Ока, кўп ўт керакмас, — дея фўлдиради Жаҳонгир пиво шишасини оғзига чоғлаб. — Итак ҳаво иссиғу-у...

Гулюз ҳам чўзилиб ётган жойидан тўлғаниб уни маъқуллаган бўлди:

— Так просто... экзотика учун озгина ёқинг, всё.

Балки бошқа вазиятда манави маҳмадоналарнинг уриб бошини ёрган бўлардим. (Энг аввал «ока»нинг шўри қурирди!) Бирок айни чоғ гоҳ балиқдек чўзилиб ётган Гулюз, гоҳ самбитдек Маржонага кўзим тушиб ғалати бир туйғуларга қоришиб қолган эдим. Титроғимни аранг босиб шох-шаббаларни уймаладим.

Шу пайт... Маржона шундоққина биқинимда чўнқайиб гугурт узатди:

— Мана, ёқинг.

Мен беихтиёр гугуртга қўшиб кизнинг иссиқ қўлларини ушлаб олдим. Юз-кўзларимга олов сачрагандай бўлди.

Бирок гугурт чақишим анча қийин бўлди.

Охири, гугурт чақиб шох-шаббага тутдим. Ўтин
куп-қурук бўлса-да, имиллаб оловланарди. Ўчиб қоли-
шидан чўчидимми ё беҳад ҳаяжонланганимданми, милт-
милт ёна бошлаган хас-чўпни кўзлаб пуфлаб юбордим.
Ўт гуриллаб ёна кетди.

Мен ҳам илжайдим. Қош-қўзларимни қашлаган бўлиб қўлларини белига тираб солланаётган қиз қомаига панжа орасидан қараб-қараб олдим.

Мен ўрнидан турдимۇ яна беихтиёр чўккалаб қолдим... Хайрият, бу орада Маржона магнитофон кассетасини алмаштириш билан овора экан. Гулюз ва Жаҳонгир куйиб-пишиб аллақандай қўшиқчини мактаб туришарди.

Ниҳоят, муздек сӯв ҳароратимни босди.

Охиста, суза-суза теварагимга кўз ташладим. Гул-
юз билан Жаҳонгир хануз ўзаро гап сотишарди. Мар-
жона! У лов-лов ёнаётган гулханга термилиб қўли-
даги шишадан ахён-ахён пиво хўпламоқда. Мунча
чиройли-я?!

Мен шундагина Баҳодиру анави Сайёра кўрин-
маётганини пайқаб қолдим. У ён-бу ён сергакланиб
кўз ташладим. Худди излаётганимни сезишгандай
улар ҳовузнинг нариги тарафидаги бир жуфт арча
панасидан чиқиб келишди. Афт-ангорларида мамнун
бир ифода. Улар бир-бирини қучган, эркалаган кўйи
шундоқкина ҳовуз лабидан юра бошладилар. Тўйқус

Сайёра шўхлик билан Баҳодирни сувга итариб юборди. Йигит ҳовуз ичига кулаётиб қизнинг ҳам қўлидан тортиб кетди. Икковлари ҳам қувноқ қийқиришиб ҳовузга шўнғиди.

Мен уларга халақит бермаслик учун ҳовузнинг бир бурчида туриб қолдим. Вужудимга хуш ёқаётган сувни тарк этгим йўқ эди. Тўғрироғи, ҳовуздан чиқсам, бу антика даврада қолишга бошқа баҳона тополмай ҳужрамга қайтишдан кўркдим. (Йўқ! Ё, Хизр!)

Икки ошиқ-маъшук бир-бирига сув сачратиб ўйноқлаша кетди. Мен ўзимни яна-да чеккароққа олдим. Шу пайт Жаҳонгир ва Гулюз эътиборимни тортди. Улар шундоққина қўл узатсам етар жойда чўзилишган эди. Очироғи, қиз сурила-судрала йигитнинг нақ биқинига келиб қолибди!

— Пошли, юр, — дея шивирлади Гулюз йигитнинг тирсагига суйкалиб.

Жаҳонгир тагин оғир сўлиш олиб қиздан ўзини тортди:

— Дай покой, а...

— Твар! Иплос! — пичирлади Гулюз нафрат билан қум вижимларкан. — Показуха!

— Смотри, унаштирилганмиз-а...

— Ўчир-е! — қиз сапчиб ўрнидан туриб кетди.

Мен беихтиёр сувга шўнғидим.

* * *

Олов бир пастлаб, бир кўкка ирғишлаб ёнар эди.

Маржона шишадаги пиводан ҳўплаб-ҳўплаб хануз гулхан қаршисида, узунчок, йўғон ғўла устида ўтирибди. Унинг хаёлларга фарқ кўзларида аланга аксланмоқда.

Баҳодир ҳовуздан чикдию дарахт шохига осиб қўйилган гитарасини олиб гулхан теварагидаги бўш стулчага ўтирди. Тинфиллатиб-тинфиллатиб ўзича чолғу пардаларини созлаган бўлди. Сайёра тоғорадаги шишалардан бирини очиб ичкиликдан қулт-қулт ҳўплади, сўнг Баҳодирнинг оғзига тутди.

Мен, албатта, тун бўйи ҳовузда қололмас эдим.
Имиллаб қирғоққа чиқдиму таваккал гулхан ёнига
бордим. Маржона... «ҳали ҳам шу ердамисан», деган-
дай менга таажжуб билан қараб қўйди.

Баҳодир охиста қўшиқ бошлади:

*Ҳамма ёқда атиргул иси,
Хар нарсадан излайман маъно...*

Ўзи озғин, новдадеккина бўлса-да, тупша-тузук ово-
зи бор экан, қурмағурнинг. Ҳатто, пирпираб турадиган
кўзлари ҳам унга ярашарди.

*Қулогимдан кетмайди исми,
Гулираъно, о, Гулираъно-о...*

Мен гулханга бир-икки чўп ташлаб қўйган бўлдим.
Гулюз даст туриб ўзини ҳовузга отди. Хомуш сига-
рет сўриб ётган Жаҳонгир ҳам бир зум тараддудланиб
тургач, сирпанибгина сувга тушди.

Гулираъно, о, Гулираъно-о...

Бир пайт... қўшиқ оҳангига мос бош тебратиб ўтир-
ган Маржона андак сурилиб менга гўладан жой берди!
Охиста унинг ёнига чўқдим. Беихтиёр елкаларим қиз
елкаларига тегиб кетди-ю, қаршимдаги олов аъзойи
баданimgа ўрмалагандай бўлди.

Гулираъно, о, Гулираъно-о...

Маржона ичкилиги яримлаб қолган шишани менга
узатди. Ҳатто, қувноқ қош учириб қўйди. Мен беихти-
ёр шишани қўлга олдим. Ҳалигина қиз лаблари теккан
жойга лаб босиб суюқликдан қулт-қулт ютдим. Тахир
бир таъм томоқларимни куйдириб ўтди.

Қўшиқ тамом бўлди. Баҳодирга муҳаббат билан тер-
милиб ўтирган Сайёра йигитнинг тиззаларидан кучди.

Мен ачимсиқ суюқликни буткул сипқориб бўш ши-
шани бир чеккага улоқтирдим. Шундагина зўр бериб
ўзимни ўзим чалғитишга, шундоққина биқинимдаги
қиз баданини ҳис қилмасликка уриниб ётганимни

Шундан бери тилимда отинг...

Маржона! Бир қувонч, бир интиқлик бутун вужудимни қамраб олган эди. Энтикканимча ҳовузга калла ташладим. Мўлжални аниқ олган эканман! Сув остида чалқанча сузаётган Маржонанинг ёнгинасида пишқириб бош кўтардим. Қиз чўчиб кетди. Мен ҳансираб бир қўлим билан Маржонанинг белидан қучдим.

Маржона бир силтаниб қучоғимдан чиқди-да, ялт этиб юзимга тикилди. У шунча пайтдан бери мени эндигина кўриб тургандек эди!

— Чў, такой? — деб пичирлади у оғзидан сув пуркаб.

Бу пичирлаш бу ҳуркак қарашлар мени баттар жўштириб юборди. Энтикканча яна қиз томон интилдим.

Маржона ҳовузнинг нариги қирғоғига қараб сузди. Мен гулхан алангасининг ёғдуларида қиз юзларидаги нозли табассумни илғагандай бўлдим. Томирларимда кон тобора кўпираб эди.

Маржона таъкибларимдан қоча-қоча ҳовузнинг нариги лабига чиқиб олди. (Нур устига аъло нур!) Мен ҳам бир сапчиб қирғокка чиқдим. Шу орада Жаҳонгир анграйганича бизни қузатаётганини ғира-шира пайкаб қолдим.

Маржона қад ростлаб тагин қочишга шайланди. У ҳаяжон ва кўрқувдан титраб эди.

— Нима қиялсиз?! — дея пичирлади қиз ҳансираб. — Ҳозир бакираман.

Мен қулоч ёйиб интилдим.

— Маржона...

Шаштим баланд бўлса-да, овозим барибир хирқираб чиқди.

Қизнинг катта-катта очилган кўзларида гулхан шуълалари ўйноқларди. У орқасига, ҳувв, икки туп арча томон тисарила бошлади. Мен бир сапчиб Маржонанинг билакларидан тутдим-да, қучоғимга тортдим. Қиз типирчилади. Мен уни даст кўтариб арчалар панасига ўтдим....

— Зўрлаб қўйди-и! Номусига тегди-и! — Жаҳонгир жаҳонни бошига қўтариб бақирар эди.

Унинг жазавали чинқиришлари менинг шууримга анчадан сўнг — эхтиросларим пича босилиб, эс-хушим тиниклашгач бориб етди. Мен кўкракларимга юзини яшириб пиқ-пиқ йиғлашга тушган Маржонани ўпиб, эркалаб овута бошлагандим.

Қиз туйқус мени устидан итқитиб ташлади. (Билмадим, қайдан куч топди?!). Хойнахой, унинг ҳам эс-хуши тиниклашиб, ховуз бўйида тўс-тўполон бошланганини англаб етган эди.

— Таппа босиб номусига тегди! Ўлай агар, ўзим кўрдим!

Жаҳонгирнинг бўғик, таҳлика тўла товуши уй томондан эшитилди!

Қўп ўтмай «тап-туп» кадам товушлари, Беккул Тўракуловичнинг ғазабкор ғулдираши, Илмира янгамнинг йиғлоқи қарғашлари кулоқларимга чалинди.

Апил-тапил латта-путтасини устига тортиб қад ростлаган Маржона ваҳимали пичирлади:

— Ўлдим...

Қиз увв тортиб йиғлаганича гулхан томон чопди. Мен ҳам ўрнимдан сапчиб туриб теваракка алангладим.

Олов ожизгина, титраб-қақшаб ёнмоқда эди.

Баходир ва Сайёра бир-бирининг пинжига суқилиб тек қотишган. Кўзлари тўла таҳлика, таажжуб.

Гулюз алланечук асабийлашиб у ён-бу ён юрар, ахён-ахён, гўё унинг номуси булгангандай узун-узн панжаларини юзига босиб бош чайқар эди.

— Қани?! Қани у итвачча?! — деб бўғик ўшқирди Беккул Тўракулович харсиллаб-лорсиллаб ховуз бўйига етиб келаркан. Устида оппоқ майка-иштон, қўлида гўшт чопқи, башараси ғазаб ва нафратдан бужмайган.

— Ва-ай, шўри-им! — дея чинқирди қокила-сурила сув бўйида пайдо бўлган Илмира янгам ҳам. Унинг

сочлари тўзгин, устига чала-ярим кийган узун халати судралган, кўзлари аланг-жаланг эди.

Маржона хануз увв тортиб йиғлаган кўйи ўзини онасининг бағрига ташлади:

— Ойи-а!..

Эру хотин ўртасида бетоқат типирчилаётган Жаҳонгир ҳамон куйинчаклик кўрсатарди.

— Худо хаки, пойлаб бориб кўрдим! Номусига тегди! Дарров уйга югурдим...

Менинг бутун вужудимни кўркув таҳликадан кўра уят ҳисси қоплаб олган эди. Юз-кўзларим мисдек кизиб кетган. Беихтиёр сирғалиб ҳовузга тушдим.

— Чик бу ёққа, ҳароми! — дея бўкирди Беккул Тўракулович менга кўзи тушиб.

У қўлидаги гўшт чопкини ҳаволатиб ҳовуз лабига бостириб келди. Сайёра чинкириб юборди. Баҳодир Беккул Тўракуловичнинг қўлига ёпишди:

— Домла! Ўзингизни босинг, домла! Ўлдириб қўясиз?!

— Ўлдираман уни! — баттар бўкирди Беккул Тўракулович тагин хезланиб. — Нонкўр, ифлос!

Гулюз ҳам чопқиллаб келиб ғазабкор отанинг елкасига осилди:

— Домла, тегманг! Жавобгар бўлиб қоласиз, у ғирт маст!

Беккул Тўракулович ҳансираб андак орқага тисарилди, бироқ ғазаб ва алам тўла кўзлари хануз менга қадалган эди.

— Ока, сувдан чиқинг! — деди Баҳодир менга қайрилиб. — Домланинг кўзига кўринманг.

Юрагим гурс-гурс урганича ҳовуз лабига чиқдим.

Илмира янгам кучоғида ҳик-ҳик йиғлаб ётган Маржонанинг сочларини силаб овутарди.

— Тинчлан, қизим, кўрқма. Даданг милиция чақирдилар. Қамокда чирийдим сени хўрлаган анови ифлос...

Илмира янгам ногоҳ энгашиб ерда юмалаб ётган бўш шишани қўлга олдию менга улоқтирди:

— Кўзинга илоё тупроқ тўлсин, мараз!

Шиша ёнгинамдан учиб ўтдию ўша арчалар тубига пўкиллаб тушди.

Баходир ва Жаҳонгир қўярда-қўймай уй томон етаклаётган Беккул Тўрақулович ҳамон депсинар, хезланар эди.

— Қочаман деб ўйлама, хайвон! — бўқирди у елкаси оша менга ўкрайиб. — Ернинг тагидан бўлсанг ҳам топаман сен битлиқини!

Илмира янгам ҳам Маржонани силаб-сийпалаб охиста уй томон юришди. Сайёра ва Гулюз бир-бирининг пинжига тикилган қўйи ерга тикилиб боришарди.

Олов ўрнида лахча-лахча чўғлар тутаб ётар эди.

* * *

Мен ҳужрамда бош чангаллаб ўтирибман. Гоҳ-гоҳ жойимдан ирғиб туриб ўзимча у ён-бу ён юриб қўяман, пушаймонлар билан гувранган бўламан. Аслида... на қувончу на ўкинч, на афсусу на қўрқув бор эди менда. Юрагим бўм-бўш, онг-шуурим музлаган.

Уй зинапоясида Баходир билан Жаҳонгир чекишиб, ўзаро гаплашиб туришибди. Менга қоровул улар. Уй ичкарасида ахён-ахён Беккул Тўрақуловичнинг алланималар деб қахрли ўшқиргани, Илмира янгамнинг хасратли қарғишлари эшитилиб қолади. Икки-уч бор Маржонанинг аччиқ-аччиқ йиғлагани қулоғимга чалинадию юракларим сирқираб кетади.

Мен, отам айтгандай, ҳаммаси бинойигина, осуда кечаётган гўзал, лаззатли лаҳзаларнинг не сабаб тўстўполонга эврилганини англашга уринардим. Тусмолимча, Жаҳонгир чиндан-да, бизни пойлаган. Қўнгли тортганича томоша қилиб тургану, бизнинг эс-ҳушимиз хиралашиб, кўзлар кўрмай, қулоқлар эшитмай қолган пайт аюҳаннос солган. Гулхан теграсида ўтирганларни хангу манг қолдириб уй томон чопган, хайҳотдек зални бошига кўтариб чинқирган. Окибатда...

Ичкарида Маржонанинг зорланиб йиғлагани яна юрак-бағримни ўртаб ўтди. Бекқул Тўракуловичнинг тахдидли ўшқириги эшитилди:

— Ёз, ҳаммасини ёз! Қайсарлик қилма, у ифлоснинг жойи турма! Ҳозир наряд етиб келади, тезроқ ёз!

— Ёзақол, кизим, уялма, — Илмира янгамнинг қақшаб ялингани элас-элас эшитилди. — Билман, айбинг йўқ, анови қутурган буқага бас келиб бўлармиди. Ёзақол, қизим, уялма...

Тун ярмидан ошган. Кўк тўла юлдузлар маъюс-маҳзун милтирашади. Чорбоғ алланечук хурпайиб, уй пештокидаги чирок ёруғидан хижолат чекаёт-гандек кўринади. Адлякад тераклар енгил эпкиндан шитирлашиб, гўё тунги сирлар хакида шивирлашар эди.

Бир пайт дарвоза ортига гуриллаганича машина келиб тўхтади. Тўхтадию қоронғилик қатига тифдай санчилган фара ёдудари сўнди.

Машина шовкинидан сергакланган Жаҳонгир ичкарига югурди. Лахза ўтмай бўсағада хануз оқ майка, оқ иштондаги Беккул Тўрақулович довдираган кўйи пайдо бўлди. У қоқила-сурила бориб дарвозани очди.

— Ассалому алайкум, домла...

Дарвоза ортидан Бақоевнинг таниш товуши эшитилди. У икки нафар барваста, уйқусираган милиция ходимини чорбоққа бошлаб кираркан, Бекқул Тўрақуловичга бош-оёқ таажжуб билан тикилди.

Домла миқ этмай уларни ичкарига бошлади.

— Телефонда овозингизни эшитиб кўриб кетдим, — дея мингирлади Бакоев. — Дарров нарядни олдиму бу ёққа ҳайдадим...

Бақоевнинг товушида ғира-шира қувонч шарпалари сезиларди. Афтидан, Бекқул Тўрақуловичдай улғустоз ҳам ташвишга йўлиқиб, унга иши тушганидан мамнун эди.

Эшик-дарвозалари темир панжарали милиция машинаси ниҳоят манзилга етди. Қўлларим орқага кишанланганидан хўп азият чекдим.

Икки ходим менинг сирғалиб машинадан тушимни бетоқат кутиб туришди. Ерга оёқ босар-босмас тевааракка бир қур аланглаб олдим.

Баланд темир панжара билан ўралган, электр фонуслардан чароғон ховли. Ховлида ранг-баранг автоуловлар, у ён-бу ён жонсарак ўтиб қайтаётган яккам-дуккам мундирли ходимлар кўзга ташланади.

Биз шундоққина қаншаримиздаги баланд, ойнабанд иморат томон юрдик. Бақоев илдам қадамлар билан йўл бошлади. Икки милиция ходими мени ўртага олишган.

— Эй, қўп аланглама, — деб қўйди улардан бири биқинимга туртиб.

Ичкарига кирдик. Бақоев эшиги тепасига «Навбатчилик қисми», деб ёзиб қўйилган, ҳаммаёғи ойнабанд, темир панжарали хужранинг тирқишидан бош сукди. Алланечук Роза анийнинг ошхонасини эслатадиган бу ойнабанд бўлмадаги сон-саноксиз телефонларнинг бири олиб, бири қўйиб жиринглайди, уч-тўрт ходим уйқули товушда қўнғирокларга жавоб беришади.

Бақоев ўзидек мўйловдор, баджаҳл капитан билан анча пайт гаплашиб қолишди. Капитан қалин, кирчил дафтарга алланималарнидир ёзди.

Анчадан сўнг яна карвон бўлиб жўнадик. Бақоев сарбон, икки ходим ўртасида мен. Гоҳ кенг, гоҳ тор йўлаклар бўйлаб, баъзан зиналардан чиқиб, баъзан тушиб борардик. Онда-сонда қаршимизда учраб қоладиган ходимларнинг баъзилари Бақоев билан шунчаки бош ирғаб саломлашса, баъзилари қуюқ сўрашиб, икки-уч оғиз ҳангомалашиб қолишади.

Ниҳоят, чироклари хира, зах ва чиркин хид анқиб турган, ертўлатоб жойда пайдо бўлдик. Ёнимиздаги эшиклари маҳкам кулбадан гоҳ инграган, ўкирган то-

вушлар, гоҳ қутуриб бўкиришлар, сўкинишлар эшитилади.

«Видеосалон, шекилли?» — лип этиб хаёлимдан ўтди менинг. Хув, бир пайтлар худди шундай ертўла нусха жойда кино томоша қилганимизни эсладим.

— Эй, у ёққа анграйма, тезроқ юр, — деб тўнғиллади оркамдаги ходим.

— Кино бўлаяптими, дейман-а? — беихтиёр оғзимдан чикиб кетди менинг.

Икки ходим маъноли кўз уриштириб тиржайиб қўйишди. Сўровим қулоғига чалинган Бақоев елкаси оша мен томон кўз ташлади.

— Ҳа, маданий ҳордиқ чиқаришяпти. Сенга ҳам эрта-индин билет тегиб қолар.

Шу пайт семиз, япаски бурун, қисик кўз сержант қаршимизда юмронқозиқдек қад ростлади.

— Бўш камера борми? — сўради ундан Бақоев.

Сержант ҳорғин, асабий бош чайқади:

— Йў-ў... Ҳаммаси лик.

— 99-ни оч-чи, — деди Бақоев андак ўйланиб тургач.

Сержант лапанглаб йўл бошлади.

Тор, пастқам йўлакнинг ҳар икки тарафида қопқора, темир эшиклар тизилиб кетган эди. Бетон деворнинг у ер-бу ерида бўртиқ, қалин лампалар алланечук кирчил, хира шуъла таратади. Ҳаммаёқ ғалати бир ваҳима, таҳдидга бурканган.

Бақоев хўмрайган қўйи менга яқин келди:

— Ҳолингдан кимга хабар берайлик?

Кўз ўнгимда ота-онам, ака-опаларим бир қур чаппар уриб ўтдию чўчиб кетдим.

— Керакмас, — дедим шоша-пиша. — Ҳеч кимга айтманг.

Бақоев тиржайиб бош чайқади:

— Йў-ўқ, яқинларингга хабар беришимиз шарт. Адвокат топиб сени ҳимоя қилишсин, адолатли қонунларимиз талаби шундай.

Шу пайт хаёлимга Тоштемир ака келди. Айтдим.

— Ҳа, анови тренерми? — деди Бақоев чехраси андак ёришиб. — Бўпти, унга хабар бераман.

* * *

Оркамдан оғир, темир эшик гумбурлаб ёпилди. Бўсағада бир зум гангиб туриб қолдим. Камерада қўланса ис анқиб ётарди. Эшик пештоқидаги лампаннинг ўткир ёруғидан кўзлар камашади. Қалин бетон қоплама ерда ҳар хил хашаротлар ўрмалаб юрибди. Камеранинг икки ёнида ётоққа мўлжалланган икки ёғоч сўри. Айни авжи саратон бўлишига қарамай камера захкаш, муздек.

Мен жирканиб у ён-бу ён алангларканман, ўнг бурчакда буришибгина намоз ўқиб ўтирган йигитчага кўзим тушди (ҳойнаҳой, гуноҳлари меникидан-да, оғир бўлса керак, тавбага зўр берибди). У бир парча матони жойнамоз ўрнида тўшаб олган. Сажда пайти бетон қопламага қаттиқ урилган шекилли, ёрилган қошқобовидан қон силкиб турибди, юзлари моматалок.

Йигитча намозини тугатиб чўк тушган жойидан тураркан, менга бош ирғаб салом берди.

— Ассалому алайкум.

Беихтиёр у билан қўл бериб кўришдим.

Ёғоч сўриларнинг бирига у, бирига мен ўтириб анчагача жим қотдик.

— Сизни... нега камашди? — сўрадим охири ўнғайсизликдан қутулиш учун.

Йигитча жилмайиб елка учирди:

— Шу... 159-модда... диний масала бўйича.

Мен унга анқайиб қолдим. Очиғи, эскигина кўйлагининг у ер-бу ерига қон доғлари теккан бу йигитчанинг иқрорига ишонгим келмади.

Йигитча ҳануз ўйчан турарди.

Тағин бироз жим қолдик. Ҳамхонам қон силкиётган қовоғига латта босди. Мен қаршимдаги алланечук улуғвор, хотиржам қиёфали йигитчанинг дидига мос гап излардим ўзимча.

Мен бош ирғаб қўйдим.

Тоштемир ака ёғоч ўриндикка бўшашганича чўкди:

— Уф-ф... иш чатоқ. Шўргинанг қуриди энди, ука! Дарров отангга хабар берамиз.

— Керакмас.

— Керак! — Тоштемир ака стол устига тарсиллатиб урди. — Олдини олиб гаплашмасак, қамокда чирийсан. Ўвв, Бекқул Тўрақулович билан ҳазиллашма!

— Мен Бекқул Тўрақулович билан ҳазиллашганим йўқ.

Тоштемир ака вижинган кўйи ўрнидан туриб кетди:

— Сен серрига гап уқтирганнинг ўзи аҳмоқ... Яхши... Сен жимгина тур, ўзим ҳал қиламан ҳаммасини...

* * *

Иззатим ошиб кетди-ёв... Қайга чақиртирса икки ходим ўртага олиб қўриқлаб боради-я?!

Тоштемир ака билан қизариб-бўзаришганимиздан сўнг, қўп ўтмай, терговчи ҳузурига чорлабди.

Жўнадик. Мени тагин узун йўлақлар бўйлаб етаклаб, обдан тинкамни қуритишди.

Терговчининг қора дерматин қопламали эшиги қия очик экан. Олдимга тушиб ҳардамхаёл бораётган қотмагина сержант ичкарига бош сукиб деди:

— Мумкинми, ўртоқ майор? Олиб келдик!

Ичкаридан Бақоевнинг таниш товуши эшитилди:

— Кирсин!

Эшик ланг очилди. Орқамдан ходим биқинимга никталади:

— Юр!

Ичкарига кирдимۇ юрагим темирчининг босқонидай гурс-гурс ура кетди: «Маржона!»

Ҳа, адашмагандим. Сап-сарик, ялтироқ стол ёнидаги стулларнинг бирида Маржона қимтинибгина ўтирарди. Сочлари ёйик, устида бир парчагина кофта-юбка, чарм сумкача билан яширишга беҳуда уринаётган оппоқ сонлари бир-бирига қапишган.

Маржона мени кўрдию сапчиб ўрнидан турди. Тура солиб калта юбқасини пастроқ тортган бўлди, кўзлари пирпираганича ерга қадалди.

— Маржонахон, кўркманг, ўтиринг, — деди тиржайиб Бақоев.

Мен уни погонлари кирчил йилтиллаган хизмат мундирида илк бор кўришим эди. Терговчи хона тўрида, ҳар хил коғозу папкалар тахлаб кўйилган иш столи орақасида ястаниб сигарет чекар, куюк дудга кўмилган кўйи кўзларини қисиб қиз қоматига суқ билан тикилар эди.

— Гражданка Тўрақулова, ўтиринг, — деб такрорлади Бақоев қалин мўйлови остидан кинояомуз ўшшайиб. — Бу ерда ҳеч қанақа хавотирга ўрин йўқ.

Маржона қисиниб-қимтинибгина жойига ўтирди.

Мен гоҳ ярим яланғоч қизга, гоҳ Бақоевнинг суқли, хирсли нигоҳларига кўз қиримни ташларканман, ҳалигина ширин бир ҳаяжон, қувонч қоплаган юракбағримни беаёв ғазаб, алам қуйдира кетди. Кўлларим мушт бўлиб тугилди, тишларим фижирлади.

Терговчи ичкарига бош суққанимдан бери менга киё ҳам боқмай, ўзича безътибор ўтирарди.

— ...хуллас, балиқ ови зўр бўлди, — деди у қизга, хойнаҳой, ташрифим туфайли узилиб қолган гурунгни давом эттириб. — Дадангиз ҳам, биз ҳам хурсанд...

Маржона гўё игна устида ўтирарди. Хаёллари паршон, кўзлари хона бўйлаб кезмоқда. Терговчи эса тиржайиб, сузилиб қиздан суқли, хирсли кўзларини сира узмас эди.

Мен бир гувраниб қўйдим.

— Кечирасиз, — деди Маржона туйқус терговчининг ҳикоясини бўлиб. — Мен... кетишим керак.

Бақоев оғир сўлиш олиб сигаретини кулдонга босаркан, ғудранди:

— Яхши... тезлаштирамиз.

Бақоев пишиллаб стол устидаги папкалардан бирини очди. Қош-қобоғи уюлди.

— Ўвв, — деди у дабдурустдан менга ўқрайиб. — Гражданин... Толмасиф... Сен Тўрақулова Маржона

Беккуловнанинг шикоят-аризасига кўра... жиноят кодексининг... та-ак, тегишли моддасига кўра зўрлаб немусга тегишда айбланасан. Мен шикоят-ариза эгасини, — терговчи қизга имо қилиб қўйди, — сен билан юзлаштириш учун чақиртирганман...

Мен ҳануз ғазаб ва аламдан бўғрикиб турардим. Қайғургадир бош олиб, улокиб кетгим келарди. Бир амаллаб хонадан чиқиб кетишим учун баҳоналар излардим. Ногох, ўқув юртида ўкиб-ўрганганим — айбланувчининг ҳақ-ҳуқуқлари ғира-шира эсимга тушди.

— Ўртоқ терговчи, — дедим аранг титроғимни босиб, Бақоев папка титкилаб бир зум жим қолган пайт. — Ўзимни ноҳуш сезяпман, ҳозир ҳеч қандай савол-жавобга қурбим йўқ.

Терговчи кинояли ҳиринглади:

— Нега? Бошқа нарсаларга қурбинг зўр эди-ку?

Шу пайт Маржона ҳам ўрнидан туриб кетди:

— Мен ҳам ҳозир ҳеч нарса хоҳламайман, — деди у энтикиб. — Тобим йўқ, кўнглим айнияти.

Бақоев бир менга, бир Маржонага таажжуб билан тикилиб қолди. Маржона икковимизнинг ўртамизда нафрат олови ёнаётганига, ҳатто, юзма-юз туришга-да, токатимиз йўқлигига буткул ишонди шекилли, афтангорида мамнун бир ифода пайдо бўлди.

— Бемалол, — елка учирди терговчи, — адолатли қонунларимиз бунга йўл қўяди, — сўнг ясама норозилик билан тўнғиллади. — Хўш, қачон тобларингиз бўлади, азизларим! Ишни тезлатиш керак, вақт зиқ.

— Эртага, — пичирлади Маржона ерга тикилиб.

Бақоев менга кинояли тикилди:

— Сиз-чи, жаноб? Эртагача қурбингиз келиб қолар-а?

Мен бош ирғаб қўйдим.

* * *

Пешиндан сўнг яна учрашувга олиб чиқишди. Қўлимни кишанлашга чоғланган сержант тажжубланди:

— Нега мушт тугиб оляпсан? Қўлингни ёй, бўш қўй!

— Ишқилиб ўзини бир бало қилмоқчи эмасми бу?! — деб тўнғиллади иккинчи милиционер каме-ра ичини хавотир билан кўздан кечираркан. — Авзойи бўзук.

Сержант ҳиринглади:

— Хали эрталабки терговда Бақоев сал-пал думини босиб қўйди-ёв.

Мен мик этмасдим.

«Учрашув хона»сида Тоштемир ака чарм портфель кўлтиклаган бир боди билан кутиб турган экан.

— Бу киши сенинг адвокатинг, — деб таништирди устозим. — Фирдавс Шамс. Еган-ичгани қонун, не-не каллакесарларни ҳам сувдан қуруқ чиқарган.

Фирдавс Шамс қилпанглаб, менга таъзим қилиб кўйди. Жилмайди. Хатто, бўялгандек қоп-қора қош-кўзларини муқом билан ўйноқлатган бўлди.

— Шу улуг инсон вақти зиклигига карамай сенинг химоянгга отланди, — деб қўшиб қўйди Тоштемир ака. — Энди бу ёғи ўзингга боғлиқ.

Адвокат ёғоч ўриндиқ устини обдан «пуф-пуф»лаб ташлагач, оҳиста унга чўкди. Жигаррангга бўялиб, қиялатиб-қиялатиб таралган сочларини назокат билан силаб қўйди.

— Полвонжон ука, — дея гап бошлади у алланечук ингичка, майин овозда. — Сиз менга ҳамма-ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб беришингиз керак.

Фирдавс Шамсинг афт-ангорию ғалати товуши
 ғаш кўнглимни баттар ғашлантирди.

— Нимасини айтаман, — деб тўнғилладим истар-истамас. — Ҳаммаси чин... шундай бўлган.

— Ай-ай, укагинам, — деди адвокат таманно билан. — Камина ҳамма тафсилотларни икир-чикиригача эшитиши керак.

— Ўрлик қилма, гапириб бер, — тўнғиллади Тош-темир ака ҳам.

Ноилож, чүкүр бир тин олгач, гап бошладим.

— Шу... кечки пайт домланинг қизи ўртоқларини бошлаб...

— Бу ёғини биламиз, полвонжон ука-а, — гапимни бўлди адвокат баттар тантиқланиб. — Сиз... сиз қизга қандай ташландингиз, шулар ҳақида айтиб беринг... Шошилманг, томчилатиб-томчилатиб гапиринг...

— Озгина пиво ичгандим...

— Пиво-мивонгиз ҳам керакмас, нақадар жирканч...

— Эсам нимани гапирай, — энсам қотди менинг.

Фирдавс Шамс сип-силлиқ қиртишланган ияқларини кафтига тираб, қанд шимиб лаззатланаётган боладай кўзларини сузиб, юпқа лабларини ялаб-ялаб қўйди.

Бирдан миямга қон тепиб, жаҳл билан ёғоч ўриндикдан туриб кетдим.

— Хеч нарса айтмайман. — Тоштемир акага юзландим мен. — Менга бунақа адвокат керакмас.

Тоштемир ака қўлларини пахса қилиб ўшқирди:

— Ишга зарил бўлгандан кейин сўрайди-да!

Мен ғазабимни аранг босиб эшик томон юрдим.

Фирдавс Шамс хануз тамшанган кўйи ортимдан қараб қолди.

* * *

Тонгга яқин кўзим илинибди. Туш кўрдим чоғи.

Тавба, шаҳарнинг қоқ киндигидаги чорраҳада ўтовимиз тикилган эмиш. Тўрт тарафда машиналар серкатнов, Бекқул Тўрақулович, Фирдавс Шамс, Бақоев ва яна аллакимлар ёнбошлаб ётишибди. Ҳиринг-хиринг кулаётган Тоштемир сокининг қўлида шиша. Бирок дастурхон йўқ. Ўртада мен қип-яланғоч ҳолда чўзилиб ётган эмишман. Тоштемир соқи гоҳ-гоҳо қўлидаги шишадан оғзимга ичкилик қуяди. Атрофимдаги тўда хиринглашиб, пичирлашиб мени томоша қилармиш. Ногоҳ эрининг орқасидан Илмира янгам пайдо бўлди: «Маржона қани, яшшамагур?!» Мен ҳарчанд уринсам-да, хеч ўрнимдан туrolмас эмишман. Уятдан ғужанак бўлиб қолибман. Бир пайт ўтов эшиги ланг очилиб отам кириб келди. Бошида шляпа, бўйнида гулдор галстук, устида беқасам чопон. Ланг очик эшикдан қип-яланғоч Маржонага кўзим тушди! У ўтов ёнидаги

Алланечук изтироб, интиқлик ичкарига итариб юборгандай бўлди мени. Бўсагадан довдир-совдир оёқ ташладиму кўз қирим билан уни изладим. Қани Маржона?! Нахотки, енг-этаклари узун кўйлакка ўралашиб ўтирган анови киз ўша?! Ана, илҳақ-илҳақ мен томон каради, Маржона!

Маржона мени кўрдию ўрнидан турди. Сарғишга мойил юзлари гулгун қизариб худди кечагидек ерга тикилди. Узун-кенг, кўкиш кўйлаги унга ғоят ярашган эди.

«Кеча рашкдан қон ютганимни сезган экан-а?!» — шу хаёл онг-шууримга чақмоқдай урилди. Энтикдим. Ич-ичимдан қайнаб-тошаётган қувончимни яширолмай, кўзларим билан қизни эркалаб беихтиёр илжайдим.

— Тавба, бу қанақа туриш? — деди Бақоев бир мена, бир Маржонага норизо тикилиб. — Ўтиринг, Маржонахон. Ўвв, сен са-ал лаб-лунжингни йиғиштириб ол. Хали биргалашиб куламин.

Терговчи тажанг бир қиёфада папкани олдиға тортиб, очишга тутинди.

Деразанинг кулранг пардаси ортида кондиционер ишлаб турганиданми, ҳар қалай, хона салқин эди. Хаяжону қувончнинг зўридан терлаб кетган белларимга муздек эпкин тегарди. Мен тез-тез, ихтиёрсиз равишда Маржонага кўз ташлардим: «Кўнглимдагини топибди-я?! Мени тушунибди...»

Назаримда Маржона ҳам мен томон термилишни хоҳларди-ю, бироқ ботинолмасди.

— Хўшш... — деди Бақоев томоқ қираб олиб. — Гражданин Толмасов Қоржов Чоршанбиевич, адолатли қонунларимизга кўра, жиноят кодексининг тегишли моддаси билан сизга жиноий иш очилди. Сиз, Толмасов Қоржов, зўравонликда, номусни булғашда айбланасиз. Асос — ҳурматли ва азиз фуқароларимиздан бирининг шикоят-аризаси. Бу ерда, ҳатто, баъзи бир гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам бор. Хўшш... керак пайти уларни ҳам албатта қақирамин. Мен ҳозир шикоят-аризани ўқиб, таништираман...

Бақоев сурранг, ғижимтоб варақдағи битикни қироат билан ўқиш учун тағин томоқ қириб олди.

Шу пайт безовта ўтирган Маржона терговчи томон қўл чўзди:

— Кечирасиз, шошманг...

— Хўшш? — деди таажжубланиб Бақоев. — Тинч-ликми?

— Керакмас, ўқиманг...

— Нега?

— Керакмас, — деди Маржона лаблари титраб. — Мен... аризамни қайтариб оламан.

Бақоевнинг қош-қобоғи уюлиб кетди. Курсисига бутун оғирлигини ташлаб қизга саволчан-синовчан тикилди.

— Ўйлаб гапиряпсизми, Маржонахон?! Бунинг оқибати нима бўлишини биласизми?

— Билишни ҳам истамайман.

Бақоев асабий тарзда сигарет тутатди.

— Оқибати сиз учун, оилангиз учун шармандалик, — деди терговчи заҳархандалик билан. — Манави махлуқка эса яшил чироқ. Сувдан куруқ чикқач, яна бирортасини бориб босади. Сизга шу керакми? Бунга ўхшаганларнинг эсини жойига келтириб қўйиш сизу бизнинг бурчимиз эмасми?

— Мен аризамни қайтариб оламан! — деб такрорлади Маржона қатъий оҳангда. — Менга морал ўқиманг.

Бақоев аразлаган боладай тумшайди. Бош чайқаб «уф» тортди.

— Бу қарорингиздан дадангиз хабардормилар? — деб сўради у яна кинояли илжайиб. — Кейин пушаймон бўлиб юрманг-а.

— Ўзим шуни хоҳладим.

— Маржонахон... шошманг, мен дадангизнинг олдидан бир ўтай, кейин гаплашамиз, хўш?

Маржона ижирғаниб ўрнидан турди.

Ё, хазрат Хизр, тушимми, ўнгим?! Учрашув хонасида мени Роза аний кутиб турган экан. Онамни кўргандай севиниб кетдим. Бажонидил уни кучиб эркаланар эдимۇ кирланиб, анча-мунча қўланса хид анкиётган уст-бошимдан уялдим. Йўқ, Роза аний ҳеч бир ирганмай елкамдан енгилгина кучиб, нешонамдан ўпди, сўнг қулоғимдан тортқилаб койинган бўлди:

— Ух, ты хулиган. Тез ўтир, томоқ совиб қолади.

Мен шундагина учрашув хонасининг ўша мактаб партасига ўхшаш столи чорбоғ дастурхонидай безатилганини пайкадим. Апил-тапил тўшалган газета устидаги обинонлар, ширинликлар, айниқса, чинни косадаги буғи чикиб турган димлама иштахани китиклаб юборди.

Ўтирдик.

— Овора бўлибсиз-да, — дедим астойдил, егуликларга интилиб. — Домилла билса сизни хафа қилади.

— Не переживай, — кулди Роза аний, — ўзлари юборишди мени.

Чала чайнаб ютаётган ноним томоғимга тикилиб қолаёзди. Оқсоч аёлга анграйдим: «Йўғ-е?!».

Роза аний меҳрибонларча елкамга қокиб қўйди:

— Ҳайрон бўлма, овқатингни еявер, ҳаммасини тушунтираман ҳозир.

Димлама ҳил-ҳил пишган экан. Ҳаш-паш дегунча чинни косани яримлатдим.

— Поттише, тикилиб коласан, — деб кулди Роза аний, сўнг пичирлаб гап бошлади. — Ўша кеча...

Ўша тун мени милиция олиб кетгач, эру хотин роса типирчилаб қолишибди.

Қахру қазаби анча-мунча босилиб, эс-хушини йиғиб олган Беккул Тўракулович хотинига ташвишли тикилиб:

«Бекор қилдик-да...», деган эмиш.

«Ҳа, шошилдик, дадаси шошилдик!» — дебди ҳовуридан тушиб, ақли тиниқлашган Илмира янгам ҳам.

«Бу иш шов-шув бўлиб кетса...»

«Ва-ай, шўрим, шарманда бўламиз-ку?!»

«Шу ифлосни қаматиб нима наф топардик-а?! Кўчанинг йигитларига шипшиб қўйсам олам гулистон эди!»

«Сиз ҳам қонуний бўлсин, дедингиз-да, дадаси».

«Ҳа, тўғри, мен факат конунни тан оламан, уф-ф...»

«Эртагаёқ дело очилади, тергов, суд... ва-ай, всё, ҳамманинг оғзида сақич бўламиз...»

«Қизингизга оғиз солиб юрган дўстларга нима деймиз?»

«Ваҳх...»

«Уф-ф...»

«Ишни тўхтаттиринг, дадажониси, ўлгур Бақоев билан эртагаёқ гаплашинг...»

«Шошма-чи... Маржонанинг ўзини юборсак... Қизинг аризасини қайтариб олса, тамом, ҳаммаси қонуний...»

«Тўғри... как раз эртага Маржонани юзлаштиришга чақиради...»

Ҳамма гап-сўзларни ётоғида эшитиб турган оксоч аёл сув ичиш баҳонасида залга чикибди. Саросима-ю тахликада ўтирган эру хотин Роза анийдан ҳам маслаҳат сўрашган эмиш.

«Роза, — дебди Беккул Тўрақулович болаларча мунгайиб. — Сен ҳаётда кўп машаққат кўрган, оқила аёлсан. Маслаҳат бор».

«Ҳа, йигитни милицияга топшириб хато қилдингиз, — дебди Роза аний. — Но, не поздно, биргина йўли бор».

Эру хотин оксоч аёлнинг оғзига илҳақлик билан тикилишибди.

«Только, хафа бўлмасангиз айтаман», — дебди Роза аний.

Беккул Тўрақулович асабий қўл силтабди:

«Э, тезроқ гапирсанг-чи, қанақа хафагарчилик...»

«Жо-он, аний...» — мўлтирабди Илмира янгам ҳам.

«Шу йигитни куёв қилингиз, всё. Ҳеч ким фикр этмайди...»

Илмира янгам курсидан сапчиб туриб кетиб:

«Как эта та-ак. Чўпонлар билан куда бўламанми?!» — деган эмиш.

Лекин бека аёл бутунлай чорасизлигини ҳис этиб, тагин увв тортиб йиғлаганича ўтириб қолибди.

«Қўй, куйинма, — хотинини овутган бўлибди Бекқул Тўрақулович. — Одамларни камситиш яхшимас, мен ҳам оддий деҳқон оиласидан чиққанман-а...»

Роза аний пайтдан фойдаланиб отга камчи босган эмиш:

«Полвон бола, по моему ямон эмас... отличный йигит, свежий, здоровый...»

...Мен димламани паққос туширдим. Ялаб-юлқанган чинни коса ювгандан зиёда ялтираб қолди. Ҳам лаззатли хўракдан, ҳам қулоққа хуш ёқар гаплардан маза қилдим.

— Кеча кечқурун чорбоққа Бақоев келди, — дея тагин пичирлаганга тушди Роза аний. — Тажанг, сердитий...

Бекқул Тўрақулович ўз шогирдини хушомад билан кутиб олган эмиш. Қуюққина зиёфат устидаги суҳбат ҳам қуюққина кечибди.

«Энди-и... биз шундай ноқулай ахволга тушиб қолдик, — деганмиш Бекқул Тўрақулович чайналиб. — Жаҳл келса ақл кетар, дегандай... сал-пал қизишиб наряд чакирибмиз. Энди-и... ўзингиздан қолар гап йўқ, шу ишни тинчитиб гум-гурс қилинг... ортиқча фавфога токатимиз йўқ...»

Бақоев улоқни олдирган чавандоздай сўнарибди:

«Хм-м... тушунарли. Бугун қизингиз аризани қайтариб оламан, деб хархаша қилганди... Бу сиздан чиққан фикр экан-да...»

«Ха... умуман... шундай, десак ҳам бўлади», — деб минғирлабди устоз шогирдига мўлтираб термилганича.

Терговчи Бекқул Тўрақуловичга синчков-саволчан тикилиб тиржайган эмиш:

«Ихтиёрингиз, домла... ҳаммасини қонуний ҳал қилса бўлади, лекин... идорада баъзи бировлар бу

ишдан хабардор-да... ўшаларни тинчитиб, оғизларни ёпиш керак».

«Карракдай очилган оғизларни ёпинг, мана, биз харажатга тайёр. Қанча керак?»

Бақоев ўзича хижолатомуз қийшанглаб, қисилиб-қимтиниб нарх айтибди.

Бекқул Тўрақулович «круглий» суммани эшитиб ранги қув ўчса-да, тақдирга тан берган эмиш:

«Бўпти, биз рози...»

Лекин шогирд норизо қиёфада анча пайт тумшайиб ўтирибди. Унинг дардини пайқаган устози секин пи-чирлаган эмиш.

«Хизматингиз кадрланади, ука... ҳалиги илтимосин-гизни бир ой ичида ҳал қиламан...»

Бақоевнинг бирдан қош-қовоғи очилиб, қалин мўй-лови остида қулги пайдо бўлган эмиш.

«Сиз доно, улуғ одамсиз, устоз, — дебди терговчи қадахларга ўзи ичкилик қуйиб. — Сизга хизмат қилиш биз учун бахт».

Устоз қадахни шунчаки лабига тегизиб қўйибди.

«Раҳмат...»

Бақоев иштаҳа билан овқат кетидан овқат еб, шу кеча алламаҳалгача қолиб кетган эмиш.

«Домла, — деб минғирлабди у кетар чоғи кекира-кекира, — ҳаммаси сиз хоҳлагандай бўлади. Ну... ано-ви тўнғиз яна ўн-ўн беш сутка таъзирини еб ётса яхши бўларди-да... шунчаки профилактика учун...»

Бекқул Тўрақулович сирли илжайибди.

«Ў-ў, укагинам, ҳақорат қилманг-а бировларни. Бу йигит сиз ўйлаганчалик ёмон эмас...»

Бақоев бақадай бақрайиб қолибди.

...Мен термосдаги аччиққина чойдан бир пиёла ич-гач, ширинликларга ташландим.

Роза аний юзларимга меҳр билан тикилиб қўз қисиб қўйди.

— Қалай? Совчиларинг тайёрми?

Мен лаззатли таомдай бутун вужудимни яйратиб ётган қувончни яширишга ўлиб-тирилардим.

— Э-э, бизга йўл бўлсин, — деб ўзимча тўнғилладим, бир бўлак шоколадни оғзимга солиб. — Ота-онаси кўн-саям, барибир Маржона менга тегмайди.

— Нега?

— Мени севмайди. Ёмон кўради...

Роза аний шарақлаб кулиб юборди. Мен чўчиб уч-рашув хонасининг темир эшиги томон юзландим. Йўқ, қоровул резина таёк ўйноқлатиб кириб келмади.

— Успокойся, — деди Роза аний ўзини кулгидан аранг тўхтатиб. — Охрана ўзимиздан, гаплашганман.

— Нега куляпсиз, аний? — деб сўрадим ўзимча жиддий туриб. Кўзларим хона деразаси ортидаги те-мир панжарага ўйноқлаб келиб кўнган бир жуфт му-сичада эди.

— Кулмай бўладими? Эх, сиз — молодёжь... қўл ушлашиб кинога киришни, сайр этишни любовь деб ўйлайсиз.

— Нима, бу севги эмасми?

— Йў-ўқ... бу шунчаки детский эрмак, хавас. — Роза аний тагин туйқус шарақлатиб кулиб юборди.

— Севги нима бўлмаса? — сўрадим мен ҳам беих-тиёр кулиб.

— Кўз очиб кўрганини аёл зоти бир умр унутмай-ди, вот... бу севги! Ҳамма гап шунда, укдингми?

Роза аний елкаларимга шўхчан турткилаб, яна ба-ралла қахқаҳ уришга тушди.

Хуркиб учган мусичалар чарх уриб ўйноқлай ке-тишди.

* * *

Камеранинг оғир, темир эшиги орқамдан одатдаги-дек гумбурлаб ёпилгач, Роза аний ҳалигина кула-кула чўнтагимга солиб қўйган, кат-кат буклоғлик варақни қўлимга олдим. Хат экан.

«Қоржов ака, ҳаммаси учун мени кечиринг. Бугун аризани қайтариб олдим. Кўркманг, эвазига сиздан ҳеч қачон, ҳеч нарса талаб қилмайман. Ҳеч қанақа

даъвоим, эътирозим йўқ. Сизга факат бахт тилайман. Маржона».

...Хатни тонг отгунча қайта-қайта ўқидим. Гўё Маржона шундоққина кучокларимда шивирлаётгандек эди. Нописанд чимирилган ингичка кошлар, эхтиросга лиммо-лим юпқа лаблар, эркаликка, инжиқликка мойил куралай кўзлар тонг отгунча қорачиғимда қотиб турди. Юрак-бағрим соғинчу интизорликдан ўртаниб-ўртаниб кетди. Тонгга яқин хатни чайнаб-чайнаб ютиб юбордим.

* * *

Бақоев ўзи истаганидек «ўн-ўн беш сутка профилактика учун» мени камерада сақлай олмади. (Қонун барибир қонун-да!) Орадан уч кун ўтиб навбатчи ходим аллақанча расмийчиликлардан сўнг мени идора эшигидан чиқариб юборди.

Дарвоза ёнида Тоштемир ака машинасини ўнгариб кутиб турган экан. Устида жинси кўйлак-чолвор, оғзида сақич, қўллари белда.

— Ў-ў, Қоржовбой укам! — дея хитоб килди у, мен томон қулоч ёйиб келаркан. — Сенинг Хизр кўрганинг чин, полвон!

Биз бағрлашиб кўришдик.

Шу пайт машина ёнида илжайиб турган кўй кумолоғидеккина қоп-қора, юм-юмалоқ, кўзли, тиканак соч дўстим Ҳусанга кўзим тушди. Юрагим алланечук орзикиб унга ташландим.

— Айтганча, отанг ҳам келган, — деди Тоштемир ака машинага ўтирарканмиз.

Юрагим яна орзикиб, сиркираб кетди:

— Қани отам?!

— Бизникида... Аччиққина кўк чой ичи-иб ўтирибдилар. Бовани сарсон килиб юриш ноқулай-ку, тўғрими, ука?

Йўқ, отам аччиққина ўйларга чўмганча оқ оралаган сийрак соқолларини тутамлаб ўтирган экан. Устарада

қиртишланган бошида ола дўппи, устида енглари узун шалвираган сарғиш кўйлак, ғижим шим.

Отам бизни кўрдию каловланганича ўрнидан қўзгалди.

— Ота... — дедим аранг, бўғзимга бир хўрлик да-
надек тикилиб.

Отам бўйнимга беҳол осилган кўйи ҳирқираб йиғ-
лаб юборди:

— Болам...

Тоштемир ака ҳам ҳоли забунимиздан бир зум музтар тортиб, сақич чайнамай, мунғайибгина қараб турди.

Энтикиб, эмраниб фотиҳа тортдик, хол-аҳвол сўрашдик.

— Ота, қачон келдингиз? — деб сұрадим ичим туз қўйгандай ачишиб.

Тоштемир ака бизларни бир зум холи қолдиргиси келди, шекилли, алланималарни баҳона қилганича Хусанни ҳам етаклаб меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Отам дастрўмолига юз-кўзларини артди:

— Тўрт кун бўлди, болам. Тоштемирбойнинг одамидан хабарни эшитиб... Хусанбой билан жўнай бердик-да.

— Тўрт кундан бери шу ерда ўтирибсизми?

— Ха, Тоштемирбой барака топсин. Мен бечорани судракламай, сен учун кечаю кундуз ўзи чопиб юрибди. Худога шукр, ишингни ҳал қилди.

— Кечаю кундуз чопди, дейсизми?

— Ха. Тингани йўқ, кўпайгур. Терговчи, оқловчи деганлари билан тиллашди, шуларнинг кўнглини топди... Биламан, берган уч-тўрт сўмим гўрам бўлгани йўқ. Барака топгур, ўз ёнидан харажат қилиб...

Бақоев не сабаб «профилактика учун» мени саклаб тургиси келганини эндигина англаб етгандай бўлдим. «Улар отамни кутишган!» — шу хаёл бутун борлигимни тигдай тилиб ўтди.

Ногоҳ бостириб келган ғазаб-нафратдан кўз ўнгим қоронғилашди.

— Ота... — дедим аранг, бор ҳақиқатни айтиш илинжида оғиз жуфтлаб.

Шу пайт меҳмонхонага Тоштемир ака қайтиб кирди.

— Қоржовбой, — деди у қафтларини бир-бирига ишқалаб. — Ванна тайёр. Би-ир мириқиб чўмилиб, кийимларни алмаштинг. Кеча Хусанбой билан сиз учун бош-адок сарпо опкелдик. Аттанг, сизни янгангиз кўрмади-да, болаларни олиб кишлокка кетганди. Янгангизнинг ҳам сизга атаган совғалари бор эди.

— Хеч нарса керакмас, — пўнгилладим унга зимдан ўқрайиб.

Тоштемир ака хахолаб, елкамдан кучиб кўйган бўлди:

— Нозланманг, куёв бола. Қани, тезроқ чиқиб кетинг бу ердан, биз бова билан би-ир маслаҳат қилайлик. Сиз эшитманг, уят бўлади-я?!

«Ҳаммасидан хабардор-ку, бу тулки?!» ярқ этиб хаёлимдан ўтди менинг. Беихтиёр ирғиб ўрнимдан турдим. Халигина қонимни қайнатган ғазаб, алам ўрнини алланечук ҳаяжон, қувонч қоплади.

* * *

Беккул Тўрақуловичнинг чорбоғига совчиликка кетган отам билан Тоштемир ака кечга яқин шоду хандон қайтишди! Қайғўрдандир Бақоев ҳам кош-мўйловлари табассумдан ёйилиб, уларга илашибди.

Отам! Халигина кайғудан мунғайибгина ўтирган қария, дўпписини дол қўйиб, қўлларини белига бодиларча тираб, чапдаст йигитлардек чакнаб турар, бир гапириб ўн кулар эди.

Хусан иккимиз хонадон йўлагига довдираганча ту-
риб қолдик.

Отам бир зум юзларимга меҳр билан термилди-
да, манглайимдан енгилгина ўпиб қўйди. Шундаги-
на унинг оғзидан ароқ ҳиди келаётганини пайқадим:
«Ичиришибди-да...»

— Ў-ў, Қоржовжон! — дея хитоб қилди Бақоев мени қучоғига тортаркан. — Табриклаймиз, ука, табриклаймиз.

Тоштемир ака ҳам елкамга осилиб чўлп-чўлп ўпа кетди:

— Чин кўнгилдан қутлайман, менинг асл укагинам. Иш битди, улоқ сенда.

— Қанақа улоқ? Нима билан табрикляяпсизлар, тушунмадим? — дея тўнғилладим, шилимшиқ қучоқлардан қутулишга уринарканман.

Акахонларим бир-бирларига ялт этиб тикилишди:

— Ҳали беҳабар-ку, а? — илжайди Бақоев.

— Сюрприз! — хиринглади Тоштемир ака.

Сўнг иккови ҳам баб-баравар яна менга ёпишиб ялаб-юлқашга тушишди.

— Сен Беккул Тўракуловичнинг суюкли куёвисан энди! — хитоб қилди Тоштемир ака ҳаяжондан ял-ял ёниб. — Чин юракдан табриклайман!

Бақоев жиддий эътироз билдирган бўлди:

— Ўғиллари деяверинг, ўғиллари! Яхши куёв бўбой ўғилдан азиз, тўғрими бова? — терговчи хансираб отамга юзланди.

— Тўғри! — баралла хайқирди отам. У мастона довдираганича меҳмонхонага кириб борарди. — Қоржовни домилла-арбобга топширдим!

Бақоев кўзларимга эҳтиром билан тикилди:

— Ана, айтмадимми? Домлага чин ўғиллик муборак, Қоржовжон!

Мен зўраки илжайиб бош ирғаб кўйдим.

Тўрт хонали данғиллама уй қувноқ қийқириғу ғала-говурга тўлди.

Меҳмонхона тўрига ястаниб, дунёни забт этган жаҳонгирдай ёнбошлаб ётган отам аҳён-аҳён менга мамнун ва мағрур тикилиб кўяр эди.

— Энди-и, укажонлар, би-ир маслаҳат, — дея виқор билан гап бошлади у, икки ёнида икки вазирдек қўр тўккан Бақоев ва Тоштемир акага бир-бир кўз ташлаб. — Шаҳарнинг урф-одатини билмадиму... бизнинг овулларда унаштириш ҳам ярим тўй. Мен эртага саҳарлаб жўнаб кетаман. Тараддудни ка-атта қилиб, насиб бўлса, жума куни яна қайтаман. Домилланикига

— Табриклаймиз, жиян, — деди у тобора тўлкин-ланиб. — Муваффақиятлар билан табриклаймиз. Бекқул Тўрақуловичдек одамнинг назарига тушиш осонмас...

«Бекқул Тўрақуловичга совчи бормаганди шекилли», лип этиб хаёлимдан ўтди менинг.

Шу орада димоғимга урилган таниш атир ҳиди табрикловчилар орасида Фирдавс Шамс ҳам борлигидан дарак берар эди. Афсуски, у қўлтиғидаги ўша ялтироқ портфели касридан мени кучоқлаб ўполмади.

— О-о, қутлуғ бўлсин, қутлуғ, — дея ҳиринглади Фирдавс Шамс хийла вақт қўлимни силкитиб тураркан. — Улуғ оилага қариндошлик муборак. Камина сизни буюк келажак билан қутлайди.

Тағин талай тилакларга кўмилиб, йўлакда гангиганча туриб қолдим.

Негадир бозордан қайтган отасининг қўлида ўзи истаган ўйинчоқни кўрмаган боладай ўксиндим. Шундагина уй тўла одамлардан бутун вужудим ташна бўлиб турган бир сўзни илҳақ кутаётганимни пайқадим.

Меҳмонхона ғала-ғовурга кўмилди. Бақоев ва Тоштемир ака бири қўйиб-бири олиб совчилик тафсилотлариини кўпиртириб-кўпиртириб гапиришга киришган, йиғилганлар эса ҳайрату ҳаяжон билан уларнинг оғзига тикилишган эди.

Уй тўрини эгаллаган отам меҳмонларнинг олқишу қутловларига мамнун илжайган кўйи бош ирғаб, гоҳ-гоҳо ўзи ҳам алланималар дея мактаниб ўтирарди.

— Аммо-лекин, — дея тилга кирди меҳмонлардан бири. — Бекқул Тўрақулович жуда мардлар. Хув, катта қизининг сепига яп-янги «Жигули» қўшганига, мана, ўзим гувоҳ.

— Бу куёвларига бутун бисотларини хатлаб бермоқчилар, — дея қийқирди Тоштемир ака.

Бақоев тағин жиддий эътироз билдирди:

— Ўғилларига денг, ўғилларига.

Шу орада ўша қалин кабоқ «тоғам» Бекқул Тўрақуловичнинг қайсидир куёвими, қариндошими алла-

қандай амал курсисини оппа-осон эгаллагани ҳақида
андак ҳасад, андак ҳавас билан гапиришга тушди.

«Ва-ай...», «Ё, худойим», — деган хаяжонли хитоблар ила Фирдавс Шамс уни қўллаб-қувватларди.

Мен пойгакда ичимни ит тирнаб омонатгина ўти-
рардим. Барибир мен кутган воқеа содир бўлмади!

Юрагимга шилимшиқ бир ғашлик оралаб ўрнимдан турдимۇ йўлак томон юрдим. Меҳмонхонада ғала-ғовур тобора кучайиб бораётганди.

Бир пайт кимдир кўйлагимдан торткилаётгандай бўлди. Дўстгинам Хусан экан.

— Бир соатдан бери турткилайман, — деди у астойдил ўпка-гина билан. — Бир қараб кўяй демайсан-а, ҳалитдан...

— Кечирасан... меҳмонларга чалғиб... нима дейсан?

Хусан юзимга ғалати бир мутелик, хокисорлик билан термилди:

— Қоржов, чин дўстмиз-а?

— Xa.

— Бурнинг кўтарилиб кетмайди-я, бизни унутмайсан-а энди?

— Йў-ўк, — дедим тобора энсам қотиб.

— Биласан-ку... хеч омадим чопмаяпти, ҳалигача ўқишга илинганим йўқ, — деди Хусан эҳтиром билан кўлларимдан тутиб. — Жо-он, жўра, шу сезон ҳам қолиб кетмай. Сен бир оғиз айтсанг...

Қадрдон дўстнинг қоқ оғзига қулочкашлаб туширгим келиб кетди. Хайрият, шу пайт йўлакда узиб-узиб жиринглаб қолган телефон эс-хушимни ўзига тортди.

Шашт билан гўшакни кўтардим.

— Алло... эшитаман, ал-ло...

Бироздан сўнг телефон гўшагидан энтиккан, тит-роқли бир товۇш келди.

— Қоржов ака... Овозингиздан дарров танидим. Трубкани ўзингиз олишингизни юрагим сезганди...

«Маржона! Менинг Маржонам!» — бутун онг-
шууримда чакмоқ чакқандай бўлди.

— Маржона! — дедим юрагим тошиб. — Менга... менга жуда-жуда кераксан. Хозироқ кўрмасам бўлмайди сени...

Маржона эркаланиб кулди:

— Келинг... кутаман сизни, умрим бўйи кутаман. «Бахт» боғининг дарвозаси ёнида турибман. Қаердалигини биласиз-а?

— Биламан...

* * *

Мен йўлак бўйлаб хансираганча югургилаб борардим. Дов-дарахтлар, осмондаги булутлар парча-парча бўлиб кўз ўнгимда лоп-лоп чайқалар, онг-шуурумда бир хайкирик, бир ўкирик чарх уриб айланар эди.

«Маржона меники бўлди, эрка, мағрур қиз меники! Севганимга етдим-ку, ахир, одамлар?! Нега Қоржовни шундай бахт билан қутламайсиз, биродарлар? Ў-ў Кенгсой, ў-ў сирли, кадрдон дашт, ўша учрашув учун сенга ташаккур! Эй, мулла Мирза боважоним, ўша тилак-дуолар учун минг-минг куллук сизга! Бошқа ҳеч касдан бундай тилак, бундай қутлов эшитган эмасман ҳали. Бугун суйганим бағримда, мулла боважон, на-сиб этса, никоҳни ҳам ўзингизга ўкитаман, ўзингизга. Бошқа ҳеч кимга ишонч қолмади, мулла боважон! Мени яна дуо қилиб тулинг, менга мадад сўраб ту-ринг. Энди бу ёғи, ё, Оллоҳ...»

Мен шашқатор қуйилаётган кўз ёшларимни артиб-артиб олдим.







ЧЎЛДАН КЕЛГАН ТАШВИШ

Ўз маърузалари билан аҳли Оврўпани бирқур анграйтиб ташлаб Париждан қайтган рухшунос олим жаноб Дўланов олқишу тахсинларга кўмилиб кетди. Турқ-таровати газета саҳифалари-ю, телеэкранлардан нари кетмай қолди. Таниш-нотаниш дўсту ёронлар бир-биридан ўзиб қутлашгани-қутлашган.

Жаноб Дўланов деганлари ўша маълуму машҳур чўл қўйнидаги 41-посёлкада туғилиб ўсган ўзимизнинг Самад, Дўланов Самад Эргаш ўғли. Бироқ айни чоғ уни лабдурустан «ўзимизники», «чўллик» дейишга биров ботинолмайди; афт-ангорига, юриш-туришига шаҳар нуски сингиб кетган, келиштириб-келиштириб пойтахт лаҳжасида сўзлашади. Баъзи бир шаҳарлик қишлокиларга ўхшаб ижарама-ижара кўч-кўронини ортмоқлаб юргани йўқ, нақ марказдаги қўшқаватли гўшада уч хонали уйи бор. Болалари йўргакдан чиққандан бери инглизча боғча-ю, мактабга қатнашади. Ишқилиб, жаноб Дўланов, жаноб Самад деса дегулик.

Самад ўзини муборакбод этгани келган, юқори идоралардан бирининг масъул ходими саналмиш дўстини иззат-икром билан қузатиб қўйиб изига қайтди.

Кеч кузнинг совуқ бир окшоми. Шаҳар аллақачон қоронғиликка қоришиб кетган. Теваракдаги баланд-паст уйларнинг деразаларидан сон-саноксиз электр чироқлар порлайди. Қай бир хонадондан қувноқ қийқириклар, олатасир мусиқа садолари эшитилмоқда.

Самад муздек хаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Димоғи чоғ. Халигина дўсти иккови ўртасида кечган сирлигина суҳбат хануз қулоқларини қиздириб борар эди. Дўстининг масъул ходимларга хос мужмал-

лик ва эҳтиёткорлик билан шипшитишига караганда, Самад илм бобида кўрсатаётган кароматлар ҳукумат раҳбарларининг ҳам диққат эътиборида экан! Худо хоҳласа, яқин кунлар ичида бирор-бир унвон ё нишон жаноб Дўлановга насиб этар эмиш!

Самад учқур хаёллар канотида қандай қилиб ўз даҳлизида пайдо бўлганини сезмай ҳам қолди. Хотини Ширина ҳалигина жўшқин кечган зиёфатдан кейин идиш-товокларни йиғиштириш билан банд. Сўлдаги чоғроқ хонада ўн икки яшар ўғли компьютер ўйинига шўнғиган. Ёнида сингилчаси сақич чайнаб бетоқат кутиб турибди.

Самад залга ўтиб, юмшоқ курсилардан бирига ўтирди-да, ҳузур билан кўзларини юмди. У ўзини мукофотларга қизиқмайдиган, илму фан учун холис, фидойиларча хизмат қиладиганлар қаторига қўшиб юрсанда, айтиш чоғ дўсти келтирган муждалар ҳақида беихтиёр ўйларди: «Қизиқ, қанақа сийлов кутяпти мени? «Буюк хизматлари учун» орденини тақиб қўйишса-я?! Ё... ё «хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонини беришармикан?! Эҳ, жа-а зўр бўларди-да, бунақа омад, бунақа бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди...»

Самад енгил бир шарпадан сергакланиб, кўзларини секингина очди. Думалоқ стол устига чойнак-пиёлани келтириб қўйган хотини унга мулоимгина термилиб турарди.

— Ухлаяпсизми, домулло? Қўйинг-е, қани, бир пиёла аччиққина чой ичиб олинг, ҳордигингиз чиқади.

Ширинанинг юз-кўзлари тўла табассум, мамнуният. Гўёки, ахли Оврўпани қойил қолдириб келган эри эмас, айнан ўзгинаси, гўёки, эри энтикиб кутаётган мукофотни у аллақачон қўлга киритиб, сандикқа тикқан. Тоғни уриб толқон қилгудек бир кайфиятда дуррачасини қия қўндириб, гулдор халатининг енгларини шимариб юрибди. Қадду баста тўлагина бўлсада, сабъ-ҳаракатлари дадил ва чаққон.

— Чарчамадингизми, хоним? — деб сўради Самад хотини назокат билан узатган бир пиёла чойни оларкан.

— Ву-уй, домулло, нега чарчарканман? Шунча илм килиб қўйган сиз-у, бизларни чарчашга ҳақимиз йўқ.

Ширина ўз сўзини исботлаб қўймоқчидек ирғиб ўрнидан турди-да, яна ошхона томон қувноқ йўрғалади. Самад унинг ортидан бош чайқаб, истехзоли илжайиб қўйди. Хотинига бу қадар жўшқинлик, бу қадар илмпарварлик ато этган тилсим унга жуда яхши аён: Самад, хув, Парижда майда-чуйда харажатлар учун берилган пулнинг хийлагинасини қисиб-қимтиб, тежаб-тергаб қайтган, уни бўсағадаёқ талай совға-саломлар билан хотинининг қўлига тутқазган эди. Шу-шу Ширина ял-ял яшнаб қолди. Ахир, бу пуллар мўмайгина даромад бўлишидан ташқари, «домулло» олис юртларда ҳеч бир кинғир-кийшиқ йўлларга юрмай, вафодор эр сифатида, кати бузилмай уйга қайтганидан далолат ҳам эди-да!

Самад иссиқ, хуштаъм чойдан босиб-босиб хўплади. Шу пайт столнинг бир чеккасида ғужанак тортиб турган телефон устма-уст жиринглаб қолди. Самад эри-нибгина узалди-да, ғўшакни қўтарди.

— Ал-ё.

Нариги томондан ҳаяжонга тўла, бўғиқ бир сахройи товуш эшитилди.

— Ол-а, ола-а! Бу ким, Самад, ўзингми?

— Ҳа, мен, — аранг сас берди навқирон олим, юраги алланечук нохушликни сезиб.

— Ола-а-а, бу мен, Улаш акангман, танимадингми-а, ола-а? Шаҳрингга би-ир кеп қолдик-да, хайрият уйда экансан...

Самаднинг таъби тиррик бўлди. Бу вайсақи, ичкиликбоз нусха шаҳарда пайдо бўлибдими, демак муқаррар уникига дорийди! Ёлғиз ўзи эмасдир? Соғиниб кетдик сени, деб уйга уч-тўрт кун танда қўйиб олса борми?! Йўқ, бирор-бир силлиқ баҳона билан бу даҳмазанинг йўлини тўсиш керак, эсам, Ширинадан балога қолиши тайин. Кейин минг бир Парижнинг минг қоп пулини орқалаб келса ҳам бу гуноҳини юволмайди. Ана, чўл исини олди шекилли, хотини ҳурпайган қўйи бир-икки

ёнига келиб кетди. Самад жирканганнамо қўл силтаб уни ошхона томон хайдаган бўлди. Сўнг:

— Ҳа, гапираверинг, Улаш ака, қулоғим сизда, — дея телефон гўшагига тўнғиллаб қўйди.

Холбуки, бусиз ҳам Улаш ака деярли нафас олмай, хаяжон билан гапириб ётар, гоҳ аллакимнинг саломини етказса, гоҳ узук-юлуқ чўл янгиликларига қўчар эди. Ҳамюртининг бу кадар тўлқинланиб, шоша-пиша гапириши Самадга ёкиб, кўнглида умид уйғотди. «Ҳар қалай, телефонда гаилашиб, хайр-хўш қилмоқчи-ёв...»

Бироқ лаҳза ўтмай ҳафсаласи пир бўлди.

— Ола-а-а, ол-а, — деб қолди бир пайт саҳройи сўхта. — Самад, сенинг вақтингни олиб, тилфонда гапириб ётганимни қара-я, уйингга боргач бемалол...

Самад шоша-пиша тилга кирди:

— Йў-ў, йў-ў, гапираверинг, Улаш ака, овозингизни эшитиб турганимдан жуда хурсандман, гапираверинг, бемалол. Қаердан қўнғироқ қиялпсиз ўзи?

— Билмайман, — дея шарақлаб кулди Улаш ака. — Бир тилфонхонадан-да. Ҳозир шу ерга автобус тушириб кетди.

Таъби тобора тирриқ тортиб, энсаси қотаётган Самад вайсаки, арокхўр нусхани бир амаллаб уйига йўлатмаслик учун хаёлан баҳона изларкан, атай гапни чўзди.

— Қандай ташвишлар билан юрибсиз ўзи, Улаш ака?

— Э, ҳали кўришганда айтаман. Ташвиш эмас, хайрли иш, Самадбой, хайрли иш.

— Са-ал учини чиқаринг-да, ака, ичим қизиб кетяпти.

Саҳройи сўхта тагин шарақлатиб кулди, сўнг томоқ кириб-кириб тилга кирди.

— Қўймайсан-да, Самадбой. Мен тилшунослик илмида бир кашфиёт қилдим.

— Кашфиёт?!

— Ҳа, ҳали икковимиз тоза машҳур бўп кетамиз. Сен мени тил билан шуғулланадиган жойларга олиб борасан.

— Қанақа кашфиёт, Улаш ака?
— Хозирча сир.
— Об-бо, айта қолинг, ҳеч қурса, андак имо-ишора қилинг.

Улаш ака тагин яйраб-ййраб кулди.

— Барибир илм одамисан-да, Самадбой, кашфиёт деган нарсани эшитсанг, қулоғинг динг бўлади. Хўп, майли, сал-пал сирымни шамоллатай, хў-ўш-ш... мен «қаҳрамон» сўзининг антонимини топганман.

— Нима? «Қаҳрамон» сўзининг антоними?! Бунинг нимаси кашф...

Шу пайт алоқа туйқус узилиб, телефон гўшагидан «дут-дут»лаган қисқа-қисқа сас эшитила бошлади. Биркур енгил тортган Самад гўшакни жойига қўйиб, ошхона ёқдан бош кўрсатган хотинига ташвишли тикилди.

— Ким экан, жа-а апоқ-чапоқ гаплашдингиз? — сўради Ширина эрининг биқинига кадалгудек авзойида яқинлашаркан. — Бирор чет эллик оғайнингизми, исмлари ҳам ғалати экан.

— Чет элликдай гап, чўлдан келган. Ғирт алкаш, жинни одам. Агар унинг қўлига тушсам, нақ бир ҳафта тинкамни қурилади. Бир бош оғриқ билан шаҳарга келганга ўхшайди. Уйингизни ҳам пайтава қўлансасига бўктириб юборади.

— Ву-уй, — дея ёка ушлади Ширина, мусичадек беозор қиёфага кириб.

— Ҳозир жирингласа сиз трубкани кўтарасиз. Мени сўраса... мени сўраса... — Самад ҳам чўлликни ранжитмайдиган, ҳам унинг олдида обрўсини бир карра кўтариб қўядиган бахона излаб обдан бош кашлади. — Кароче, чет эл элчихонасига чакиртириб қолишди, денг.

Ширина димоғида илжайди.

— Хўп, хў-ўп, домулло.

Бироқ кайта қўнғироқ бўлмади. Ширина эри ёнида беш-ўн дақиқа солланиб, ҳозир у нозир тургач, яна уй юмушлари билан қўймалана кетди. Самад эса юмшоқ курсисига бемалол ястанган қўйи хаёлга толди. Ҳалигина қулоқ-чаккасига болғадай урилган дағал товуш

эгасининг коп-қора, туршакдек афт-ангори бот-бот кўз ўнгига қалқиб чиқар эди.

Ҳа, ўша Улаш деганлари чиндан ҳам Самаднинг ҳамқишлоғи. Асли касби агрономлик. Аммо қурмағурнинг кўнгли шеъриятга шайдо. Ҳув, бир замонлар бир чимдимгина ғазали туман газетасида босилган. Шу-шу ўзини аҳли қаламлардан санайди, машҳур битикларни у-бу давраларда худди ўзиникидай ихлосу эъзоз билан ўкиб бериб, донг таратиб юради. Шу боис бировлар чиндан, бировлар масхараомуз уни агроном-шоир, деб аташади. Аллақандай Шунқор Ҳобил отлиғ ёзувчи 41-посёлкага борганида Улаш ака билан танишиб, хўп ичкиликбозлик силсиласида бир-бирларини ялаб-юлқаб, қиёматлик оға-ини тутинишган экан. Оқибат шулки, оға ёзувчи кейинчалик агроном-шоир хақида «Ҳазирамадаги одам»ми, «Ҳазодаги одам»ми деган асар битиб, унинг устидан сурбетларча кулган, маддох, кўчирмачи сифатида таърифлаб агроном шоирни ўзича ер парчин қилган. Аммо май шишаларига маҳкам таянган экан, шекилли... Улаш аканинг қаддини бу янглиғ таҳқирлар хуружи буколмаган.

Самад бултур баҳор адоғларида 41-посёлкага борган чоғи Улаш ака билан туйқус учрашиб қолди. Агроном-шоир йўл ёқасидаги каллаклаб кесилган каттакон тутга орқа тираб, хомуш ўтирган экан. Эғнида жулдур камзул, оёғида йиртиқ ўн биринчи калиш, сийрак, тиканакдек соч-соқоли ўсиқ.

Улар қуюқ салом-алик қилишгач, Самад ўзича агроном-шоирга мойдек ёқадиган мавзуга кўчди.

«Ижодлар қалай, шоир ака, бошқасини қўйинг, шундан гапиринг»

«Ҳарна... бўляпти» — деди Улаш ака истамайгина кулумсираб.

«Э, бўшашманг-да, хув, илгари дostonлар ёзиб ташлайман ҳали, деб қариллаб юрардингиз, ваъдалар қани, шоир ака?»

«Самадбой, мен дoston битсам, анови Шунқор Ҳобилларнинг нонини яримта қилиб ташлайман-да».

«Э, яримта қилманг, ош-нонини буткул тортиб олинг қўлидан, хе-хе-хе, сиз шунга арзийсиз, шоир ака».

«Самадбой, — деди Улаш ака олис-олисларга хорфин тикилиб. — Шу... шоир бўлиш учун шеър-достонлар ёзиш шартми?»

«Ия, афандичалиш гап қилдингиз-ку, ака, албатта, шарт-да. Сиз зинғиллатиб ёзиб ташланг, «Жаҳон адабиёти» деган журналда чиқаришга ўзим гарантия бераман. Асарни тайёр қилинг-у, дархол шаҳарга кўтариб боринг. Мана, сизга менинг визиткам...»

Самад уй манзили, телефон рақамлари зарҳал ҳарфлар билан битилган бежиримгина қоғоз парчасини агроном-шоирнинг қўлига тутқазди.

Ўшанда у Улаш аканинг дoston тугул икки қатор ўлан тўқишига ҳам ишонмаган, шунчаки, ичкилик кас-ридан чўвинди чолга айланиб қолган ҳамқишлоғи-га ҳазил-мазах билан пишанг берган эди. Қарангки, шаҳарлик олимнинг ишонмаганини пайқагандай, агро-ном-шоир, ниҳоят, шеър дostonларни тинч қўйиб, ўзини тилшунослик илмига урибди! «Қахрамон» сўзи-нинг антонимини топган эмиш...

Самад беихтиёр кулиб юборди. Аллақачон юмушларини тиндириб, телевизорга лоқайд термилиб ўтирган Ширина эрига хайрон кўз ташлади.

— Тинчликми, домулло? Ё ухлаб туш кўрдиларми?

Самад «Э, шунчаки», дегандай енгил кўл силтади-да, чойи совиб қолган пиёлага интилди.

Мана, тагин анчагина вақт ўтди. Бироқ телефон ҳануз жим. «Қизик, нега қайта кўнғироқ қилмади», — андак хавотир билан ўйлади донгдор олим, — ё, хафа бўлдимикан?»

Самад уйига саҳроии сўхтанинг келишини нечоғлик истамаётган бўлса, уни хафа қилиб қўйишдан ҳам шунчалик чўчиётган эди. Ахир, гап чувалашса ёмон-да! Эргашбойнинг шаҳарлик эркатойи бечора ҳамқишлоғини уйига киритмабди, деган шивир-шивир сассиғига чидаб бўладими?

Самад хотинига алланечук мутелик билан термилди.

ўхшамаяпти-да, ух, уккафар агроном-шоир, жа-а бошини қотириб қўйди-ку?!».

Телефон жимгандан жимиб кетди. Аммо арзанда антоним сўз қўйида бир ўтириб-бир туриб, гоҳ бош қашлаб, гоҳ лаб тишлаб тўлғанаётган Самад қўнғирок кутаётганини аллақачон унутган. У бетоқатлик билан ўз иш хужрасига ўтди-да, баланд, кенг жавонга те-риб қўйилган жилд-жилд китоблар орасидан бирини суғуриб олди.

— Қани, изоҳли луғатга қараб кўрайчи, — дея ўз ўзига тўнғиллади Самад, семиз китобни шоша-пиша варақларкан (одатда у қизғин ижод чоғлари шундай ўзига-ўзи гапириниб қолади). — Та-ак... мана... Қахрамон — жамиятда ёрқин фаолияти билан ажра-либ турувчи шахс; жангда жасорат кўрсатган аскар...

Самад тагин анча пайт ўзига-ўзи пўнғиллаб китоб титкилади. Аммо барибир зорманда антоним сўзни то-полмай, баттар хуноби ошди.

«Бирортасидан сўраб кўриш керак, — дея ўйларди навкирон олим, гоҳ у, гоҳ бу хонада бетоқат кезинар-кан. — Хўш, кимдан сўрай?»

Туйкус эсига таниш бир профессор тушди. Ўз им-золари биқинига, «фил. фан. док.» деб ёзишни ҳеч унутмайдиган бу серсавлат зот, у-бу йиғинларда гум-баздек қорнини қашлаб, «Тил илмини еб-ичиб юборган-ман», дея мақтанишни хуш кўрар эди.

Самад иш столи устидаги чарм жилдли дафтар-часини варақлай-варақлай тилшуноснинг телефон ракамларини топди-да, қўнғирок қилишга чоғланди. Аммо телефон гўшагидан ҳануз ўша «дут-дут» — қиска-қиска сас эшитилмоқда эди. «Нима бало, бузукми бу?» — хаёлидан ўтказди Самад, қизғиш аппаратнинг у ён-бу ёнига қараб. Сўнг димоғида сўкинганича ошхона-га ўтди. Ана, холос, худди ўйлаганидек уй тармоғига жуфтлаб уланган телефон гўшаги ўз ўрнидан андак силжиб, кийшайибгина турарди!

«Хойнаҳой, Ширинанинг қилмиши бу! — аччиғланиб ўйлади Самад. — Шунинг учун анови қайта қўнғирок

Самад ўзини танитгач, икковлон бири олиб, бири қўйиб, қайта-қайта хол-аҳвол сўрашишди, бир-бирини олқишлашди.

— Бир маслаҳатингизга муҳтожмиз, домла, — деди Самад ниҳоят мақсадга қўчиб. — Ёрдамингиз керак.

Тилшунос дархол хушёр тортди.

— Хўш...хўш-ш...

— Бир жиянимиз аллақандай илмий иш ёзаётган эди. Кечадан бери «қахрамон» сўзининг антонимини тополмайди, денг. Мендан сўрагани сўраган, охири, чумчук сўйса ҳам кассоб сўйсин, деб сизни безовта қилдим.

Тилшунос, пиқиллаб-пиқиллаб кулди.

— Самад Эргашевич, «қахрамон»нинг антоними бўлмайди. Масалан, сиз юрт доврўғини хорижда ёйиб юрган қахрамон олимсиз, сизга ҳеч қанақа антоним йўқ.

— Раҳмат, домла, раҳмат, — дея минғиллади Самад, профессорнинг аскияси ёғдек ёқиб. — Аммо-лекин... анақа... тилшунослик илми нуқтаи назаридан...

«Фил.фан.док.» тағин ҳазил-хузул билан жавобдан пайсаллади. Сўнг туйқус гап мавзусини буткул бошқа ёққа буриб юборди.

«Падарлаънати, тўнка» — ич-ичида сўкинди Самад, анча пайт профессорнинг тийиксиз латифаларини паришон тингларкан. Ниҳоят, қуюқ-суюқ хайрлашувдан сўнг телефон гўшаклари жой-жойига қўнди.

Самад стол устидаги чойнакни шашт билан қўтариб яхна чойдан сипқорди. Бироқ ич-ичидан тошиб келаётган алланечук ташналик барибир босилмади. «Роса тинкамни қуритди-да, бу бошкотирма, — деб ўйларди у гарансиб ошхонага кираркан. — Аммо ўша арзанда антоним сўзни топишим шарт».

Самад «фир-фир»лаб бир маромда ишлаб турган музлатгични очди-да, хув, оқшомги зиёфатда чала ичилган фаранги конъяк шишасини қўлга олди. Шу пайт телефон устма-уст жиринглаб қолди. Туйқус чинкириқдан чўчиб тушган Самад, бир зум гангиб турди-ю, сўнг илдам бориб гўшакни қўтарди.

— Ал-ё-ё.

— Самадбой ака сизми? — деб сўради йўғон бир товуш бетакаллуфлик билан.

— Ҳа, мен.

— Улаш деганларини танийсизми?

Самад саросимада қолди. Тахдидли товушга қараганда, гапирётган кимса орган одамига ўхшайди. Афтидан, агроном-шоир бирор ишқал чиқаргану қўлга тушган, ўзича Самаднинг номини сотиб, қутулиб чиқмоқчи бўлган.

— Негадир ҳеч бунақа одамни эслолмаяпман, — деб мужмал минғиллади Самад. — Тинчликми? Сиз кимсиз?

— Мен учинчи касалхонада навбатчи врачман. У кишини машина туртиб юборган.

— А, нима?! — дея беихтиёр чинкириб юборди Самад, аммо бу чинкирикда ташвишдан кўра тантана, қайғудан кўра қувонч мўлроқ эди. Чунки у аллақандай алкашни деб орган одамларига илашиб қолганига буткул ишонган, ич-ичидан бу балодан қутулиш йўллариини излаб ётган эди-да.

— Ташвишланманг, ака, — дея юпатган бўлди навбатчи врач, навқирон олимнинг чинкиригини ўзича тушуниб. — Ҳайдовчи яхши инсон экан, дарров бизнинг касалхонага келтирибди. Улаш аканинг ёнидан визиткангиз чикди, шунинг учун қўнғироқ қилиб сизни огоҳлантириб қўймоқчи бўлдим, узр.

Эс-хушини анча-мунча йиғиб олган Самад энди чинакам ташвишланиб сўради.

— Аҳволи тузукми, ишқилиб?

— Тузук-ку-я, ну...

— Нима гап, гапирсангиз-чи?!

— Билмадим... эрталаб рентген қилиб кўрсак, аниқ бирор нима дейиш мумкин. Ҳозирча... назаримда Улаш аканинг мияси чайқалган...

— Мияси чайқалган?

— Менимча шундай, бир йиғлаб, бир кулади, ўзича алланималар, деб алжирайди. Кашфиёт дейдими-ей, антоним, дейдими-ей...

Самад туйқус сергак тортди. Ич-ичини тагин ўша сурбет кизиқиш китиклай бошлади.

— Кашфиёт қилдим, деб мактангандир-да.

— Худди шундай, ака, — қийқириб юборди навбатчи врач. — Топдингиз. Аммо нимани кашф қилганини билмадим. Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қок, қахрамон-меҳрибон, меҳрибон-қахрамон, деб шеърлар ўқийдими-ей...

Самаднинг бутун вужуди бўйлаб ҳузурбахш ҳарорат югурди: «А, ҳа-а, қахрамон-меҳрибон! Рост, аввал сўзнинг ўзагига қараш керак экан-ку?! Қаҳр-меҳр... А, ҳа-а, мана сенга ҳақиқий антоним сўзлар, қахрамон-меҳрибон, меҳрибон-қахрамон! Шу жўнгина жумбоқни ечолмай эсим кетди-я?!»

— Ал-ё, ал-ё, — дея навбатчи врач у ёқда хануз бўғилиб ётарди. — Нега жимиб қолдингиз, ака? Ал-ё, гапиринг, эй, ухлаб қолдингизми?

— А, нимани гапирай?

— Ия, сизнинг ҳам миянгизни чайқатиб қўйдим шекилли, а қўп гапириб. Ахир қаерда ишлайсиз, деб қачондан бериб сўраб ётибман.

Навбатчи врачнинг бу сўрови Самаднинг алланечук ҳамиятига тегди.

— Ўв, биродар, — деди у овозини бир парда қўтариб. — Ўзингизнинг миянгиз чайқалмаганми, ишқилиб. Ана, қўлингиздаги визиткада ҳаммаси ёзиб қўйилган-ку?

— Кечирасиз, — деб бўшашибгина минғиллади навбатчи врач, — бу қоғозга Улаш аканинг қони теккан, ёзувлари анча чапланиб кетибди.

— Газет-пазет ўқиб турасизми ўзи? — виқор билан қўшиб қўйди донгдор олим.

— Э-э, Самадбой ака, энди сизни танидим. Лекин... лекин Улаш ака кимингиз бўлади?

Самад томоқ қирганча тараддулланиб қолди.

ҚЎНОҚ

Уни кўрдиму юрагим оркага тортиб кетди. У тобутдек тебраниб бораётган вагон тамбурининг бир бурчида чўнкайиб ўтирар, ҳар бир ўтиб қайтувчини қон нуқси урган кўзлари билан қизиксиниб-қизиксиниб, бош-оёқ кузатиб қоларди.

Мен тамбурга чекиш учун чиққандим. Унга кўзим тушди-ю, сесканиб кетдим, бу ҳам етмагандай, беихтиёр саломига бош ирғаб юборибман. Бизни шу ахволда четдан кўрган киши эски танишлар экан, деган ўйга бориши аниқ эди.

Балки у чиндан ҳам кўзимга иссиқ кўрингандир? Йўғ-е, бу нусхани биринчи марта учратишим. Балки кўркув аралаш бош ирғаб юборгандирман?

Мен ўз қилмишимдан уялиб кетдим. Кўнглимга хижиллик чўкди. Одатда, таъбим тортмайдиган, иззатим кўтармайдиган иш қилганимда кўнглим шундай ғашлик уяси бўлиб қоларди.

Мен ўзимни бепарволикка олиб, лабларимга аъло нав булғор сигаретидан қистирдим. Сўнг, гугурт чақа туриб, киши билмас, ер остидан унга бир қараб олдим. У ҳамишагидек, мени ҳамон синчиклаб кўздан кечирар, зўр бир қахқаҳа отишга чоғланаётгандай лаблари аҳён-аҳёнда ёноқлари томон ёйилиб-ёйилиб кетарди.

Мен тамбурнинг қўш ойнали деразаси томон юзланиб, ўзимча ташқарини кузатаётган киши бўлдим. Афсуски, ташқари аллақачонлар қуюқ қоронғулик қаърида қолган эди. Шу боис, ойнада ўзимнинг ажабланган, ғашланган турқ-тароватимдан бошқа ҳеч нарсани кўра олмадим.

Қизик, у ростакамига қах-қаҳ урмоқчимикан? Шунчалар хурсандмикан зағфар? Ундай бўлса, бу сассик танбурда нима қилиб ўтирибди, нахотки, шундай шодмон одамнинг купеда жойи йўқ?! Э... э, балки у телба-демонадир? Ўзидан-ўзи илжаяверадиган ақли пастдир? Рост у тентак!

Менинг худди шу хулосамни тасдиқлагандай поезднинг олд томонидан паровознинг узун ўкириги эшитилди. Темир филдиракларнинг тарақа-туруқ овози кучайди. Вагонлар зардали-зардали тебрана бошлади. Афтидан, поезд бошка йўлга ўтмоқда эди.

— Ака, чекишингиздан беринг.

Шундоқ ёнгинамда эшитилган товушдан чўчиб тушаёздим. Қарасам, ҳалиги нусха қимтинибгина қўл қовуштириб турибди. Унинг «ака» дейиши ёғдек ёкиб дарров, сигарет қутимни унга узатдим.

Бу нусханинг ёши, нари борса, йигирма иккиларда эди. Унинг кўпдан бери сув кўрмай хурпайиб кетган сочларига, кир-чир қўлларию уст-бошига қараб, дархол, лўли бўлса керак, деган хаёлга бордим.

У қутичамдан суғуриб олган сигаретни анча вақт эзгилаб туриб қолди; хойнаҳой, у ҳам, барча тилаб чекувчилардек, сигарет изидан гугурт сўрамоққа ийманётган бўлса керак. Унинг одоб сақлаб туриши менга ёқди.

Олифталарча гугурт узатдим. У шошиб гугуртни оларкан, раҳмат, деди. Жилмайди. Тамбурдаги кирланиб кетган чироқнинг хира ёруғида унинг қорамағиз юзи баттар қорайиб кўринарди. Юз-қовоқларида, бурнида бир вақтлар орттирган жароҳат излари яққол кўзга ташланиб турар эди. Назаримда, у ҳар куни дўппослашадиган урушқоқ кўчабезориларга ўхшарди.

Мен ўзимни яна бепарводек кўрсатишга уриндим. Аммо, қанча уринмайин, қизиқишим тобора ортаётганидан унга тез-тез кўз ташлаб олардим.

Қутилмаган шеригим сўраб чекса ҳам, чакана кашанда эмас экан: уч тортишда сигаретни яримлатди. Қурмағур ҳар пуфлаганида оғиз-бурнидан буркситиб тутун чиқарар эди. Унинг бу қилмиши мени кўп ажаблантираётган бўлса-да, негадир, андек ёқинқирамай ҳам турарди. Ахир, зиёли одамнинг олдида... яхши эмас.

Шеригим ўқтин-ўқтин лабини ялаб, кетма-кет ютишига тайёргарлик кўришига қараганда, гурунглашишни истарди. Лекин у сўз бошлашга ботинолмасди чоғи,

мен томон умидвор кўз ташлаб қўярди. Мен эса ўзимни ҳамон лоқайдликка, совуққонликка олардим. Ниҳоят, унинг тоқати тоқ бўлди. Бир томоқ кириб олиб:

— Саёҳатга кетаяпсизларми? — деб сўради у. Мен вазмин бош ирғаб, «ҳа» ишорасини қилар эканман, ажабланганимдан беихтиёр шеригимни бош-оёқ кузатиб чиқдим. Қизик, ёлғиз эмаслигимни қаёқдан билди у?

— Қирқ киши бир вагонда келаяпсизларми?

Унинг иккинчи сўрови мени тамоман довдиратди. Ахир ҳақиқатан биз қирқ киши эдик. Узоқ бир шаҳарни мўлжаллаб саёҳатга чиққандик. Тамбурдан сал наридаги купеда мен уч ўртоғим билан жойлашганман. Қизик, биз ҳақимизда қаердан билади у?!

Билаётган шеригим хунукдан-хунук хомуза тортиб, яна алланимадир деди. Шу пайт чап томондан узун бир эшелон шиддат билан ўтди-ю, қулоқии қоматга келтирувчи шовкин-суронда унинг гапини тушунмай қолдим. Шундай бўлса-да, «ҳа» деб бош силкитдим.

Эшелон ваҳшат солиб ўтиб кетгач, тамбурга жиндек осойишталик инди. Бу орада кутилмаган шерик қулоқ-чаккасини кўмиб кетган сочини зўр бериб, аммо хузур билан қашлади.

— Эртага эрталаб фалон шаҳарга етсак керак-а? — деб сўради у, негадир кулумсираётган кўзларини менга тикиб.

Мен елка учирдим. Тўғриси айтсам, бу нусха мени хийла қизиқтириб қўйди. Ажаб, уст-боши бир аҳволда-ю, яна тинмай илжайишига, бошқа киши олдида ўзини эркин тутиб, нақ кучоклаб олгудай бўлишига бало борми?

Унинг афт-ангорига энди ошкора ҳайрат билан караб турарканман, бир пайт юрагим «шув» этди. Неғалигини билмадим-у, миямда нохуш фикрлар ялти-юлт эта бошлади. Балки, бу нусха ўғридир?! Тавба, нега шу ўй эртароқ хаёлимга келмади-я? Об-бо, қип-қизил ўғри эканлиги шундоқкина кўриниб турибди-ку?! Мени гапга тутишлари бежиз эмас. Занғарнинг бошқа ерда шериклари ҳам бор-ов? Бу нусхани биз

қолдиклари, қоғоз, латта бўлаклари сочилиб ётибди. Кўкиш рангга бўялган темир «девор»ни — тамбурнинг нақ хурмат китоби деб ўйлайсиз. Унга кимлардир ўз исмини, шахрининг номини ҳафсала билан ўйиб ёзган. Хатто яна аллаким нўноқларча юрак ва камон ўки тасвирини ҳам туширибди, анъанага ҳилоф равишда камон ўкининг икки учига катта-катта ҳарфлар ёзишни унутибди. Ким билади, балки шошиб тургандир?

Халиги нусха хануз ишшайиб, мендан кўз узмай жавоб кутарди. Мен лабимни чўччайтириб яна елка учирдим. У эса чекиб тугатган сигарет қолдиғини оёқлари остига ташлаб эзғилади-да, ўша жойига чопиб бориб, боягидай чўнқайиб ўтирди. Тиззаларига икки тирсагини қўйиб, рапидадек қўлларига иягини тираб, менга кулумсираб қараркан:

— Энди-чи? Энди нимага ўхшатаяпсиз? — деб сўради у гўё бу лаънати тамбур нимага ўхшашини билмоғим шартдай.

Мен бепарво сигарет тортдим. Унинг ўзини талабчан отадек тутиши менга ёқмаётган эди. Оғиз-бурнимдан чиқаётган қуюқ дуд ачиштирган кўзларимни ярим юма туриб яна бош чайқадим.

— Турма. Бир кишилик камерага ўхшайди, — деди у ўрнидан туриб, — ё нотўғрими?

Мен унинг сўровларига жавоб беришни ўзимга эп билмасдим. Аммо кўнглимнинг қайбир бурчида эзмавойга нисбатан илиқлик силқиб чиқмоқда, бояги гумонларим табиатимга бўйсунмай, асов айғирдек орқага тисарилмоқда эди.

— Уч кун олдин қамокдан чиқдим, — деди у ботинмайгина.

Мен нима деяримни билмай қолдим. Ахир, қамокдан қутулган одамни биринчи марта учратиб турибман. Нима қилай, табриклайми, «балли, сизга» дейми ё «об-бо-о, чатоқ бўпти-ку», деб ачинган бўлайми?

Бўғзимдан маънисиз «э» деган қисқа ва заиф товуш чиқди. Жабрдийда бу маҳал хира чироққа термилиб турарди.

— Турмани одам боласи кўрмасин экан, ака, — деди у култ этиб ютиниб. — Одам боласи кўрмасин...

Шу лахзадаёқ кутилмаган шерикнинг кўзларига хаёлчан маъюслик бостириб кирганини пайкаб қолдим. У устма-уст хўрсинди-да, менга яна жилмайиб қаради:

— Энди ҳаммаси ортида қолди. Ана энди... — жабрдийда шундай деди-ю, бақувват қўлларини негадир мушт қилди. Билмадим, нега, балки бирортасини «ана энди» дўшпослар, балки «ана энди» мустаҳкам бўлганини кўрсатмоқчидир?

Мен чекиб бўлинган сигарет қолдиғини оёқларим остига ташлаб, шошилмай эзгиладим. Кутилмаган шерик кетмокқа шайланаётганимни кўриб бир чўчиб тушгандай бўлди, йўқ, ростдан ҳам чўчиб тушди у!

— Боя, — деди ажиб нусха шошилиңч томок кириб оларкан, — чўңкайиб ўтирганимни кўриб хайрон қолгандирсиз. Тентак бўлса керак, деб ўйлагандирсиз, тўғрими?

Мен зўраки илжайдим. Тентаквой эса яна чопқиллаб бориб ўша жойига чўнқайиб олди. Илжайди.

— Камокда, — деди у яна кўзларини хира чирокка кадаб, — тонггача шундай ўтирдим. Мени кўпинча бир кишилик камерага камашарди. Камеранинг бир бурчагида шундай ўтириб тонгни кутардим. Эҳ...

У шундай деди-ю, сиқиб, сўнг қўйиб юборилган
пружинадай сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Эх, — деди у эхтирос билан кўл силтаб, — энди хаммаси ортда. Энди елкамнинг чукури кўрсин у камера-памерасини. Мен энди... мен энди...

Ажиб нусха рохатланиб керишди. Кўзларини сузиб
жилмайди. У айни чоғда қорни тўйган гўдакка ўхшаб
кетган эди.

Мен ҳам вазмин бош ирғаб илжайиб кутилмаган шерик қувончига шериклигимни кўрсатган бўлдим. Аммо, кўнглим нимадандир ғаш эди. Мен кетиш ниятида, вагон эшиги томон бир қадам ташлаб хайрлашув учун энди қўл чўзмоққа шайланганимда у яна шоша-пиша гап бошлаб қолди.

нафсим қўзиб, ажиб нусхага аччиқланганнамо ўқрайиб қарадим. У ҳам портлашим яқинлигини сезди шекилли, эгардан тушмаса ҳам ҳар қалай отдан тушиб гап бошлади:

— Майли, ака, овора бўлманг, — унинг овози энди бироз ҳорғин ва руҳсиз эшитиларди. — Майли, ўзим тушунтираман. Бу сизга қандай билмадим-у, лекин менга жуда оддий.

Эзма ўз бурчагига бориб яна чўнкайди-да, бирикки ютиниб олгач гапида давом этди:

— Камера деворини ҳам шундай оққа бўярдим-да, тонг отгунча термилиб ўтирардим. Ҳеч чарчамасдим. Балки, сизга кулгилдир, балки, мени тентакка чиқарарсиз, лекин мен барибир гапиравераман.

Ажиб нусха шартта ўрнидан турди-да, ўша бўялган жойга яқинлашди.

— Шу окликка термилсам ўзимни қўм-қўк осмонда, оппоқ булутларнинг орасида озод учиб юргандай ҳис қиламан. Термилганим сайин шу окликка сингиб кетаётгандай бўлавераман. Эҳ, нимасини айтай, ўша бетон деворларнинг оққа бўялган бир қулочча жойи мени уч йил омон сақлади, уч йил!..

Жабрдийда ҳар бир сўзини сарғайган тишлари орасидан суғуриб-суғуриб гапираркан, менга бир марта ҳам қарамади. У фақат ўша — бўялган жойга тикилиб турарди. У, гўё мени унутган, мутлақо унутган эди!

— Эҳ, — деди жабрдийда, ниҳоят, менга ўгирилиб, — бекорчи нарсаларни гапириб ўтиришимни қаранг. Бунинг ҳаммаси бемаънилик, ўзини ўзи алдаш. Худога шукур, энди ҳаммаси ортда қолди, ҳаммаси ўтди. Мен энди озодман! Мен озод! Менга энди ҳеч бир оқлик, — поклик керак эмас. Мен энди одамлар орасидаман! Ҳа-ҳа-ҳа...

Ажиб нусха қувонч ва эҳтирос билан елкамдан қучди. Унинг танидан анқиётган қўланса ҳиддан жирканибми ё шунчаки чўчибми — беихтиёр орқага тисарилдим.

Ажиб нусха ҳамон тинимсиз алжирарди:

— Камера-памерасини ҳам, оқ деворини ҳам елкамининг чуқури кўрсин. Энди жиннига ўхшаб чўнқайиб ўтириш йўқ, энди фақат шахдам қадамлар...

У шундай дедию тамбурни гумбурлатиб, икки-уч қадам ташлади. Мен унга шоша-пиша йўл бера туриб вагон эшигини қия очдим. Охири, елимдек ёпишиб олган бу нусханинг олдидан тезроқ кетишга узил-кесил қарор қилгандим.

— Ака, йўл бўлсин? — деб сўради у қароримни сезиб.

Мен зўраки илжайдим:

— У ёқда... дўстлар кутиб қолишди.

— Мени купеингизга таклиф қилмайсизми? — деб сўради ёпишқоқ аллақандай нозланган, эркаланган оҳангда.

Унинг жиддий ё ҳазил гап қилганини билолмай саросимада қолдим. Нахотки сурбетлик қилаяпти? Йўғ-е, ҳазиллашаётгандир? Жигимга тегмоқчидир, ярамас?!

Негадир унинг таънали сўровлари менга ҳазилдай туюлди-ю, у барибир бормайди, деган умидда шер бўлиб:

— Марҳамат, — дедим олифталарча кучоқ кериб. Аммо кароматим чиппакка чиқди. Ёпишқоқ ташаккурона бош ирғаб изимдан эргашиди. Мен сипогарчилигимдан қаттиқ пушаймон бўлдим. Начора, энди кеч эди.

Поезд пишқириб, ҳаллослаб елгани-елган. Вагон асабий-асабий чайқалмоқда.

Биз купега кириб борганда ўртоқларим ҳали ухлашмаган экан. Юкоридаги икки жойда Бой билан Жон чўзилиб олишган. Бой аллақандай расмли журнални суқланиб томоша қилмоқда. Жон эса олиф-тагарчиликка қўтариб юрадиган қалин китобни варақлагани-варақлаган. Пастки икки жойдан бирининг эгаси менинг қўшним Бек одатдагидай алмисокдан қолган магнитофонини титкилаб ўтирибди.

Улар менинг жуфт бўлиб қолганимни кўриб, бир зум анграйиб қолишди. Мен айбдорона илжайдим.

Сўнг шеригимни ўтироққа ундай туриб, кескин
масхараомуз оҳангда:

— Танишинглар, бу киши бизнинг ошно, — дедим. Шу билан гўё келган меҳмон ҳеч бир эътиборга лойиқ эмаслигини дўстларимга ошкор қилган бўлдим.

Меҳмон ўзини тантанали учрашувда деб ҳис қилди
чони, кўйиб берса ўтирганларнинг ҳар бири билан
қучоклашадаган даражада ҳаяжонланиб, саломлашувга
тутинди.

Бой билан Жон ётган жойларидан эринибгина қўл чўзишди. Бек эса кўриша туриб, ўрнидан хиёл кўз-ғалиб қўйди ва яна ўз юмушига шўнғиб кетди.

— Бу киши — Бек, буниси — Бой, буниси — Жон, — дедим хар бир дўстимни меҳмонга кўрсатиб. Аммо шу пайт танишимнинг исмини ҳалигача билмаслигим, у ҳам меникидан беҳабарлиги лоп этиб ёдимга келди-ю, озмоз мулзам тортиб қолдим. Лекин гапимнинг охирини ўсталик билан ҳазилга буриб юбордим:

— Мен эса — ўша-ўша Қулман.

Афтидан, шу орада меҳмонимиз ҳам ўзини таниш-тирмаганини эслаб қолди шекилли, дарров ўз исмини тилга олди.

Биз халигача бир-биримизни билмаслигимизни пайкаб қолган Бой билан Жон пиқ этиб кулишди. Ишга астойдил берилиб кетган Бек эса гап нимадалигини билолмай ҳаммамизга бир-бир анграйиб чиқди.

Ажиб нусха кулгиларга кўп ҳам эътибор бермай, гўё ўзининг юз йиллик уйига киргандек бемалол жойлашиб оларкан, яғир курткасининг занжирини шигиллатиб пастга тортиб қўйди. Одатдагидай, тинимсиз илжайишда давом этди.

Орага жимлик чўкди.

Дўстларим ўзларини гирт лоқайдликка солишадиган бўлса-да, аммо меҳмон билан ғоят кизиқиб туришганини пайқаш қийин эмас эди. Хусусан, Бекнинг ахён-ахёнда бир менга, бир меҳмонга қўзини лўқ қилиши, тепада ётганларнинг хийла бесаранжомлашиб қолиши уларнинг мақсадини ойдинлаштириб турарди.

— Бу киши, — дедим мен сўйлаш учун қандайдир эҳтиёж сезиб, — кўп қийинчилик кўрибди. Уч кун олдин камокдан чикибди.

Шундай дейишим биланок юқоридаги иккала калла бараварига эгилиб, меҳмонни бош-оёқ синчиклаб кузатиб чиқишди.

Меҳмонимиз уларнинг жунбишга келиб қолишганини ўзича тушунди шекилли, худди катта юмушни тиндириб келгандай, камтарона илжайиб, мисоли саҳнадаги артистлардек, бошини уч-тўрт силкитди.

— Биз жуда инок бўлиб олдик, — деб гапда давом этдим мен. Бироқ шу лаҳзадаёқ қаршимдаги юқори жойда ётган Бойнинг ғазаб билан уюлаётган қовоқ-тумшуғига ногоҳ кўзим тушди-ю, дамим ичимга тушиб кетди. Уники камдай, Бек ҳам чакчайган кўзлари билан меҳмонга таҳдидли ишоралар қилди. Бу — унинг «йўқот манавини!» дегани эди.

Тепамда ётган Жон ҳам умумий безовталиқдан четда қолмай, уста-уст маъноли томоқ қирди.

Мен анча шошиб қолгандим. Аллақачонлар тумандек тарқаб кетган шубҳаларим қора булутларга айланиб, ваҳима билан яна бостириб кела бошлади. Ахир, манави учови аҳмоқ эмасдир? Шулар ҳам бир нарсани сезишганки, тинчини йўқотишди? Об-бо, нега ҳам бошлаб келдим-а, бу шилқимни?

Шилқим эса купедаги нохуш ҳолатдан беҳабар Бекнинг магнитофон тузатишини иштиёқ билан кузатиб ўтирарди.

— Роса қийнабди-ку, — деди у астойдил ҳамдардлик билан. — Янгимида?

Бек унга шубҳали бир қараб оларкан:

— Кўрмаяпсизми титилиб кетганини, — деди истамайгина.

Меҳмон Бекка таънали бир тикилиб олгач, менга ўтирилди. Унинг каттиқ хафа бўлгани юз-кўзидан шундоқ билиниб турарди.

Мен ҳамон ўз ёғимга ўзим қовурилиб, шубҳа-ю гумонларнинг аёвсиз хужумларидан гарангсиб турардим.

коровул бошлиқларини отиб ташлаб, қамоқхонадан қочиб кетади ва ўз севгилисининг бағрига эсон-омон етиб олади. У бахтли бўлади, у бахтли бўлади!

У охирги сўзларини оғзидан тупук сачратиб так-рорлар экан, кўзларини купенинг қоп-қора деразасига бурди. Афтидан, у бизни буткул унутган эди!

Меҳмон эхтирос билан гапириб, қарталарни яшин тезлигида аралаштираркан, назаримда, у гоҳ афсун ўқиётган жодугарга, гоҳ киноларда кўрганим — сим тўсиқлараро судралиб бораётган, кўзларида қатъий ишонч балқиб турган маҳбусга жуда-жуда ўхшаб кетарди.

Охири қартабоз чарх уриб айланаётган қарталарининг ичидан бир жуфтини олдимга ташлади-да, тинчиди-қолди.

Мен жуфтларни қизиқиш билан ағдариб кўрдим-у, ажабланганимданми ё завқим жўшиб кетганиданми ҳеелаб кулиб юбордим. Булар — ўша «ошиқ-маъшук» қарталар эди.

Шу орада ғужанак бўлиб ётган Бек у ёндан-бу ёнга маъноли ағдарилди. Мен дарҳол ўзимга келиб, сал бўлмаса «вазифам»ни унутаёзганимни сезиб қолдим.

Яна кўнглим безовталана бошлади. Қўноғимиз эса қарталарни ўз ҳолича чийлаб маъюс ўтирар, бизга кўп ҳам эътибор бермас, чамаси ниманидир кутмоқда эди!

Мен энди пайти етганини пайқаб, ёстиғимни уён-буёнга сурдим. Хайрият, имо-ишораларим зое кетмади.

— Узалмоқчимисиз? — деб кескин сўради меҳмон тўсатдан ва жилмайди. Бироқ унинг бу галги табассуми хийла синиқ ва ширасиз эди.

Мен укувсизлик билан ишшайиб пешона қашладим. Меҳмон мени бир қур кўздан ўтказди-да, чакқонлик билан ўрнидан кўзгалди.

— Бўпти, бизга рухсат энди, — деди у хайрлашувга қўл узатиб. — Раҳмат, ака, хангомалашиб келганингиз учун.

Меҳмон кетишга шайлана туриб, дўстларимга қарата:

— Кечирасизлар... — деди қуруққина қилиб.

Зум ўтмай купе эшиги шиғиллаб очилдию ёпилди. Мен турган жойимда серрайиб қолдим. Эшик ёпилиши билан Бек жойидан сакраб турди. Бой билан Жон ҳам оёқларини осилтириб олдилар.

— Уфф, кимни эргаштириб келдинг, а? — деб сўради Бек кўзини лўқ қилиб.

— Инсонпарвар, — деб тўнғиллади Жон юқоридан ихраб тушар экан.

Мен шундай таъналар тошбўрони остида яна бир қарра айбдорона илжайиб жойимга чўқдим.

— Ювуқсизнинг қип-қизил ўғрилиги башарасидан билиниб турибди-ку?! — деди аллақачондан бери тепамда қокқан қозикдай бўлиб турган Бой.

Мен ўзимни оқламоққа бир-икки ҳаракат қилгандим, улар аёвсиз қайириб ташлашди. Ноилож, дамим ичимда, миқ этмай туравердим.

— У ёлғиз эмас, — деди жиддий таҳликага туша бошлаган Бой. — Уни атай, разведкага юборишган.

Бек унга илова қилди:

— Ярамаслар, доим саёҳатчиларни пойлаб юришадими-да.

— Купега бегонани киргизманглар, деб Палончаев қанча тайинлаган эди-я... — деди Жон ҳам ўйчан бир қиёфада.

Бўлиб ўтган қўнғилсиз воқеа муҳокамаси тўртовлон ўртасида гуриллаб ёна кетди.

— Магнитофонга еб қўйгудай қаради-ей...

— Купенн зимдан кузатишини кўрдингми?

— Сенинг соатинг тилла кўриниб кетдими дейман, ҳе-хе-хе...

— Уккағар, жуда қув кўринади-я?

— Қарта чийлашига беш кетдим-да...

— Бу ҳам бир айёрлик-да...

— У ҳам ҳозир шериклари билан маслаҳат қилиб ётгандир?

— Палончаевга айтсакмикан?

— Э, қизикмисан, бир камимиз ўша жирраки бошлиғингдан сўкиш эшитишми?

— Энди нима қилсак экан-а?

Энди нима қилсак экан-а? Шубҳалар-гумонлар, ташвишли шивир-шивирлар, жиддий маслаҳатлар ярим соатча чўзилди.

Мен ҳам уч-куйруғи йўқ хавотирлар чангалида, мик этмай, игна устида ўтиргандай ўтирар, дўстларимга умидвор тикилар эдим.

Нихоят, маслаҳатлар пишди. Биз шу тунда муқаррар хужум қиладиган босқинчилар билан беомон олишувга қарор қилдик.

Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганди.

Биз ёстикларимиз тагига ичимликлардан бўшаган тўрт-беш шишани бостириб, жой-жойимизга омонатгина чўзилдик. Аммо уйқу қаёқда, дейсиз. Хийла пайтгача ўғрилар, талончилар, қотилликлар ҳақида гурунглашиб ётдик.

Поезд вишиллаб, ҳаллослаб елгани-елган. «Темир туёқлар»нинг тарақа-туруқи ҳориган вужудларни баттар ҳоритиб, асабларни раҳмсиз эговлайди. Дераза орти зим-зиё зулмат. Поезд ҳойнаҳой улкан бир даштлик бўйлаб кетиб борар эди.

Менинг ниҳоятда чекким келарди. Шерикларим таҳликада тўлғана-тўлғана жимиб қолишди. Афғидан, сал-пал мизғиётган бўлишса керак.

Мен охири чидай олмай ўрнимдан турдим. Сигарет қутимни, гугуртимни пайпаслаб топдим-да, ташқарига чиқмоққа шайландим. Кўнглим алланечук хижилликка тўлиб турарди.

Купе эшигини шифиллатиб очганимда дўстларим дархол бирин-кетин бош кўтаришди. Мен кулги билан уларни тинчлантирган бўлдим.

Вагон йўлагига ҳеч ким кўринмасди.

Мен тамбур томон йўналдим...

Ногоҳ унга кўзим тушдию, қаттиқ сесканиб кетдим.

У яна ўша ўзининг ипирисқи бурчагига чўнқайиб ўтирар, кўзлари бир нуқтага — ўз қўли билан оққа бўяган ўша тамбур «девори»га маъюс қадалганди.

Ажиб нусха мени кўрмади. Ё кўрса ҳам заррача эътибор бермади...

Мен тамбурда бир зум каловланиб тургач, бу ерда чекиш хийла ўнғайсизлигини англаб, секин изимга қайтдим.

Беихтиёр унга яна кўзим тушди. У ҳамон чўнқайиб ўтирар, ўша бўялган жойга толиқмай тикилар эди. Ажиб нусха худди шу ўтиришида қушга ўхшарди. Ҳа, бахайбат, мағрур қушга ўхшар эди! У, назаримда, ўзининг бепоён оқлик ўлкаси томон мангу парвозга шайланаётгандай туюлди.

Поезд ўкириб шиддат билан елиб борар эди.

АДАШГАН БОЛА

Болалар шўх-шодон қийқириклар билан Миллий боғ дарвозасидан кира бошлашди.

— Яна бир бор такрорлайман, шовқин-сурон кўтарманглар, тартиб-интизом сақлансин! — деди муаллима Элмира Зуфаровна ўқувчиларни бирма-бир кўздан кечирар экан.

Шу пайт ногоҳ электр симини ушлаб олгандай аъзойи бадани жимирлаб, тиззалари бўшашиб кетди: тўпда битта бола йўқ!

«Бўлиши мумкин эмас», — хаёлидан ўтказди муаллима теваракка жонсарақ алангларкан. Сўнг ўқувчиларини яна қайта назардан ўтказди. Биттама-битта санади. Ҳа, шўри қуригани рост, гуруҳда чиндан ҳам битта бола йўқ.

«Нусрат кўринмаяпти, Карамхонов Нусрат!» — хаёлан бўзлаб юборди муаллима. Кўз олди тиниб, боши айланиб кетди. Хадик-хаяжондан томоқлари қурқшаб қолди. Хайрият, қўшни синф раҳбари — ёш ўқитувчи Шахло Салимова ёнида экан.

— Элмира опа, сизга нима бўлди? — деб сўради хавотирланиб, — рангингиз оқариб, безовталаниб қолдингиз?

— Шахло, менинг бир ўқувчим кўринмаяпти, Нусратбек.

Ёш муаллима ҳам саросималаниб у ён-бу ёнга кўз ташлади, ўзича болаларни кўздан кечирган бўлди.

— Ҳа, ўша ўқувчингиз йўқ, — деди у ҳам бўшашган кўйи.

Элмира Зуфаровна фаол ўқувчилардан икки-учтасини ёнига чақириб Карамхоновни суриштирди. Бирок улар ҳам жўяли бирор гап айтишолмади. Жавдирабгина елка қисиб кўйишди.

— Шахлохон, — деди Элмира Зуфаровна, — Нусрат менимча музейда қолиб кетган. Илтимос, сиз болаларга қараб турсангиз, мен тезгина ўша ёққа бориб келай.

— Хўп, Элмира опа, шундай қилганингиз тузук.

Муаллима шоша-пиша киракаш машиналардан бирини тўхтатиб, ховлиққан кўйи ўзини орқа ўриндикқа ташлади.

Элмира Зуфаровна — куйинчак, ўз касбига меҳри баланд муаллима. Қуруқ дастур бўйича нари-бери дарс ўтибгина кўйишни ўзига эп кўрмайди. Ўқувчиларини гоҳ у, гоҳ бу музейларга, тарихий жойларга тез-тез экскурсияга олиб бориб туради. Бу шанба ҳам худди шундай бўлди. Шахлохон иккаласи маслаҳатлашиб, болаларни Марказий хиёбонга олиб чиқишганди. Аввал Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалини зиёрат қилишди, сўнг янгигина бунёд этилган Мажлислар Саройини бориб кўришди. Ўқувчилар кўзидаги ҳайрат-ҳаяжон Элмира Зуфаровнанинг завкига завқ, ғайратига ғайрат қўшарди. У эринмай, содда ва қизиқарли бир тарзда болакайларга маълумотлар берарди. Улуғвор Сарой билан танишишгач, муаллималар Темурийлар тарихи музейига йўл бошлашди. Болалар чуғурчуқлардек чуғурлашиб кўрганлари ва эшитганларини муҳокама қилишарди.

— Энди Миллий боғни сайр этиб, дам оламиз! — деб эълон қилди Элмира Зуфаровна музейдан чиқишгач.

Бу таклиф жажжи ўфил-қизларни беҳад қувонтирди. Қувноқ қийқириқлар билан автобусга чиқиб, маълуму машҳур гўшага отланишди.

Афсуски, кутилмаганда мана бундай ташвиш оёк остидан чиқиб қолди.

«Хаммасига ўзим айборман, ўзим, — дея ўйларди муаллима ич-этини еб, — болаларни назаримдан қочирдим. Нусрат ё музейда қолиб кетган, ё автобусдан тушолмай қолган...»

Нусрат Карамхонов — аълочи ўқувчилардан. Хамма нарсага қизиқади. Мана шу сайр чоғи ҳам устозини холи-жонига қўймай гоҳ у-гоҳ бу нарсани сўраб чарчамади.

«Ё худо, ўзинг шарманда қилма», — дея хаёлан илтижо қилди Элмира Зуфаровна, машина ойнасидан теваракка жонсарақ термиларкан.

Улар бир зумда Марказий хиёбонга етиб келишди. Муаллима шоша-пиша машинадан тушиб бир зум тараддулланиб қолди. Шу чоғ Темурийлар музейи томон элтувчи йўлка бўйидаги ўриндикда қандайдир китобни варақлаб ўтирган, афт-ангоридан талабага ўхшаш йигитга кўзи тушди.

— Кечирасиз, укажон, — деди Элмира Зуфаровна унга яқин бориб, — шу атрофда кичкина бир болага кўзингиз тушмадими?

— Қанақа бола?

Муаллима шоша-пиша Нусратнинг таърифини келтирган бўлди.

— Ҳа, кўрдим, — деди талаба бир зум ўйланиб тургач, — музейдан чиқиб Соҳибқирон Амир Темур хайкали ёнига борди, сўнг мана бу Сайлгоҳ кўчаси бўйлаб кетди.

— Рахмат, — деди муаллима, талаба кўрсатган томон югургилаб жўнаркан.

Кўркам, равон Сайлгоҳ кўчаси баҳор офтобининг илиқ нурларига чулганган. Теварак алланечук осуда.

Элмира Зуфаровна юрак ховучлаб атрофига диққат билан кўз югуртирган кўйи кўчанинг нариги бошигача борди. Бирок Нусратдан дарак йўқ. Сўнг автобуслар тўхтаб ўтадиган бекат томон юрди.

— Кечирасиз, опа, — деди муаллима газета-журналлар сотувчи аёлга юзланиб, — шу атрофда бир болакайга кўзингиз тушмадими?

Аёл ҳам бир зум ўйчан туриб қолди. Сўнг юзлари ёришиб деди.

— Қўрдим, корачадан келган, қўзлари катта-катта болами?

— Ҳа.

— У бола ўттиз еттинчи автобусга ўтириб кетди.

Элмира Зуфаровнанинг юраги қувончдан ҳапкириб кетди. «Ўттиз еттинчи автобус биз томон юради-ку! Демак у уйга кетибди!»

Лекин муаллима барибир хотиржам тортмади. Ки-ракаш машина тўхтатиб, маҳалла томон жўнади.

Кенг-равон кўчалар серқатнов. Турли-туман машиналар турли томонга шитоб билан елишади. Йўлкаларда, бекатларда одамлар ғужғон ўйнайди. Баланд-баланд иморатларнинг нақшинкор куббаларида қуёш нурлари зардек товланади.

Элмира Зуфаровна ўтирган машина қўп ўтмай таниш маҳалла кўчасига бурилди. Шу пайт муаллима Нусратни кўриб қолди! У шўхчан ирғишлаб мактаб ховлисига кириб борарди.

— Илтимос, шу ерда тўхтатиб юборинг, — деди муаллима хайдовчига.

Машина охиста тўхтади. Элмира Зуфаровна машинадан тушаган захоти беихтиёр кичкириб юборди.

— Нусрат! Нусратжон!

Бола ялт этиб товуш келган томон қаради. Юз-кўзларига қувонч қалкиб чиқди.

— Устоз!

Улар бир-бирига пешвоз юришди.

— Кечиринг устоз, музейда адашиб, қолиб кетибман.

— Сен мени кечир, ўғлим, — деди Элмира Зуфаровна Нусратнинг елкаларидан қучаркан. Сўнг секин сўради, — сен қандай қилиб бекатга чиқиб олдинг?

Ўқувчи устозига худди ажаблангандек қаради:

— Устоз, ўзингиз кимки Соҳибкирон Амир Темур кўрсатган йўлдан юрса сира адашмайди, дегандингиз-ку! Мен ҳам аввал бобомиз ҳайкали ёнига бордим.

— Тез бўл, кутиб қолмайлик. Э, айтганча...

— Яна нима гап?

Хасан сирли бир сасда шивирлаган бўлди.

— Майсара ҳам келади...

Шерқўзининг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Кўз ўнгида кулча юз, олма ёноқ, узун кокил қиз лип-лип жонланди. Майсара! Шерқўзи уни таҳсилнинг илк кунларидаёқ севиб қолган эди! Сабокларга ҳам аслида шу қизни деб борарди. Ногоҳ Майсара келмай қолса, ўша куни йигитнинг назарида бутун олам хувуллаб қолгандай туюларди. Қиз ҳам Шерқўзига бефарқ эмас экан! Кейинчалик, иккови ҳамманинг хавасини келтириб, қўл ушлашиб юрадиган, сирли-сирли шивирлашадиган, дарс пайтлари ҳам кўз уриштириб, имо-ишоралар билан гаплашиб тўймайдиган бўлишди.

Майсара! Димоғига аллақандай хушбўй ифор урилгандай бўлди йигитнинг. Юз-кўзларини муздеккина майин бир дашт эпкини силаб ўтгандай туюлди. Юрагида лаззатли бир изтироб қўзғалди.

Шерқўзи ғалати ҳислар оғушида анча пайт туриб қолди. Сўнг бошдан-оёқ акслантирадиган кўзгуга юзланди. Қимматбаҳо либослари ўзига ярашиқ, сочлари силлиқ, калта орасталанган, ўрта бўй, хушбичим, хушсурат, ўттиз ёшдан эндигина оловдай сачраб ўтган йигит жиддий тикилиб турарди.

Ўз қиёфасидан Шерқўзининг кўнгли тўлди. Сипо одимлар билан ховлига чиқди. Кумуш тусда товланиб турган автомобиль томон юрди.

«Ичкилик бўлиши аниқ. Яхшиси, машинасиз борганим маъқул», туйқус хаёлидан ўтди унинг.

Шерқўзи серкатнов кўчага чиқди. Хаёлида яна Майсара жонланди.

Ўқишни битирган йили уйланиш масаласи ўртага чиқди.

«Бир курсдош қизни севаман, ўшанга уйланмоқчиман», — дея янгаси орқали ота-онасига билдирган бўлди Шерқўзи.

Хар гал болаларининг кўнглига қарайдиган ота бу сафар тўнини тескари кийди.

«Сен айтган қиз нариги мамлакатда яшаркан-ку», — деди у кечки овкат устида қовоқ уйиб, — энди бир камим чегарачиларга сарғайиб юришим қолдим, йўқ, бўлмайди, узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши, шу атрофдан бирортасини танла».

Шерқўзи отасига эътироз билдира олмади. Орадан уч-тўрт кун ўтиб онасию аммаларининг қийин-қистови билан қиз кўргани борди. Шаҳардаги катта бир амалдорнинг арзандаси экан.

«Майли, ёқмаса, унга уйланмайсан, аввал сен бир кўргин», — деб зорланди онаси.

Шерқўзи шу тахлит Нодира билан учрашди ва... кутилмаганда қиз унга ёқиб қолди. Гўзал, ҳаёли, устига-устак, нуфузли хонадондан, тагин нима керак.

Йигит гўё сеҳрланиб қолгандай бўлди. Беихтиёр Нодирага уйланишга розилик бериб юборди. Тўйга таклиф этилган собиқ ҳамсабоқлар хангу манг бўлиб қолишди. Улар Шерқўзининг Майсарага уйланишини аллақачон башорат қилиб қўйишганди.

Кўпгина ҳамсабоқлар Шерқўзини номардликда, хиёнаткорликда айблаб, ўз нафратларини намойиши сифатида тўйга келишдан бош тортишди.

«Нима гап ўзи? Ё Майсара билан уришиб қолдингми? — деб сўради Хасан чинакамига ажабланиб, чинакамига қуйиниб, — очигини айт».

«Уришиб қолганимиз йўқ... лекин... оила қуришга ваъдалашганимиз ҳам йўқ», — деди Шерқўзи қуруқкина қилиб.

Рост, улар маълуму машҳур ошиқ-маъшукларга хос аҳду паймон қилишмаган эди.

Тўғри, Шерқўзи овлоқ окшомларнинг бирида, қуюқ дарахтзорда висоллашиб ўтиришган пайт, қони қизиб, юраги тошиб, шивирлашга тутинди.

«Диплом олган кунимизоқ сизникига совчи юбораман. Бир умр бирга...»

Майсара туйқус ўрнидан ирғиб турди. Эхтиросли сўзлари бўғзида қолган Шерқўзи унга ажабланиб тикилди.

«Майсара, нега аччиғланыпсиз, ё, гапларимга ишонмаяпсизми?»

«Тиш-ш... — Қиз танतिकлик билан йигитнинг лабларига охиста кафт босди, — олдиндан ваъдалашмайлик, ахир, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Кейин бир умр қийналиб юрамиз».

Нодира билан унаштирилган куни Шерқўзи Майсаранинг чинакам оқила қиз эканлигига яна бир қарра тан берди. Аммо уни тўйга таклиф этишга ийманди. Бу қилиғи ошқора сурбетлик, ҳақорат бўлишини йигит тушунди. Бироқ тантанали базм бошланишидан бир кун аввал Ҳасан унинг қўлига шапалоқдеккина таклифнома тутқазиб кетди. Бу Майсарадан эди! Ўша куни унинг ҳам тўйи тайинланган экан! Шерқўзи аввалига ишонмади, кимдир найранг қияпти, деган ҳаёлга борди. Синчиклаб қараб Майсаранинг хусниҳатини таниб, таклифнома ҳақиқий эканлигига иқрор бўлди.

«Бахтли бўл, Майсара!» — ич-ичидан хитоб қилди у. Қўнглини қоплаб ётган хижиллик бироз тарқагандек бўлди.

Тўй тантанали ўтди. Келинга қўшилиб Шерқўзилар хонадонига фаровонлик, ҳаловат кириб келди.

Нодира бой-бадавлат, нуфузли оилада ўсган арзанда тантиқ қизга сира ўхшамас эди. Одоб-ахлоқда, бекалигу пазандаликда тенгсиз чиқиб қолди. Буёғи, қайнота ҳам куёвини қўллаб, тузуккина амалга жойлаб қўйди. Ёшлар никоҳига бир йил тўлиши муносабати баҳонасида уларга уч хонали уй ҳадя қилди.

Шерқўзи бахт-икболдан сармаст эди. Бу сартмастлик ўй-хаёлларидан Майсарани тезда қувиб чиқарди. Нодира ширингина кизалоқ туғиб берганидан сўнг эса оиласига буткул боғланди қолди. Шерқўзи иш ва рўзғор ташвишларига буткул сингиб кетди. Вақт замон чархпалагида шошқин-тошқин, шу баробарида, хуш-

хандон айланарди. Майсара унинг учун шунчаки олис бир ўтмишга айланиб қолди.

Мана бугун Хасандан Майсара ҳақида эшитдию аъзойи баданига ажиб ҳарорат таралди. Гўё кул остида қолган чўғ қайта алангалангандай бўлди. Нега?! Бу қандай сиру синоат? Ахир аёл зотидан олиш мумкин бўлган ҳамма нарсани Нодирадан топди-ку? Бир йигитнинг бахти шу эмасми?

Киракаш машинанинг орка ўриндиғида ястаниб ўтирган Шерқўзи шундай хаёллар оғушида тайинланган манзилга етиб келганини сезмай қолди.

Соҳир, салкин куз окшомларидан бири эди. Шаҳар коп-қора чодрасига бурканиб борарди. Сассиз, шовурсиз шабададан дов-дарахтлар енгил титраб турарди. Сершовкин «Висол» ресторани сон-саноксиз чироқлардан чароғон.

Собиқ ҳамсабоқлар Шерқўзини кийқириқлар билан кутиб олишди. Шерқўзи беихтиёр кимнидир кучиб, кимларнингдир кучоғига кириб чиқа бошлади. Қизлар билан қўл бериб қизғин кўришган бўлди. Улар бир пайтлардаги шўх-шаддод, ўт-олов хурилиқолар эмас, бир-икки боланинг онаси, босиққина жувонларга айланиб улгуришган эди. Хатто, баъзилари серзарда, сершубҳа эрлари билан келишган экан. Юз-кўзларига завқ, қувонч қалққан ҳамсабоқлар даврасида улар алланечук бегонасираб туришарди.

Шерқўзи дўстлар билан дийдорлашаркан, кўз қири билан кимнидир изларди. Ана у! Майсара қизлар орасида ҳамма қатори кулиб, гаплашиб турарди. Эғнидаги одмигина кулранг кофта-юбка, силлиқ тараб-турмакланган сочлари, тўлишган комати уни хийла қаримсиқ кўрсатарди. У Шерқўзининг кўришиш учун узатган қўлига кафт босаркан худди уятчан қизлардай бошини бир ёнга андак қийшайтириб «яхшимисиз», деб қўйди. Ёноқлари қизариб, кўзлари алланечук порлаб кетди.

Дастурхон тўкин эди. Барча таомлар томон интилди. Даврага одатдагидек Хасан бош-қош. Табиатан сергап, ҳазилкаш ва ҳозиржавоб бу йигит талабалик

чоғлари ҳам турли туман тадбирларга ташкилотчилик қилар, ҳамиша шошиб-сурилиб, жамоа ташвиши билан куймаланиб юрарди. Мана шу дийдорлашув маросими-ни ҳам унинг ўзи уюштирди.

Шерқўзи Ҳасаннинг ёнидан жой олди. У нозу неъматлардан татинар экан, гап-сўзлар орасида ҳам-сабоқларига бирма-бир разм солиб чиқди. Ҳаммалари ҳам ҳаёт ташвишлари залворидан эзилган, хориган, турмушлари тузукрок ўнганмаган кўринарди. Шерқўзи улардан анча ўзиб кетганини, ҳатто, айримлар унга ҳавас билан тикилаётганини пайқади. Майсара билан ҳам бир-икки кўз уриштириб олди. Қиз нигоҳларида беадок соғинч ва ҳасрат кўргандай бўлди.

— Майсара эри билан келмабдими? — деб сўради у Ҳасандан.

Ҳасан ажабланганнамо кўз пирпиратди.

— Нималар деяпсан, Майсара ҳали турмушга чиқкани йўқ.

— Қанақасига?! Тўйга таклифномани тарқатган эди-ку?

— Ҳа, уми, — Ҳасан олдидаги қадахни бир сипқориб бўшатди, — бор-йўғи бир дона эди. У ҳам бўлса сенинг номинга...

Шерқўзи дўстига чимирилиб тикилди.

— Тушунмадим...

— Донишмандсан-ку, тушуниб ол, у шунчаки... сени виждон азобидан қутқармоқчи бўлган, чунки сени виждонли деб ўйлаган...

Шу асно чилдирмаю ногоралар гумбурлаб куйқўшиқ бошланиб кетди. Гап-сўзлар эшитилмай қолди.

Шерқўзи ғалати бир ҳислар оғушида Майсара томон кўз ташлади. Қиз худди елкасига оғир юк ортилгандай эгилиб-букилиб ёнидаги дугонасининг гапларига кулоқ солган кўйи паришон бош ирғаб ўтирарди.

Биринчи қўшиқ кўнга чўзилмади. Ҳашаматли базм саройи бир зум тинчиб қолди.

Ҳасан пайтдан фойдаланиб ўрнидан турди.

— Азиз дўстлар, — деди у дастурхон атрофидагиларга бир-бир кўз ташлаб, — ҳаммангиз ҳам сезган бўлсангиз керак бугун ёнимизда бир курсдош кўринмайди.

— Виталий, — деб пичирлади кимдир.

— Ха, Виталий... дўстимиз бир йил аввал оғир касаллик туфайли оламдан ўтди...

Олис Тўрткўлдан келган Баходир беҳабар экан, шекилли, аввалига атрофга хангу манг аланглади, сўнг ёнидаги ҳамсабоққа ўгирилди.

— Йўғ-е?! Шундай бўлдимиз?! Қандай касалга чалинибди?

— Бечоранинг юраги қурибди, — деди маъюс бош чайқаб ёнидаги ҳамсабоқ.

— Юраги қурибди?

— Ха...

Хасан уларга норизо кўз ташлаб қўйди.

— Юрагимас, буйраги... Юраги қуриганлар ўлмайди, хотиржам, беғам, узоқ яшайди.

— Зўр йигит эди-да, Виталий, — деди Баходир ўйчан тебраниб Хасаннинг гапларига эътибор бермай, — гўри нурга тўлсин.

Хасан даврага юзланди.

— Кани, дўстимизни, қардош рус халкининг ода-тига мос тарзда хотирлаб қўяйлик.

Хамсабоқлар қадахларини яна қўлга олишди.

Шу асно яна гумбурлаб қуй-қўшиқ бошланди. Йигитлардан кимдир лапанглаб ўртага чикди. Шох ташлаб ўйноқлаган қўйи кизлардан бирининг қўлидан тортди. Давра қийқириб юборди.

Шерқўзи ширакайф эди. Зимдан Майсарани кузатарди. Бирор баҳона билан кизга яқинлашишни чама-ларди.

Бир пайт кимдир Майсаранинг илкидан тортқилаб уни рақсга ундади. Майсара ўрнидан тураётиб ёнидаги дугонасини ҳам қўлтиклаб олди.

Шўх, ўйноки мусика авжида эди. Дастурхон теграсида қолган яккам-дуккам хамсабоқлар қийқиришар, зўр бериб қарсак чалишар эди.

Шерқўзи стулларни нари-бери суриб ўрнидан турди. Қўлларини хавода тўлғаб, ўйноқлаб Майсарага яқинлашди.

— Яхшимисиз?

Майсара шовқин-суронда ҳеч нарса эшитмаган бўлса-да, йигитнинг лаб ҳаракатларидан не деганини пайқади шекилли, жилмайган қўйи бош тебратиб қўйди.

Уларнинг рақси қўп ҳам қовушмади. Айниқса, Майсара тобора тисарилиб, жойига қайтиб ўтиришга чоғланарди.

— Юринг, бирпас тоза ҳавога чиқамиз, — деди қиз томон энгашиб Шерқўзи.

Майсара бош ирғади.

— Хўп. Бир сония, сумкамни олволай.

У илдам бориб стул қиррасига осиглиқ чарм жилдли сумкачани елкасига осиб олди.

Шовқин-сурон, жазава оғушидаги давра уларга эътибор бермади.

Вакт алламаҳал бўлиб қолган эди. Шаҳар қоронғиликка қоришиб ётарди. Унда-мунда ёниб турган неон чироклар ҳорғин ва хира милтирарди.

Улар мрамар қопламали нақшинкор айвонга чиқишди. Ҳар иккиси ҳам неларнидир хуркитиб юборишдан чўчиётган болалардек оҳиста, эҳтиёткорона қадам ташлашарди.

— Ишляяпсизми? — деб сўради Шерқўзи.

Майсара хаёлчан бош ирғади.

— Ҳа. Қишлоғимиздаги мактабда дарс беряпман.

— Сиз мендан хафасиз-а?

— Нега?! — Майсара ялт этиб унга қўз ташлади, сўнг айвон чироғи теварагида чарх ураётган парвонага тикилиб қолди, — орамизда хафагарчиликка арзигулик ҳеч нарса бўлмади-ку. Ҳаммамиз ўз йўлимиздан кетдик, холос.

Шерқўзи силлиқ ва совуқ, қоқ ўртасидан дарз кетган мрамар тўсинга суянди.

— Ҳаммаси кутилмаганда юз берди. Худди жодуланган одамга ўхшаб қолдим.

— Сизнинг нолишга ҳақингиз йўк. Кўриб турибмиз, ҳали ҳам чақмоқдай йигитсиз. Курсдошларнинг кўписи ҳалитдан чарчаб қолибди.

— Раҳмат, — деб ғудранди Шерқўзи.

У ўзини ғам-ғуссали кўрсатишга тиришаётган бўлсада, қизнинг эътирофидан беихтиёр яйраб, юзига одатдагидек мамнуният қалқиб чиқди. Аммо худди неларнидир қидираётгандай қоронғилик қаърига термилиб турган қиз буни пайкамади.

— Ҳа, айтганча, — деб синик жилмайди Майсара, сумкачасини титкилашга тутинаркан, — бир омонатингизни бериб қўймоқчи эдим.

— Омонат?!

— Ҳа. Мана.

Майсара елим қоғоз орасига бежиримгина жойланган бандидан бир-бирига боғланган, бир жуфт сўлиган япрокни кафтида тутиб турарди.

— Бу... — деб ғудранди Шерқўзи, бўғзига алланима тикилгандай, ялт этган чақиндан қароғлари қамашиб кетгандай бўлди.

— Ҳа, бу ўша япроқлар, — деб пичирлади Майсара.

Шерқўзи довдиради. Хотирасининг қай бир пучмоқлари ногоҳ ёришиб кетди. Ўша хилват боғдаги учрашув кўз ўнгига жонланди. Иккиси улкан дарахт соясида суҳбатлашиб ўтирарди. Шох-шаббалар орасида титрабгина турган бир жуфт япроқ туйқус Шерқўзининг эътиборини тортди: юрак шаклида эди улар!

«Майсара, буларга қаранг!» — деб юборди Шерқўзи, сўнг барглари авайлабгина юлиб олди. Қиз ҳам ҳаяжонланди. Йигит кафтига қўйган бир жуфт япроққа анча пайт ҳаёлчан тикилиб қолди.

«Чиндан ҳам юрак шаклида экан», — деб шивирлади қиз.

«Ҳа, иккимизнинг юрагимиз!» — деб энтикди Шерқўзи.

Майсара сархуш ҳислардан ял-ял яшнади. Қулди.
«Энди буларни нима қиламиз?»

У қачон, қандай уйига етиб олганини эслаёлмайди. Хотини минғирлаб, турткилаб уйғотганида қун чошгоҳ бўлганини пайқади. Боши зил-замбил эди.

«Ия, ишга бориш керак-ку!»

Шу ўй Шерқўзини ўрнидан сапчиб туришга мажбур қилди. У бошининг лўқиллаб оғришига аранг чидаб кийинар экан тунги воқеаларни бир-бир эслашга уриниб кўрди. Аммо маст-аласт даврадан, кимдир қўлтиқлаб аллақандай киракаш машинага ўтқазганидан бошқа ҳеч нарсани тузук-қурук хотирлай олмади. Ногоҳ кўз олдида Майсара жонланди.

«Ия, уни кўрдим-ку! У билан айвонда гаплашдик-ку! — ярқ этиб хаёлидан ўтган ўйдан Шерқўзи тахтадай қотиб қолди. Беихтиёр ошхонада қуймаланиб юрган хотинига қаради. — Сездимикан? Ҳойнаҳой, бирортаси аллақачон чақимчилик қилгандир».

Аммо Нодира ҳамишагидек табассум билан уни дастурхонга чорлади. Шерқўзининг иштаҳаси йўқ эди.

— Аччиқ қора қахвадан дамланг, — деб минғирлади у.

— Ҳаммаси тайёр, дадаси, келинг, ўтиринг.

Шерқўзи енгил-елпи артиниб ошхонага кирди. Қуюқ буғ таратиб турган қахвадан ҳўплади.

— Жуда зўр бўпти.

— Курсдошлар билан роса яйрабсизлар-да, а, тонгга яқин келдингиз.

— Беш йилда бир учрашдик. Ичмасанг, хафа бўлишади, — деб ўзини оқлаган бўлди Шерқўзи.

Нодира айёрона кўз қисди.

— Қизлар ҳам келишдими?

— Қанақа қизлар, ҳаммаси йўғон-йўғон аёллар.

— Баъзиларини кўриб, эски яралар тирналгандир, — деб шарақлаб кулди Нодира, — балки шунинг учун бўкиб ичгандирсиз.

Унинг кулгиси беғубор, беозор эди! Унинг кулгиси бахтиёрликка лиммо-лим эди. Шерқўзи беихтиёр гуноҳкорона бош эгди. Дастурхондан ул-бул тотинган бўлди.

— Маза қилдим, раҳмат, энди ишга, — у шундай деб ўрнидан турди.

Кўчалик кийимларини кия бошлади. Шу пайт... шу пайт юраги шув этиб кетди. Ишонқирамай чўнтаklarини қайта-қайта пайпаслаб чиқди.

«Йўқ! Хужжатларим йўқ!» — ич-ичида хайкириб юборди у.

Хонанинг у ёқ-бу ёғини синчиклаб кўздан кечирди. Киши билмас ҳовлига чиқиб, машинаси салонини текширди. Аммо хужжатларини топа олмади. Хотинидан сўрашга ботинолмади. Гап-сўз кўпайиб қайнотанинг кулоғига етиб боришидан чўчиди.

Шерқўзи бўшашган кўйи даҳлиздаги курсига ўтириб қолди. Сочларини ғижимлаб ҳамма-ҳаммасини эслаб кўришга уринди.

Ҳовлига чиқди, машинасини ёнида ўйланиб қолди, ичкилик бўлишини сизди, таксида кетди, аммо аниқ эсида, машинаси хужжатлари, хизмат гувоҳномаси қўйин чўнтагида эди! Бирор баҳона билан кўз-кўз қилиб ҳамсабоқларига машинаси борлигини ими-жимиди билдириб қўйишни мўлжаллаган эди.

Шерқўзи илинж билан Ҳасанга кўнғироқ қилди. Таъби тирриклигидан гапни чўзмай, дарров муддаога кўчди.

— Хужжатларим йўқолиб қолди.

— Қанақа хужжатлар?

— Техталон, права... яна хизмат гувоҳномам...

— Балки бирор ерга қўйгандирсан? Ахир машина-сиз бординг-ку.

— Аниқ эсимда, хужжатлар қўйин чўнтагимда эди.

— Билмадим, — деди Ҳасан ҳам бўшашиб, — мен сизлардан анча олдин қайтдим. Майсара билан Гулнора, кетамиз деб ҳоли жонимга қўйишмади. Уларни манзил-манзилига ташлаб қўйишга мажбур бўлдим.

— Энди нима қилдим-а?..

— Билмадим... айтганча, Майсара билан айвонда шивирлашиб турган экансизлар, қалай, кўз ёш тўкиб олдиларингми?

Дўстининг маслаҳати Шерқўзига маъқул туюлди. Кечга яқин ишдан қайтар маҳал ўша ресторан атрофидаги кўзга кўринарли жойларга уч-тўрт эълон ёпиштириб чиқди. Лекин барибир дили хуфтон эди. Чунки ҳужжатлар топилмаган тақдирда уларни қайта тиклаш учун хийла оворай сарсон, хийла чиқимдор бўлиши тайин эди.

«Айниқса, хизмат гувоҳномамни, — деб ўйлади Шерқўзи юраклари увишиб, — анави бошлиқ Шомуродовнинг кўзига қандай қарайман. Гувоҳномани топшираётган пайт ўзларинг йўқолсаларинг ҳам майли, аммо-лекин бу ҳужжат ҳеч қачон йўқолмасин, деб қатъий тайинлаган эди. Агар аҳвол унинг қулоғига етиб борса борми... сўраб-суриштириб ўтирмай, ишдан ҳайдаб юбориши ҳам мумкин».

Орадан икки кун ўтди. Аммо шу икки кун Шерқўзига икки асрдай туюлди. Ўзини қўярга жой тополмайди. Жонсарак юрди. Эртаю кеч эс-хуши ҳужжатларида бўлди.

Машина гаражга қантариб қўйилди. Хизматга киракаш уловларда қатнай бошлади. Ҳамиша ўз машинасида қақайиб юрган одамга қийин бўларкан. Худди хумори босилмаган кашандадай гарангсиб юрарди. Бу ёғи майлику-я, аммо ҳар гал идорага кириб-чиқаётган пайт Шерқўзининг ичидан қиринди ўтади: ишқилиб, бирортаси ҳужжат сўраб қолмасин-да. Хайрият, ўтган уч кун ҳам идора бўсағасида таниш йигит посбонлик қилди.

«Токайгача бундай қийпанглаб юраман? — деб ўйлади Шерқўзи иштаҳасизлик билан нонуштага ўтираркан — тезроқ тиклашим керак ҳужжатларни, энди топилишидан умид йўқ. Бугуноқ раҳбарларга гувоҳномам йўқолганини айтаман, кейин ДАН бошқармасига бориб келаман, бирор таниш топиб гаплашаман».

Шу пайт телефон бўғик жиринглаб қолди. Шерқўзи шоша-пиша гўшакни кўтарди.

— Ал-ё, эшитаман.

— Эълон берган экансиз, шу бўйича қўнғирок қиялпман, — деди аллақандай дағал товуш.

— Ҳа, эълон берганман, нарсаларим йўқолган!

— Нарсаларингиз менда.

— Илтимос... — Шерқўзи ошкора ялинишга ўтди, — уларни қайтарсангиз, хизматингизга мукофот нақд.

— Арзимас нарсалар-ку.

Шерқўзи беихтиёр кичкириб юборди.

— Қанақасига арзимас! Улар мен учун хаёт-мамот масаласи! Ўзингиз ҳам билиб турибсиз.

— Биламан... тушунаман.

— Тушунганингиз учун раҳмат.

— «Висол» ресторанини биласизми?

— Биламан. Нарсаларимни ўша жойда йўқотганман.

— Йўқолмаган, мен ўғирлаб олганман.

— Ҳа, энди... — деб чайналди Шерқўзи, — адашишлар бўп туради.

— Ҳа, ростдан ҳам адашибман. Бир даста пул деб ўйлабман.

— Пул керак бўлса, марҳамат, бераман, нарсаларимни қайтарсангиз.

— Ярим соатдан сўнг ўша ерда учрашамиз.

— Айтганча...

Шерқўзи гапини тугата олмади. Туйқус алоқа узилди.

Шерқўзи хануз «дуд-дуд»лаб турган гўшакка ўйчан тикилди: «Сурбет, қўпол нусхага ўхшайди. Қанча тўлов хоҳлашини сўрамоқчи эдим, кулоқ солмади. Жа-а ўзига бино қўйганлардан экан».

Шерқўзи наридан-бери кийиниб кўчага отилди.

Куз офтоби эринчоқлик билан нур сочар эди. Чор атроф алланечук сарғиш, олов тусда товланади. Кўча-кўй гавжум. Автоуловлар одатдагидек чинкириб елади.

Шерқўзи баланд бўйли, қорамағиз йигитни бир кўришдаёқ таниди.

«Худди шу мени машинага ўтказиб юборганди» — лип этиб хаёлидан ўтди унинг.

Йигит ресторан биқинидаги, қуюк дарахтзор пана-
сидаги ўриндикда сигарет тутатган қўйи оёқ чалишти-
риб ўтирарди.

— Салом, — деб бош ирғади Шерқўзи шоша-пиша
яқинлашаркан.

У нописанд бош тебратиб қўйди.

— Эълон берган сизми?

— Ха, — деди Шерқўзи йигитнинг ёнига ўтираркан.

Йигит сигарет сўриб, оғиз-бурнидан қуюк дуд чи-
карди.

— Нимангиз йўқолган эди?

— Машинанинг техталони, правам, хизмат гувоҳ-
номам.

— Бўлдимиз? Бошқа нарса изламаяпсизми?

— Йў-ўқ, — деб қўйди Шерқўзи андак ажабла-
ниб.

— Шу нарсаларни сизга қайтариб берсам, етарлими?

— Жуда хурсанд қилардингиз, — деди Шерқўзи
ялинчок бир товушда, — мана, суюнчиси нақд.

У ён чўнтагидан бир даста пул чиқариб узатди.

— Хўп, келишдик, — деди йигит алланечук хафа
бўлгандай тумшайиб, — мана, ўша ҳужжатларингиз.

Шерқўзи ҳужжатларни қувонч билан қўлига олди.

— Раҳмат, ука.

— Мен қоидамизни бузиб сиз билан учрашиб ту-
рибман. Аслида бу мумкин эмас. Очиги, ўзимни ҳам,
шерикларимни ҳам ҳозир хавф остига қўйдим.

— Биламан ука, биламан, мардлик қилдингиз.

— Агар шу ҳужжатларни излаётганингизни билга-
нимда, сиз билан мутлақо учрашмасдим.

— Нега? Ахир... — деб ғудранди ажабланиб.

— Сиз мана бу нарсани излаяпсиз деб ўйлаб-
ман, — деди йигит ён чўнтагидан ўша ялтироқ қоғоз
қатига жойланган қўшяпрокни чиқариб, — бу сиз учун
жуда азиз бўлса керак деган хаёлга борибман. Энди
билсам... адашибман.

Шерқўзи қовжироқ қўшяпроққа сўлғин тикилиб
қолди.

козиқдек туриб қолди. Профессор, диққати ошиб, аччиқлангандек оҳангда.

— Муборак қўлингизни би-ир ушлаб қўйсак, — деди-да, лўппи қўллари-ни тепасидаги «козиқ» томон узатди.

Йигит саломлашиш эндигина эсига тушиб қолгандай, шоша-пиша биз билан қўл бериб қўришишга тушди. Мен унинг рапидадек, дағал кафтига кафт босар эканман, мулозамат юзасидан илжайиб қўйдим. Лекин нотаниш йигит илжаймади. Милтиғини елкасидан қўлига сидириб олиб, ёнимиздаги ғадир-будур харсангга ўтирар экан, гоҳ менга, гоҳ профессорга тикилишда давом этди. Очиқ гап, унинг ўткир нигоҳларига тоб бериш қийин эди. Шунинг учун ҳам биз беихтиёр кўзимизни дуч келган томонга опқочардик. Энг ғалатиси, икковимиз ҳам узатилган оёқларимизни аллақачон йиғиштириб, ҳурматли бир зот ҳузурида ўтиргандек ювош тортиб қолгандик.

— Мен вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасининг масъул ходими, — дедим гўё шафкат сўраётган туткундай, — бу киши эса... катта олим, пойтахтдан келган.

Нотаниш йигит андак мулоймашган киёфада «маъкул» дегандек бош ирғаб қўйди. Бироқ назаримда «ўрмон хўжалиги»дан бошқа ҳеч вакога тушунмади, шу сабаб менга синовчан тикилиб:

— Мехмонмисизлар? — деб сўради.

Мен қандай жавоб берсам бу турки совукка ёқишишни ўйлаб пича чайналаиб қолдим.

— Йўқ, — дедим, охири чинини айтишга бел боғлаб, — катталар махсус топшириқ билан юборишган. Шу атроф катта қўриқхона бўлади, биз шарт-шароитни ўргангани келдик.

Шўрим қисди-ёв, йигит бир зум илгаригидан баттар чакчайиб тикилиб қолди, сўнг:

— Қўриқхона... — деди димоғида масхараомуз қулиб. — Кимдан нимани қўриқлайсизлар?

Мен «ҳаммаси тушунарли-ку», деган маънода елка учуриб, мулоким табассум қилдим.

— Мен овчиман, — деди йигит, сўнг яланглик томон ияги билан ишора қилиб қўйди, — мана шу овулда яшайман...

Биз хали овулда бўлмаган эдик. Бирок:

— Жа-а, зўр жойлар экан, — дея профессор гапни илиб кетди. — Одамлари ҳам оккўнгил, меҳмондўст...

Орага пича вақт ўнғайсизлик тушди.

— Сизлар шаҳарликсизлар-а? — деб сўраб қолди, ногоҳ, овчи йигит, алланечук сергакланиб. Биз эҳтиёткорона бош иргаб қўйдик. Овчи йигит ерга ўйчан тикилди, назаримда унинг ўткир кўзлари маъюс тортиб қолгандай бўлди.

— Отамни шаҳарликлар ўлдирган, — деди у пичираб.

— Йўғ-е, қандай қилиб? — сўрадим астойдил ажабланиб.

Профессор ҳам кўзларини айбдорона пирпиратганча овчига юзланди.

— Йўғ-е, қандай қилиб?

Овчи йигит қўл силтаб:

— Э, бу узун достон, — деб қўйди. Бирок ўша «узун достон»ни гапириб бергиси келаётгани юз-кўзидан сезилиб турарди. Профессор овчи йигитнинг кайфиятини дарров илғади шекилли, яқинроқ сурилиб:

— Агар малол келмаса... айтиб беринг, — деб мингирлади.

Овчи йигит хўрсиниб бош қашлади. Сўнг, негадир, бизга эмас, гоҳ осмонга, гоҳ оёғи остидаги тошларга термилиб, ўзига-ўзи сўзлагандай «узун достон»ни бошлади...

* * *

Отам бўйи икки қулоч, қўрғошиндан қуюлгандай қорувли, қизғиш соқоли ўзига ярашган, серғайрат овчи одам эди. У учиб бораётган қушнинг кўзидан ура оладиган мерган бўлган, десам балким ишонмассиз. Лекин овулимизда ҳамма бунга иқроқ. Отамнинг ўткир кўзларига ташланиб қолмаслик учун манаман, деган

ўтмай, меҳмонлар билан гурунг чоғи, уларнинг ота-болалиги, йигитчанинг чиндан-да, дардмандлиги, ҳатто тилдан қолганлиги аён бўлди.

Ўша кеч қўноқ учун бир эчки сўйилиб, қозонга солинди, чоғроққина меҳмонхонамизга қалин кўрпалар тўшалиб, кўпдан бери олов кўрмаган печига арча ўтин ёқилди, ишқилиб, узоқ шаҳардан кеп қолган меҳмонларнинг иззати жойига қўйилди.

Ҳа, шу окшом уйимизга чинакам бир бегона рух, бегона об-ҳаво кириб келганди. Меҳмонхонамизни ота-боладан анқиётган, бизнинг димоғларга ҳали ёт бўлган, аллақандай ўткир атир ҳиди қоплаб кетди. Мен чой қуйиб узатиб ўтирарканман, меҳмонларни зимдан кузатардим. Улар тошқолоқ деворлари ғадир-будур, пас-таккина уйимизга, бурчакда осиглиқ қора чироқнинг хира ёруғига кўниколмаي, бесаранжом ўтиришарди. Касал бола, хумдай калласи тебранган кўйи гоҳ чирсиллаб ёнаётган оловни, гоҳ чироқ шуъласида аксланаётган сояларимизни анграйиб-анграйиб кузатар, онда-сонда отамнинг юзидаги, бир пайтлар айиқ билан олишувдан қолган чандикка кўрқа-писа кўз ташлаб оларди. Отаси эса, гўё тинчлантирмоқчидай, тез-тез унинг нозик, оппоқ қўлларини силаб-силаб қўярди. Назаримда, шундай кезлар, меҳмон амакининг оқ оралаган сийрак сочлари баттар оқариб, салкиган кош-қабоклари, лаб-лунжи янада осилиб кетгандай туюлди. У гоҳ ёнбошлаб, гоҳ чордана қуриб отам билан суҳбатлашар, ўзини дали-ғули кўрсатишга тиришар, аммо ҳаёллари паришон эди. Мен унинг узундан-узоқ гап-сўзларидан катта бир идоранинг хўжайини эканини, бир ташвиш сабаб тоғу тошларга қадам босганини аранг англадим. Улар аввал овулимизни, сўнгра уйимизни топгунча хўп қийналишибди. Машиналари бу ёқларга юролмай, уни овулдан ўн чақирим наридаги геологлар кўналғасида қолдиришганмиш. Бир оксоқ чўпоннинг кўмаги билан бизникини аранг топиб келишибди.

Отам, насиб этса, баҳорда қизларга сеп йиққани шаҳарга бориш тараддудида эканлигини айтганди,

меҳмон амакига жон кирди. У «тўппа-тўғри бизникига бораверинг, ўзим ҳамма хизматингизни битираман», деб чиройли костюми чўнтагидан кафтдеккина қоғоз, тилларанг, ғалати бир ручка чиқарди. Сўнг, қоғозни тиззасига қўйиб, тез-тез алланималарни ёзди-да, «мана, менинг адресим» дея отамга узатди. Отам мамнун бош ирғай-ирғай қоғозни олиб, уни ўзича узок қўздан кечирди, кейин эски, яғир телпагининг қатланган жойига қистириб қўйди. Отамнинг қилиқларини, хойнаҳой кузатиб турган бўлса керак, мен касал боланинг юпка, консиз лаблари, коқсуяк чаккалари томон чармдай чўзилиб кетганини кўрдим. Отам ҳам касал боланинг илжайганини пайкаб қолди. «Ай, шаҳарлик-а, биз тоғликларнинг ғўрлигидан куласан-а», деб ҳазиллашган бўлди. Шу бахона бўлиб меҳмон амаки ўғлининг дарди ҳақида узук-юлук гап бошлади.

Шаҳарлик боланинг бундай чалажон бўлиб қолганига ҳам роппа-роса уч йил бўлибди. Киш кунларининг бирида мактабда аллақандай касалликка қарши эмлашибди-ю, орадан чорак соат ўтар-ўтмас, бола тилдан қолиб, калласини тутиб туролмайдиган ахволга тушибди. Бу кўргиликнинг сабабини ҳеч ким аниқ айтиб беролмаганмиш. Биров ўша эм дори мсёридан ортиб кетган деса, яна аллаким, бола каттиқ қўрққан, бошқаси эса игна нозик асаб тўқималарини зарарлантирган, дея башорат қилибди.

— Даво истаб бормаган жойимиз қолмади, — деди меҳмон амаки қоп-қора дераза томон хомуш тикилиб. — Не-не профессорларнинг, азайимхон табибларнинг оstonасига бош урдик, афсус... ҳеч наф йўқ. Яқинда бир табибга учрашиб ичимиз сал ёришди, овчи тоға. Гапига қараганда, у киши бундай касалларнинг беш-олтитасини ҳеч кўрмагандай тузатиб юборган эмиш. «Қўрқманглар, айтганларимнинг ҳаммасини бажарсаларинг, болангиз булбулдай сайраб кетади», деяпти у...

Боланинг касалига худди айбдордай бош эгиб, ковоқ уюб ўтирган отамга жон кирди.

— Хўш-хўш... — деди у, — нима қилиш керак экан?

Мехмон амаки бироз жим қолди. Нозик, ингичка бармоқлари билан сийрак сочларини тароқлай-тароқлай, отамга жавдираб тикилди.

— Энди... бу ёғи сизга ҳам боғлиқ, овчи тоға, — унинг товуши тобора титраб чиқарди. — Болага тирик бўрининг иссиқ қонидан ичириш, терисини шилиб устига ёпинтириш керак экан... — у шундай дея дағ-дағ калтираётган қўлларини отам томон илтижоли чўзиб, тагин хирқиради, — «Йўқ» деманг, жон овчи тоға, доврўғингизни эшитиб, атай сизни излаб келдик, ўла-ўлгунча хизматингизда бўламан...

Отам оғир сўлиш олиб, хиёл қаддини тиклади. Хонага оғир жимлик чўкди. Бурчакда милтирабгина турган чироқ баттар хира тортгандай бўлди. Бу орада мехмон бола ёстиққа ёнбошлаб пинакка кетганди.

— Бўрини тирик тутиш қийин, — деди отам паст, хотиржам овозда.

— Ярадори ҳам бўлаверади, — деди шоша-пиша мехмон амаки. — Табибдан сўраганман, ярадори ҳам бўлаверади, ишқилиб жони чиқмаган, қони иссиқ бўлса, бас...

— Ярадор қилиш ҳам қийин, — деди отам тобора тундлашиб. — Бўри жуда зийрак хайвон.

Мехмон тагин ялинишга зўр берди:

— Энди, бир илож қилинг, жо-он, овчи тоға, ноумид қайтарманг, хизмат ҳақи хоҳлаганингиздай бўлади.

Отам қаншаридаги чандиғини қашиб анча пайт мум тишлаб ўтирди.

— Яхши, — деди ниҳоят. — Қани, тонг отсин-чи, у ёғига ҳам худо пошшо... бир гап бўлар. — Сўнг менга юзланди: — Мехмонларга ўрин-тўшак қилиб бер, болам.

Эрталаб чўчиб уйғонганимда кун хийла ёришган, дераза ортида чумчуқлар чирқиллашаётган эди. Қунишиб ташқари чиқдим. Отам ов анжомлари сақланадиган омборхонада қуймаланарди.

— Уйғондингми, — деди менга кўзи тушгач, — Қашқақоядаги бўри уяси эсингдами, сахар бориб тек-

шириб кўрдим, она бўри овга чикқан, қайтишида уриб олсак бўлади, шошилиш керак, болам.

Отам сўнгги сўзларини айтаётганда кўзларида алланечук учқунлар порлаб, бурун катаклари овчилик илхомидан титраб кетди.

Биз шошлинч йўлга отландик. Меҳмон ота-болани эшакка миндириб, ўзимиз яёв жўнадик. Чор-атроф оппоқ, қалин қор билан қопланган. Ҳаво очик. Тоғлар ортидан чарақлаб бўй кўрсатаётган баҳор қуёши нуридан қор юзаси сим-сим зардек товланади, қадалиб қараган кўзларни қамаштиради. Биз сийрак арчазорларни оралаб ўтган сўкмоқ бўйлаб юқорилаб борардик. Мен меҳмонларга, айниқса анови касал болага тез-тез кўз ташлаб қўярдим. Қалласидаги қусурини айтмаса, у сира дардманга ўхшамасди. Кўзлари чакнаганча теваракка ютоқиб термилар, эшак устидан узалган қўйи қорга беланган арча баргларини тортқилаб-тортқилаб ўйноқлар, ўзича мамнун илжаюр, ишқилиб, димоғи чоғ эди. Афтидан, у қаёққа кетаётганимизни билмас, тўғрироғи, бунга аҳамият ҳам бермасди.

Охири, бир соатдан кўпроқ йўл юргач, кўзланган манзилга, Қашкақоя этагига етиб келдик. Биздан хийла илгарилаб кетган отам чимирилган қўйи, бетоқат кутиб турарди. «Бу ёғига ҳаммамиз яёв борамиз», деди у. Мен эшакни панароқ бир арча шохига боғлаб келдим. Улкан-улкан арчалар, харсанг тошлар оралаб яна йўлга тушдик. Орадан яна чорак соатлар вақт ўтди. Бир пайт биздан беш-олти қадам илгари кетаётган отам, бирдан ёнбошлаб ўзини харсанг панасига олди, бизга ҳам «пусинглар» ишорасини қилди. Негадир унинг ранги бўзариб, кўзларига ўйчанлик соя ташлади. «Об-бо, кечикдик, — деб бош чайқади отам, биз пусиб унга яқинлашгач, — она бўри овдан қайтибди». Мен ўзим аввалдан яхши биладиган, бўри уя қурган қиялик томон пойлаб кўз югуртирдим. Ха, биздан юз, юз эллик қадам нарида, чоғроққина кунгай ялангликда кулранг бўри тумшуғини оёқларига қўйиб, хотиржам чўзилиб ётар, теварагида митти-митти тўрт боласи

бир-бирини тортқилаб ўйноқлашарди. Мен ҳам овчиликдан унча-мунча хабардорлигимдан қалтис вазиятга йўлиққанимизни англадим. Она бўрига айти маҳал ҳеч бир тарафдан яқин бориб бўлмасди! Мунча масофадан туриб аниқ нишонга олиш, амри маҳол эди. Устига-устак ёнида болалари... Бундай пайт манаман деган овчи ҳам ўқ узишга ботинолмайди. Ичи-ташим музлаб отамга ўгирилдим. Отам қаншаридаги чандигини қашлаб буткул ўйга чўмганди. Бу орада меҳмон амаки ҳам мўралаб бўриларни илғади, сўнг, ҳеч вақога тушунмай, гоҳ бизга, гоҳ теваракка қизиқсиниб аланглаб турган ўғлига имо-ишора билан, «ана, у ёққа қара», деб шипшиди. Касал бола ҳам бизга тақлидан, ҳаммамизни ташвишлантириб қўйган томон пусиб мўралади. Бирок, унинг ориқ, оппок юзига бизникидек ўйчанлик инмади, қайтам, кўзлари порлаб, илжайган қўйи томошага берилиб кетди. Ҳатто, ирғишлаб ўрнидан туриб кетишига оз қолди, отаси уни аранг панага тортди, имо-ишора билан пўписалар қилди, бу қилиғи яхши эмаслигини уқтирди.

Отам қўлидаги милтиғини обдан кўздан кечирди, белидаги узун тигли пичоғини пайпаслаб қўйди, ов хуржунини мен томон сурди. Унинг қандайдир қатъий қарорга келганини тушундим. «Қўрқма, ўғлим, хали ҳеч қачон уятга қолмаганмиз», деб қулоғимга шипшиди отам, сўнг олға эмаклаб кетди. Биз уни ҳаяжон билан кузата бошладик. Отам тағин йигирма-йигирма беш қадамлар оралиққа тошлар оралаб пусганча ўрмалаб борди. Кейин «лип» этиб ўрнидан турди-да, тўппа-тўғри бўрилар томон юрди! У милтиғини орқасига яширишга тиришарди. Отам беш-олти қадам қўяр-қўймас, она бўри бошини шахд билан қўтариб ўгирилди. Ҳатто, биз ҳам унинг отамга қаҳрли тикилган кўзларини, диккайганча пирпираётган қулоқларини яққол кўрдик. Бўричалар эса хуркишиб онасининг пинжига суқилишди. Отам бўриларни ногоҳ учратиб қолгандек, бир зум қотди-да, ўнг томондаги арчазорга ўзича қоча бошлади. Она бўри у томон қуюндай

силмай, хансираган кўйи, пўрим пўстинининг ички чўнтагидан бир даста пул чиқариб қийқирганча отамнинг бошидан сочиб юборди. Яна бир дастани ғоят чаққонлик билан менинг серямоқ чўнтагимга тикиб қўйди.

Шу пайт отамнинг коп-кора терга ботган кўйи дағдағ титрашга тушганини ногоҳ сезиб қолдим! Милтиқ, ҳалигина мен узатган сопол коса аллақачон ерпарчин бўлиб қорга қоришиб ётарди. «Ота-а!» — дея беихтиёр кичқириб юбордим бирдан ичу ташим музлаб. Аммо, отам жавоб бермади, гоҳ оёқлари остида сўнгги нафасини олаётган она бўрига, гоҳ шаҳарлик болага жавдирай-жавдирай кон сачраган қор устига беҳол ўтириб қолди. Мен илкис олға отилиб, унинг елкаларидан қучдим. «Ота-а, бизни қўрқитманг, ота!» У калин-калин лабларини қимтиб-қимтиб гапирмоқчи бўлди, бироқ уддалаёлмай қўл силтаб қўйди. Мен шунда... шунда аччиқ бир ҳақиқатни англадим: отам тилдан қолганди!

Шаҳарлик бола кўзлари баттар олайиб, беихтиёр орқага тисарилди. Сўнг, бир инграниб, ваҳима билан овул томон чопа кетди.

Меҳмон амаки ҳамон ўша қувонч қалқиб турган товушда: «Ия-ия, овчи тоға, сизга нима бўлди? Ҳазиллашманг-ей», деб отамга парвона бўла бошлади.

Мен кўз олдим қоронғилашиб унга кичқирдим: «Йўқо-о-ол, отамни едиларинг!» Беихтиёр пайпасланиб ердан милтиқни олдим. Меҳмон амаки, «ия, жиян, ўзингизни босинг, одам отишнинг жавобгарлиги бор-а?!» дея ғудраниб, қалт-қалт титраганча орқага тисарилди, кейин, ўнгланиб ўғли ортидан йўрғалаб қолди.

Мен буткул ўзимни йўқотиб, эсанкираб қолгандим. У овулга қайтишни истамасди. Ёлвориб етакламоққа чоғлансам, қўлларимни силтаб ташлаб, «ўзинг кетавер» дегандай имо-ишора қилар, харсангларнинг бирига омонатгина чўнкайиб, узоқ-узоқларга жавдираб термилар эди. Ваҳима босиб йиғлаб юбордим. Бир пайт орқамдан қадам товушлари эшитилгандай бўлди.

Карасам, уч-тўрт овулдош ховлиқиб келишяпти. Таниш одамларни кўриб, негадир, баралла хўнграб юбордим.

Улар овул оралаб ғалати киёфада орқа-олдига қарамай ўтиб бораётган ота-болани кўриб қолишган экан. Ажабланиб, сўраб-суриштиргач, бизнинг меҳмонлар эканини билишибди. Сўнг, овулдошлар, «бу ерда бир сир бор-ов», деган шубҳа билан тўппа-тўғри уйимизга боришганмиш. Энам бизнинг меҳмонларни бошлаб Қашқақояга чиқиб кетганимизни, ҳамон қайтмаганимизни, ўзи ҳам юраги хижил тортиб хавотирланаётганини айтибди. Овулдошлар ўзаро маъноли кўз уруштириб, дархол Қашқақоя томон жўнашибди.

Ўша кун икки кечга яқин чалажон отамни бир амаллаб уйга олиб келдик. Мен йўл-йўлакай узук-юлук қилиб уларга бўлган воқеани айтиб бердим. Овулдошларни ҳам алланечук ваҳима босди. Улардан бири «овчини қон тутган» деса, яна бири «ўша шаҳарлик боланинг касали юққан» лигига шама қилди.

Отам бир пайтлар чин овчилар ё қоядан учиб, ё йиртқишлар билан олишиб ўлим топишини менга уқтирар, хатто, бу хақида қизиқ-қизиқ чўпчаклар айтиб берар, бир кун келиб, ўзи ҳам шундай ажалга йўлиқишига ишониб ғурурланар эди. Бироқ, отам ўша тундаёқ қўл-оёғи тарашадек қотиб, кўрпа-тўшакка михланиб қолди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, жон берди. Мен ўшанда отамнинг, гўё қисматидан, ўлиmidан розидай, юз-кўзида алланечук табассум қотиб қолганини кўрдим...

* * *

Овчи йигит «энди тамом» дегандай бирдан жимиб қолди.

— Ҳа, ҳаёт шунақа аччиқ, — деди оғир бир сўлиш олиб профессор, гўё азадордан кўнгил сўрагандай. — Хафа бўлманг, ука...

Мен ҳам ўзимча, «ҳа, тақдир-да, тақдир», деб мингирлаб кўйдим. Лекин кўнглимнинг бир чети хирагина ёришиб турарди: чунки «узун достон» мен кўрқиб

кутгандан бошкача хотима топди. Хув, боя овчи йигит «отамни шаҳарликлар ўлдирган», дегани учун «узун дoston» давомида муқаррар бир пичоқбозликни, отишмани кутгандим. Йўқ, худога шукур, ундай бемаза бўлиб чиқмади. Шу сабаб, овчи йигитнинг кўзини шамғалат қилиб, шерикка шипшидим:

— Бу ўлимда шаҳарликлар «ни причём-ку»...

Гапим ёкмади шекилли, профессор бир чимирилиб қўйди. Сўнг қўл соатига кўз ташлаб, «кечикяпмиз» ишорасини қилди.

— Энди ука, бизга рухсат, — дедим сипогарчиликни қўлдан бермай. — Хув, сой бўйида шериклар, машина кутиб қолди.

Овчи йигит ўз хаёлларига шунчалар берилиб кетган эканки, беихтиёр, чўчиб тушди. Икковимизга уй қусираётгандай бир-бир қараб чиқди...

— Кетасизларми?

Биз бош ирғаб, ўрнимиздан кўзғалдик. Қўл-оёқлари, бели худди меникидек ҳамон зиркираб ётган бўлса керак, профессор юзларини аянчли буруштириб, ихраб юборди.

— Ҳалиги, — деди овчи йигит ўрнидан кўзғаларкан бир менга, бир шеригимга кўз ташлаб, — кўрикхона қуришларинг чинми?

Мен яна қандай жавоб овчига ёқишини билмай, чайналиб қолдим. Профессор ҳар қалай профессор-да, дарров мўлжални тўғри олди:

— Э, ҳаммаси хом гап, ука, — деди у ўзича бепарво қўл силтаб, — ҳеч ташвиш тортманг.

Овчи йигит чипша-чин ишонди, шекилли, юз-кўзида шодлик шарпалари сезилди.

Биз хайр-хўшлашиб, эҳтиёткор қадамлар билан пастга — ялангликка туша бошладик.

— Ғалати одамлар экан-а, — дедим хиринглаб.

Профессор қақир тошлар, сертикан ўт-ўланлар билан қопланган сўқмоқчадан кўз узмай, «хим-м» деб қўйди.

Ниҳоят, ялангликка эндик. Мен кўрка-писа бундан чорак соат аввал ўтирган томонимизга — қоя чўққисига

кўз ташладим. Кўз ташладиму, «ановини қаранг!», деб юбордим, беихтиёр шеригимни турткилаб. Хаёлчан кетаётган профессор бир чўчиб мен ишора қилган ёққа аланглади.

Қоя чўққисининг тик қирғоғида, туртиб чикиб турган харсанг устида овчи йигит мағрур кад кериб турарди.

— Нима бало ўзини ташламоқчими у? — дедим чинакамига хавотирланиб. Чунки унинг овчилар қандай ўлим топиши ҳақида айтганлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб турарди.

— Йў-ўқ, — деди профессор ўйчан, — овчи бизни кузатиб қўйяпти. То манзилга етгунимизча шундай тураверади у.

Биз хотиржам бурилиб йўлда давом этдик...

ТОКЧАДАГИ ТУМОР

Не-не шонли, шавкатли, зафарли ҳарбу зарбларидан кўра никоҳида биргина аёл бўлганлиги боис тарихда ёруғ ном қолдирган салжуклар султони Селем иккинчи суронли кунларнинг бирида галдаги жангу жадалга отлана туриб суюкли рафикаси Дуйгу бегимга қадим момоларидан мерос қолган, айтишларича, сирли бир тарзда жуфтларнинг муҳаббатига муҳаббат, садоқатига садоқат қўшадиган муқаддас туморни тақдим этган, аммо ўша муҳорабадан ўзи омон қайтмаган, бутун мамлакат буюк ҳукмдорга мотам тутган, Дуйгу бегим эса эрининг қурбон бўлганига ишонмай не-не аслзодалар юборган шилқим совчиларни рад этиб, охир-оқибат саройдан бош олиб чиқиб кетган, мамлакат сарҳадларида қўним топиб, шу жойда момолардан мерос ўша муқаддас туморни кўксига маҳкам босганича эрини гирёна кутган, шу алфозда ўн икки йил, умрининг сўнгги нафасигача овлоқ адирларда саросар кезиниб йўл қараган, жони чиқар пайти ҳам эрининг номини оҳиста пичирлаб, чехраси алланечук нурланиб, бутун вужудидан хушбўй хидлар таралиб турган, ривоятларга кўра, қавму қариндошлар, оқсочу

хизматкорлар мархума малика кўксида маҳкам тутган ўша муқаддас туморни уч кун урина-уринан аранг бармоқлари орасидан ажратиб олишган ва эъзозу эҳтиром ила пойтахтга жўнатишган, ўша жажжигина табаррук тумор султон саройининг энг бебаҳо мулки, илоҳий муҳаббатнинг тимсоли сифатида йиллар, асрлар бўйи кўз қорачиғидек сақланган экан.

Маҳобатли, мухташам музейнинг ориқ, сап-сарик, сийрак сочлари силлиқ таралган, бет, бўйин терилари буришган кекса ходимаси султон ва малика муҳаббати ҳақида шу тахлит ҳикоя қиларкан, товуши алланечук титраб чиқар, тевараги ойнабанд, ичи митти чироқлар ёғдусидан чароғон тоқчада қуйиб қовжираган юракдек тиришиб ётган экспонатга тез-тез ишора қилар, гоҳо, ўз айтганларини пайдар-пай таржима қилаётган толхивичдек йигитга, гоҳо ҳазин ҳикоядан ҳаяжонланиб соме қотган, кўргазмадаги қоп-қора тумор томон ихлос ва эҳтиром ила интилаётган сайёҳларга сарғиш гардишли кўзойнаги остидан саволчан-синовчан тикилар эди. Томоша талаблар тўпида тойранглаб турган кенгсойлик Тўлқин фермер ачинганнамо бош чайқаб, устма-уст уф тортиб, эҳ, аттанг деб юборди. Ходиманинг титроқ тўла товушиданми ё ўн икки кундан бери олисларда юриб, юртни қўмсаганиданми, ишқилиб, не не севги саҳналари, ишқ можаролари акс этган ҳинд киноларини кўравериш дийдаси қотиб кетган бўлишига қарамай, маҳзун муҳаббат ҳақидаги ҳикоядан у хийла таъсирланган эди. Ҳатто, қирма-қир гирёна чарх уриб юрган бева малика ҳаёлида икки-уч жонланиб, кўзларига беихтиёр ёш қалқиб чиққандай бўлди, узок бу мамлакатга бир гуруҳ тадбиркорлар билан пишлоқ ишлаб чиқариш сир-асрорларини ўрганиш мақсадида келганини ҳам, серҳашам бу музейга ҳамроҳларининг кутқусига учиб, чала-ярим кийинган сатанглари томоша қилиш илинжида кириб қолганини ҳам унутди. Эсхуши чароғон ойна остида маҳкам тутилган муштдек бўлиб ётган буюк муҳаббат, чексиз садоқат тимсолида бўлиб қолди.

«Мен шу туморни сотиб олмоқчиман», — деди у бир пайт таржимонга юзланиб.

Таржимон Тўлкинга бир зум таажжубланиб тикилиб турди-да, сўнг унинг сўзларини ходимага етказди. Қари ходима мулойим жилмайиб, вазмин бош чайқади. Чиял бозорида савдолашавериб кўзи пишиб кетган Тўлкин фермер кампирнинг табассумини, бўшашибгина бош чайкашини ўзича тушуниб баттар қизишди.

«Икки баробар ҳақ тўлайман!» — деб гувранди.

Ҳап нима ҳақда бораётганини англаган баъзи бир чет эллик сайёҳлар Тўлкин фермерга таажжубланиб тикилишар, хойнахой, юксак инсоний туйғуларни кадрлай билувчи шундай танти бойваччани кўриб туришганидан хайратланишар, ўзаро хайрихоҳ пичирлашар эди. Ҳатто, унда-мунда фотоанжомлар кенгсойлик меҳмон томон қаратилиб, бир-икки ёғду сочиб олди. Шу пайт бошқа бир музей экспонати, қошида гангиб турган пишлоқпарварлар гуруҳи раҳбари эс-хушини йиғиб олди-ю, Тўлкин фермернинг қўлидан торткилаб уни ташқарига олиб чиқди.

«Маст-паст эмасмисиз, ака, — деб ғазабини сочди раҳбар, — нима қилганингиз бу? Бутун дунёга шарманда қилдингиз-ку?»

Тўлкин ширакайф одамдай сузилди.

«Хотинимга совға қилмоқчи эдим».

«Ўша матоҳнинг нархини биласизми ўзи? Лўли аёллар тўп-тўп сотиб юрадиган туморлардан деб ўйлаясиз, шекилли».

Тўлкин фермер саросималаниб қолди. У чиндан ҳам зиёратгоҳлар теварагида хотин-халаж сотиб юрадиган, ҳар хил бало-қазодан сақлашга қафолат берувчи тақинчоқларни эслаб, ойнабанд токчадаги тумор баҳоси ҳам худди ўшаларникидай деб чамалаган эди.

«Ҳа, шундай», — деб ғудранди Тўлкин.

Раҳбарнинг фигони фалакка чиқди.

«Камида уч-тўрт миллион дўллар туради у! Анови аёл каттаконлари билан маслаҳатлашиб, бўпти, сотамиз деб қолганида нима қилардингиз, а, нима қилар-

дингиз? Ҳазиллашдим дермидингиз. Бу ерда унақа ҳазиллар кетмайди, ака. Ё сўзингизда турасиз, ё... майнавозчилик қилганингиз учун мўмайгина жарима тўлайсиз, жаримаси ҳам юз минг, икки юз минг дўл-лурдан кам эмас...»

Гуруҳ раҳбарининг лаб-даханидан учаётган бу ид-даолар бошқа пайт балки қоқ қаншарга тушган мушт-дай Тўлқиннинг кўзларидан кўкиш-яшил учқунлар сачратиб юборар, сафарга отланишган куни ташкилотчилар майда-чуйда харажатларга деб улашган, кенгсойлик тадбиркор емай-ичмай чўнтагида асраб юрган уч-тўрт тангани маҳкам чангаллаган кўйи орқасига қарамай қочиб қоларди. Аммо айнаи чоғда Тўлқин фермер худди жодулангандай кўзлари чакнаб, мийиғида илжайиб, жунунваш тебраниб турар, кўз ўнгида сершовкин, серхашам шаҳар, маҳобатли, муаззам музей эмас, бир-бирига елка тутиб кетган беҳудуд қир-адирлар, бийдай дала-дашт ястаниб кўринар, оппоқ юзига ҳасрат соя солган, қуралай кўзлари мунгли, жингил сочлари тўзғин, мотамсаро малика у томон талпинаётгандек туюлар, юрагида соғинчга, интиқ-интизорликка ўхшаш ҳислар чарх уриб айланар, тинимсиз танбех бераётган раҳбарнинг, қўлларидан торткилаб уни автобус томон етаклаётган ҳамроҳларининг гап-сўзлари ҳам қулоғига бамисли олис-олислардан, элас-элас, узук-юлуқ эшитилар эди. Сафар муддати тугаб, кечки пайт баҳайбат Боинг ўриндиқларига ястаниб ортга қайтишар экан ҳали-ҳануз ўша тилсимли, тотли туйғулар талошида тебраниб, ичу таши сержило ранглар жилвасидан ёришиб, гўёки учоқ ичида эмас, ўзи канот чиқариб, уқпар булутлар билан ўйнашиб, юлдузлар билан бўйлашиб парвоз этиб борарди.

Тун тимқора чодирини шоша-пиша йиғиб, тева-рак тиниқ тортаётган бир пайтда Тошкентга келиб қўнишди. Аэропорт ҳамишагидек гавжум. Баланд бино биқинидаги панжара ортида кутувчилар, хира кира-кашлар ғира-шира кўзга ташланади.

Тўлқин учокда тузукрок мизғий олмаган бўлса-да, ўзини тетик, бардам ҳис қилар, кўринган билан кўришгиси, қучиб ўпгиси келарди.

Кимдир уйқусираган товушда минғирлади.

«Бола-чақага арзигулик совға-салом ҳам ололмадик. Юринглар, ҳозир тўппа тўғри Отчопар бозорига бориб у-бу нарса сотиб оламиз».

«Яхши таклиф бўлдику-я, — деди кимдир қитмирларча томоқ кириб, — аммо-лекин Тўлқинбойни олиб бормаимиз. Худди музейдагидай кўтара савдо қилсалар бизга ҳеч нарса қолмайди».

Ўнгу сўлда пиқ-пиқ кулги саслари эшитилди.

Тўлқин ҳазил-хузулларга парво қилмади. У айна пайтда чиндан ҳам ўзини бой-бадавлат, қўли узун, тили узун ҳис этар, юриш-туришида, нигоҳларида алланечук виқор ва салобат шарпалари кезинарди. Шу сабабдан бўлса керак ҳамроҳлари билан Отчопар бозоридан совға-салом харид қилганида сотувчилар, тикилинч автобусга ўтириб ўз туманига жўнаганида ҳайдовчилар, бошқа йўловчилар унга ажабсиниб, қизиқсиниб қараб-қараб қўйишарди.

«Тўлқин ака, сафар сизга жуда ёқибди, — деди таниш киракаш уни туман марказидан қишлоғига элтиб қўяркан, — ўн икки кун ичида анча ўзгариб кетибсиз. Тўғриси, таниёлмай қолдим».

Жаҳонгашта фермер эътирофларга жилмайибгина бош ирғаб қўяр, кўрган-кечирганлари ҳақида одатдагидек овозини баралла қўйиб гапирса, баралла кулса, гўё шундоқкина кўз ўнгида товланиб, ороланиб турган ғоят нозик, ғоят нафис бир хилқатни чўчитиб юборадигандек, ўзи тубсиз зулмат қаърига қулайдигандек, бор бисотидан ажралиб қоладигандек туюларди.

Кўп ўтмай Кенгсой дала-дашти, баланд-паст киртепаликлар кўзга ташланиб қолди. Туйқус ҳаёлотида тағин тоғу тошлар оралаб гирёна юрган мотамсаро малика жонланди-ю, Тўлқиннинг тану жонига тотли титроқ кирди. Юраги гурс-гурс ура кетди.

ват индираётгандек туюлди. Беихтиёр қийқириб хотини томон имо-ишора қилишга чоғланди. Бироқ аёл шартта ортига бурилдию қияликдан пилдираганича эниб кетди. Тўлқин қичқириб уни тўхтатмоқчи бўлди, лекин хаяжондан қурқшаб қолган бўғзидан бор-йўғи заифгина хиркироқ ситилиб чиқди. У сафар халтасини орқалаганича жон ҳолатда қир устига интилди. Бироқ улғурмади. Тўлқин тепалик устидан хансираган кўйи кўз ташлаганда хотини аллақачон ҳовлисида куймаланиб турганини кўрди.

Балки бошқа пайт бўлганида хотинининг бешфаросатлигидан фигони фалакка чиқиб, ғазабдан тишлари қайралиб, ортидан тошлар отиб қоларди. Аммо айни чоғда... пастга пилдирабгина Матлуба эмас, неча кунки кўз ўнгида жилоланиб, жилваланиб турган хилқат сарғиш-қизғиш этақларини силкитиб гўёки нозу истигно билан ортидан чорлаб уйи томон эниб кетгандай туюлди. Юз-қўзига табассум қалқди. Юраги завқ-шавқдан хаприкди. Худди шу завқ-шавқ мавжида ҳовлисига қандай кириб борганини сезмай қолди.

— Ассалом...

Матлуба иккала қўлини ҳам кўксига қўйиб, негадир эрига эмас, унинг оёқлари остига тикилган қўйи пешвоз чиқди. Тўлқин фермер бош ирғаб алик олган бўлди. Негадир илк марта қаллиғи билан учрашувга чиққан йигитдай довдиради. Хотини илдам интилиб эрининг қўлидаги тўрва-халтани олаётган пайт ногоҳ кўзлар тўқнашдилар. Шундагина Тўлқин Матлубанинг қароғлари қувончданми, йиғиданми намикиб, хира йилтиллаб турганини пайқади.

— Яхши ўтирибсизларми, — деб қўйди у пойабзаларини ечиб ичкарига кираркан.

— Тузук...

— Болалар кўринмайди.

— Салимингиз қўзиларни хайдаб кетган, Сардор ҳали мактабдан қайтмади, йўл-йўлакай тоғамникига ҳам кириб чиқаман деганди.

— Ихтиёрингиз, — деб пичирлади Матлуба.

Тўлқин ер остида секин хотинига қараб жилмайди. Айни чоғда... қаршисида нозланиб, солланиб турган аёл неча кундан бери хаёлида жонланиб, орому тинчини ўғрилаган маликанинг ўзгинаси эканлигига сўзсиз иқрор бўлди.

ЯЛАНГОЁК

Поезд навбатдаги шахарчага судралиб кириб кел-
лаётган бир пайтда Ҳалим шўри қуриганини сезиб
қолди – туфлиси йўқ! Саккиз ойча бурун Ҳалимга
насиб этган «импорт» туфли гумдон бўлибди!

У аниқ эслайти: поезд ўша шаҳарчадан ўтганда, у билан бир бўлмада келаётган йўловчиларнинг энг кексаси узун эсноқдан сўнг: «Оғайнилар, кеч бўлиб қолди, гартак-гартак чўзилайлик», деди. Кейин... икки йўловчи ихраб-сихраб иккинчи қаватга, битта-си эса Ҳалимнинг ёнидаги пастки ўриндиққа ётди. Ҳалим ҳам шошилмасдан дам олишга ҳозирланди: одмигина костюмини бош томондаги илгакка илди, туфлисини ҳафсала билан ечиб, патнис нусха йиғма столча тагига авайлабгина қўйди. Йўқ, олдин шундоқ ҳам ялтираб турган туфлисига қўнган чанг-гардларни пуф-пуфлаб ўчирган бўлди. Сўнгра оёқ кийимини кўнгилдагидек жойлаштиргач, шимини ечишга ий-маниб, шу кўйи ўз ўрнига чўзилди. У поезд фил-диракларининг «тақа-так», «тақа-тук» овозини тинг-лаб ётиб, кўзи илинганини сезмай ҳам қолибди, бир маҳал кўзини очиб қараса, вагон деразаси фира-шира ёришган, ҳадемай манзил.

У одам кўпайиб кетмасидан ювиниб келиш ниятида шошиб ўрнидан турди ва... Халим суви қочган бод-рингдек бўшашиб, ўриндиқнинг бир чеккасига ўтириб қолди. Хўрлиги келди. Шундоққина боши устида хира ёритиб турган лампочкага хаёлчан тикилди: «балки бирортаси адашиб кийиб кетгандир?» Лекин бунинг шунчаки хом хаёллиги беш қўлдек аён-ку: бирламчи,

биронинг туфлисини адашиб кийиб кетиш учун ҳеч ким ялангоёқ юрмаса керак, иккиламчи, бу бўлмадаги учала йўловчи ҳам тамшаниб-тамшаниб хуррак отиш-моқда (ахир кийса шулар кияди-да), иннайкейин, учаласи ҳам киймадик, деганда қирқ биринчи туфли кийишар-ов, минг бир адашишган тақдирда ҳам, ўттиз саккизинчи қолипдаги...

...Бежиримгина, чиройлиқкина туфлисини яна бир бор кўз олдига келтирди-ю, йиғма столча тагига бош суқди. Бироқ ўша заҳотиёқ столчага боши «тўқ» этиб урилиб, жонҳолатда яна қаддини ростлади. Зарб кучли бўлди шекилли, пиводан бўшаган шиша тақир-туқур билан пастга қулади. Хайрият, синмади.

— Ҳа, жиян, нима шовқин? — деб тўнғиллади юқори қаватда ётган йўловчиларнинг бири.

Ҳалим ҳамон ачишиб турган чаккасини сийпалаб:

— Туфлим йўқолибди, — деди хиркироқ овозда.

— Қанақа туфлинг?

— Ўзимники-да... Қолган икки йўловчилар ҳам ғи-мирлаб қолишди.

— Ука, караб юбор-чи, сарғиш туфли жойида-микан? — деб илтимос қилди бурни сўррайган қароқчи башара киши.

— Ана, турибди... — Пастки қаватдаги хўппа семиз йўловчи эса ётган жойидаёқ тимирскиланиб, оёқ кийимининг бор-йўқлигини текширди-да, пишиллаб нариги томонга ағдарилиб олди.

— Бизникига ҳам караб қўй, жиян, — деди ўша биринчи бўлиб тўнғиллаган серажин юзли, қоп-қора амаки.

Ҳалим билинар-билинемас зарда билан минғиллади:

— Ана...

Лекин қора амаки ишонқирамади чоғи, минг азоб билан сирғалганича пастга тушди. Алланималар деб ғудраниб, энгашишга ҳафсаласи келмаганидан тик турган кўйи йиғма столча тагига разм солди. Сўнг кўнгли жойига тушиб, яна юқорига чиқишни мўлжаллаб бир ҳезланди-ю, бироқ эринчоклиги тутди: жундор

кўкракларини обдан кашлай-қашлай Ҳалимнинг ёнига ўтирди:

— Уйқунинг ҳам белига тепдинг-да, жиян.

Ҳалим унинг шикоятини деярли эшитмади: у онда сонда ўтиб-қайтаётган ярим яланғоч йўловчиларнинг оёғига паришон тикилиб ўтирарди:

«Э, энди нима қиламан-а? Хеч қурса, оёққа илиб кетадиган бошқа нарса бўлганда ҳам майли эди, энди, бошқасини сотиб олиш... чўнтакда бор-йўғи юз тангача пул бор, у хали уйга етиб боргунча етса ҳам катта гап...»

— Ўртоқлар, «Пахтаобод»га яқинлашвоммиз. Турларинг хо-о, тушадиганлар чойшабларни топширларинг...

Ҳалим шундоққина тумшуғининг тагидан шовқин солиб ўтиб кетган вагон назоратчисининг овозидан чўчиб тушди. Сўнг оғир бир сўлиш олиб, ўша ўтирган жойида мудраётган қора амакига мўлтираб қаради:

— Тоға, оёқ кийимингизни бериб туринг, ювиниб келай.

— Ол, олавер... — деб минғиллади у кўзларини ярим очиб.

Ҳалим оёғига иккита келадиган бесўнакай ботинкани «поп»иллатиб кийди-да, гандираклаб ўрнидан турди. Сўнг қўлидаги сочикни фижимлаб, вагон йўлаги бўйлаб имиллаб одимлай бошлади.

Вагон бешикдек тебранмокда.

Йўловчиларнинг кўпчилиги аллақачон уйғонишиб, ўз бўлмалари атрофида уймаланиша бошлашган. Улар хар бир оёқни диққат билан кузатиб чиқаётган ориққина, нимжонгина йигитчага ажабланиб тикилишади, баъзилари эса унинг оёғидаги қўпол ботинкага қараб «пиқ-пиқ» кулишади. Бироқ Ҳалим уларга эътибор бермайди:

«Бир кеча бошимга қўйиб ётганимда ҳам ўлмасдим. Келиб-келиб қўйган жойимни кара-я? Уф-ф, хали бир йилча ҳам кийганим йўқ эди-я, августгача кийганимда...»

... Роппа-роса бир йил тўларди. Чунки, хорижий русумли бу туфли ўтган йили августнинг бошида Ҳалимга насиб этган эди-да. Умуман, ўша саратонда Ҳалимларнинг оиласи бағрига ҳам офтоб тегди: бирламчидан, Ҳалим узоқ шаҳардаги коллежга ўз кучи билан ўқишга кириб кетди, иккиламчидан ҳарбий хизмат вақтида Қозоғистон даштларида жавлон урганини ҳисобга олмаганда, ўз райони чегарасидан чиқмаган акаси Салимга ҳам бахт кулиб боқди. У, ҳамқишлоқларининг тили билан айтганда «Чортоқ» деган жойда, катта бир курортда дам олиб қайтди».

Ўшанда дам олишдан бир кучоқ совға-саломлар билан қайтган акаси азбаройи хурсандлигидан тинмай илжайар, уй ичидагилари билан эвини келтиролмай хол-аҳвол сўрашарди. Бир маҳал Салим ўқишга кирган укасини табриклай туриб: «Сенга зўр совға бор» деди. Сўнг, хали нафасини ростлашга ҳам улгурмасдан, жомадон титкилашга тушиб кетди. Дастурхон атрофида ўтирганлар етти қават тугунга ўралган совғанинг очилишини кўзлари тўрт бўлиб кутишди. Ниҳоят, Салимнинг билинар-билинмас титраётган оппоқ, нимжон қўлчалари хали чарм хиди кетиб улгурмаган кулранг туфлини ўртага қўйди.

— Қурмагур бир магазинда талаш бўлиб ётгана-кан, — деди Салим кўрсакич бармоғи билан пешона терини сидира туриб. — Нақд қирқ беш сўмдан.

— Нима?!

Кирланиб кетган салласини ёнига қўйиб, ёнбошлаб ётган қўйи ивитилган нон устига қўнаётган пашшаларни зўр бериб ҳайдаётган ота сакраб ўрнидан туриб кетаёзди.

— Бу импортда, ота, чет элдан чиққан, — деди Салим қўлма-қўл бўлаётган туфлига ишора қилиб.

Ота норози оҳангда, лекин юмшоқкина қилиб тўн-филлади:

— Икки халта уннинг пули экан-да... Ҳалимбой, насиб бўлса андак сўнг оларди-да...

— Ана буни буюм деса бўлади, — деди Салимнинг хотини туфлини хидлаб кўриб. — Бу асли устидентнинг

қияпти! Фу, шу ҳам талаб бўлдим, керак бўлса у туфлиснинг тагида нечта «тиши» борлигигача билади.

Халим худди домласига имтиҳон топираётган талабадек хаяжон билан қўлини кўксига чалиштириб, вагоннинг шифтига тикилди:

– Менинг туфлимнинг ичида... 013 рақами бор

— Xyш?

— Ха, ха, бир пойида ўша «0» рақами умуман билинмай кетган.

Милиционер назоратчига таажжуб аралаш бир қараб олди-да:

— Яна қандай белгиси бор? — деб сўради қизиқиш билан.

— Пошнасига нафал қоқилган... ўчига мих билан...

— Яна?

— Яна-а, — Ҳалим зўр бериб туфлисининг белги-
ларини эслашга урина бошлади.

— Ҳа, топдим, топдим, чап пойининг тумшукчасида билинар-билинмас кемтикчаси бор.

Назоратчи Ҳалимнинг топқирлигига ортиқ чида-
ёлмай кулиб юборди, милиционер пиқиллаб унга қў-
шилди. Ҳалим ҳам ҳокисоргина илжайиб, четда қол-
мади.

— Ўртоқ, — деди сержант бир маҳал жиддий тортиб. Биласанми, кеча нариги вагонда нима бўлган?

Ҳалим елка қисиб, ортга қаради.

Милиционер оғзидан дуд чиқариб «нариги вагон» хикоясини бошлади.

«Кеча биттасининг икки юз сўмини ўмариб кетишибди. Сержант ўша жабранувчига: «Ока, пулингизни шу кечаёқ топиб келтириб бераман», деса кўнмабди. Қўйинг-е, шу арзимас икки қоғозни деб овора бўлиб юрасизми, ундан кўра биз билан ўтиринг, би-ир ҳангомалашамиз», дебди. Милиционер бундай мард одамни биринчи марта кўриб туриши экан, шу сабабли унинг гапини ерда қолдиришни эп кўрмай, тонг отгунча, у билан чакчақлашиб келибди. «Сен эса, — деди милиционер жабрдийдани бош-

оёқ кузатиб. — Аллақандай туфлини деб бурнингни тортганинг-тортган».

Халимнинг пешонаси терлаб кетди. У бошига тўқмоқ тушган одамдек бир зум каловланиб тургач, секин изига қайтди.

— Тўхта, хов оғайни...

Халим «ялт» этиб орқасига қаради. Назоратчи уни кўрсаткич бармоғи билан имлади:

— Ма, манавини кийиб ол.

Назоратчи купенинг бир бурчагида ётган шиппакни олиб узатди:

— Харна-да, яланг оёқ кетгандан кўра...

Сержант лукма қистирди:

— Мукофот, топқирлигинга!

— Раҳмат, — деб минғиллади Халим.

У купедан узоқлашгач, милиционер хотиржам гапирди.

— Қисталоқнинг хотирасига беш кетдим-ей...

— Зўр экан. Ботинкани кийиб юришга ҳам кўрқасан.

— Хамма белгиларини аниқ-таниқ айтиб беряпти-я!..

Паровоз ўқирганча навбатдаги бекатга кириб борарди...





МУНДАРИЖА

Бадий камолот йўли.....	3
-------------------------	---

Қиссалар

Бир томчи ёш.....	14
Қуёш хали ботмаган	56
Хизр кўрган йигит.....	207

Ҳикоялар

Чўлдан келган ташвиш.....	288
Қўноқ.....	301
Адашган бола	318
Қўш япроқ.....	322
Овчи қисмати	338
Токчадаги тумор	351
Ялангоёқ.....	359

Адабий-бадiiй нашр

ЛУҚМОН БЎРИХОН

ҚУЁШ ҲАЛИ БОТМАГАН

Мухаррир У. Турдиева

Бадiiй муҳаррир У. Сулаймонов

Техник муҳаррир Л. Хижова

Кичик муҳаррир Д. Холматова

Мусаххих Ш. Шоабдурахимова

Компьютерда тайёрловчи Б. Душанова

Нашриёт лицензияси АІ № 158.14.08.2009.

Босишга 2015 йил 5 октябрда рухсат этилди. Бичими

84x108¹/₃₂. Офсет қоғози. «Virtes Peterburg Uz»

гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма

табоғи 19,32. Нашр табоғи 19,26. Адади 2000 нусха.

Буюртма № 15-717.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston»

нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129. Тошкент,

Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz